



ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОХЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
ЎҚУВ АДАБИЁТИ

М. Н. ИСМОИЛОВ

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ГИГИЕНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги тиббиёт олий ўқув юртлари
талабалари учун дарслик сифатида
тасдиқлаган

Тошкент
Ибн Сино номидаги
нашриёт-матбаа бирлашмаси
1994

51.28

УДК 41.5.7

Тақризчи: Тошкент педиатрия тиббиёт олий билимгоҳи умумий гигиена кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор С. С. Солихұжаев.

Исмоилов М. Н.

И 81 Болалар ва үсмирлар гигиенаси: Олий үкув юртлари талабалари учун дарслік.— Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1994.— 207 б.

Сарл. олдида: Тиббиёт олий билимгоҳлари талабалари учун, үкув адабиёти.

Фойдаланилган адабиёtlар: 206 б.

Шұбы дарслік үкув дастури ва режасынға мувоғик тиббиёт олий билимгоҳининг санитария-гигиена ва педиатрия күллиётлари талабаларнага мұлжалалланған. Китобда шүннингдек болалар ва үсмирлар гигиенасынға доир мағлumatтар, болалар соғыны, касаллiliklарнинг олдники олыш, болаларнинг жисмоний ривожлалышы, үсши, күн тәртіби, татыым-тарбия ишлары гигиенаси ва шу кабилаларга оңд материаллар ҳам берилған. Дарслікдан педагогика олий билимгоҳларн талабалары ҳам фойдаланышлары мүмкін.

4105070000—029

ББК 51.28

И

354(04) — 94

© Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1994.

ISBN 5-638-01004-1

КИРИШ

Ҳозирги кунда ўзбек тилида дарсликлар яратишга катта аҳамият берилмоқда. Мазкур «Болалар ва ўсмирлар гигиенаси» дарслиги ҳам ўзбек тилида ёзилган бўлиб, уни тузиша Марказий Осиё республикаларидағи тиббиётининг барча илмий ва амалий ютуқларидан фойдаланилди. Аввало дарсликда ҳозирги замон болалар ва ўсмирлар гигиенасининг муаммоларига тегишли саволлар ёритилди. Жумладан болалар саломатлиги, касалликнинг олдини олиш, болаларнинг жисмонан ривожлаши, ударни тарбиялаш ва ўқитиш гигиенаси, жисмоний тарбиялаш ва чиниқтиришнинг гигиеник асослари, овқатланиш гигиенаси, гигиеник лойиҳалаш ва қурилиш негизлари ҳамда болалар муассасаларининг жиҳозланиши, ўсмирлар меҳнат ва ишлаб чиқариш гигиенаси, касб танлаш ва касбга тайёрлигининг врач томонидан аникланиши, болалар кийим-боши, пойабзали ва ўйинчокларига бўлган гигиеник талаблар, болаларни соғломлаштириш муассасаларининг гигиеник тадбирлари ҳамда уларнинг тиббий таъминотининг гигиеник асослари ҳақида баён этилади. Ушбу дарслик тасдиқланган ўқув дастури ва режасига асосланган бўлиб, тиббиёт олий билимгоҳларининг санитария-гигиена ва педиатрия куллиётлари талаблари учун мўлжалланган.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ГИГИЕНАСИ ФАНИ, МАҚСАДИ, МУАММО ВА ВАЗИФАЛАРИ

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси ўсиб келаётган авлоднинг соғлигини саклаш ва мустаҳкамлаш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш ҳақидаги фандир. Бу фан амалий жиҳатдан болалар саломатлигини саклаш ва мустаҳкамлаш учун санитария меъёрини ишлаб чиқади.

Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг асосий мақсади — уларнинг жисмоний ривожланишлари ва саломатликлари нинг мустаҳкамланишини таъминловчи, санитария-гигиена меъёр ва талабларига жавоб берувчи тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини, соғломлаштириш чора-тадбирларини илмий-амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ишлаб чиқишидир.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси тиббиёт фани бўлиб, ўсиб ривожланиб келаётган организмга тиббий ва ижтиёмий таъсирлар омилини, унинг ташки муҳит билан бўлган ўзаро муносабатини ўрганади. Шу асосда ташки муҳитнинг турли омилларига бўлган гигиеник талаб ва нормативларини ҳамда болалар ва ўсмирларнинг нормал функционал ривожланишлари имкониятларини янада такомиллаштириш, саломатликларини мустаҳкамлашга йўналтирилган соғломлаштириш тадбирларини йўлга кўяди.

Бошқа гигиеник фанлардан фарқли ўлароқ болалар ва ўсмирлар гигиенаси ўсиш ва ривожланиш жараёнида бўлган катталар организмидан тубдан фарқ қўйувчи бола организмига бағишлиланган. Ташки муҳит омилларини нормаллаштириш ва соғломлаштириш тадбирларини гигиеник асослаб беришда болалар ва ўсмирлар гигиенаси ўсиб келаётган организмдаги турли босқичларга хос бўлган морфологик, функционал ва психологик хусусиятларга эътибор беради. Шу боисдан ҳам болалар ва ўсмирлар гигиенаси ёшга оид гигиена дейилади.

Бола организмининг ташки муҳит омилларига бўлган сезувчанлиги катталарницидан фарқ қиласди. Болалик ҷаври 3 га бўлинади: мактаб ёшигача бўлган (7 ёшгача), ҷавр, мактаб (7—14) ёши ва ўсмирлик даври (15—18 ёш).

Бола ҳаётининг ҳар бир даврида ташки мухитнинг ҳар бир омилига организмнинг физиологик реакциялари турли даражада бўлади. Шу сабабли гигиеник нормалар ҳар бир ёш даврига мос ҳолда ўзгартирилади.

Болалар ва ўсмирлар гигиенасида меъёрлаштиришнинг асосий негизлари қуйидагича белгилаб берилган.

1. Ташки мухит омилиниң таъсири (зарурый рухсат этилган) меъёр чегарасини аниқлашнинг дастлабки шарти бўлиб, ўсиб келаётган организмнинг бутун функционал жиҳатдан тайёргарлиги ҳисобланади.

2. Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг меъёрлари доимий эмас, улар турли ёш даврларида ўзгариб туради.

3. Болалар соғлигини сақлаш ва уни мустахкамлаш билан бирга уларнинг яхши ривожланишларини таъминлашдан иборат.

Ташки мухитнинг салбий омиллари ўсиб келаётган организмнинг функционал ривожланиш жараёнига нохуш таъсир кўрсатиб, кейинчалик бу таъсир уларнинг савиаси ва саломатлигига ҳам сезилиши мумкин. Шу боисдан ташки мухитнинг ҳар бир омилини баҳолаш, унинг ўсиб келаётган организмнинг ривожланиши жараёнига бўлган таъсири асосида амалга оширилади.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси қуйидаги муаммоларни ечиш билан шуғулланади.

✓1. **Болалар ва ўсмирлар саломатлиги ва жисмоний ривожланиши.** Бу муаммо организмнинг биологик ва ижтимоий өмилларига боғлиқ бўлган ўсиш ва ривожланишнинг умумий қонунларини аниқлаш, турмушнинг турли шарт-шароитларининг болалар саломатлигига, шу жумладан жисмоний ривожланишга бўлган таъсирини, турли ёш гурухларининг касалланиш сабабларини таҳлил қилиш ҳамда болалар ва ўсмирларнинг соғлигини мўстахкамлаш тадбирларини белгилашни таъминлади.

Саломатлик ҳолатини ўрганиш кенг маънода болалар ва ўсмирлар гигиенасида мухим аҳамиятга эга бўлиб, ўсиб келаётган авлоднинг саломатлик даражасини аниқлаш, амалга оширилаётган гигиеник ва соғломлаштириш тадбирларининг самарадорлигини назорат қилиш, саломатлик ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлаб туриб гигиеник кузатишларнинг кейинги йўналишини аниқлаш имконини туғдиради.

✓2. **Болалар ва ўсмирлар фаолияти гигиенаси.** Бу муаммо турли фаолиятлар (болалар муассасаларидағи ўқиш ва меҳнат фаолияти, жисмоний тарбия, ишлаб чиқариш ва меҳнат, дам олиш ва ҳоказо)ни ўрганиш ва уларнинг гигиеник асосларини ишлаб чиқиц, болаларнинг

иш қобилиятини сақлаш ва ошириш, шунингдек, каттиқ толиқишининг олдини олиш, барча ёшдаги болалар учун күн тартибини, турли ўкув юртлари ўкувчилари учун ўкув ва ишлаб чиқариш машғулотлари тартибини тұғри тузиш билан боғлик бўлған муаммоларни ўрганиш, болалар ва ўсмирларнинг функционал ҳолати, жисмоний ривожланиш ва саломатлигининг ҳолатига жисмоний тарбия барча турларининг таъсирини ўрганиш, спорт турлари билан боғлик бўлған жароҳатланиш ва шикастла-нишларнинг олдини олиш ҳамда врачи назоратини ўрнатиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

3. Болалар ва ўсмирларнинг овқатланиш гигиенаси. Бунда овқатланишининг ўсиб келаётган организмнинг нормал ривожланиши ва саломатлиги манбай сифатидаги ўрни ҳамда унинг озиқ-овқатга бўлған эҳтиёжи ўрганилади, озиқ-овқат рационларининг меъёрлари белгилана-ди, боғча ва мактабда тұғри овқатлантириши ташкил этилади, қишлоқ хўжалик ишлари вақтида, саёҳатларда, ишлаб чиқариш шароитларида нормал овқатланиш қойда-ларини, овқатдан заҳарланишининг олдини олиш тадбирла-ри ишлаб чиқилади.

4. Атроф-муҳит гигиенаси. Бу бўлимга болалар ва ўсмирлар муассасаларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш, болалар муассасаларидаги ҳаво алмашинуви, иссиқлик ва ёруғликни етарли микдорда таъминлаш, уларни ахоли пунктларида жойлаштириш билан боғлик масалаларни, шунингдек, санитар-гигиеник ускуна-курилмалар, ўкув ва ишлаб чиқариш жиҳозлари, меҳнат куроллари, ўкув қўлланма, ўйинчок ва бошқа турдаги болаларнинг кундалик зарурий буюмларига таалукли масалаларни ҳал этиш каби вазифалар киради.

5. Болалар ва ўсмирларга тиббий-санитария хизматини кўрсатиш. Бу муаммо болалар ва ўсмирларга тиббий-санитария хизмати кўрсатишни ташкил этишининг асосий негизларини илмий асосда ўрганиш ва ишлаб чиқиш, соғломлаштириш ва юқумли касалликларга қарши чора-тадбирларни белгилаш ва ташкил этиш, шунингдек, гигиеник тарбия масалаларини кўзда тутади.

Юкорида санаб ўтилган муаммоларни ечишда гигиеник тадқикот ва кузатишларни олиб бориш услубларини тұғри танлашниң аҳамияти катта. Болалар ва ўсмирлар гигиенасида болалар ва ұдар ҳәётининг барча томонлари-ни ўсиб келаётган организмнинг биологик ва ташки шароитлар билан ўзаро таъсири ва боғлиқлигини аник-лаган ҳоллардагина назарий жиҳатдан асослаб бериш мумкин.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси биология, морфология ва физиология фанлари билан чамбарчас боғлик, морфология ва физиология эса ўз навбатида болалар ва ўсмирлар гигиенасининг тиббий-назарий асосини ташкил этади. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси болалар ва ўсмирларни ташки мұхит шароитида ўрганади, бунга эса морфологик ва физиологик методикаларни күллаш орқали ериши мүмкін.

Болалар ва ўсмирлар гигиенасида соғлом ва бемор бола организміда кечувчи функционал ўзгаришлар хусусиятлары ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади ва бундан көлиб чиққан ҳолда ўкув ишлари, күн тартиби, жисмоний тарбия ва бемор болаларни овқатлантириш нормалари белгиланади. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бошқа клиник фанлар: педиатрия, офтальмология, неврология, психиатрия, отоларингология ва бошқалар билан боғлик.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси педагогикага оид фанлар билан ҳам чамбарчас боғлик. Психология ва педагогикага оид қонун-коидаларни билиш, түшүнүш, болалар ва ўсмирларнинг ўкув, мәхнат ва ишлаб чиқариш фаoliyatlарини нормаллаштириш билан боғлик бўлган масалаларни ҳал этиш учун зарурдир.

Болалар ва ўсмирлар муассасаларини режалаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, ободонлаштириш, жиҳозлаш масалаларини тўғри ҳал этишда техникага оид фанлар ҳам катта ахамият касб этади. Биноларнинг ташки ва ички безакларини танлаш, жиҳозлаш, хоналарнинг жойлашувини тўғри ташкил этиш, улардаги ҳаво алмашинуви, ҳарорат ва ёруғлик етарли даражада бўлишини таъминлашда болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича мутахассис мухандислар маслаҳатларига ҳам амал килинади.

Мәхнат шароитларини ва ишлаб чиқариш билан боғлик мұхит омилларини меъёрлаштиришда мәхнат гигиенасининг маълумот ва ютукларидан фойдаланиш ўсмирларнинг ишлаб чиқариш гигиенаси билан боғлик бир қатор масалаларини ҳал қилиш имконини беради.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси соғликини саклаш тармоининг амалий йўналиши сифатида санитария-эпидемиология станцияларида болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича тиббиёт ходимлари, даволаш-профилактика хизматида эса шифокор педиатрлар ёрдамида амалга оширилади. Хозирги вактда бизнинг республика мизда болалар ва ўсмирлар соғлигини саклаш ва мустахкамлаш соҳасида кўплаб врач ва педиатрлар хизмат қўймоқдалар.

Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси врачининг вазифалиари. 1) Болалар ва ўсмиirlар саломатлиги ва жисмоний ривожланишини кузатиш, улардаги умумий юқумли ва юқумеиз касалликларни ўрганиш ва уларнинг олдини олиш тадбирлари;

2) болалар ва ўсмиirlар муассасасида санитария-гигиена огоҳлантириш назоратини ўрнатиш, ўкувчилар жиҳозларига, болалар учун ишлаб чиқарилган кийим-бosh, пойабзал, ўйинчоқларга хулоса бериш;

3) болалар ва ўсмиirlар муассасаларида кундалик санитария-гигиена назоратини ўтказиш, гигиена ва кун тартибига риоя қилиш ҳамда барча соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш;

4) ташкилий ишлар, турли-туман ҳужжатларни тартибга солиш, малака ошириш, буйруқларни бажариш ва янги услубларни амалда қўллаш кабилар.

Болалар гигиенасининг ривожланиши. Буюк шифокор олим Абу Али ибн Сино ўз асарларида «бола яхши, покиза шароитда ўssa, у соғлом бўлади» деб ёзган.

XIX аср ўрталаридан бошлаб болалар ва ўсмиirlар гигиенаси «мактаб гигиенаси» сифатида ривожланди. Ўша давр шифокорлари мактаб ўкувчилари орасида баъзи бир патологик ҳолатлар ва касалликларнинг (яқиндан кўриш, сколиоз, неврастения, анемия ва бошқалар) кенг тарқалганилигини аниқладилар ва бунинг сабабларини ўкиш ва яшаш шароитларининг қониқарсиз даражада эканлиги билан боғладилар.

Буларни бартараф этишга қаратилган гигиеник тавсиялар мактаб гигиенасининг ривожланишидаги дастлабки босқични ташкил этади.

Инқилобгача бўлган даврдаги мактаб гигиенаси асосан ўсиб келаётган авлоднинг мактаб ёшидаги қисмининг саломатлигини сақлаш масалаларини ҳал этишга қаратилган эди. Аммо ўша даврдаёк бу фан мактабгача ва ўсмиirlик ёшидаги болалар гигиеналари масалаларига ҳам ўз тъсирини ўtkaza бошлади. Ф. Ф. Эрисман мактаб гигиенаси ягона бир гигиеник фаннинг бир қисми эканлигини тъқидлаб, уни тарбия гигиенаси деб номлашни тавсия этган.

1919 йилдан мактаб гигиенаси фан ва соғлиқни сақлаш тармоғидаги амалий соҳага айланиб, тарбиялаш ва ўқитишининг ижтимоий турлари билан қамраб олинган барча ёшдаги болалар гигиенаси сифатида ривожлана бошлади.

1954 йилдан бошлаб мактаб гигиенаси — болалар ва ўсмиirlар гигиенаси номи билан атала бошлади. Болалар

ва ўсмирлар¹ гигиенаси деб, ўсиб келаётган авлодга турмуш; ташки муҳит шароитларининг таъсири, бола организмининг ривожланишини динамик тартибда ўрганувчи мақбул кўринишдаги ёшга оид „гигиенага айтилади (С. М. Громбах).

Давлат ва жамият томонидан соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишга, болалар ва ўсмирлар муассасаларининг қурилишига, болаларни тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини мунтазам равишда яхшилаб боришга катта маблағлар ажратилади.

Республика конституцияси (асосий қонуни) барча фуқаролар соғлигини саклаш хуқукини таъминлайди. Бу хуқук кенг кўламдаги профилактик тадбирларни, атроф-муҳитни соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш ва ўсиб келаётган авлоднинг саломатлигига бўлган алоҳида эътибор асосида таъминланади. Бу санитария тадбирлари деб аталади.

Россияда мактаб гигиенасининг асосчилари Ф. Ф. Эрисман ва А. В. Мольков ҳисобланади. Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар гигиенасининг ривожланишига атоқли профессорлар В. П. Широкова-Диваева, А. З. Зоҳидов, F. M. Маҳкамов, С. Н. Бобоҷонов ва бошқалар катта хисса кўшганлар.

Умумтаълим ва мактаблар (хунар мактаблари) ислоти (1984 й.) болалар ва ўсмирлар гигиенаси олдига янги муҳим масалаларни кўйди. Масалан, ўқувчиларни меҳнатга оид ўқитиши, тарбиялаши, касбга йўналтиришини ва уларнинг ижтимоий-фойдали ишлаб чиқариш ишларини янада яхшилаш тўғрисидаги, хунар-техника таълимиини янада ривожлантириш ва малакали ишчи кадрлар тайёрлашдаги ролини ошириш ҳақидаги Ўзбекистон жумҳуриятининг мактабгача тарбия ва болаларни мактабда ўқитиш ишларини янада яхшилаш тўғрисидаги қарорлари меҳнатга оид ўқитиш дастурининг гигиеник нутқи назардан асосланишини, мактаб ва хунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг меҳнат турларини, меҳнат шароитлари ва тадбирлари нормаларини белгилашни ҳамда ўқувчиларни касбга йўналтиришининг тиббий физиологик томонларини ва ўсмирларнинг турли касбларга бўлган лаёқатларини бўлгиловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш вазифаларини кўйди.

Хозирги кунда жумҳуриятимизда болалар 7 ёшдан мактабга борадилар.

Иқтидорли болалар учун маҳсус мактабларда ва лицейларда (музыка, тасвирий санъат, хореография ва бошқалар) билим олиш йўмкониятлари мавжуд. Бирон-бир

нуксони бўлган болалар учун ҳам (кўзи ожиз, кар, соков, ақлан заиф) махсус мактаблар бор. Тез-тез касал бўладиган нимжон болалар учун енгиллаштирилган қун тартибли ва соғломлаштириш тадбирларини амалга оширувчи махсус мактаблар, санаторийлар ташкил этилган.

Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси кафедраси Тошкент тиббиёт олий билимгоҳи санитария-гигиена факультетида 1932 йилда тўзилган ва шу вактгача мутахассислар тайёрлаб келади.

II БОБ

БОЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИНГ УСИШИ, САЛОМАТЛИГИ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИ

БОЛА ОРГАНИЗМИНИНГ УМУМИЯ УСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Болалар ва ўсмиirlар соғлиғи фақатгина касалликнинг борлиги ёки йўклиғи билан эмас, балки унинг ёши, ривожланиши, гармоник меъёр даражадаги вазифалари билан характерланади. Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси организмда кечаетган ўсиш ва ривожланиш жараёни қонунлари асосида профилактик тавсиялар тузади. Бунда бола соғлиғини мустаҳкамлаш, саклаш ва керакли биологик ўзгаришларни ҳисобга олиш зарур. Улар онто-ва филогенез жараёни билан тасвирланади.

Онтогенез — одам организмидаги тўхтовсиз ривожланиш ҳолати ҳисобланади. Бу организмнинг эмбрионал давр ривожланиши бўлиб, у биогенетик қонунни ифодалайди. Онтогенез боланинг фақатгина она корнида ривожланишинигина эмас, балки ҳаёт давридаги улғайган ҳолатини ҳам белгилайди.

Ўсиш ва ривожланиш — бу бир-бири билан боғланган ва бир-бирини тақозо киласиган жараён. Ўсиш — хужайра ва тўқималар ҳисобига тана вазни ва ҳажмининг ортиб боришидир. Ривожланиш — сифат ўзгариши, орган ва тўқималарнинг морфологик дифференцияси ва уларнинг функционал такомиллашувиdir. Ўсиш ва ривожланиш бир хил кетмайди, организмнинг ривожланиши ва ўсиши натижаси бир бутун, бунда системанинг алоҳида функцияси бир-бири билан боғланади. Бу бола организми катталарнидан узлуксиз ўсиш ва ривожланиш ҳолатида бўлиши билан фарқ қиласиди. Ривожланиш турли даврларда ўтади. Организмнинг ривожланиши ва ўсиши жараёни-

да моддалар алмашинуви ва энергия ётади. У икки босқичдан ташкил топган: ассимиляция ва диссимилляция. Катталар организмида бу жараёнлар вазмин ўтади. Ўсувчи организм метаболизми сифатли хусусиятга эга. Ассимиляция жараёни диссимилляция жараёнидан анчагина устун туради. Бу янги ҳужайра пайдо бўлиши, органлар ўсиши, тирик модда оғирлигининг ошиши учун зарурдир. Организмнинг ўсиши ва ривожланиши энергия йўқотиш билан боради, бола қанча ёш бўлса, шунча кўп энергия йўқотади. Масалан, 3 ойлик бола ўсиши ва ривожланишига 36,6 %, 6 ойлик бола 26 %, 9 ойлик бола 26 % энергия сарфлайди.

Болаларда асосий моддалар алмашинуви ўзгариши таҳлил қилинганда узок вакт мобайнида кўпчилик олимлар томонидан ҳаммага маълум бўлган назария (М. Рубнер ва бошқалар)га биноан ёш катталашган сари моддалар алмашинувининг тезлиги пасайиши аникланган. Метаболизм ўзгариши деганда тананинг нисбий ортиши тушунилади. Сўнгги вактларда бола 1 ёшгача бўлган даврда моддалар алмашинуви жадаллашиб борсада, лекин бир маромда сакланади. Бола ҳаётининг биринчи кунида моддалар алмашинуви сутқада 40 ккал/кг га, ҳаётининг кейинги биринчи йилида 50 ккал/кг га, 1 ёшдан 3 ёшгача эса 60 ккал/кг га етади. Факат 3 ёшдан кейин жадал асосий алмашинув пасаяди ва жинсий етилиш даврида 25 ккал/кг га етади (1- жадвал). З ёшдаги болага нисбатан 1 ёшдаги болада ҳужайра оғирлиги, ҳажми интенсив равища ошади, ҳужайралар орасидаги ҳажми эса қисқаради.

1-жадвал

Болаларнинг ёшига қараб асосий моддалар алмашинуви

Ёши	Асосий моддалар алмашинуви, ккал/кг хисобида
1 ёшгача	40
1—3	50
3—7	42
8—15	35
16—18	25

Еш ўзгариши билан асосий моддалар алмашинуви ҳар хил органларда ўзгаради. Катталар миясида 24 фоиз, жигарда 20 фоиз, юракда 10 фоиз, скелет мускулларида 28 фоиз моддалар алмашинуви кузатилади. 1 ёшли бола миясида 3 фоиз, скелет мускулида 8 фоиз моддалар алмашину-

ви түшүнилади. Чақалокларда моддалар алмашинуви 22 фоиздан, катталарда эса 35—40 фоиздан иборат. Бирок постнатал онтогенез давомида түкима алмашинув даражасы ўзгармайды. Күпчилик олимлар фикрича, бутун организмда интенсив энергия алмашинуви алоҳида орган ва түкималар ўсиши бир хил эмаслигига ҳамда метаболизм оксидланиши ўзгаришига боғлиқ. Шундай қилиб, түкималарда интенсив оксидланиш алмашинуви ўзгариши қонда бўйича ўсиш даражаси ўзгариши билан туташган.

Аникланишича, 1—2 ёшдаги болаларнинг нерв ва психик фаолиятида кескин ўзгаришлар кузатилади, мия катта ярим шарларининг ўсиши нейронларнинг дендрим аппаратига, нейронлар орасидаги боғлиқликлар хисобига якунланади, нерв түкималарининг дифференцировка жараёни, мия ўсиши тезлигининг кескин пасайиши кузатилали. Бу мисол ўсиш ва ривожланишининг нисбий қонуниятини аниқлайди.

Бир вактнинг ўзида битта хужайрада ўсиш ва шаклланиш кузатилмайди. Бу жараён замон ва маконга боғлиkdir. Шаклланишга хужайралараро кучайиш ва ўсишнинг секинлашуви орқали ўтилади: у албатта митохондриялар ривожланиши ва алмашинувининг кучайишидан бошланади. Шаклланиш ва ўсиш суръатининг ўзгариши орқали кузатиладиган энергетик алмашинувининг ўзгариши ёшли даврийлаштириш ўлчови бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунга қўшимча қилиб шуни ҳам айтиш қеракки, асосий алмашинувининг жадаллиги маълум бир ёш чегарасида ўзгариши ва у ички ҳамда ташки омилларга боғлиқ бўлади. Ташки муҳитнинг турли омиллари таъсири моддалар алмашинувида ўз аксини топади.

Боланинг соғлиги, яшаш шароитининг ёмонлиги, бола организмидаги моддалар алмашинувининг сусайиши унинг руҳий, жисмоний ривожланишининг кечикишига сабаб бўлади. Моддалар алмашинувига таъсир этувчи ташки омилларга кўп харакатчанлик, тоза ҳавода бўлиш, овқатланиш ва бошқалар киради. Кўп харакатчанлик асосий моддалар алмашинувининг анча ошишига олиб келади. Энергия сарфланишига қараб болалар фаолияти 4 та гурухга бўлинади:

1) боғча ва мактабда дарс вактида тинч ҳолатда энергия сарфи асосий алмашинувдан 20—25 фоиз юқори;

2) юргандаги фаолият (бунда энергия сарфи асосий алмашинувдан 125 фоиз юқори);

3) кўл меҳнатида, машғулотларда ёки ўртача ҳаракатдаги ўйинлардаги фаолият (бунда энергия сарфи асосий алмашинувдан 100 фоиз юқори);


4) харакатли ўйинларда, юргурганда ва нарвондан кўтарилигандаги фаолият (бунда энергия сарфи асосий алмашинувдан 300 фоиз юкори бўлади).

Тоза ҳавода бўлиш асосий моддалар алмашинувининг ошишига ёрдам беради. Ультрабинафша, радиация, ҳавонинг жуда юкори даражада ионлашуви ҳам алмашинув жараёнларини фаоллаштиради. Моддалар ва энергия алмашинуви маълум даражада овқатланишга, унинг сон ва сифат жиҳатларига боғлиқdir. Бола очик ҳавода бўлганида алмашинув жараёни айникса жадал кечади. Шунинг учун организм ўсиши ва ривожланишида тўла қийматли овқатланиш ҳамда жисмоний тарбия асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Ўсиш ва ривожланиш жараёнига биологик (генетик, наслий) ва ташки, шунингдек ижтимоий омиллар таъсир даражаси турли хил ёшларда бир хил бўлмайди. Организм ривожланишига нисбатан, қисман тана оғирлиги ва узунлиги ўзгаришига (ёш ўзгариб бориши билан) наслий омиллар таъсири кучайиб боради, марказий нерв система-сининг баъзи бир функционал кўрсаткичлари камайиб боради. Т. Г. Хамаганова фикрича, тана узунлиги учун муҳитнинг энг яхши таъсир этувчиси бўлиб чакалоқлик ва 7—9 ёшгача бўлган давр ҳисобланади, тана оғирлиги учун чакалоқлик ва 4—6, 10—12 ёшгача бўлган давр, электро-энцефалографик кўрсаткичлар учун 10—12 ва 16—21 ёш, вегетатив функциялар учун 4—9 ва 13—15 ёш ҳисобланади.

Ешнинг морфологик ва физиологик кўрсаткичларига асосланиб, ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари ўрганилган.

1-қонун. Ўсиш ва ривожланиш. Бола организми қанча ёш бўлса, унда ўсиш ва ривожланиш жараёни шунча жадал кечади. Болалик даврида асосий морфологик кўрсаткичлар (бўй, тана оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси) нинг маълум микдорда ўсиши кузатилади. Боланинг бўйи ҳаётининг биринчи йили охирида бошлангич даврга нисбатан 47% — 25 см ўсади, иккинчи йили биринчисига нисбатан 13% — 10 см, учинчи йили иккинчи йилига нисбатан 8% га ўсиб боради. 3—7 ёшга киргандага йиллик қўшилиб бориш 7,5—5% ни ташкил этади. Яъни дастлабки 1—3 ёшида боланинг гавда, бўй узунлиги ва вазни анча ортади. Масалан, биринчи йили боланинг бўйи 25 см гача, 2-йили эса 10—15 см га ўсади. Вазни шунга яраша 1-йили 6—7, 2-йили 2—3 кг га ортади. Кейинчалик гавда, бўй ўсиши йил сайнин 4—5 см гача ортиб боради, вазни 1,5—2 кг га кўпаяди (1-расм).



1-расм. Болалар бўйи ва вазнининг ёшга караб ўзгариб бориши.

Жинсий балоғат даврига етгач, бўй ўсиши камайиб боради. Тана вазнининг энг кўп ортган даври 1 ёшгача бўлган даврdir. 4—5 ойлигida тана вазни икки марта ортади, 1 ёшгача 3 марта ошади. Кейинги йиллар ичida тана вазнининг ортичи камайиб боради ва балоғат ёшига етиш даврида яна кўпаяди. Кўкрак қафаси айланасининг ўзгариши ҳам шундай: бир ёшлигида ҳар ойда 1 см дан кўпайиб бориб, кейинчалик нисбатан камайиб кетади. Тананинг алоҳида тузилмаларининг ўсиши ва ривожланиши ҳам болалик даврида анча жадал кечади. Бутун етилиш даврида ҳосил бўладиган таянч-харакат аппаратининг шаклланиши бир ёшгача жуда юқоридир. Скелетнинг ривожланиши — жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Ёш суяқ ўзининг кам зичлиги, ғоваклиги, эгилувчанлиги ва эластиклиги, унда жуда кўп томирлар тўри борлиги билан ажralиб туради. Суякнинг ўсиши ҳужайралар, суяқ кўмиги ва суядаги кон томирларни ўраб турган тўқима ҳужайраларига боғлик. Суяқ тўқимаси жуда яхши ривожланган тўқималарда суяқ тоғай билан қопланган бўлиб, у орқали суяқ энiga ўсади. Диафизга яқин жойда тоғай ҳужайраларининг кўпайиб, уларнинг суяқ тўқималари билан алмашинуви орқали суяқ бўйига ўсади. Ёш ўтиши билан суякнинг бўйига ўсищ жадаллиги камайиб боради ва эпифизар зона йўқолиши билан ўсиш тўхтайди.

Туғилган пайтда найсимон суякларнинг фақатгинади диафизлари суякка айланган бўлади. Умуртқа поғонасиининг 40 фоизи тоғай тўқимасидан таркиб топган, сон суяги

бошчаси ва кафт усти төгайдан иборат. Бола ҳәётининг биринчи йилида ҳаракат вазифаларининг ривожланиши билан боғлик равишда юкори суръатда суюкланиш ва скелетнинг ўсиши кузатилади. Ўпка тўқимасининг жадал ошиши ва ривожланиши ҳам болалик даврида кузатилади. Бола ҳәётининг биринчи ярмида бош мия ва орқа мия вазни кескин равишда ортади. Чакалоқнинг бош мия вазни 350 дан 400 г гача ўзгариб туради. Бир ёшга тўлганда бош мия вазни 2—2,5 марта; 3 ёшга тўлганда эса 3 марта ортади, яъни бунда ўртача 1000 г ни ташкил қиласди. 7 ёшлигига 1250 г га етади, катта одамда эса мия оғирлиги тахминан 1400 г га тенг. 7 ёшдан бошлаб мия вазнининг ўсиши камайиб боради. Миячадан ташқари пустлоқнинг нерв ҳужайралари кўпаймайди, уларнинг сони ортмайди, лекин ҳажми бўйича катталашади ва гистологик тузилиши ўзгаради. Катта ярим шарларининг асосий вазифаси — бу шартли рефлекс боғларини хосил қилиш, яъни ташки мухит билан организмнинг тўхтамасдан тенглашувини таъминлаш постнатал даврда юз беради ва бутун ҳәёти давомида кузатилади. Бола I ёшга тўлганида иккинчи ҳабар (сигнал) тузилмаси ривожланади. Иккинчи ва учинчи йилдан бошлаб эса бола учун сўз ташки мухит билан алоқа қилишнинг ягона манбай бўлиб қолади.

Шундай қилиб, болалик даврида мия катта ярим шарлари анча ривожланган бўлиб, уни кейинги даврлардаги ривожланишга тенглаштириб бўлмайди.

2-конун. Ўсиш ва ривожланиш жараёнлари бир маромда кетмайди, ҳар қайси ёшга ўзининг морфофункционал жиҳатлари тегишилдири. Ўсиш ва ривожланиш жараёнларининг бир текисда кетмаслиги жадал ўсиш даврининг шаклланиш даврига мос келмаслигига боғлик бўлади. Еш морфологияси ва физиологиясининг қўрсатган тасдики бўйича кучли ўсиш даври нисбатан секин кечадиган шаклланиш жараёни билан биргаликда кузатилади ва аксинча, кучли шаклланиш ўсишнинг секинлашувини келтириб чиқаради. Олимлар моддалар алмашинувининг ёш ўзгариши динамикаси ўртача сонларини солиштириб, метаболизм ва жадаллик характери ўзгариши билан ўсиш тезлигининг ўртасида жуда яқин боғликлик борлиги ни аниқлашди. Демак, солиштирма ўсиш тезлиги қанча кўп бўлса, моддалар алмашинуви ўзгариши шунча юкори бўлади. Аммо асосий моддалар алмашинуви жадал кечадиган 4—7 ёшгача бўлган болалар ўсиш суръатлари орасидаги жинсга оид фарқ ва боғликлик борлиги кузатилган. Асосий алмашинув қўрсаткичлари 7—9 ёшли киз болаларда ва 8—10 ёшдаги ўғил болаларда кам

ўзгаради ҳамда нисбий ўсиш суръати камаяди. Кейин нисбий ўсишнинг тенглашуви билан бирга тенглик алмашинуви ва жадаллиги бирданига туша бошлайди. 11—12 ёшдан ўсиш жараёни тезлашади.


Юрак томир системаси морффункционал жиҳатларини ўрганишда ва юрак ривожланишида бир ҷечә даврни ажратиш мумкин. Биринчидан, туғилган вактдан 2 ёшгача юрак тез ўсади, лекин юракнинг морфологик тузилиши кам ўзгаради.

Иккинчидан, 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган даврда ўсиш ва ривожланиш жараёни камаяди, иккала жараённинг ҳам секинлашуви кузатилади. Учинчидан, 7 ёшдан 10 ёшгача юрак сифими ва ҳажми секин-аста катталашади, нерв аппарати жуда юқори даражада ривожланади. 11—13 ёшда юракда анчагина ўзгариш кузатилади, яъни у янада кучли ўса бошлайди.

Турли ёшдаги болаларда ҳар хил мураккаб ҳаракат вазифалари кузатилганда, текширишлар ҳаракат анализаторининг етилиши 11—12 ёшда бошланиши мумкинлигини тасдиқлади. Яъни бу морфологик кўрсаткичлар билан исботланади. Айнан шу вактга келиб мускул, нерв аппаратининг шаклланиши тугайди. Бундан ташқари 13—16 ёшда мушак тўқиманинг кейинги жадал ўсиши, функционал имкониятларнинг кенгайиши кузатилади. Бош ва орқа мия вазнининг ортишиб асосан 8—10 ёшда тугайди, лекин нерв системасининг функционал ривожланиши узок вакт давом этади.

Тананинг алоҳида қисмларининг ўсиш суръати ҳам ҳар хилдир. Жумладан бу шунга олиб келадики, ўсиш жараёнида тана пропорцияси ўзгаради. Янги туғилган чақалоқнинг боши 1:4, катта одамники эса 1:8 нисбатни ташкил этади. Бола ўсан сари оёғи нисбатан узаяди, ўша даврда оёқ 5 марта, қўл 4 марта ва тана 3 марта узаяди. Катта бошга, қисқа оёқка ҳамда узун танага эга бўлган бола секинлик билан кичик бошли, узун оёқли ва қисқа танали болага айланади (2- расм). Ҳар бир ёшга факат унинг ўзига тенг бўлган ҳар хил аъзо ва тузилмаларнинг нисбий ривожланиш даражаси характерлидир. Турли ўш даврларида ўзига хос морфологик, физиологик ва психологик жиҳатлар бўлади.

3-конун. ўсиш ва ривожланиш жараёни кечишида жинсий фарқ кузатилади. Масалан, тананинг асосий ўлчовларини бўй, вазн ва кўкрак қафаси айланаси янги туғилган ўғил болада қиз болага нисбатан катта бўлади. Бу нисбатлар жинсий балоғатга етиш давригача сақланиб колади. Жинсий балоғатга етиш даври (пу-



2-расм. Тана кисмлари нисбатининг ёш улгайган сари ўзгариши.

бертат ёши) ички секреция безларининг тезлашуви ва ўсиш жараёнларининг кучайиши билан кузатилади. Тана узунлиги, вазни жадал кечади, аъзо ва тузилмалар функционал ҳолатининг ўзгариши аниқланади. Балоғатга етиш даври қиз болаларда 10—12 ёшга етмасдан кузатилади. Худди шунинг учун ҳам 12—13 ёшдаги қиз болалар бўйи, тана вазни ва кўқрак қафаси айланаси билан худди шу ёшга тенг ўғил болалардан ўзиб кетади. Ўғил болаларда 13—14 ёшдан жинсий етилиш даври бошланади, уларда бўй ўсиши жадаллашади ва 14—15 ёшга кирганда яна қизларни қувиб ўтади. Шу билан бирга тана вазни ҳам ўзгарамади.

Шундай килиб, бола организмининг ўсиши ва ривожланиши кўрсатилган З асосий қонуниятлардан иборат.

Бу асосий ўсиш ва ривожланиш қонунлари болалар ёшининг даврига мосланган. Болалар ва ўсмирлар гигиенасида қуйидаги ёш гурӯхлари фарқланади: мактаболди давригача бўлган ёш — 3 ёшгача, мактаболди ёши — 3—7 ёш, кичик мактаб ёши 7—10 ёш, ўрта мактаб ёши — 11—14 ёш, катта мактаб ёши — 15—18.

Бундай ёш гурӯхларига ажратиш хозирги вактда мавжуд бўлган болалар тарбияси, соғломлаштириш ва ўқув-мехнат муассасасига мос келади. Шунинг билан бирга ёшни даврийлаштириш муаммолари охиригача ечилгани йўқ. Ривожланишнинг кейинги даврида, организмнинг ташқи мухит билан ўзаро таъсирини таъминлашда марказий нерв тузилмаси — мия пўстлоғининг аҳамияти ортиб боради. Болалар ёшини даврийлашти-

ришни ишлаб чиқишда психофизиологик йўналиш мавжуд.

Ёшни даврийлаштиришни ишлаб чиқишда етилганлик даражаси ва ўсаётгани организмнинг ҳар хил аъзолари ва тузилмалари фаолияти жиҳатидан тайёрлиги ҳисобга олинади. Унинг хусусиятларини солиштириш нафакат ривожланишининг шу даврдаги етилганлик даражасига баҳо бериш ва аъзолар вазифасини аниқлаш, балки бир асосий тузилманинг иккинчиси билан алмашиш чегарасини топиш учун керакдир. Шуни эсда тутиш лозимки, ҳар хил шароитларда асосий тузилмалар оптимал фаолияти факат шу берилган тузилманинг етилиш даражаси билан таъминланниб қолмай, балки бир бутун организмнинг етилиши ва фаолияти даражаси орқали ҳам таъминланади.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ҲАМДА УЛАРДА КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ

Инсон саломатлигини сақлаб қолиш кўп асрлардан буён тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Ҳозирги вақтда ижтимоий қимматга эга бўлган мураккаб тузилмада инсоннинг саломатлиги жуда муҳим ўрин эгаллайди. Одам саломатлигининг руҳий ва жисмоний даражаси юқорилигини унинг юқори меҳнат қобилияти ва фаоллиги белгилайди. Мана шунинг учун болалар саломатлигини сақлаш, ҳимоя қилиш, ўрганиш, яшаш ва тарбияланиш шароитлари болалар ва ўсмирлар гигиенасининг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда.

Шу билан бирга болалар ва ўсмирлар гигиенасининг энг муҳим масалаларини ечишда ишончли ўлчов бўлиб болалар саломатлиги ҳисобланади. У ўсиб келаётган организмга таъсир этувчи мухитнинг маълум омилларига гигиеник баҳо беришда ўрганилади. Саломатликни аниқлашда қўйидаги кўрсаткичлар:

- 1) болаларни текширув пайтида уларда сурункали касалликлар бор ёки йўқлиги;
- 2) организм асосий тузилмаларининг функционал ҳолати даражаси;
- 3) номакбул таъсиротларга организмнинг қаршилик кўрсата олиш даражаси;
- 4) ривожланганлик даражаси ва унинг гармониклиги ишлаб чиқилган.

Саломатлик кўрсаткичларидан соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва асослашда фойдаланилади. Саломатлик тадбирларини самаралироқ ташкил этиш учун

болалар саломатлигидаги ўзгаришларни барвакт аниклаш, соғлиқни сақлашнинг муҳим вазифаларидан бириди. Болалар ичиде оммавий тиббий текширувлар ўтказганда улардаги ўзгаришларни тезда ва яхши аниклашда скринг тестлари усулини жорий этиш ва ундан фойдаланиш муҳимdir. Бу усул бўйича болалар ичиде айникса кўп учрайдиган касалликлар аникланади. Шунга асосан болалар ва ўсмирларда мужассам усулни қўллашни ва саломатлик гуруҳларини таксимлашни болалар ва ўсмирлар гигиенаси илмий-тадқиқот олийгоҳи ишлаб чиккан. Юкорида айтилган саломатлик кўрсаткичларига қараб, саломатлик 5 та гуруҳга бўлинади:

1-гурух. Бу гуруҳга сурункали касалликларга чалинмаган, текшириш пайтида бирор-бир касаллик аникланмаган ва ўз ёшига мувофиқ равишда жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан ривожланган соғлом болалар киради.

2-гурух. Бу гуруҳ сурункали касаллиги бўлмаган, лекин айрим морбофункционал нүқсонлари бўлган ҳамда тез-тез (бир йилда 4 марта) дардга чалиниб турадиган болалардан ташкил топган.

3-гурух. Бу гуруҳ сурункали касаллиги бор ёки компенсация даврида патологик ҳолати оғир бўлмаган, умумий ўзини ҳис этиши меъёрда бўлган болаларни бирлаштиради.

4-гурух. Бу гуруҳни сурункали касалликлари бор, субкомпенсация даврида умумий ҳолати бузилган, ўзини ёмон ҳис эта бошлаган, ўткир юқумли касалликлардан сўнг тузалиши кечиккан болалар ташкил этади.

5-гурух. Бу гуруҳ декомпенсация даврида бўлган, оғир сурункали касалликларга чалинган, кам ҳаракат, болалар муассасаларига қатнай олмайдиган ногирон болалардан иборат.

Коидага мувофиқ 1—3- гуруҳдаги болалар умумий болалар муассасаларига қатнайдилар (2- жадвал). Саломатлик гуруҳини аниклашда бола саломатлиги ҳақидаги

2-жадвал

Тошкент шаҳридаги боғча ва мактаб болаларининг саломатлик гуруҳлари (М. Н. Исмоилов ва бошқалар)

Ёши	Саломатлик гуруҳи, фоиз ҳисобида		
	1—2-гуруҳ	3—4-гуруҳ	5-гуруҳ
Мактабгача ёшдаги 3—7 ёш	65	30	5
Мактаб ёши 7—17	80	18	2

барча маълумотларни ҳисобга олиш зарур. Саломатликни бундай комплекс баҳолаш тиббий текширувлар пайтида ўтказилади, бунда ўткир касалликлар ҳисобга олинмайди. Организм тузилмаларининг функционал ҳолати клиник усуллар билан, шунингдек функционал қўрсаткичлар ёрдамида аниқланади.

Болалар ва ўсмирлар саломатлигига баҳо беришни кенг қўллаш, ўзининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини исбот этди. У текширув ва динамик кузатуввлар вактида жамоа саломатлигига баҳо бериш, ижтимоий шароитлар ва турли ташки мухит омилларнинг таъсирини аниқлаш имконини беради. Шу усулда нафақат касаллар, балки ҳар бир боланинг ўзига тегишли ижтимоий вазифаларни бажара олиш қобилияти ҳам аниқланади. Болаларни саломатлик гурӯхларига ажратиш бизнинг тибиётимизнинг муҳофаза тавсифномасига жавоб беради. У ёки бу патология ривожланиши эҳтимоли бўлган (2- саломатлик гурухи) болаларни аниқлашда ва уларнинг саломатлигини яхшилаш бўйича муолажалар тузилмасини ишлаб чиқиша ёрдам беради. Бу гурӯхга реконвалесцентлар, асосан юқумли касалликлар билан касалланганлар, тез-тез касал бўлиб турувчилар, ортиқча тана вазни ҳисобига жисмоний ривожланмай қолган, қомати бузилган, ясси оёқ, юрак томир тузилмасида функционал бузилишлар кузатилган, кучсиз даражадаги узоқни кўра олмаслик касаллиги билан касалланган, II даражадаги танглай бодомсимон безлари катталашган, аллергик реакциялари бор, қалқонсимон безнинг I — II даражали катталашуви, нерв тузилмаси томонидан астеник кўринишлари аниқланган, тили чучук ва бошқа болалар киради.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, болалардаги функционал ва морфологик ўзгаришлар кўпинча сурункали касалликка ўтиб кетади. Шунинг учун сурункали касалликлардан муҳофаза қилиш учун организмнинг резистентлигини ошириш ва саломатликдаги кўрсатиб ўтилган ўзгаришларнинг олдини олиш тавсия этилади. Мактабгача ёшда 2- саломатлик гурухидаги болаларнинг бир қисми 3- гурӯхга ўтади, шунинг учун ҳам бола 3 ёшлигидан уни диспансеризацияядан ўтказиш асос бўлиб хизмат килади. Юқори синф ўкувчилари орасида профилактика ишлари олиб борилмаса, 2- гурӯхдан 10 фоизи 3- гурӯхга ўтиши мумкин (Г. Н. Сердюковская).

Болалар ва ўсмирлар саломатлигига умумий таъриф бериш учун қўйидаги кўрсаткичлар қабул қилинган:

1) текширувдан ўтказилган 100 та бола ичидаги нечтаси касаллик билан мурожаат қилган;

2) саломатлик индекси — барча текширилганлар ичидә бир йил ичидә умуман касал бўлмаган болаларнинг нисбий сони фоиз ҳисобида:

3) тез-тез касалланиб турадиган болалар сони (фоиз ҳисобида), барча текширилган болалар сонига бир йил ичидә тез-тез касалланувчилар сонининг нисбати аникланади. (Бунда тез-тез касалланадиган болалар деб, бир йил мобайніда 4 марта ва бундан кўра кўпроқ бетоб бўлган болалар тушунилади.)

4) патологик касалликлар — умуман текширилганлар сонининг функционал камчиликлар, сурункали касалликларга дучор бўлган касаллар сонига нисбатан фоиз ҳисобида олинади. Бундай болалар пухта тиббий текширувлар натижасида аникланади. Жамоа орасида ҳакиқий касалланиш ҳакида фикр юритиш учун касалхонага мурожаат этиш кўрсаткичларидан ва пухта тиббий кўриник натижаларидан фойдаланиш лозим. Кўпгина текширувлар шуни кўрсатдики, касалликнинг нақадар кенг тарқалганилиги бевосита ёш билан боғлиқ.

Кичик ёшдаги болаларда биринчи ўринларда турадиган туфма кучсизлик ва ривожланишдаги камчиликлар она қорнида ривожланиш вақтида уларга таъсир этувчи омиллар натижасида юзага келади.

Мактаб олди ва мактабгача ёшдаги болалар хасталиклари ичидә биринчи ўринда нафас олиш аъзолари касалликлари турди. Икки ёшдан кейин болалар орасида юқумли касалликлар сони ортади, бу ҳолат 7 ёшга етгунча давом этади. Нерв тузилмаси ва сезги аъзолари касалликлари 3- ўринда турди, меъда-ичак касалликлари 4- ўринни эгаллади. 7 ёшдан бошлаб тери касалликлари 5- ўринга чиқади (3- жадвал).

Ўткир респиратор касалликлар жуда кўп тарқалганилиги сабабли ҳамма ёш гурухларида нафас олиш йўллари касалликлари биринчи ўринни эгаллади. Шунинг учун ҳам болаларни чиниқтириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мактаб ёшидаги болаларда сурункали тонзиллит касаллиги анча кўпайгандир (20—30 %). Кичик мактаб ёшидаги болалар касаллиги бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турган юқумли касалликлар катта мактаб ёшига бориб охирги ўринга тушиб қолади. Кейинги йилларда атмосферанинг ифлосланиши, саноатни химиялаштириш ва антибиотикларнинг кенг қўлланилиши натижасида болаларда аллергик касалликлар ўсиши кузатилмоқда.

Болалар жамоаси саломатлиги, шунингдек қўйидаги патологик четлашишлар: юрак-томир тузилмасидаги функционал бузилишлар, таянч-харакат аппаратининг бузи-

**Болалар ва мактаб ёшидаги ўқувчилар орасида энг
кўп тарқалган касалликлар**

ўрин	ёш			
	3—6 ёш	7—10 ёш	11—14 ёш	15—17 ёш
1.	Нафас аъзолари касалликлари	нафас аъзолари касалликлари	нафас аъзолари касалликлари	нафас аъзолари касалликлари
2.	Юқумли касал- ликлар	юқумли касал- ликлар	жароҳатлар	жароҳатлар
3.	Нерв системаси ва сезги аъзола- ри касалликла- ри	ҳазм қилиш ту- зилмалари ка- салликлари	юқумли касал- ликлар	ҳазм қилиш ту- зилмалари ка- салликлари
4.	Меда-ичак ка- салликлари	жароҳатлар	тери касаллик- лари	тери касаллик- лари
5.	Тери касаллик- лари	тери касаллик- лари	ҳазм қилиш ту- зилмаси касал- ликлари	юқумли касал- ликлар

лиши, эшитиш, кўришнинг ёмонлашуви мактаб ёшидаги болалар ўртасида кўп тарқалган. Кейинги йиллар ичидаги болалардаги кўз рефрактияси бузилишлари сони қўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида мактабдаги ўқиши жараёнинг ҳам боғлиқ. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси илмгоҳининг берган маълумотларига қараганда кучиздан даражадаги миопия бошланғич синф ўқувчилари орасида 2,5 фоиздан кўпроқ аниқланган. 16 ёшда ўсмирлар ичидаги 19,3 фоиз кўпайди. Ўртacha даражадаги миопия сони эса 0,6 дан 9,2 фоизга, юқори даражалиси 0,6 дан 2,7 фоизга ўсиши кузатилган. Тиш кариеси мактаб ўқувчилари орасида кенг тарқалган (70—80 %). Умумий таълим мактаб ўқувчилари орасида артерия босим даражасининг ўзгариши билан кечадиган юрак-томир тузилмасидаги функционал четлашишлар 8—10 фоизга, махсус математика мактабларида эса 15—20 фоизга тенг бўлади. Нерв системасининг функционал бузилишлари (невротик реакциялар, астеник холатлар) юқори синф ўқувчилари орасида 11,6 фоизгача ортиб боради.

Ўқувчиларнинг кўпчилигига, асосан пубертат ёшида тана вазнининг ортиклиги кузатилади. 12 фоизида турли даражадаги семизлик аниқланган.

Қоматнинг бузилиши ва таянч-харакат аппаратларининг бошқа ўзгаришлари ўқувчилар орасида жуда кўп учраб туради. Асосан булар сколиознинг бошланғич

кўриницлари ва елка ҳолати асимметрияси, букрил-
канотсизмон кураклар кўринишида учрайдиган функцион-
характердаги ўзгаришлардир. Саломатликда турли ҳ-
патологик четлашишларнинг пайдо бўлишига болаңи-
милгари касалланганлиги, ўкув ва тарбия ишлари
ташкил этишда гигиеник қоидаларга риоя қиласл
сабаб бўлади.

Касаллик даражаси, патологик ўзгаришлар ҳам-
жойда бир хил эмас. Булар санитария-гигиена
эпидемияга қарши муолажалар ўтказиш ва уларни ан-
ташкил қилишга, жисмоний тарбия, болалар ва ўсмирла-
га тиббий ёрдам кўрсатишни жойига қўйишга боғлиқди-
Болалар саломатлигига ўпка касаллиги кучли таъс-
тиши мумкин. Махсус ва махсус бўлмаган профилакт-
ишлар ёрдамида, асосан юқумли касалликларга қар-
курашда жуда катта ютуқлар қўлга киритилган. Ўс-
келаётган авлод саломатлигига турлича таъсир этадиг-
ташки мухит омиллари ва микроижтимоий шароитларни
таъсири кенг ўрганилмоқда. Мактабгача бўлган муассас-
ларга қатнаган болалар жисмоний ва ақлий жиҳатде
яхши ривожланадилар, аммо болалар боғчасига борад-
ган болаларда ўткир касалликлар, шунингдек юқор-
нафас йўллари касалликлари кўпроқ учрайди. Ўсмирле-
организмига ишлаб чиқаришдаги кимёвий омилларни
номақбул таъсири аниқланган. Болалардаги нафас йўлл-
орининг носпецифик касалликлари билан атмосфера ҳав-
сининг ифлосланиши орасида боғлиқликлар борлиг-
исботланган.

Болаларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиш-
ориининг моддий жиҳатдан қандай таъминланганлиг-
и яшаш шароитлари ва ота-оналар тарбиясига ҳам боғли-
бўлади. Айрим оиласарда болалар касалликлари кў-
учрайди.

Болалар саломатлигига кун тартибининг бузилиш-
и ўкув машғулотларининг кўпайиб жетиши ҳам салбий таъс-
кўрсатади. Махсус мактаб ўкувчилари орасида узокни
кўра олмаслик, қомат бузилиши, гипертензия касаллиг-
и билан оғрийдиган болалар сони анча юкори. Организмни
иммунологик реактивлигидаги ва юрак-томир тузилмас-
функционал ҳолатидаги номақбул силжишлар ўкувчи-
ларда ўкув йилининг охирида кузатилади. Буларни
ҳаммаси тарбия шароитларини яхшилаш, кун тартиб-
болаларда ўкув ва меҳнатда зўриқишини тартибга соли-
ва кенг миёсда соғломлаштириш тадбирларини ўткази-
варурлигига кўрсатма бўла олади.

Шундай қилиб ўсаётган организмнинг саломатлиг-

биологик ва ижтимоий омилларнинг бутун мажмуаси в
уларнинг ўзаро мураккаб таъсиrlари натижасида шакл
ланади.

Ушбу омилларнинг таъсирини ўрганиш, салбий таъси
рларни йўқотиш болалар ва ўсмирлар гигиенасинин
асосий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Болалар соғлиғини белгиловчи асосий омиллар куидагилардан:

- 1) эндоген омиллар — ирсий ёки туғма, вақтидан илгар туғилган;
- 2) табний омиллар — атроф-муҳит, экология, иқлим ва бошқалар;
- 3) ижтимоий омиллар — иқтисодий шароитлар, тузум меҳнат, турар жой;
- 4) санитария-гигиена омиллари — тарбия, ўқитиши, овқатланиш, тиббий хизмат ва ҳоказолардан иборат.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНГА ИЖТИМОИЙ-ГИГИЕНИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Жисмоний ривожланиш деганда биологик ривожланиши
нинг ўсаиб даражасини белгилаб берувчи морфофизиоло-
гик белгилар мажмуаси тушунлади.

Жисмоний ривожланиш ўсиб келаётган организмни
соғлиғининг муҳим кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Жисмо-
ний ривожланиш 2 хил тушунчага эга. Биринч тушунча организмнинг етилиш, шаклланиш жараёнларини
ва унинг биологик ўшга мослигини характерласа, иккинч тушунча эса ҳар қайси вакт оралиғида морфофункционал
холатини характерлайди. Илгари жисмоний ривожланиш
бўйича ўтказилган кўпгина текширувларда бу терминнинг
кўпроқ кейинги тушунчасидан фойдаланилган. Бу тушунчада
орқали коллектив ёки организмнинг морфофункционал
холатлари белгиланган. Хозирги вақтда болалар жисмоний
ривожланишини ўрганишда морфологик ва функционал
белгиларнига текшириб қолмай, балки организмнинг
биологик ривожланиш даражаси ҳам аниқланади.

Жисмоний ривожланиш организм ўсиши ва етилиш
жараёнларини характерловчи, унинг морфологик ва
функционал хоссаларининг йиғиндиси ҳисобланади. Жисмо-
ний ривожланиш характеристикаси учун пластик жараёнларни
бутунлигича акс эттирувчи, ўсаётган организмдаги
юз берувчи асосий антропометрик белгилар хосдирилган.
Организмнинг жисмоний ривожланши биологик қонунларни
га бўйсунади ҳамда ўсиш ва ривожланишнинг умумий
қонунларини ўзида акс эттиради. Жисмоний ривожланиш

кўрсаткичларининг ўзгариши ёшга боғлиқ бўлиб, бола қанча ёш бўлса, кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Бутун ўсиш даври давомида ривожланишнинг бир хил бўлмаслиги кузатилади. Жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари жинсга боғлиқ равишда фарқ қилинади. Жисмоний ривожланиш биологик қонунларга бўйсунган ҳолда ижтимоий шароитларга ҳам боғлиқ бўлади. Бунга мамлакатимиз ва чет эллик олимларнинг кўпгина текширувлари гувоҳдир. Жисмоний ривожланиш соғлиқнинг муҳим бир кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади ва яшаш шароитига, ўсиб келаётган авлод тарбиясига боғлиқ бўлиб, соғломлаштириш муолажалари самарадорлигини назорат қилишнинг объектив усули бўлиб хизмат қиласди.

4-жадвал

Тошкент шаҳридаги ўзбек миллатига мансуб мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланиши

Ёши	Жинси	Антрапометрик кўрсаткичлар		
		Бўйи (см ҳисобида)	Тана вазни (кг ҳисобида)	кўкрак қафаси айланаси (см ҳисобида)
3 ёш	ўғил	96,2	14,72	52,7
	қиз	95,3	14,60	51,5
4 ёш	ўғил	101,9	17,40	53,6
	қиз	101,6	16,21	52,9
5 ёш	ўғил	108,5	19,20	55,5
	қиз	106,1	17,60	54,2
6 ёш	ўғил	114,6	20,80	56,8
	қиз	113,1	20,40	55,6
7 ёш	ўғил	121,1	22,60	59,6
	қиз	118,4	22,50	58,5

Бизнинг мамлакатимизда ҳар бир бола соғлиғи тўла таъминланган янги жамият куриш биринчи галдаги энг муҳим вазифалардан биридир. Ҳозирги пайтда ҳукуматимиз томонидан ўсиб келаётган янги авлод соғлигини яхшилаш ва ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар ўтказила бошланди. Соғлиқни текшириш муаммоси, шунингдек жисмоний ривожланиш ҳам муҳим давлат аҳамиятига эга бўлди.

Ўзбекистонда болалар жисмоний ривожланишининг асосчиларидан В. П. Широкова-Диваева, М. Сайдакбарова, Ф. Маҳқамов ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар болаларнинг жисмоний ривожланишини 20 йил давомида кузатиб, уни санитария-гигиена ва ҳаёт шароити билан боғлаганлар.


Улуг Ватан уруши даврида болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланиш даражаси бирданига тушиб кетган. Ахолининг яшаш ва майший шароитининг ёмонлашуви, очлик, руҳий шикастлар барча ёшдаги болалар жисмоний ривожига ёмон таъсир кўрсатди. Кузатишларга кўра, бундай жисмоний ривожланишнинг лабил кўрсаткичи бўлмиш тана узунлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Асосан 13—14 ёшли ўсмирларда жисмоний ривожланиш даражаси анча орқада қолди. Уруш вақтидағи оғир шарт-шароитлар ўсиш ва ривожланиш жараёнларига чукур таъсир кўрсатди. Чунончӣ, бу даврда жинсий етилишнинг кечикиши кузатилди. Уруш йилларида болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланиши сусайган, бунга болаларнинг ёмон овқатланиши сабаб бўлган. Урушдан кейинги йилларда санитария ва гигиена ҳамда овқатланишни яхшилаш, болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларининг анча ошишига эришилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида, кўпгина бошқа мамлакатларда ҳам болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ёмонлашди. 1946 йилдан бошлаб, жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларини яхшилашга интилиш пайдо бўлди. 1950 йилга бориб ҳамма ёш гуруҳидаги болаларнинг кўпида жисмоний ривожланишнинг урушга бўлган ижобий кўрсаткичлари тикланди. Кейинги йилларда жисмоний ривожланиш янада яхшиланди. Жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари 1954 йилга бориб охиригача тикланди.

Кейинги йиллар ичida ўтказилган кўп сонли текширувлар натижасида факатгина болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларининг яхшиланганини эмас, балки акселерация номини олган ўсиш ва ривожланиш суръатининг тезлашуви ҳам аниқланган. У болаларда болалик давридан бошлаб кузатилади.

Акселерация қуйидаги кўринишда бўлади. Ҳозирги вақтда болаларда тана вазнининг ортиши 30—40 йил олдин бўлганидек, 5—6 ойлигига эмас, балки 4—5 ойлигига аниқланади.

Сут тишлирининг ўрнига доимий тишлилар анча эрта чиқади. Ҳозирда болаларда доимий тишлилар 6—7 ёшдан эмас, 5—6 ёшдан чиқмоқда. Жинсий етилиш муддати ҳам ўзгарган. Мамлакатимиз ва чет эл олимлари айтишича, охирги юз йил ичida менархе ёши (биринчи хайз бошланиши) анча эрта муддатларга силжимоқда. Менархе ёшида иккинчи жинсий белгиларнинг ривожланиши кучая боради. Пубертат ва препубертат даврларида



3- расм. Болалар бўйининг ёшга караб ўзгариши.

кузатиладиган ўсиш энергияси кучайиши эрта кузатилади. Шунинг учун ўғил ва қиз болалар тана вазни ва бўйининг эгри чизиклари биринчи ва иккинчи кесишувлари ҳам вакт бўйича олдинга силжиган: биринчи кесишув 10—11 ёшда, иккинчиси 13—14 ёшда бошланади (3- расм). Бу даврда скелетнинг сукланиши тезлашади. Ўсиш жараёнининг тугалланиши ва унинг дефинитив (охирги, энг юкори) кўрсаткичларига эришиши қиска муддатлар ичida юз беради. 16—17 ёшдаги қизларда, 18—19 ёшдаги ўспиринларда узун найсимон сукларнинг сукланиши тугалланади ва бўйига ўсиш тўхтайди. Ўтган ўн йиллар адабиётида кўрсатилишича, аёлларда бўй ўсиш 20—22 ёшгача, эркакларда 22—25 ёшгача давом этади. Ҳозир ҳам шундай. Болалар ва ўсмирларнинг тезлик билан ривожланиши натижаси бўлиб, уларни узок вакт давомида динамик ўрганиш орқали топиладиган жуда юкори жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларига эришиши ҳисобланади. Ўтган аср тенгдошларига нисбатан ҳозирги болаларнинг тана вазни анча катта ҳамда бўйи баландdir.

Жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларининг тезлашиша акселерация дейилади. Қўпгина ҳолларда акселерация термини нафакат соматик ривожланишнинг тезлашу-

вини, балки катта одам тана ўлчовлари ортишини, климакс даврининг анча кеч бошланишини ҳамда бошқаларни изохлади.

Кейинги юз йил ичида ҳозирги замон одам биологиясида ривожланишдан ташқари шундай ўзгаришлар юз берадики, уларни акселерация билан тушунтириб бўлмайди. Умр узайди, касалликлар структураси ўзгарди, тананинг дефинитив ўлчовлари ва репродуктив даврлар оша борди. Инсоннинг бутун ҳаёти давомида юз берадиган ўзгаришлар «секуляр тред» (асрлар тенденцияси) номини олди. Бу умумий асрлар тенденциясида ўқиш ва ривожланиш акселерацияси унинг бир қисми бўлиб ҳисобланади ва фақатгина етилиш даврини ўз ичига олади.

Акселерация гипотезалари. Ривожланишнинг тезлашуви ҳақида маълумотлар тўпланиши билан бирга бу ҳолатни тушунтириш учун гипотезалар пайдо бўлди.

Коҳ гелиоген гипотезасини олға сурди. Унинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда болаларга таъсир этадиган жадал нурланиш (инсоляция) акселерациянинг асосий сабабларидан ҳисобланади. Бунга гигиеник тадбирларга риоя қилиш, жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланиш ва кўпроқ очик ҳавода бўлиш, уй-жой, жамоа ва болалар муассасаларини хоналарга куёш нури тушадиган қилиб қуриш кабилар асос бўлади. Ультрабинафша нурланиш организмда кечадиган ҳамма жараёнларни, шунингдек Д витамини ҳосил бўлишини ҳам фаоллаштириб, ўсишни тезлаштиришга ёрдам беради. Қуёш нурининг ўсаётган организмга ижобий таъсири барчага маълумdir, лекин турли мамлакат олимлари томонидан айтилган фикрлар бу гипотезани рад этади. Шимолий кенглиқда истиқомат қилувчилар, айнан Болтиқ денгизи миңтақасида яшовчиларнинг акселерация суръати ер шарининг жанубий районлариникидан анча юқоридир. Баланд тоғли районларда нурланишнинг юқори бўлишига қарамай, баъзи бир тоғли районларда (Тянь-Шань, Помир, Олој) болалар текис жойларда яшовчи тенгдошларига нисбатан анча секин ўсадилар.

Кўпгина мамлакатлардаги қишлоқ болаларининг ўсиш суръатлари, улар кўп ультрабинафша нурлари таъсири остида бўлсалар ҳам шаҳардагиларга қараганда анча паст бўлиши аниқланган. Жанубий халқларнинг анча эрта етилиши ҳақидаги кенг тарқалган фикр ҳали далиллар билан тасдиқлангани йўқ. В. Г. Властовскийнинг фикрига кўра, акселерация асосида сайёрамиз ахолисининг фаол силжиши таъсири остида юз берадиган наслий ўзгаришлар ётади. Конкрет ижтимоий шарт-шароитларнинг таъсири

ушбу жараённинг суръатлари ва ҳар бир популяция болаларининг ўсиш ва ривожланиш генетик потенциалини амалга оширишни белгилайди. Аҳолининг ҳар хил даврлардаги антропометрик кўрсаткичларини таҳлил қила туриб, олимларнинг айтишича, ўсишнинг кўпайиши ҳамда камайиши ва етилишнинг тезлашув даврлари олдинги замонларда кузатилган, лекин бу жараёнларнинг жадаллиги анча паст бўлган экан. Мана шунинг асосида ушбу жараённинг даврийлиги ҳақидаги тахминлар айтилди.

Хозирги вактда кўпгина олимлар ижтимоий шаротларнинг бир бутун комплекс ўзгариши акселерацияга сабаб бўлади, деб ҳисоблайдилар (яъни яшаш шароити, овқатланишнинг яхшиланиши, юқумли касалликларнинг камайиши кабилар).

Акселерация нафакат биология ва тиббиётнинг, балки педагогика, психология ва ижтимоий жамиятни ҳам ўрганиш фани бўлиб ҳисобланади. Бу фан вакилларини ушбу ҳодисанинг ноқулай томонлари ташвишга солади, яъни ёш болалар етуклигига биологик ва ижтимоий фарқлар бордир: биологик етилиш ижтимоий етилишдан анча илгари юз беради. Акселерация Ўзбекистондаги болалар ичида ҳам аниқланган (5- жадвал).

Мамлакатимизда тиббиётнинг профилактик йўналганилиги сабабли жисмоний ривожланганликни ўрганишга катта эътибор берилди. Буни ўрганиш учун текширишнинг унификациялаштирилган услублари қўлланилади. Ҳар хил

5-жадвал

Ўзбекистонда ясли ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланишини жадаллаштириш

Ёши	Кўрсаткичлар	Ўрта ҳисобда 1956 йил	Ўрта ҳисобда 1990 йил
Чақалоқлик	вазни(кг) бўйи(см)	3,31 50,0	3,85 53,2
1 ёш	вазни бўйи	9,15 73,0	12,0 76,0
1 ёш —	вазни	10,7	13,5
6 ойлик	бўйи	78,0	80,2
2 ёш	вазни бўйи	11,98 81,0	14,0 82,5
2 ёш —	вазни	13,1	14,7
6 ойлик	бўйи	87,2	88,5
3 ёш	вазни бўйи	13,44 89,1	15,0 90,2

кўринишдаги белгилар ичидан бир қанча асосийлари ишлатилади. Бунда шундай кўрсаткичлар олинадики, уларни оддий усуllар ёрдамида ва етарлича аниклик билан белгилаш зарур.

Жисмоний ривожланиш белгилари. Соматометрик белгилардан бўй, тана вазни ва кўкрак қафаси айланаси аникланади. Тана узунлиги организмдаги пластик жараёнлар ҳолатини характерловчи миқдор кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Тана оғирлигига суюк-мушак аппарати, ички органлар ва ёғ тўқиманинг ривожланиши акс этган бўлади. Бўйга қараганда тана вазни нисбатан ўзгарувчандир. У қисқа вакт давом этган касаллик, нотўғри овқатланиш, иш тартибининг ўзгариши таъсирида ўзгариши мумкин. Кўкрак қафаси айланаси эса кўкрак қафасининг сифими, кўкрак ва елка мушакларининг ривожланганини ҳамда кўкрак бўшлиғи аъзоларининг функционал ҳолатини характерлайди.

Физиометрик белгилардан, кўпинча ўпканинг тириклик сифими, кўкрак қафаси экспурсияси, кўлнинг мушак ҳамда бел кучлари аникланади. Ўпканинг тириклик сифими ва кўкрак қафаси экспурсияси нафас олиш мушакларининг кучи ва ўпка сифими кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Кўлнинг мушак ва бел кучлари мушакларнинг ривожланиш даражасини белгилайди. Жисмоний ривожланишни ўрганишда **соматоскопик** белгилардан таянч-харакат тузилемасининг ҳолати (умуртқа шакли, кўкрак қафаси, оёқ, қадди-қомат, товон, мушакларнинг ривожланиши) ва ёғ йигилиш даражаси баҳоланади. Организм ривожланишининг биологик даражасини аниклашда тишларнинг шаклланиши ва ўсиш жараёнларининг тезлигидан фойдаланилади. Мактаб олди ва мактабгача бўлган болалар жисмоний ривожланганигини характерлашда уларнинг моторикаси ва нутқи ривожланиши хақидаги маълумотлар тўлдирилади.

Айтиб ўтилган кўрсаткичлардан ҳар бири алоҳида боланинг жисмоний ривожланганигини характерлайди. Бутун олинган кўрсаткичлар бир вактда ҳисобланган ҳолда баҳоланади. Жисмоний ривожланиш организмнинг ўсиш ва шаклланиш жараёнларини ўзида акс эттирган ҳолда, саломатликнинг бошқа кўрсаткичларига ҳам боғлиқ бўлган касаллик, баъзан жисмоний ривожланишнинг анчагина бузилишлари билан кузатилади (гигант, акромегалик, гипофизар, инфантиллик ва бошқалар). Ревматизм, сил каби сурункали касалликлар ҳам жисмоний ривожланишга таъсир кўрсатади. Сил касаллигига кўпинча жисмоний ривожланишнинг сусайиши кузатила-

ди. Айникса тана вазнининг камайиши яққол кўринади. Тез-тез ва узок касал бўлиб турадиган болаларда тана вазнининг ортиши, камайиши, мушак тонусининг кучсизланиши ва қадди-қоматнинг бузилиши аниқланади. Рахит, сурункали ичбуруғ касалликлари билан касалланган кичик ёшдаги болаларда жисмоний ривожланишнинг тўхтаб колиши исботланган. Шунинг билан бир қаторда касалликнинг кечиши ва натижаси организм ҳолатига, унинг жисмоний ривожланганигига боғлиқ бўлади. Ҳар хил жисмоний ривожланиш даражаси бўлган болалар саломатлигида фарқлар бўлиши аниқланган. Ёшга муносиб гармоник жисмоний ривожланиш ўсиш ва ривожланиш жараёнларининг яхши кечиши ҳақида гувоҳлик беради. Нормал ривожланишдан четлашиш эса ёмон натижага ҳақида хабар беради. Кўпинча ўз тенгдошларидан ортда қолган болаларда тана вазнининг камлиги ва функционал кўрсаткичларнинг намоён бўлиши ҳисобига морфологик кўринишнинг дисгармонияси аниқланади ва бу гуруҳдаги болаларда кўпинча буйрак, юрак ва ўпканинг сурункали касалликлари кузатилади.

Ўз тенгдошларидан жисмоний ривожланишда ўзиб кетган болаларда морфологик кўринишнинг дисгармониялиги тана вазнининг ортишида кўринади. Бу гуруҳдаги болаларнинг кўпчилигига асосий белгиси семизлик бўлган ташхис кўйилади. Шундай қилиб, жисмоний ривожланганикни баҳолаш бир қанча касалликларга мойиллиги бўлган болаларни аниқлашда ёрдам беради. Шунинг учун ўсмирлар ва болаларнинг жисмоний ривожланишини ўрта индивидуал усууллар билан баҳолашга бўлган талаблар кучаймоқда. Жисмоний ривожланганикни баҳолаш мақсадидаги антропометрик текширувлар тиббиёт кўриги вақтида саломатликни текшириш билан бирга олиб борилади. Доимий ўтказиладиган текширишлар шифокорга саломатликдаги у ёки бу бузилишларни аниқлашда ва уларни йўқотиш йўлларини топишда ёрдам беради. Қайта ва олдинги текширишларда худди шу болаларда аниқланган ўсишнинг тўхташи, тана вазнининг камайиши ёмон белги бўлиб ҳисобланади.

Айрим болалар жисмоний ривожланишини аниқлаш ва баҳолаш услублари. Айрим болалар жисмоний ривожланишини мунтазам равишда узок вақт кузатиб бориш, текширувнинг индивидуал услуги номини олди. Бу услуга аниқ яшаш шароитларига боғлиқ ҳолда индивидуумнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини аниқлашга (кунтартиби, овқатланиш характеристи, бошидан кечирган касалликлар ва бошқалар) ҳамда бутун ўсиш давомида

унинг соматик ривожланиш тезлигини ўрганишга ёрдам беради. Бу усулдан ташқари генерализацияловчи услугуб қўлланади (популяциянинг кўндаланг кесим усули). Генерализацияловчи услугуб нисбатан қисқа вакт давомида болаларнинг катта гурухи жисмоний ривожланганлигини бир бутун ўрганиши мумкин. Йиғилган материалларни статистик ишлаб чиқиш ҳар бир ёш, жинс гурухининг жисмоний ривожланганлик ўрта кўрсаткичларини аниқлашда ёрдам беради. Генерализацияловчи усул ўсиш ва ривожланишнинг умумий қонуниятларини очиб бериш, алоҳида популацияларни характерлаш, алоҳида жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари ўхшашлиги ҳакида тасаввурга эга бўлиш, маълум бир ёш, жинс гурухида болалар орасидаги бу кўрсаткичнинг ўзгариш чегаралари ҳакида тасаввурлар олиш имконини беради. Ўртача кўрсаткичлар жисмоний ривожланганликнинг ёшга нисбатан стандартлари бўлиб ҳисобланади.

Турли иқлим шароитларида шаҳар ва қишлоқларда яшаш шароитларининг ҳар хиллиги ва улар орасида этнографик фарқлар бўлиши натижасида маҳаллий ва регионал стандартлар ишлаб чиқилади. Уларни таҳминан ҳар йили ўзгартириб туриш лозим, чунки жисмоний ривожланиш аҳволининг тўхтамасдан юз береб келаётган моддий ва маданий яшаш шароитлари таъсири остида ўзгариши кузатилади. Агар нисбатан қисқа вакт ичида бу шароитларнинг анчагина ўзгаришлари юз берса, жисмоний ривожланишнинг янги стандартлари ҳар йили ёки кўпинча 2—3 йилдан сўнг белгиланади. Генерализацияловчи усул билан ўтказиладиган болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланишини динамик кузатиш мухим аҳамиятга эга, чунки ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўсиш ва ривожланишига аҳолининг ижтимоий, маданий яшаш шароити таъсирини аниқлашда ёрдам беради. Регионал стандартларни ишлаб чиқиш мақсадида жисмоний ривожланишни генерализациялаштирувчи усул билан ёлласига текшириш, илмий текшириш жамоалари ва тиббиёт олий билимгоҳларининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедралари, шунингдек, санитария-эпидемиология станциялари орқали амалга оширилади. Охиргиси эса шу ишни ташкил этувчи методик марказ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳозирги вактда жисмоний ривожланишнинг ҳудуд стандартлари деган тушунчасининг ишлатилиши мумкинлиги назария томонидан исботланган. Бунда битта ҳудудга назарияси жиҳатидан якин, географик ва иктисодий шароитлари бўйича ўхаш мамлакатлар киритилиши мумкин. Бундай ҳудудларни аниқлаш кела-

жакка мос ишдир. У бутун мамлакат майдонини эгаллашга рухсат этади ва жуда кам кучлар сарфлаган ҳолда болалар ва ўсмирлар ривожланиш стандартларини белгилайди. Лекин ҳудудларни аниқлаш учун масофа жиҳатидан яқин бўлган районлардаги болалар жисмоний ривожланганлигини ўрганишда олдинда қийин синовлар бор эди. Мартин томонидан таклиф этилган ва индекслар усулини бутунлай сиқиб чиқарган сигмал четлашишлар усули кенг тарқалди. Унинг маъноси шундан иборатки, унда ўзи аъзо бўлиб турган гурухлар жисмоний ривожланишини индивидуумлар жисмоний ривожланиши билан солиширилади. Индивидуумнинг асосий жисмоний кўрсаткичлари (бўй, вазн, кўкрак қафаси айланаси) маълум ёш жинс гурухига тегишли бўлган шу белгиларнинг ўртача арифметик йифиндиси билан солиширилади. Четлашиш даражасига караб ўрта, ўртадан юқори, юқори, ўртадан паст ва паст жисмоний ривожланишлар фарқ қилинади. Жисмоний ривожланиш даражасидан ташқари, профил ёрдамида ривожланиш мутаносиблиги аникланади. Жисмоний ривожланишнинг сигмал четлашишини аниқлаш йўли билан баҳолаш усулининг асосий етишмовчиликларидан бири, бу жисмоний ривожланганликнинг ҳар бир белгисини алоҳида белгилар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда баҳолашдир.

Сигмал четлашишлар усули ўрнида регрессия шкалалари бўйича жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларини баҳолаш усули қўлланмоқда. Асосий жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари орасида боғланиш борлиги сабабли, улар статистик ишлаб чиқариш корреляцияси услуби ёрдамида амалга оширилади. Шу мақсадда кўкрак қафаси айланасининг бўй билан ва тана вазнининг бўй билан боғлиқлигини аниқлаш учун корреляцион катакчалар тузилади, регрессия ва корреляция коэффициентлари ҳамда сигмал регрессиялар ҳисоблаб топилади ва регрессия шкалалари кўринишида баҳо бериш жадваллари келтирилади. Бу усулининг кулайлик тарафи шундан иборатки, у жисмоний ривожланганликка баҳо беришда асосий кўрсаткичлар йифиндиси (бўй, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси) ва улар орасидаги боғланишларни ҳисобга олиш имконини беради. Лекин бир меъёрда ривожланмаган болаларда бу усулини қўллаш анча қийинчиликлар туғдиради.

Кейинги пайтларда жисмоний ривожланганликка индивидуал баҳо беришда центил шкалаларини қўллаш таклиф этилган. Антропометрик текширув материалларини қайта ишлаб чиқишида центил анализи усулини қўллаш кенг

тарқалмоқда. Бу жисмоний ривожланганликнинг баъзи кўрсаткичлари (тана вазни, мушак кучи) ўнг томонлама асимметрияси билан характерланишига асосланади ва уларни таҳлил қилишда нопараметрик усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Кўпгина текширувлар натижасида ёғ қатламининг қалинлиги, доимий тишлар сони ва функционал кўрсаткичларни баҳолаш учун центил усулни қўллаш мумкинлиги исботланган. Асосий антропометрик кўрсаткичлар бўйича (бўй, тана вазни ва кўкфрак кафаси айланаси) морфологик статусга баҳо беришда бу усулнинг қўлланилиши учналик ишонарли эмас. Унинг асосий камчилиги бўлиб, бир-бирига боғлиқ бўлмаган равишда ҳар бир белгига ажратилган ҳолда баҳо бериш ҳисобланади. Центил усули қўлланганда регрессив таҳлилга хос бўлган асосий мусбат хоссалар йўқотилади.

Ҳаёт давомида турли поғоналардаги ҳар хил орган ва системаларнинг фаолияти ва тузилиш ҳусусияти ҳақидаги ҳозирги вақтда исботланган далиллар асосида биологик ёш тушунчасига алоҳида эътибор берилади.

Биологик ёш деб, организмнинг морфологик ва функционал ривожланиш даражасига етиши тушунилади (В. Н. Кардашенко). Ҳар бир индивидуумнинг биологик ёшини аниқлашда, кўпгина скелет алоҳида қисмлари суюкланиши жараёнлари, тишларнинг чиқиши ва алмашishi, жинсий белгиларнинг ривожланиши, жисмоний ривожланганликнинг асосий морфологик кўрсаткичлари ўзгаришлари ва бошқа текширувлар ўтказилади.

Организмнинг биологик ривожланганлик даражасининг ишончли кўрсаткичи бўлиб, скелетнинг суюкланиши ҳисобланади. Скелетнинг алоҳида қисмларида суюкланишнинг бошланиши ва тугаши ҳар хил муддатларда кузатилади, аммо бу жараён ҳар бир суюк учун доимийдир. Суюк системаси ривожланиши ва ички секреция безларининг фаолияти, шунингдек, организмнинг етилиш жараёнлари орасида жипс боғлиқлар бор. Суюкланиш жараёнлари билан синхрон равишда организмнинг жинсий етилиши юз беради. Тананинг тотал ўлчовлари катталashiши ва суюкланиш жараёнлари орасида бир хиллик аниқланади. Пубертат даврида кузатиладиган ўсиш энергиясининг кучайиши I- кафт-фаланг бўғимида дума-лоқсимон суюкнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, ҳайз кўришнинг пайдо бўлиши I- кафт суюгининг, бўй ўсишининг тўхташи эса елка суюклари синостозига тўғри келади. Скелетнинг алоҳида қисмларига суюкланиши даражаси маълум бир ёшга мос келиши лозим. Суюк тузилишининг ривожланиши ва ички секреция безларига

нинг фаолияти орасидаги боғлиқликлар биологик ёшнинг таркибий қисми бўлиб, у суяк ёши деб аталади. Скелетнинг баъзи бўлимларининг рентген расмига қараб «суяк ёши»нинг унинг расмий паспорт ёшига мос келиши ҳақида айтиш мумкин.

Суякланиш жараёнларини ўрганишда ўзига хос модел бўлиб, кафт ва елкасуягининг дистал бўлаги ҳисобланади. Суякланишнинг маълум кетма-кетликда бориши ва сино-стозларнинг пайдо бўлиши ҳамда ўғил ва қиз болалардаги суякланиш муддатларини рентген текширув усулларини қўллаш ёрдамида аниқлаш суяк ёшини аниқлашга ёрдам беради. Жисмоний етилиш муддатлари бошланиши, конституцион ривожланиш ва жинсий деформизмни ҳисобга олган ҳолда соматик ривожланиш хусусиятлари ҳақидағи масала ўрганилган. Сут тишларининг чиқиш муддатлари ва уларнинг доимий тишларга алмашиниши ҳамда кетма-кет босқичлари аниқланган.

Кафт суяклари суякланишининг янги муддатлари, жинсий етилиш даврлари ва жисмоний ривожланишнинг асосий морфологик белгилари ўзгариши билан бу муддатларнинг бир пайтда ривожланиши аниқланган. Турли физиологик функцияларнинг ёш ўтиши билан ривожланиши ва тикланиши ҳақида жуда кўп фикрлар келтирилади. Бу эса ёспасига текширув учун яроқли ва биологик ёш ҳақида энг кўп ахборот берадиган жисмоний энг кичик кўрсаткичларни ажратиб олишга ёрдам беради.

Биологик ривожланиш даражаси кўрсаткичларидан бири тана узунлиги бўлиб ҳисобланади. Тана узунлиги ва суякланиш жараёнлари ҳамда тана узунлиги билан жинсий етилиш даражаси ўртасида кучли корреляцион боғланиш борлигини текширувлар исбот этган.

Тана узунлигининг йиллик қўшилиб бориши, биологик ёшнинг босқичлари билан жипс боғлик бўлган ўсиш жараёнининг жадаллиги ўзгариш қонуниятларини ўзида акс эттиради.

Доимий тишларнинг чиқиш муддатлари ҳар бир ёш гурухларида турлича бўлади, аммо бошқа белгилар билан қўшиб ҳисобланганда, улардан ҳам биологик ёшнинг кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Бу кўрсаткични факатгина 13—14 ёшгача қўллаш мумкин. Бу ёшга келиб, кўпчилик болаларда сут тишлари доимий тишларга алмашган бўлади.

Жинсий етуклик даражаси организмнинг биологик ривожланганигининг ишончли кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. У қиз болаларда қўлтиқлар остига (Ax) ва қовукка (P) тук чиқиши, сут безларининг ривожланиши (Ma)

ҳамда ҳайз күриш ёшининг (MS) бошланишига қараб баҳоланади. Ўғил болаларда эса қўлтиқлар ости ва қовукка тук чиқиши, овознинг ўзгариши (V), юзда соқол чиқиши (F) ва ривожланиши (L) аниқланади.

Функционал кўрсаткичлар ёш мөйёrlари билан со-лиштириб баҳоланади. Тана вазни, кўкрак қафаси айланаси ва бўй ўртасидаги нисбатларга қараб, жисмоний ривожланиш гармоник (нормал), дисгармоник ёки юқори даражали дисгармоник турларга бўлинади.

Жисмоний гармоник ривожланиш деб, тана вазни ва кўкрак қафаси айланасининг тана узуунлигига мос келиши ёки бир сигма регрессияси ($1 \sigma_R$) атрофида бўлишига айтилади. Дисгармоник ривожланиш деб, тана вазни ва кўкрак қафаси айланаси $1,1 - 2,0 \sigma_R$ ортда қолиши, худди шунча катталикка ортиқча ёғ тўпланиши натижасида ортда қолишига айтилади. Юқори даражали дисгармоник ривожланиш деб, тана вазни ва кўкрак қафаси айланаси керагидан $2,1 \sigma_R$ га ундан кўпроқ ортда қолиши ёки кўп микдорда ортиқча ёғ тўпланиши натижасида худди шу микдорда ортда қолишига айтилади. Дисгармоник ва юқори даражали дисгармоник функционал кўрсаткичлар ёш нормасига қараганда жуда кичик бўлади.

6-жадвал

Жисмоний ривожланганликка баҳо бериш схемаси

Биологик ривожланиш даражаси	Морфофункционал ҳолати
Тана узуунлиги ва унинг йиллик қўшилиб бориши, доимий тишлилар сони, жинсий етуклик даражаси	Тана вазни, кўкрак қафаси айланаси
Ёшига мос келади	Гармоник, мушакларнинг ривожланиши ҳисобига $M + \sigma_R$ ва каттароқ
Ёшидан ўзиб кетган	Дисгармоник, $M-1,1 \sigma_R$ дан $M-2,0 \sigma_R$ гача, $M-1,1 \sigma_R$ дан $M-2,0 \sigma_R$ гача ортиқча ёғ тўпланиши ҳисобига
Ёшига нисбатан орқада қолган	Юқори даражали дисгармоник $M-2,1 \sigma_R$ ва қўйи $M-2,1 \sigma_R$ ва қўйи ортиқча ёғ тўпланиши ҳисобига

И з о ҳ: σ — сигма, R — регрессия.

Болаларнинг жисмоний ривожланганилигига комплекс баҳо бериш, ёшига ва гармоник ривожланишига мос келадиган, ёш нормасини турли хил четлашишларга эга бўлган болалар гурухига ажратиш имконини берадиган схема бўлиши мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки; жисмоний ривожланишга индивидуал баҳо беришга хали ҳам бир томонлама ёндашилмаган. Тана вазни 1,6 дан 2 б атрофида бўлган болаларни қониқарли гармоник жисмоний ривожланган деб ҳисоблаш таклиф этилган. Кўрсатиб ўтилган шаклланмаган асосий ёндашиш, бу ҳар бир ёш жинс гурухида кузатиладиган тана вазни кўрсаткичининг асимметриясидир.

III БОБ

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНИНИНГ ГИГИЕНИК АСОСЛАРИ

Болаларнинг ўсиши ва ривожланиши доимий фаолиятга боғлиқ. Уларнинг гармоник ривожланиши ҳар турдаги фаолиятнинг оқилона тузилишига боғлиқдир.

Организм фаолияти деб, унинг у ёки бу системаси кўпроқ иштирок этиб бажарадиган ишига айтилади.

Одамда 2 хил турдаги фаолият ажратилади. Жумладан, жисмоний (мушаклар системаси функцияси ва ишига боғлиқ бўлган) ва аклий фаолият (марказий нерв системаси ва мия пўстлоғи функцияси ишига боғлиқ бўлган).

Ўқув тарбия жараёни асосида ўзининг шакли, мазмуни ва давомийлиги турлича, бола организми ўсиб ривожланишининг асосий омили бўлган бир қанча фаолиятлар ётади. Турли хил фаолиятни ўз ичига олган ҳар қандай меҳнат жараёни организм олдида турган қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ маълум бир талабларни қўйиб, ривожланишнинг мезони бўлиб хизмат қиласди.

Болалар фаолиятининг турлари ва шакллари

Фаолият турлари

Жисмоний

(катта куч сарф қилиш билан боғлиқ, 600 ккал/соатга)

— жисмоний тарбия
— меҳнат ва ҳоказо.

Ақлий меҳнат

(кам куч сарф қилиш билан боғлиқ, 50 ккал/соатга)

— ўқиш
— ўқишига тайёргарлик ва ҳоказо

Фаолият шакллари

Уюштирилган ақлий ва жисмоний фаолият (мактаб ёшигача ва мактаб ёшига мүлжалланган дастур)

Уюштирилмаган ақлий ва жисмоний фаолият (үйда, жамиятдан ташқари, тарбиявий муассасада)

Фаолият турларини ўзининг энергия сарф килиш миқдори ва харакат қисми (компоненти)нинг катта-кичиликкига қараб, шартли равишда 2 турга: нисбатан кам миқдорда энергия сарф қилувчи — кичик механик ва калориялик ҳамда катта механик иссиқлик эффекти турларига бўлиш мумкин. Биринчи хил фаолият ақлий меҳнатнинг асосини ташкил этади (мактаб ва уйдаги дарслар, ўқув машгулотлари, китоб ўқиш, телекўрсатувлар кўриш ва бошқалар), бола ёши ва машғулотлар турига қараб, энергия сарфи 50—100 ккал/соатни ташкил этади. 600 ккал/соатдан кўп энергия сарф қилинадиган фаолият меҳнат ва жисмоний тарбия дарслари асосини ташкил қиласди.

Харакат фаолияти ақлий меҳнатдан кўра кўпроқ тананинг қўзғолиши ва турли тўсиқларни енгиш каби харакатларни ўз ичига олган жисмоний меҳнатда намоён бўлади.

Турли хил вазифаларни бажариш давомида организмнинг функционал ҳолатида ўзгаришлар рўй беради, толиқиши кузатилади. Толиқиши — бу ҳар кандай фаолият, ишдан кейин юзага келувчи табиий ҳолат бўлиб, организмнинг асосий системалари функцияларининг пасайиши ва тўлақонли кечишининг издан чиқиши билан ифодаланади. Дам олгандан сўнг толиқиши йўқолиб, организм функциялари қайта тикланади. Кўпчилик олимлар толиқиши фаолият мобайнида юзага келувчи организм функционал имкониятларининг вақтинчалик пасайиши деб тушунтирадилар.

Толиқишига, одатда, субъектив чарчоқлик ҳам сабаб бўлади. Лекин толиқиши ва чарчоқлик ҳисси доим ҳам бир вақтда кузатилмайди. Агар иш қизиқарли бўлса, яхши кайфият ва кўтаринки рух билан бажарилса, объектив толиқиши юзага келган бўлса ҳам, бола узок вақт чарчоқни сезмайди. Ва аксинча, бир тарзда давом этувчи зерикарли иш давомида чарчоқлик ҳисси толиқишдан ва организм функциялари савияси пасайишидан анча олдин пайдо бўлади.

Таълим-тарбия ишлари, меҳнат фаолияти, дам олиш ва ўқув машғулотларини тӯғри ташкил этишда болаларда олий нерв фаолиятининг турларини билиш катта аҳамиятга эга. Иш фаолияти олий асаб системасининг турлари билан боғлиқ. Олимлар болалар олий нерв фаолиятларининг 4 та турини ажратдилар.

1- тур. Оптимал қўзғолувчан, босик, тез хилли. Бундай болаларда катта ярим шарлар пўстлоғи билан шартсиз рефлекслар яхши бошқарилади, шартли рефлекслар енгил ва тез ҳосил бўлиб, анча чидамли бўлади. Жавоб реакциялари қўзғолувчилар кучига мия пўстлоғи юқори иш қобилиятига олиб келадиган оптимал қўзғолувчанлик ҳолатида бўлади. Нутқ яхши ривожланган бўлиб, сўз бойлиги кўп бўлади. Одатда бундай турли олий нерв системасига эга болалар жамоада гапга чечан, ташаббускор, интизомли бўладилар.

2- тур. Оптимал қўзғолувчан, босик, секин хилли. Шартли рефлексларнинг секинлик билан ҳосил бўлишини, пўстлоқ ва пўстлоқ ости орасидаги босиқликни болаларнинг хулқ-атвори, нерв тузилмасининг ҳолати характерлайди. Шартли рефлекслар мустаҳкамдир. Нутқ бир мунча секин, лекин тӯғри, етарлича сўз бойлигига эга бўлади. Болалар тинч бўлиб, ўқиш билан яхши шуғуллашиади, қийинчиликларни енгишда етарлича тиришқок бўлишади.

3- тур. Кучли қўзғолувчан, ўзини тута олмайдиган, босик сиз хилли. Бундай болаларда мия пўстлоғи ости фаолиятининг юқори қўзғолувчанлигинда катта мия пўстлоғининг етарлича бўлмаган бошқарув аҳамияти кузатилади, шартли рефлекслар тез ҳосил бўлади. Қўзғолиш жараёнлари тормозланишдан устун боради. Бундай болаларни ўқитиш ва тарбиялаш бардош, эътибор, тиришқоқликни талаб этади. Бундай болаларда нутқ тез бўлининг кетувчан, эмоционал бўлади.

4- тур. Суст қўзғолувчан, кучсиз хилли. Бунда шартли рефлексларнинг секин ҳосил бўлиши, катта ярим шарлар пўстлоғи ва пўстлоқ ости марказларининг суст қўзғолувчанлиги, шу типдаги болаларга характерлайдир. Кучли ва узок таъсир этувчилар нерв ҳужайрасининг толикишига сабаб бўлиб, бунда тормозланиш жараёнлари кучсизланган бўлади. Бундай болалар тез-тез асабийлашадилар, нутқ ҳам уларда яхши ривожланмаган, улар соғломлаштириш муолажаларига мухтождирлар. Шуларни эътиборга олиб, мактаб шифокори ва ўқитувчилар тарбиявий ўқитиш жараёнларини олиб боришлиари зарур.

Бу билан бир қаторда қўзғолган марказда тормозланиш (манфий ўзиндуция) болаларда осон ҳосил бўлади (айникса, қўзғолишга сабаб бўлган таассурот — импульс кучли бўлганда). Махсус кузатиш ва тажрибалар манфий ўзиндуция бола қанчалик ёш бўлса, шунчалик осон ва ўзидан олдин бош мия пўстлоғининг озми-кўпми давомли ва қийинроқ фаолияти кузатилган ҳоллар тез ҳосил бўлишини кўрсатди. Шу сабабли кичик ёшдаги болалар билан узок ва бир хил турдаги машгулотларни узок вакт ўтказиш тавсия этилмайди.

5—7 ёшли болалар ўз диққат-эътиборларини 15 дақиқа, 8—10 ёшда 20 дақиқа, 11—12 ёшда 25 дақиқа, 12—15 ёшда 30 дақиқагача фаол ҳолатда жамлаб турба оладилар.

Толикиш ва тормозланиш ўртасида маълум боғлиқлик мавжуд (тормозланиш жараёни толикишдан сўнг ёки у билан бир вактда ҳосил бўлади), аммо бу иккала жараённи алмаштириб юбориш мумкин эмас. Баъзи ҳолларда толикиш вақтида қаттиқ қўзғолиш ҳам юзага келиши мумкин.

Болаларда толикиш, одатда, иккى босқичда кечади. Аввал биринчи босқич учун хос бўлган характерли бетоқатланиш пайдо бўлади, ички фаол тормозланиш пасаяди, қўзғолиш қучаяди. Иккинчи босқич қўзғолишнинг камайиши ва тормозланиш жараёнларининг кучайиши билан боғлиқ. Бу шартли рефлекслар кучининг, иш бажариш тезлиги ва аниқлигининг камайиши, рефлекслар яширин даврининг узайиши билан ифодаланади. Улуғ рус олими И. П. Павлов толикишни мия пўстлоғи ҳужайралари функцияларининг издан чиқиши билан боғлаган.

Аммо толикишни фақат қўзғолиш ва тормозланиш ўртасидаги мувозанат, кучлар қонунининг бузилиши ва мия ҳужайраларининг иш қобилияти ўзгариши деб тушунмаслик керак. Толикиш юзага келганда мия пўстлоғи ва мия пўстлоғи остидаги нерв марказлари ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзгаради. Шу билан бирга Ю. М. Пратусевич толикиш механизми фақатгина мия пўстлоғи ҳужайраларидаги ўзгаришлар билан кечмасдан, балки мия пўслоги ва пўстлоқ остидаги бўйимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам ўзгаришлар билан намоён бўлишини тушунирувчи фояни илгари сурди. Бу бош мия ретикуляр формациясини фаоллаштириш вазифасининг камайиши билан ифодаланади.

Шундай қилиб, толикиш — организмнинг ўзига хос

ҳолати бўлиб, бундай пайтда бош мия пўстлоғининг функционал имкониятлари камайиши, мия пўстлоғи ва пўстлоқ ости нерв марказларининг ўзаро таъсиротининг бузилиши ва организмнинг асосий системалари функцияларининг пасайиши кузатилади.

Толикиш озми-кўпми давом этган ёки оғир иш натижасида юзага келувчи организмнинг табиий реакциясиdir. Унга чап бериш керак эмас, акс ҳолда ҳар қандай фаолиятдан воз кечиш лозим бўлар эди. Толикиш хатарли эмас, бинобарин организмнинг функционал ҳолатидаги ўзгаришлар етарли дам олиш ва ухлашдан сўнг йўқолади. Агар баъзи сабабларга кўра (масалан, қийин машғулот, етарли даражада дам олмаслик, касаллик ҳоллари) нормал функциялар тикланмаса, болада хасталик аломати (патологик ҳолат) бўлмиш қаттиқ толикиш юзага келади. Ҳар қандай фаолият қаттиқ толикишга олиб келмаслиги ва боланинг ўсиши ҳамда ривожланиши учун нормаллаштирилиши лозим. Фаолиятни гигиеник меъёrlаштириш — ўқитиши ва тарбиялаш жараёни давомида бола организмининг энг мақбул (оптималь) ҳолатини таъминлашга, ақлий ва жисмоний функционал имкониятларидан ортиқ бўлмаслигига асосланади. Шу билан бир қаторда ҳар бир фаолиятнинг ўсиб келаётган организмга ижобий таъсир кўрсатиши, гармоник ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи аҳамиятини кузатиб бориш лозим.

Болалар турли фаолиятлари меъёрининг гигиеник негизлари қуидагилардан:

- ўсуви организмнинг мақбул ҳолатида уни жисмоний ва ақлий фаолият билан таъминлаш;
- турли фаолиятларни болаларнинг ёши ва жинсига қараб, анато-физиологик хусусиятларга асосланиб меъёrlаштириш;
- болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиши фаолиятини алмаштириб туриш (ўқиши, меҳнат ва ҳоказо);
- фаолиятларнинг меъёри кун тартибига риоя этишдан иборат.

Фаолиятни нормаллаштиришда сон (иш давомийлиги), сифат (иш суръати) кўрсаткичлари ва уни ташкил этиш шаклларини эътиборга олиш зарур.

Болалар ва ўсмирларнинг функционал имкониятлари организмнинг морфофункционал етуклиги билан белгиланади. Гигиеник нормаллаштиришда болалар ёшига боғлиқ равишда олинган ўртача морфофункционал кўрсаткичларга асосланиш лозим. Аммо гигиеник норма шу ёшдаги болалар гуруҳидаги барча болалар учун мақбул бўла олмайди. Шунинг учун боланинг факат ёшига оид

хусусиятлари билан чегараланмасдан, балки унинг индивидуал хусусиятлари ва биологик ёшини ҳам назарда тутмоқ керак. Ўғил ва қиз болалар организми орасидаги жинсий тафовутларга асосланган хусусиятлари ҳам инобатга олинади. Сурункали касалликлар билан касалланган камқувват, нимжон болаларнинг функционал имкониятлари соғлом болаларга нисбатан камроқ бўлиши маълум.

Шунингдек, организмнинг бошланғич толиқмаган ҳолатига қайтишини белгиловчи тикланиш даври кўрсаткичининг катталигини аниқлаш ҳам керак. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, организмнинг пасайган функционал имкониятлари тикланиши икки босқичдан: функционал ҳолатнинг тикланиши ва тикланган ҳолатнинг мустаҳкамланишидан иборат. Агар дам олиш биринчи босқич билан чегараланса, яъни иш қобилиятининг эндиғина тикланиши билан кутилган натижа бўлмайди. Янги, ҳатто унча қийин бўлмаган иш организм фаолиятини тез суръатлар билан пасайтириб юборади. Дам олиш учун ажратилган вакт организмнинг функционал ҳолатини мустаҳкамлаб олиш учун ҳам имкон яратиши лозим. Шу сабабли дам олиш функцияларининг пасайиш даражаси бажарилган ишнинг тури ва мураккаблигига қараб белгиланади.

Ўкув ва меҳнат вазифаларини гигиеник нормаллаштириш асосида организм функцияларининг ўз-ўзини бошқариши ҳақидаги тушунча ётади. Иш қобилиятининг З та босқичи аниқланган: ишга киришиш, юқори ишчанлик ҳолати, толикиш. Иш жараёни давомида олиб борилган турли физиологик функцияларни кузатиш давомида ишга киришиш босқичидан юқори ишчанлик ҳолатига ва юқори ишчанлик ҳолатидан сезиларли толиқишиш босқичига ўтувчи организмнинг ўрта ҳолатлари ҳам аниқланган. Фаолият сезиларли толикиш юзага келган даврда эмас, балки бошланғич босқичда, яъни организм функцияларининг компенсатор ўзгариши босқичида тўхташи мумкин.

Ақлий меҳнатни гигиеник меъёрлаштиришда организмнинг кун ва хафта мобайнида ўзгариб түрувчи физиологик функцияларининг даврийлигини эътиборга олиш зарур. Агар ҳаёт тарзи шу организм учун хос бўлган ритмларга мос тушса, фаолият юқори унумли бўлади.

Ҳаёт тарзи жиҳатидан юқори бўлган вакт оралиғи ҳар бир организм учун ўзига хос бўлган хусусиятларга эга. Катталарда эрталабки ва кечки турдаги биологик ритмлар учрайди. Ўрта ва жанубий минтақада яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларда 5 хил ҳаёт тарзи тури

аниқланган. Болаларнинг кўпчилигида кун давомида функционал кўрсағичлар куннинг биринчи ва иккинчи ярмида икки марта кўтарилиши кузатилган, болаларнинг бир қисмida эса физиологик кўрсаткичларнинг кўтарилиши кун ўртасида аниқланган.

Мактаб ёшидаги болаларда физиологик функцияларнинг фаол ҳолати аник бир вақтга боғлик бўлмайди. Организм биоритмларининг қуйидаги: шартли эрталабки, шартли кечки ва аритмик турлари таклиф этилган. Марказий Осиёдаги болаларнинг 40 фоизи шартли кечки ва 40 фоизи аритмик активликка эгалиги аниқланган, қолгани эса эрталабки актив биоритмга хосдир.

В. А. Доскин спорт машғулотларининг энг оптимал зўрикиш билан боғлик тури ва биоритмик функцияларнинг фаол босқичи мос тушганда жисмоний иш кобилияти юқори дараҷада бўлишини ва шу сабабли маълум спорт ютуқларига эришиш мумкинлигини исботлаган.

Буларнинг ҳаммаси фаолият турлари, машғулотлар, дам олиш ва меҳнат тартибини ўсиб келаётган организм биоритм клигининг ўзига хос томонларини эътиборга олган ҳолда гигиеник нормаллаштириш лозимлигидан далолат беради.

ТУРЛИ ЁШДАГИ БОЛАЛАР КУН ТАРТИБИННИГ ГИГИЕНИК АСОСЛАРИ

Кун тартиби бу туну кун давомида вақтни иш, ўқиш ва дам олишга ёш ҳамда саломатлик ҳолатини эътиборга олган ҳолда тўғри тақсимлашдир.

Тўғри тузилган кун тартиби асосида шартли рефлекс фаолияти ётади. Нерв системасининг такомиллашиб бориши, уйғоқлик пайтининг узайиши ва ташки олам билан бўлган алоқа кенгайиб бориши мобайнода болаларнинг фаолияти ўзгариб, шаклланиб боради.

Овқатланиш, ухлаш, ишга киришишга бўлган, ишлаб чиқилган ва мустаҳкамланган мураккаб шартли рефлекслар динамик стереотип характеристига эга бўлиб, вақтдан унумли ва тўғри фойдаланиш, ишга осон киришиш ва уни самарали бажариш, яхши дам олишга имкон яратди.

Ўз замонида Абу Али ибн Сино кун тартибининг болалар ривожланиши ва саломатлигига таъсирини, бунда асаб системаси катта аҳамият касб этишини айтиб ўтган эди. Кейинчалик И. П. Павлов стереотип шартли ва шартсиз рефлекслар ўз вақтида ва муайян тартибда бажариладиган кўнікмалардир деган. Кун тартибининг

таркибий қисмларини бошлаш ва тугатиш вақтини доимо бир маҳалда бажариш болаларда вақтга нисбатан барқарор шартли рефлекслар юзага келишига олиб келади. Вактга нисбатан шартли рефлекслар ҳосил бўлиши тўғрисида Н. И. Красногорский: «Болалар орасида вақтни тўғри тақсимлаш кун тартибини режалаштириш ва ташкил этишда катта амалий аҳамиятга эга» деб уқдирган эди.

Вактга нисбатан ҳосил бўлган рефлексга биноан бола организми ҳар дақиқада ўзи қилиши лозим бўлган ишга тайёр бўлиб туради. Шу сабабли барча жараёнлар (машғулотлар, овқатланиш, ухлаш ва х.к.) осонроқ ва тезроқ кечади. Бунда кундалик турмуш стереотипини сақлаш, кун тартибига риоя қилишнинг аҳамияти катта. Боланинг ўсиши, ривожланиши, турмуш шароитларининг ўзгариши билан бош мияда маълум муддатли янги алоқалар пайдо бўлиб, эскилари ўчиб, йўқолиб боради ва янги динамик стереотип ҳосил бўлади. Бир томондан динамик стереотипнинг ҳосил бўлиши қанчалик узоқ ва мураккаб бўлса, бошқа томондан, белгиланган стереотипнинг бузилиши ҳам бола учун фарқсиз эмас: бола қанчалик ёш бўлса, бу алмашинув шу даражада салбий таъсир кўрсатади. Кун тартиби бола ҳаётини тўғри йўлга қўядиган ва доимо бажарилиши лозим бўлган қоидадир. Тўғри ташкил этилган кун тартиби болада тетик ва яхши кайфият, ўқиш ва ижодга, турли ўйинлар ва машғулотларга қизиқиш ўйғотади, унинг ривожланишига яхши таъсир кўрсатади.

Кун тартибини тузишда куйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

- 1) турли хил фаолиятлар, уларнинг энг маъқул давомийлигини, бир-бири билан навбатлашуви ва вақтини аниқлаш;
- 2) дам олиш вақтини иложи борича очик ҳавода ташкил этиш;
- 3) ўз вақтида сифатли овқатланиш;
- 4) гигиеник тўлақонли уйқу.

Болаларнинг ёшига қараб кун тартибининг асосий қисмлари қуйидагича:

1. Кичкантойлар учун — овқатланиш, уйқу ва тетиклик ҳолати.
2. Боғча болалари учун — керакли машғулотлар, ўйинлар, сайрлар, рационал овқатланиш, уйқу, ўқишига тайёрланиш, тарбия.
3. Мактаб ёшидаги болалар учун — кичик мактаб ёши учун: ўқув машғулотлари, очик ҳавода дам олиш, вақтида овқатланиш, яхши уйқу ва танаффуслар.

4. Ўрта ёшдаги ўқувчилар учун — юкорида кўрсатилган тартибларга яна қўшимча: тўғарак машғулотлари, имтиҳонга тайёргарлик, қасбни эгаллаш учун ўқиш.

5. Катта ёшдаги ўқувчилар учун — ўқув машғулотларининг кўпайиши, ҳаракат фаолиятининг ошишӣ, физкультура, спорт ва ҳ.к.

ТУРЛИ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ КУН ТАРТИБИ

КИЧИК ЁШДАГИ (З ЁШГАЧА БЎЛГАН) БОЛАЛАРНИНГ КУН ТАРТИБИ

Мактаб олди (З ёшгача бўлган) даврида болалар тез ўсиб ривожланадилар, уларнинг физиологик талаб ва эҳтиёжлари ҳамда олий нерв хусусиятлари ҳам ўзгариб туради, шунинг учун уларнинг кундалик режими ёшларига қараб ўзгариди.

З ёшгача бўлган болаларнинг олий нерв фаолиятида қўзғолиш жараёнлари тормозланишга нисбатан устун туради. Болага бирон-бир ҳаракатни қилмасликни уқдиришдан кўра, бошқа бир ҳаракатни ўргатиш анча осондир. Узоқ вакт давом этадиган тормозланиш бу ёшдаги болалар учун хос эмас. Бу даврда ижобий шартли рефлекслар тезроқ ҳосил бўлиши ва уларни ўзгартириш анча мушкуллиги аниқланган. Масалан, мустаҳкам ўрнатилган бир вақтда хатти-ҳаракатнинг стереотипини ўзгартириш мушкул. Ташки муҳит шароитларининг, одатдаги турмуш тартибининг кескин ўзгариши бола хулқ-атвори ва уйқусининг бузилиши, овқат емаслик каби инжиқликлар билан ифодаланадиган олий нерв фаолиятининг издан чиқишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатлар кўпинча, болалар муассасасига катнашнинг биринчи кунлари кузатилиди ва 2—3 ҳафта давом этиши мумкин.

З ёшгача бўлган болаларнинг кун тартибини тузा�ётганда уларнинг нерв системасида кечувчи жараёнларнинг сустлиги ва нисбатан кам ҳаракатлилигини унутмаслик лозим. Бу бир фаолиятдан бошқа фаолиятга ўтишининг қийинлиги билан ифодаланади. Бола биринчи талаб бўйича қилаётган ишни тўхтатиб, бошқа ҳаракатга ўта олмайди. Боланинг хатти-ҳаракатлари ўзининг табиий талаблари — очликни бартараф этиш, уйқу ва уйғоқлик чоғидаги турли эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқдир.

Боланинг кун тартиби тўғри ташкил этилган ҳолда биринчи йилнинг охирига келиб, уйқу ва уйғоқлик ҳолатларининг ритми изга тушади. Мия пўстлоғи функцияларининг такомиллашиб бориши билан уйғоқлик ҳолати

экстрапрепторлар — ташқи таъсирот рецепторлари орқали келувчи таъсиротлар ҳисобига кўпайиб ва мустаҳкамланиб боради. Бола товушларга қулоқ солади, атрофини ўраб турган нарсаларга тикилиб қарайди. Унинг фаол ҳолатини сақлаб туриш учун ҳис-ҳаяжонли таъсиротлар (катталар бола билан сўзлашишлари, боланинг ҳолатини ўзгартириш, уни манежга қўйиш ва бошқалар) зарур.

Бир ёшгача бўлган болалар кўпроқ очик ҳавода бўлишлари лозим.

Бола ҳаётининг биринчи йили давомида ухлаш ва ўйғоқлик ҳолатларининг ривожланиш конунларини олимлар аниқлаб, шу асосда жадвал тузишган (7- жадвал).

7-жадвал

3 ёшгача бўлган болаларда уйқу ва ўйғоқлик ҳолатлари давомийлигининг ўзгариш тартиблари

Боланинг ёши	Уйқу вақти (соат)		Ўйғоқлик — тетиклик вақти (соат)	
	Кун давомида	Тунги уйқу	Кун давомида	Ҳар бир ўйғоқлик ҳолатининг давомийлиги
1 ёшгача	14,5	10—11	9,5	3,5
1—1,5 ёш	14	10—11	10,0	4
1,5—2 ёш	13	10—11	11,5	5
2—3 ёш	12	10—11	12,0	5,5

Бир ёшгача бўлган болалар кун тартибида уйқу—овқатланиш — ўйғоқлик кўринишидаги кетма-кетлик максадга мувофиқдир. Бола ухлаб турганидан сўнг аввал унинг қорнини тўйдириш лозим, чунки организмнинг овқатга бўлган эҳтиёжи боланинг ўйғоқлик пайтида фаол бўлишига ҳалал беради ва кўпинча бетоқатлик, йиғига сабаб бўлади. Уйқуга тўйған, қорни тўқ боланинг нерв системаси қўзғолиши фаол ҳолатда бўлади, кейинчалик эса у чарчаб яна осон ва тез ухлаб қолади. Уйғониш пайтига яқинлашганда эса яна кондирилишини талаб қилувчи овқатланиш маркази қўзғола бошлайди, уйқудан сўнг бола яна яхши иштаҳа билан овқатланади.

Каттарок ёшдаги болаларда асосий ҳаёт мазмуни факат овқатланишдан таркиб топмай, балки турли фаолият кўрсатиш эҳтиёжи бўлганлиги сабабли, улар янги кўринишидаги: уйқу — ўйғоқлик — овқатланиш тартибиға ўтадилар. Ўйғоқлик пайти аввал ўйинлар, сўнгра катталар

(ота-она, тарбиячи) бошчилигидаги тобора мураккаблашиб борувчи фаолиятлар билан тўлдирилади. Бу вақтда тинч машғулотлар билан ҳаракатли ўйинларнинг навбатма-навбат келишига эътибор бериш лозим. Боланинг мустакил хатти-ҳаракатлари катталар билан бўлган алоҳида муносабатлар билан алмашив туриши зарур.

Кўпроқ очик ҳавода бўлиш бола соғлиғи учун фойдалидир. Кундузги очик ҳаводаги уйқудан ташқари кун тартибига сайдларга чиқишни ҳам киритиш лозим. Ёзда барча ўйин ва машғулотларни очик ҳавода ўтказиш, кишида эса бола кунига 2 маҳал (1,5—2 соатдан) очик ҳавода бўлиши керак.

Бола ҳаётининг биринчи 3 йили давомида кун тартибини бир неча марта ўзгартириш зарур. Бу эса боланинг тўғри ўсиши ва ривожланишига ёрдам бериши, соғлиғини мустаҳкамлаши, асосий хатти-ҳаракатлар кўнікмалари ва нутқни такомиллаштириш каби асосий вазифаларни ҳал этиш кабилар учун хизмат қилиши лозим.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ КУН ТАРТИБИ ВА УНИНГ ГИГИЕНИК АҲАМИЯТИ (3—7 ЕШ)

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар кун тартиби ҳам уларнинг олий нерв фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ташкил этилади. Бош мия пўстлоги ҳужайраларининг бу ёшда ҳам осон издан чиқиши, унда кечадиган жараёнларнинг бекарорлиги ҳамон кузатилмоқда. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда кичик ёшдаги болаларга нисбатан рефлекслар тезроқ ҳосил бўлади ва нисбатан барқарор бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда барча тана аъзолари ва системалари фаолиятларининг суткалик даврийлиги изга тушиб боради.

Болаларни тарбиялаш вазифалари анча кенгая боради. Саломатликни мустаҳкамлаш ва асосий хатти-ҳаракатларни (юриш, югуриш, тирмашиш, улоқтириш) янада такомиллаштириш билан бир қаторда болаларга тўғри сўзлаш ва тўғри талаффуз килишни ўргатиш, уларда гигиеник кўнікмаларни ҳосил килиш, уларнинг онги идрок эта оладиган нарса ва ходисалар билан уларни таништириш каби вазифалар ҳам асосий ўрин эгаллайди. Болалар оддий меҳнат фаолиятига, ўз-ўзига хизмат қилишда мустакилликка ўргатилади. Катта ёшдаги болалар гурӯхларида уларни мактабга тайёрлаш ишлари амалга оширилади ва умумтаълим мактаб ислоҳати аста-секин болаларни 7 ёшдан бошлаб ўқитишни назарда тутади.

Болалар боғчаларида болалар ёшига қараб турли гурухларга ажратилади. Қичик гурухни 3—4 ёшли, ўрта гурухни 4—5 ёшли, катта гурухни 5—6 ёшли, тайёрлов гурухини 6—7 ёшли болалар ташкил қиласы.

Қичик гурухдаги болалар кун тартибида 12—12,5 соат уйқуга, шундан 2 соати кундузги уйқуга ажратылған. Каттароқ ёшдаги болалар гурухларига нисбатан уларнинг овқатланишига, уларда әндигина шаклланыётган маданий-гигиеник күникмаларни тарбиялашга күпроқ вакт ажратылади. Болалар қиши пайтида очиқ ҳавода 3—4 соат, ёзда эса кун бүйін юришлари лозим. Хар куни биттадан дарс машғулоти ўтказылади.

Ўрта гурухдаги болалар кун тартибида ухлаш вақтнинг давомийлиги ўзгаришсиз қолиб, ташкилий машғулотлар давомийлиги эса ортиб боради ва улар бир мұнча мураккаблаштырылади.

Катта гурухдаги болаларнинг кун тартибида уйқуга 11,5 соат вакт ажратылади. Хар куни шу гурухдаги болалар учун иккитадан машғулот ўтказылади. Уйқу вактида хонани тоза ҳаво билан таъминлаш мақсадға мұвофиқдір. Ўйинлар боғча ёшидаги боланинг психофизиологияк ҳолатига мос бўлиши, шунингдек болалар боғчасида таълим-тарбия ишлари ҳам бола ёшига мос равишда ташкил этилиши зарур. Нонуштагача бўлган вакт, сайдлар ва айниқса уйқудан кейин куннинг иккінчи ярмидаги қолган бўш вақтда шаклан ва мазмунан турлича бўлган ўйинлар ташкил этилиши лозим.

Тайёрлов гуруҳида уйқу ва фаоллик вақтлари худди катта гурухдагидек бўлади, факат машғулотлар вақти бир оз узайтирилиб, мураккаблаштырылади.

Сутка давомида боғчада бўлувчи болаларнинг кечки ўйин ва сайдлари соат 19⁰⁰ га қадар давом этади. Соат 19⁰⁰ да болаларга кечки овқат берилади ва соат 20⁰⁰—20³⁰ да улар тунги уйқуга ётадилар. Ёзда қоронғи кеч тушиши сабабли барча гурухдаги болалар учун тунги ухлаш вақти 21³⁰ га сурилади. Эрталаб соат 8 да (ёзда 7³⁰ да) турилади. Туриш пайтидан бошлаб то нунуштагача бўлган вакт эрталабки бадантарбия, юз-қўлни ювиш, енгил ҳаракатли ўйинлардан иборат.

Ўрта ва катта гурухлар кун тартибида 1—2 таълим машғулотлари 20—30 дақиқа давомида ўтказылади. Булар орасидаги танаффус ва очиқ ҳавода сайд қилиш 15—20 дақиқани ташкил этади.

Очиқ ҳаводаги ўйин ва сайдлар катта аҳамиятга эга. Тоза ҳаво бола организмидаги алмашинув жараёнларни фаоллаштыради, ўсиш ва ривожланишга ижобий таъсир

Болалар боғчасидаги күн тартиби

Күн тартибининг таркибий қисмлари	Күн тартиби таркибий қисмларининг бошланиш вақти (соат)			
	кичик гурӯҳ	ўрта гурӯҳ	катта гурӯҳ	тайёров гурӯҳи
Болаларнинг тўпланиши	7—8	7—8	7—8	7—8
Нонушта	8 ¹⁵	8 ²⁰	8 ³⁰	8 ³⁰
1-машгулот	9 ¹⁵	9 ³⁰	9 ²⁰	9 ²⁰
2-машгулот			10 ⁰⁰	10 ⁰⁰
Очиқ ҳаводаги сайд ва ўйинлар	9 ³⁰	10 ⁰⁰	10 ²⁰	10 ³⁰
Тушлик	12 ⁰⁰	12 ¹⁵	12 ³⁰	12 ³⁰
Кундузги уйқу	12 ⁴⁵	13 ⁰⁰	13 ¹⁵	13 ¹⁵
Ўйинлар	15 ⁰⁰	15 ⁰⁰	15 ⁰⁰	15 ⁰⁰
Пешинлик	16 ⁰⁰	16 ⁰⁰	16 ⁰⁰	16 ¹⁵
Очиқ ҳаводаги сайд ва ўйинлар	16 ³⁰	16 ¹⁵	16 ²⁵	16 ³⁰
Болаларнинг уйга қайтиш вақти	18 ⁰⁰	18 ⁰⁰	18 ⁰⁰	18 ⁰⁰

кўрсатади. Иқлим шароитлари, йил фасллари, об-ҳавонинг ўзгариб туришига қараб болалар кўпроқ очик ҳавода бўлишлари лозим. Ҳар қандай шароитда ҳам куннинг биринчи ва иккинчи ярмида сайдлар ташкил этиш зарур. Куз, қиши фаслида болалар очик ҳавода күн мобайнида 4, баҳор, ёз фаслида эса 6—8 соатдан кам бўлмасликлари керак.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни мураккаб бўлмаган ишларни бажаришга одатлантириш керак. Уларни меҳнатсевар қилиб тарбиялаш ўз-ўзига хизмат қилишни, хоналар ва гурӯҳ учун ажратилган ўйин майдончасини тартибли ва озода сақлашда кучлари етадиган ишларда иштирок этишни, навбатчилик қилиш, жонли бурчакдаги ҳайвон ва ўсимликларни парваришлишни ўз ичига олади.

Илмий кузатишлар шуни аникладики, очик ҳавода экинларни чопиш ва сув қўйиш, ўрта гурӯҳ болалари учун кунига 7—10 дақиқа, катта гурӯҳ болалари учун 15 минутдан ошмаслиги керак, хоналарни тозалаш, ўйинчокларни тартибга келтиришни эса 25—30 дақиқагача етказиш мумкин (В. М. Лосев). Тунги уйқу 11—12,5 соатдан кам бўлмаслиги лозим.

МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ КУН ТАРТИБИ

Ўқувчиликарнинг узоқ вакт давомида иш қобилияти ва нерв системаси қўзғолишини юқори даражада сақлашда кун давомида меҳнат ва дам олиш вактларининг тўғри таксимланишини таъминловчи оқилона ташкил этилган кун тартиби катта аҳамиятга эга.

Мактаб ўқувчиликарининг кун тартибини тузишда нерв системасининг функционал биологик ритми асос қилиб олинади. Кўпчилик соғлом болаларда бош мия ярим шарлари қўзғолишининг юқори кўрсаткичлари эрталабки ва кундузги соатларда, унинг пасайиши эса кечки соатларда кузатилади. Кузатишлар ўқувчиликарнинг иш қобилиятлари кўрсаткичларининг ўзгаришини, яъни кун давомида бу кўрсаткичнинг 2 марта ортишини (биринчиси соат 8 дан 12 гача, иккинчиси 16 дан 18 гача бўлишини) аниқлади. Иш қобилиятининг биринчи кўтарилиши иккинчисига нисбатан юқори ва давомлироқ бўлади. Лекин ҳамма болаларда ҳам юқори биоритмик ҳолат шу оралиқда бўлмайди. Масалан, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг физиологик функцияларининг даврий ўзгаришини маҳсус тадқиқ қилиш уларни турли характердаги биоритм гурухларига ажратишга имкон берди. Биринчи гурухни кун мобайнида физиологик кўрсаткичлари 2 марта ортиши кузатилган болалар, иккинчи гурухни эса функционал кўрсаткичлари куннинг ўртасида бир марта кўтариладиган болалар ташкил этади. Учинчи гурухга юқори функционал қўзғолишга эга болалар, тўртинчи гурухга физиологик кўрсаткичлари инерт бўлган, бешинчи гурухга эса бу кўрсаткичлар нотўғри кўринишларга эга болалар киради.

Ўқувчиликарнинг кун тартибини организм физиологик функцияларининг табиий ортиши ва пасайиши даврларига мос келган равишда тузиш лозим. У қуйидаги таркибий кисмларни:

1) мактаб ва уйдаги ўқув машғулотларини; 2) кўпроқ очиқ ҳавода дам олишни; 3) муентазам ва тўла қонли овқатланишини; 4) гигиеник жиҳатдан тўлақонли уйкуни; 5) ўз хоҳишига қараб танланган машғулотларга (бадиий китоб ўқиши, мусиқа билан шуғулланиш, расм солиш ва бошқалар) ҳам вакт ажратишни ўз ичига олади.

Ўқув машғулотлари мактаб ўқув ишлари режаси асосида тузилади (9- жадвал). Масалан, бошланғич (1—4) синфларга кунда 4—5 соат дарс ва юқори (5—11) синфларга 5—6 соат дарс белгиланади.

Уйда дарс тайёрлаш ўқув тарбия жараёнидаги

9-жадвал

**Мактаб ўқувчиларининг кун тартиби
(дарслар 830 да бошланадиган пайтда)**

Кун тартибининг таркибий қисмлари	1—4 синф (вақти)	5—7 синф (вақти)	8—11 синф (вақти)
Эрталабки уйқудан туриш	7.00	7.00	7.00
Эрталабки бадантарбия, чи- ниқиши муолажалари (арти- ниш, душ). Ўрин йигиши, юви- ниш.	7.30 гача.	7.30 гача	7.30 гача
Эрталабки нонушта	7.50 гача	7.50 гача	7.50 гача
Мактабдан олдингий сайр, мак- табга йўл олиш.	8.20 гача	8.20 гача	8.20 гача
Мактабдаги дарслар	8.30—12.30	8.30—14.00	8.30—14.30
Мактабдан қайтиш ёки сайр	13 гача	14.30 гача	15 гача
Тушлик	13.30	14.30	15.30
Дам олиш (7 ёшли болалар учун уйқу)	14.30 гча	15 гача	16 гача
Очиқ ҳавода сайр, ҳаракатли ўйинлар. Кўнгил очар ўйинлар	16 гача	16 гача	17 гача
Уй вазифаларини тайёрлаш	17.30 гача	19 гача	20 гача
Очиқ ҳаводаги сайрлар ва ўйинлар	19 гача	20 гача	21 гача
Кечки овқат, эркин машгулотлар (китоб ўқиш, уй юмушиларига ёрдам бериш, му- сиқа).	20 гача	21 гача	21.30
Уйқуга тайёрланиш ва хонани шамоллатиш	20.30	21.30	22 гача
Тунги уйқу	21.00	22.00	22.30

Дарслар соат 14 да бошланганда

Кун тартибининг таркибий қисмлари	3—4 синф (вақти)	5—7 синф (вақти)	8—11 синф (вақти)
Эрталаб ўриндан туриш	7.30	7.30	7.30
Эрталабки бадантарбия, чи- ниқтирувчи муолажалар (арти- ниш, душ), кийиниш, хона- ни йигиштириш	7.30—8.00	7.30—8.00	7.30—8.00
Эрталабки нонушта, уй ишла- рига қарашиш	8.00—9.00	8.00—9.00	8.00—9.00
Уй вазифаларини бажариш, иши жойини йигиштириш, ки- тоб-дафтарларни тартибга со- лиш	9.00—11.00	9.00—11.30	9.00—12.00

Кун тартибининг таркибий қисмлари	3—4 синф (вақти)	5—7 синф (вақти)	8—11 синф (вақти)
Эркин машгулотлар, очик ҳавода бўлиш (ҳаракатли, кўнгил очар ўйинлар)	11—13 13.00—13.30	11.30—13.00 13.00—13.30 13.30—14.00	12.00—13.00 13.00—13.30
Тушлик			
Мактабга йўл олиш			
Дарслар, дарсдан ташқари жамоат ишлари	14.00—18.30	14.00—20.00	14—20
Уйга қайтиш ва сайд	19.00—19.30	20.00—20.30	20—20.30
Очиқ ҳавода бўлиш ва ўйинлар	—	20.30—21.00	—
Кечки овқат ва эркин машгулотлар (ижодий ишлар, бадиий адабиёт ўқиши, мусиқа тинглаши)	19.30—20.30	20.30—21.00	20.30—22
Уйқута тайёрланиш (кийимларни тартибга солиш, хонани шамоллатиши, юз-қўлни ювиш)	20.30—21.30	21.00—21.30	22.00—22.30
Туни уйқу	21.00	22.00	22.30

мустақил ишларнинг муҳим қисмидир. У тушлик ва дам олишдан сўнг, бош мия ҳамда организмнинг барча системаларининг функционал фаолияти юқори бўлган вақтда бажарилиши лозим.

Уй вазифаларини мактабдан келибок бажариш керак эмас. Биринчи сменада ўқийдиганлар учун тушлик қилиш, сўнг тоза ҳавода ҳордик чиқазиш ва шундан кейин уй вазифасини бажариш максадга мувофиқдир. Иккинчи сменада ўқийдиган ўқувчи дарсни эрталаб нонуштадан кейин бажариши лозим.

Болалар очик ҳавода 1,5—2 соат бўлганларидан сўнг уй вазифаларини бажаришга киришсалар, мия фаолияти кўтарилади. Бунда дам олиш вақтининг биринчи ярми ўртача даражадаги кўнгил очар ўйинлар ва спорт машгулотлари, иккинчи ярмида эса тинч сайдлар билан ўтказилса, сермазмун бўлади. Ўрта умумтаълим мактаб дастурида уй вазифасини тайёрлашнинг давомийлиги кўйидагича белгиланган: 1-синфда 1 соатгача, 2—4-синфларда 1,5—2 соатгача, 5—6-синфларда 2,5 соатгача, 7- синфда 3 соатгача, 8—11- синфларда 4 соатгача,

Уй вазифаларини тайёрлашда ҳам мактабдагидек ҳар 35—45 минутдан сўнг киска танаффуз қилиш (дам олиш, очик ҳавода бўлиш) лозим.

Юқорида кўрсатилган вақтдан ортиқ дарс тайёрлаш

диқкат-эътиборнинг пасайишига, ёзув ишларининг сифати ва аниқ кўришнинг ёмонлашишига олиб келади. Ўқувчи дарс тайёрлайдиган хона ёруғ, шинам ва қулай бўлиши зарур.

Болалар дарс тайёрлашдан олдин ва кейин ҳамда уйқудан олдин бўш вактларини кўпроқ очик ҳавода ўтказишлари лозим. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар очик ҳавода 3,3—5 соат, ўрта мактаб ёшидагилар 2,5—3 соат ва юқори синф ўқувчилари 2 соатдан кам бўлмасликлари керак.

Ўқувчилар бўш вактларини кўпроқ ўз қизиқишиларига қараб ўтказадилар. Унинг давомийлиги кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун 1—1,5 соат, ўрта ва юқори синф ўқувчилари учун 1,5—2,5 соатни ташкил килади (бадиий китоб ўзиш, расм чизиш, бичиш-тикиш, телекўрсатувлар ва фильмлар томоша қилиш).

Тўгаракларга, спорт секцияларига қатнашиш бошланғич синфларда 45 минутдан хафтасига 2 марта, ўрта ва юқори синфларда 1,5—2 соатдан кўп бўлмаслиги керак.

Ўз-ўзига хизмат қилиш ва ижтимоий-фойдали меҳнат турларидан мактабда, интернат ва бошқа муассасаларда болалар қўйидагиларга: ўринни йиғиш, оёқ кийим ва кўйлакларни озода тутиш, хонадаги енгил ишларни бажаришда иштирок этиш (хонани шамоллатиш, чангларни артиш, супуриш, гулларга сув қуйиш), ошхонада навбатчилик қилиш, ҳовли ишлари (хазонларни йиғишириш, гул ва дараҳтлар экиш ва экинларни суғориц, жонли бурчак ҳайвонларини парваришлаш ва бошқалар)га жалб қилинадилар.

10—13 ёшдаги болалар учун ўз-ўзига хизмат қилишдан ташқари қўйидаги меҳнат турлари тавсия этилади: ўз кийим-бошларини ювиш, таъмирлаш, тикиш-чатиши, ҳовлида озодалик ва тартибни сақлаш, сабзавот ҳосилини йиғишириш ва ҳ.к.

Ошхонада навбатчилик қилганда сабзавотларни артиб-тозалаш, идишларни ювиш, спорт ва ўқув тажриба майдончаларини қуриш ва жиҳозлаш ишларида ёрдам бериш кабилар.

14—15 ёшли болалар ижтимоий-фойдали меҳнат ва ўз-ўзига хизмат қилиш, жумладан, ётоқхоналарни тозалаш, тайёр овқатларни идишларга қўйиш каби ишларни ҳам бажаришлари мумкин. Уларни қишлоқ хўжалик тажриба участкасидаги ишларга ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий фойдали меҳнат билан узлуксиз шуғулла-нишнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун унинг

Фаолият турларининг ўқувчиларниң ўқув фаоллигига бўлган таъсири

Фаолият тури	Қанча вақт давом этади, соат ҳисобида	Уй вазифаларини тайёрлаш вақтидағи ўқув фаоллиги, фоиз ҳисобида
Очиқ ҳавода ҳаракатли ўйинлар, сайдир	1,5	84,2
Хиёбон, ўрмонларга экспурсия	2,0	75,8
Спорт ўйинлари:		
волейбол ва бадминтон	1,5	84,2
футбол	1,0	84,2

давомийлиги 1—4- синф ўқувчилари учун 30 минут, 5—9- синф учун 40 минут, 10—11- синфлар учун 1,5 соатдан ошмаслиги лозим. Барча ишларни бажаришга ўқувчиларниң саломатликлари ва жисмоний имкониятларига қараб рухсат этиш керак.

Барча ёшдаги болалар кун тартибида ўз-ўзини тартибга келтириш, озодалик ва гигиеник тадбирларни бажариш учун ҳам етарли вақт ажратиш лозим.

Илмий текширишлар узайтирилган гурӯхлар кун тартиби нотўғри тузилган болалар узок вақт дарс тайёрлаб, очик ҳавода кам бўлишларини кўрсатди. Бу эса организмнинг функционал ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, хусусан оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари ёмонлашади, толикиш белгилари кучаяди. Очик ҳавода етарли вақт мобайнида ўтказилган ҳаракатли кўнгил очар ўйинларга вақт ажратиш уй вазифаларини унумли ва тез суръатлар билан бажаришга имкон яратади.

Мактаб интернатларда кун барча учун шарт бўлган эрталабки бадантарбиядан бошланади. Сўнгра ўрин ва хоналар тартибга солинади, юз-қўл ювилади, нонушта қилинади, сайдир ва ўқув машғулотлари бошланади. Тушлик ва сайдирдан сўнг тарбияланувчилар уй вазифаларини бажарадилар. Шундан кейин тўғарак машғулотлари ўтказилади, ўз хоҳишига қараб сарф қилиш учун бўш вақт ҳам берилади. 1—4- синф ўқувчилари соат 20.30 да, 5—8- синф ўқувчилари соат 21.00—22. 00 да ухлашга ётадилар.

Баъзи бир мактаб-интернатларда кичик синфларда дарс ва уй вазифаларини ягона ўқув жараёнига айлантириш тажрибаси кўлланилади. Бунда болалар З соат ўқиб

бўлгач, 1 соат давомида овқатланиб, дам оладилар, сўнгра мустақил машғулотларда қатнашадилар. Ашула, расм, меҳнат дарси ва жисмоний тарбия машғулотлари куннинг иккинчи ярмидан (соат 16 дан 18 гача) олиб борилади. Ўқув фаолиятининг бундай тарзда ташкил қилиниши бола организмининг функционал ҳолатини яхшилашни таъминлайди.

Ўқувчиларнинг имтиҳонга тайёрланиш вақтидаги кун тартиби. Имтиҳон топшириш билан боғлиқ бўлган зўр берилган аклий фаолият, хис-ҳаяжон, ухлаш ва дам олиш тартибининг бузилиши, ўқув йили охирида юзага келган иш қобилиятининг пасайиши бола организмининг функционал ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Ўқувчилар чарчоқликдан, ёмон уйқу ва иштаҳадан шикоят қиласидар, баъзи ўқувчиларда эса қон босимининг ошиб кетиши ҳам кузатилади.

Имтиҳонларга тайёрланиш вақтида ҳам эрталаб ўриндан туриш, кечқурун уйқуга кетиш, овқатланиш, очик ҳавода бўлиш вактлари одатдагидек бўлмоғи лозим. Имтиҳонларга тайёрланиш машғулотлари эса организмнинг функционал фаоллиги юқори бўлган эрталабки соатларда ўтказилади. Ҳар 45 минут оралиғида қисқа танаффуслар, 2,5—3 соатлардан сўнг иккинчи нонушта ва очик ҳавода сайр қилиш лозим. Шундан сўнг болалар яна 3 соат дам оладилар, ухлайдилар, очик ҳавода бўладилар. Соат 16 дан бошлаб 2—3 соатлик машғулотлар ўтказилади. Имтиҳонларга тайёрланиш вақтида эса ўқувчилар бошқа машғулотлардан озод қилинадилар. Бир кунда болалар кўпи билан 9 соат машғулотлarda қатнашмоғи лозим.

Дам олиш ва таътил кунларидаги кун тартиби. Кун тартибида иложи борича етарли уйқу ва очик ҳавода бўлишга эътибор берилади. Ҳаракатли ўйинлар, спорт ўйинлари ва машғулотлари ва туристик саёҳатларга кенг йўл берилishi лозим. Китоб ўқиш учун, театр ва концертларга бориш учун сарф бўладиган вақт бир текис таксимланиши зарур. Ҳар куни уй юмушларига ёрдам бериш ва ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланиш учун ҳам вақт ажратилади. Дам олиш ва таътил кунлари болаларда эркин ижод билан машғул бўлишга етарли вақт бўлиши керак. Ухлаш ва ўз-ўзига хизмат қилиш вактлари болаларнинг ёшлирига караб белгиланади.

Езги таътил кунлари лагерларда оммавий соғломлаштириш ишлари амалга оширилади. Лагерлар кун тартибида очик ҳавода бўлиш, табиий соғломлаштириш омилларидан унумли фойдаланиш, етарлича уйқу, жисмоний тарбия ва сифатли овқатланишга кенг ўрин берилади.

Үйқу мактаб ўқувчиси кун тартибининг муҳим қисмларидан биридир. Үйқуга бўлган талаб болалар ёшига боғлиқ равишда ўзгарувчан бўлади:

Боланинг ёши	Үйқунинг давомийлиги
7—10	11—10 соат
11—14	10 соат
15—17	9 соат

Тез-тез қасалликка чалинувчан, нимжон, қувватсиз, сил ва бод каби бир қатор қасалликлар билан оғриган бола организми узокроқ вакт ухлашга муҳтоҷдир. Даволаш ва соғломлаштириш муассасаларида ёшидан қатъи назар ҳамма болалар кундузи ухлашлари лозим.

Сўнгги йилларда ўқувчиларнинг кун тартибини ўрганиш кўп болаларда үйқуга тўймаслик ҳоллари тез-тез учраб туришини кўрсатди. Бунга сабаб, биринчидан, ўқиш вакъти 8.00 да бошланishi туфайли эрта туриш бўлса, иккинчидан, үйқуга кеч ётишдир. Үйқуга кеч ётиш уй вазифаларини узок тайёрлаш, шу сабабли кун тартибининг бошқа таркибий қисмларининг кечга сурилиши ва телекўрсатувларни узок кўриш билан боғлиқдир.

Тўйиб ухламаслик болаларнинг олий нерв фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бунда марказий асаб системаси (МАС) издан чиқади, вегетатив реактивлик бекарорлиги, шунингдек ишлаш қобилияти кескин пасаяди.

Бундай ўзгаришлар кун тартибига риоя қилинганда яхшиланади. Узок вакт давомида үйқуга тўймаслик қаттиқ толиқишига олиб келади ва асаб бузилишигà сабаб бўлади.

Соғломлаштириш муассасаларида 5 маҳал овқатланилади. Үйқу 2 маҳал: тунги ва кундузги үйқудан иборат бўлади. Кун тартибида албатта болаларнинг қизиқ ишларига қараб танлаб олинган эркин ижод билан шуғулланиш учун ажратилган бўш вакт ҳам назарда тутилиши лозим. Бу бола шахсиятини шакллантиришда, унинг ижодий қобилияти ва руҳий қизиқишилари ривожланишида катта аҳамиятга эга.

БОЛАЛАРНИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ҮҚИТИШ ЖАРАЁНИ ГИГИЕНАСИ

**МАКТАБГАЧА БЎЛГАН МУАССАСАЛАРДА БОЛАЛАРНИ
ТАРБИЯЛАШ ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ҮҚИТИШ
ГИГИЕНАСИ**

Боғча ёшидаги болалар кун тартибида таълим-тарбия жараёни гигиенаси алоҳида ўрин тутади. Бола ҳаётининг шу йиллари ўзаро боғлик равишда тез суръатлар билан кечадиган жисмоний ва ақлий ривожланиш хусусиятлари билан ажралиб туради.

Шахсиятнинг ривожланиши, айниқса ўсиш даврида фаол кечади. Психологлар уни боланинг кичиклигидан бошланишига эътиборни тортадилар. Бола ҳаётининг иккинчи йилида унинг хулқ-атвори ўзгаради. Биринчи навбатда барча нарсага қизиқиш ортади. Нутк шаклланаб, тез суръатлар билан ривожланиб боради. Бола нутқдан фаол равищда фойдаланади, бу эса унинг идрок этиш, фикрлаш қобилиятининг ривожланиши билан чамбарчас боғлик. Ёш болалар билан олиб бориладиган машғулотлар ҳаракатли ўйинлар, бадантарбия, сайр қилиш, мусиқа машғулотлари, турли ўйинчоқлар билан машғул бўлиш, енгил топшириқларни бажариш каби усуллар билан бойитилади.

Бола ҳаётининг учинчи йилида у жисмонан чиника бошлайди, унинг иш қобилияти ортади, мия ҳужайралари фаолияти кучайиб тормозланиш жараёни такомиллашиб боради. Бола ўзини тийиб туриши, сабр қилиши мумкин, аммо у ҳали ҳам узоқ кутишга кодир эмас, узоқ вақт бир хил ҳолатда тура олмай тез толикади. Бу даврда боланинг фикрлаш қобилияти тез ривожланади, жумладан болада атроф-муҳитни идрок этиш, табиат ҳодисалари, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, ижтимоий ҳодисалар, катталар меҳнати, байрамлар ва бошқалар ҳакида тушунчалар пайдо бўлади. Бола катталар сұхбатини яхши тушунади, улар билан мулоқотда бўлганда нутқ равон, етарли даражада мураккаб бўлиши лозим.

Болалар нутқини ривожлантириш, улар билан жисмоний тарбия, расм солиш, лой ва пластилинлардан турли нарсалар ясаш, конструкциялаш, мусиқа машғулотлари ўтказилади. Боланинг мактабгача тарбия даврига ўтишига керак бўладиган нерв-руҳий ривожланишнинг 26 хил кўрсаткичлари ишлаб чиқилган,

Мактабгача тарбия даври боланинг юксак жисмоний ва маънавий ривожланиш даври ҳисобланади, эрта болалиқдан қандай гигиеник талаблар қўйилиши унинг саломатлиги, келгусида ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб етишишининг мезони бўлиб хизмат қилади. Бу даврда организм таълим-тарбия жараёнини мураккаблаштириш йўли билан мактабгача тарбия ишларини тез суръатлар билан олиб бориш учун юқори потенциал имкониятларга эга. Ҳозирги вақтда хорижий мамлакатларда сунъий равишда акселерация — бола ривожланишини тезлаштириш назариясига катта эътибор берилмоқда. Бу концепция тарафдорлари бола организмининг катта психофизиологик имкониятларига таянган ҳолда боғча ёшидаги болалар ривожланишидаги оралиқ босқичларни четлаб ўтиб, уларга турли кўникма, билимларни жадал суръатларда ўргатувчи жуда эрта таълим беришни таклиф қиладилар.

Масалан, бир қатор олимлар бизда ақлий ва жисмонан камол топиб ривожланган болаларни мактабда ўқитишни б ёшдан бошлиашни тавсия этадилар. Бунга зид ҳолда мактабгача тарбия ишларини ташкил этишда маълум ёшдаги бола тез суръатлар билан шуғулланиши эвазига нималарни ўзлаштириб олишинигина эмас, балки бу ундан қанчалик жисмоний ва маънавий куч талаб этишини ҳам эътиборга олиш керак деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги замонда қабул қилинган «Болалар боғчасида тарбия ва ўқув ишлари дастури» ўқув-тарбия жараёнида билимларни ошириш, яъни болаларнинг билим ва малака доирасини кенгайтириш ва чуқурлаштириш вазифасини қўйди. Мактабгача тарбия муассасаларида ўқитишни унумли услубда олиб бориш ижодий қизиқишларни қўллаб-қувватлаш, ижобий ҳис-ҳаяжон ва яхши кайфиятни шакллантириш ҳамда эгалланган билимларни амалда қўллаш каби ўзига хос хусусиятларга эга.

Бола мияси онтогенезнинг эрта босқичида етилади ва янги туғилган вақтида маълум даражада етук бўлади. Бироқ, систематик интеграл вазифаларини таъминловчи миянинг янги тўқималари боланинг индивидуал ривожланиш даврида аста-секин такомиллашиб, етилиб боради. М. М. Кольцеваянинг тадқиқотлари боланинг 5—7 ёшлигида бош мия пўстлоғининг турли функционал зоналари бирлашиб, моррофункционал ҳолати ривожланиб боришини, хотиржамлик ритми ўрнатилишини кўрсатди.

5—6 ёшда анализатор системалар аҳамияти катта бўлиб, ўнг мия ярим шари чапига нисбатан тезрок ишлайди. 6,5—7 ёшда оғирлик маркази миянинг олдинги асоциатив бўлимларига ўтади, чап мия ярим шарининг

роли ортади, пешана бўлакларининг функциялари кучайди. Шу боисдан, 5—6 ёшли болаларда кўргазма — образли фикрлаш устун турса, 6,5—7 ёшдан бошлаб мавхум фикр юритиш қобилияти пайдо бўлади. Болаларни боғча шароитида ўқитиш жараёни бола миясининг психофизиологик ва морфофункционал имкониятларини эътиборга олган ҳолда ташкил этилиши лозим.

Болалар боғчасида турли ёш гурухидаги болаларнинг машғулотлар вактида аклий иш қобилиятини ўрганиш З ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда бу қобилиятнинг астасекин ва бир маромда ўсиб боришини кўрсатади. Аммо, бу қобилиятнинг хар йили қишиш ва баҳорги мавсумда вактингчалик пасайиши ва яна қайта ортиши кузатилади. Боғча боласининг иш қобилиятига ва толикишига ўқитиш жараёнининг ташкил этилганлиги таъсир кўрсатади. Шунинг учун болалар боғчаларида ўкув-тарбия ишларини режалаштиришда факатгина машғулотлар давомийлигига эмас, балки педагогик жараённинг тўғри ташкил этилишига ҳам муайян гигиеник талаблар кўйилади. Болалар боғчаларида ташкил этилган машғулотлар болаларга тўғри сўзлашни ва ҳисоблашни ўргатувчи, расм солиш, лойдан турли нарсалар ясаш, оддий меҳнат ва гигиеник кўниқмаларни эгаллашни таъминловчи маҳсус дастурлар асосида ўтказилади. Бу машғулотлар тарбияланувчиларни мактабдаги систематик ўқишга тайёрлаш имконини беради.

Турли ёшдаги болаларнинг функционал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бир ўкув машғулотининг давомийлиги турлича, масалан, катта гурухда 20—25 минут, тайёрлов гурухида эса (6 ёш) 25—30 минут қилиб белгиланган.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг психофизиологик ҳолатига ўйин жараёни хос, бинобарин, боғчада ўқитиш жараёни болаларнинг ҳаракатли ўйинлари кўринишида олиб бориши лозим.

Кузатишлар тайёрлов гурухи тарбияланувчиларининг аксарият қисми биринчи машғулотнинг охирги дақиқасида деярли иштирок этмасликларини кўрсатди. Бош мия толикиши аклий меҳнат оғирлигидан эмас, балки тананинг ҳаракатсиз ҳолатида ташки таъсир рецепторларидан келаётган импульслар натижасида юзага келади. Шу боисдан кийин машғулотлар ўтказилганда машғулотлар орасида кам ҳаракатли (енгил ҳаракатли) ўйинлардан иборат 10—15 дақиқали танаффус бўлиши лозим.

Ўқишининг мураккаблашиб бориши сабабли болани мактабга тайёрлашга бўлган талаблар ҳам ошиб бормок-

да. Бир қатор олимлар тайёрлов гурухларида ўқув машғулотлари машқ қилиш тартибида, яъни кунига 20, 25 ва 30 дақиқали З тадан машғулот ўтказилиши лозим деб таъкидлаганлар (Г. М. Риженко).

«Ўрта умумтаълим ва ҳунар мактаблари ислохоти» қарорида (1984—85) аста-секин систематик равиша болаларни б ёшдан бошлаб ўқитишга ўтиш вазифаси қўйилган. Боғчада ўқитилаётган болаларни ўқитиш мактабда бериладиган илм даражасида бўлиши керак. Шу мақсадда ишлаб чиқилган бир қатор ўқитиш дастурлари бор: «Тайёрлов гурухларида олиб бориладиган ўқувтарбия ишлари дастури» (1983 й.) ва экспериментал тажриба дастури (1984 й.), шунингдек бизнинг жумхуриятда ўқитишнинг миллий хусусиятларини назарда тутиб ишлаб чиқилган ўқувтарбия дастурлари ҳам мавжуд. Ўзбекистондаги илмий текшириш ишлари б ёшдан болаларни мактабга қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатди. Шу сабабдан республикада 7 ёшдан болаларни мактабда ўқитиш тавсия қилинади. Гигиенистларнинг олиб бораётган тадқиқотлари ўқув дастури асосида ўқитиш 7 ёшли болаларнинг психофизиологик имкониятларига тўғри келишини кўрсатди.

Ҳар қандай дастур асосида ўтказиладиган машғулотларда иш қобилиятининг хафта мобайнида икки марта ортиши аниқланди. Масалан, иш қобилиятининг паст кўрсаткичлари душанба ва чоршанба ёки пайшанба кунлари кузатилади. Болалар боғчаларининг тайёрлов гурухларида кун давомида ҳар бири 35 дақиқали 4 та машғулот, булардан 3 тасини куннинг 1-ярмида (ёзув, ўқиш, ҳисоб дарслари) ва 1 тасини сайр ва кундузги уйқудан сўнг куннинг иккинчи ярмида (қўл меҳнати, расм, мусиқа ва бошқалар) ўтказиш тавсия этилади.

Болаларнинг ўқув жараёнларига кўнишилари уларнинг функционал тайёргарлик холатига ҳам боғлиқдир. Айрим олимларнинг фикрича, ривожланишда бир мунча орқада қолган болалар ўқишини б ёшдан бошлашса, уларнинг нерв-рухий ва психомотор функцияларининг бузилиши кузатилади.

«Мактабга тайёр бола» тушунчаси шартлидир. Масалан, бир қатор муаллифлар бу жойда боланинг жисмоний, ижтимоий ва психологик ривожланиши даражасини биринчи ўринга қўйишса бошқалар эса орган ва системаларнинг функционал етуклигини, учинчи гурух намояндлари эса болаларнинг мактабга алоқадор бўлган организмининг зўрикишга бўлган тайёргарлигига катта аҳамият беришади. Мактабда ўқишига тайёр деған тушунча

боланинг мактабда таълим олишга керак бўлган барча талабларни бажара олишини таъминловчи жисмоний ва психофизик ривожланишни билдиради. Боланинг мактабда ўқишга кодирлигини баҳолашда фақатгина ижтимоий шарт-шароитлар билан боғлик бўлган унинг ақлий ривожланиш даражасинигина эмас, балки организмнинг морфофункционал етуклик ҳолатини ҳам эътиборга олиш зарур. Шунинг учун бу қобилиятни текширишда организмнинг биологик етуклиги, жисмоний ривожланишнинг баркамоллиги, бола саломатлиги ва функционал системалар ҳолати ҳам аникланади. Ўқишнинг бошланғич даврида керакли бўлган функциялар: бош мия пўстлоғининг тулашиш функцияси (шартли рефлекс ва дифференциал тормозланиш ҳосил бўлиши), иккинчи сигнал системаси (жумладан нутқ), қўл бармоқларининг ва тана ҳолатини сақлаб турувчи скелет мускулларининг аник ҳаракатлари, шунингдек психомотор функциялар ривожланишини баҳолаш лозим. Айниқса, организмнинг мотор (ҳаракатлантирувчи), қўриш ва психологик функцияларни баҳоловчи Керн-Ирасек тести аник қўрсаткич бўлиб хизмат қиласди.

Биологик ёш паспорт ёшига мос ёки илгарилаб кетган, нутки яхши ривожланган, соғлом (1- ва 2- саломатлик гуруҳига кирувчи) ва Керн-Ирасек тести бўйича «мактабга тайёр» деб баҳоланган болалар ўқишнинг дастлабки босқичидаёқ юкори иш қобилиятига эга бўлиши аникланган.

МАКТАБДА БОЛАЛАРНИ ЎҚИТИШ ГИГИЕНАСИ

Хозирги пайтда мактаб ўқувчиларининг умумтаълим шоҳобчалари доимий равишда ўсиб, мукаммаллашиб бормоқда, ақлий меҳнат фаолияти мураккаблашмоқда. Мактаб ўз ривожланишининг янги, яъни умумтаълим ва ҳунар мактаблари ислоҳоти билан боғлик босқичида турибди.

Халқ таълими системаси олдида ўқув-тарбия ишларининг сифатини ошириш, ўқитишнинг юкори илмий даражасини таъминлаш, меҳнатга муҳаббат, ғоявий ва маънавий тарбияни яхшилаш, эстетик ва жисмоний баркамолликка эришиш каби вазифалар турибди. Мактабнинг асосий вазифаси — меҳнат, таълим-тарбия ва ҳунарга жалб этиш ишларини тамоман йўлга қўйишни таъминлашdir.

Ўрта умумтаълим ва ҳунар мактабларида ўқитиш системаси қуидагича:

Бошланғич мактаб —	1—4- синфлар
Тұлықсиз ўрта мактаб —	5—9- синфлар
Ўрта умумтаълим ва хунар мактаблари —	10—11- синфлар: ўрта хунар- техника билим юртлари, ўрта махсус билим юртлари

Хозирги вактда умумтаълим мактабларида ҳафта мобайнида ўқув соатлари күйидагича белгиланған.

1—4- синфларда 22 соат, 5—7- синфларда 28 соат, 8- синфда 30 соат, 9—11- синфларда эса 32 соатдан күп дарс режалаштирумаслик лозим. Сүнгі йилларда электрон-хисоблаш, техника фанлари, ўқитишнинг техник воситалари ўқув дастурига киритилди.

Шундай қилиб, жумхуриятимизда барча болалар ва ўсмирларнинг ўқиши ва ривожланишининг муҳим босқичларини ўз ичига олган узок давом этадиган асосий фаолият даври — бу ўқиши даври. Шу сабабли ўқиши машғұлутлари, дарсларни түғри ташкил этиш соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш гаровидир. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга күйилған гигиеник талаблар, даставвал бола организмининг турли ёшга хос бўлган мормофункционал жиҳатдан етуклиқ даражасини, олий нерв системаси фаолиятининг функционал имкониятини эътиборга олиши лозим. Бола организмининг турли-туман ва доимо ўзгариб турувчи ташки мухит омиллари билан бўлган муносабатини ўрганиш ҳам аҳамиятлидир. Ташки мухит таъсири факат ўқув жиҳозларини түғри танлаш, иш жойини түғри ташкил этиш ва жиҳозлаш, ёруғлик, микроқлим шароитларига бўлган талабларни аниқ бажариш билангина чегараланмайди, бинобарин, сүнгги вактларда микроижтимоий деган тушунча остида ётган бошқа бир катор омиллар ҳам эътиборга лойикдир.

Боланинг ўқиши ва тарбиясига жамият ҳамда оиласнинг муносабати ҳам муҳим. Ўқитувчилар билан ота-она-ларнинг бамаслаҳат иш кўриши самарали натижа беради. Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, агар боланинг одатдаги хулқ-автори ўзгарса, ўқишида қийинчиликлар юзага келса, ўз вақтида маслаҳат сўраб шифокорга мурожаат этиш керак.

Буларнинг ҳаммаси бош мия қобиғида тормозланиш жараёнининг ривожланишидан, марказий асаб системаси қўзғолиши пасайишидан далолат беради (боланинг дикқат-эътибори сусаяди, у бирор нарсанни ёдда сақлаб қоломайди ва х. к.). Ўқувчининг ақлий меҳнатини оқилона ташкил этиш толиқишининг олдини олишгина эмас, шу билан бирга ақлий, ўқиши, меҳнат қобилиятини ошириш

воситаси ҳамдир. Ақлий жиҳатдан толиқиши организм функционал ҳолатининг ёмонлашувига, дикқатнинг ва иш қобилиятигининг пасайишига олиб келади. Физиологик нуқтаи назардан толиқиши — бу ҳар қандай ишнинг табиий натижасидир. Толиқишининг олдини олиш учун ҳар қандай фаолиятдан воз кечиш керак, бу эса ўсиш ва ривожланишга ёмон таъсир кўрсатади. Олдимиизда турган вазифа боланинг иш қобилияти юқори бўлган ҳолатини узайтириш, унинг пасайиб кетиш вактини орқага суриш, қаттиқ толиқишига йўл кўймайдиган шароитларни яратишдан иборат.

Бунинг учун ишлаш ва дам олиш режимига риоя қилиш, ўз вактида организм ва олий нерв фаолиятигининг иш қобилиятини тиклаш учун етарли давомийликда дам олиш катта аҳамиятга эга.

Иш қобилияти ўзгаришининг физиологик схемаси З та:
1) ишга киришиш; 2) юқори унум; 3) толиқиши даракчиси бўлмиш иш қобилиятигининг пасайиши даврларини ўз ичига олади. Сўнгра эса фаолиятни тикловчи ва унинг бу ҳолатини мустаҳкамловчи дам олиш даврига вакт ажратиш лозим. Болалардаги барқарорлик, юқори иш қобилиятигининг давомийлиги даставвал уларнинг ёши билан белгиланади ва уларнинг саломатлик ҳолатига, ташки муҳитнинг гигиеник шароитларига, бажарилаётган ишга бўлган муносабат ҳамда кайфиятга боғлиқ бўлади. Бундан ташкири, гигиеник тадқиқотлар ҳар бир боланинг иш қобилиятида ўзига хос ўзгаришлар бўлишини ҳам кўрсатади. Текширувлар шуни аникладики, II сменага нисбатан I сменада ўқийдиган болаларда толиқиши камрок бўлади (И. П. Бакулина, М. Н. Исмоилов).

Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси илмий текшириш илмгоҳида ўтказилган кузатишларда кун давомида иш қобилиятигининг ўзгариши З тоифага ажратилади:

1) ижобий (яхши) томонга ўзгариши (иш қобилиятигининг ортиши ёки бир мунча пасайиши); 2) қониқарли иш қобилияти (иш қобилиятигининг фақат кечки пайтга бориб пасайиши ёки унинг гоҳ пасайиб, гоҳ кўтарилиши); 3) салбий (ёмон) томонга ўзгариши (иш қобилиятигининг тез ва кескин пасайиши, суст даражада узок вакт бўлиши).

Иш қобилиятигининг ҳафта ва ўқув йили давомидаги ўзгаришлари ҳам турличадир. Аммо, деярли ҳамма ҳолларда ҳам ҳафта ва ўқув йилининг охирида иш қобилиятигининг пасайиши, толиқиши юзага келади.

Фаолият турларининг иш қобилиятига бўлган таъсири организм эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда ўрганила-

ди. Ҳисобга олинадиган ритмлар организмнинг мослашиш қобилияти деб ҳисобланади. Ўқиш фаолиятини гигиеник баҳолашда эндоген (ички) табиати ҳисобланган циркад ритмлар — бир кеча-кундузга, йил ва турли мавсумларга оид ритмларни, шунингдек экзоген (ташқи) ижтимоий омилларга боғлик бўлган ишлар ва дам олишнинг бир ҳафталик ритмларини ўрганиш қизиқарлидир. Гигиеник нормаларни белгилашда организмнинг бир кунда бўладиган биоритмик фаоллигига ижтимоий омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш зарур.

Психологик функциялар ҳақидаги замонавий тасаввурлар инсоннинг онгли фаолияти, психологик жараёнлар, боланинг ривожланиши давомида, шунингдек кейинги машқ қилиш босқичларида ўзгарувчанлик хусусиятларини ҳам ўз ичига олади.

Янги мукаммаллаштирилган таълим-тарбия ишлари дастурини тузишда фақатгина маълум ёшдаги бола нималарни тушунишини, юқори даражада зўриқиши билан нималарга эришишнигина эмас, балки бу унга қанча жисмоний куч ва асад сарфлаш эвазига келишини ҳам эътиборга олиш зарур. Аммо барча қийинчиликлардан истисно қилиш ҳам бола ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўқитиш жараёни уларнинг эришган ривожланиш даражасидан олдинда бориши, улар олдига кийин, бироқ ҳал этиш мумкин бўлган вазифалар қўйиши ва шу туфайли организмнинг психофизиологик функцияларнинг ривожланишини таъминлаши лозим.

Шундай қилиб, таълим-тарбия гигиенаси олдида турган вазифаларни ҳал этишда факт гигиеник тадқиқотлар ва аклий меҳнатни ўрганиш, хронобиология, психология эришган замонавий физиологик ютуқларнинг уйғуналиги асосида ёндашиш лозим. Ўқув фаолиятининг гигиенаси олдида турган аниқ вазифалардан бири дарсларга бўлган қўйидаги талабларни бажариш:

- дарсни тўғри ташкил қилиш;
- дарслар ва танаффусларнинг қанча давом этишини оқилона белгилаш;
- ўқув куни ва ҳафта давомидаги дарсларнинг умумий сонини меъёрлаштириш;
- дарсларни ҳафта ва кун давомида оқилона таксимлаш;
- таътиллар вакти ва давомийлигига риоя қилишдан иборат.

Боланинг 6—7 ёшда мактабга бориши энг қийин биринчи босқич ҳисобланади. Бу боланинг мажбурий систематик ўқишга мослашиш (адаптация) давридир.

6 ёшли болаларни ўқитиши жараёнининг ўзига хос томонлари қуидагилардан иборат. Дарслар давомийлиги ўқув йилининг биринчи ярмида 30 минут, иккинчи ярмида 35 минутгача қискартилиши лозим. 2,3- дарсдан сўнг ҳар куни очик ҳавода турли ўйинлардан иборат машғулотлар ўтказилади. Мактабда узайтирилган кун гурухларига колувчи 1—2- синф болалари учун 1,5—2 соатли, кундузги уйку ва 3 маҳал овқатланиш уюштирилади. Энг узун ва оғир ўқув чораги — III чорак ўртасида кўшимга равишда бир хафталик таътил берилади.

Бизнинг жумхуриятимизда болалар етти ёшдан бошлаб ўқитилади. 7 ёшли болалар учун ҳам ўқишнинг дастлабки даври маъсулиятли ҳисобланади. 1- синф ўқувчиси учун 45 дақикали дарс ҳаддан зиёд оғир ҳисобланади.

Дастлабки даврда 1- синф ўқувчилари учун кунига 4 соат дарс ҳам оғирлик қиласди. Шу сабабли улар учун ўқиш даврининг дастлабки ойларида дарслар сонини янги талабларга мувофиқ чеклаш физиологик жиҳатдан асосланган. Ўқувчиларнинг мактабга мослашиш даврида босқичма-босқич тартибга риоя қилишлари ўринлидир. Бу қоидаларга мувофиқ I чоракда 30 дақикали 3 та дарс, II чоракда 30 дақикали 4 та дарс, ўқув йилининг III — IV чоракларида эса 35 дақикали 4 та дарс ўтилса, бас. Кузатишлар ўқув машғулотларининг бу тарзда уюштирилиши 1- синф ўқувчисида физиологик кўрсаткичларнинг юкори даражада бўлиши билан бирга, фанларни яхши ўзлаштиришини ҳам таъминлашини кўрсатди.

Ўқувчиларнинг ишлаш қобилиятини юкори даражада узоқроқ пайтгача давом этишини таъминлаш ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишда дарсларни тўғри ташкил этиш, ўқув фаолиятининг асосий турларини аниқлаш, уларнинг давомийлиги ва бир-бири билан тўғри мувофиқлашуви катта аҳамият касб этади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар диккат-эътибори фаол ҳолатда 15—25 дақиқа давом этади. Бу кичик ёшдаги болалар ўқув машғулотлари кам меҳнат талаб этмайди. Катта психофизиологик ва кўз зўриқиши билан кечадиган харакатсиз ҳолатни узок вақт сақлаб туришни талаб этади. Биринчи ва иккинчи синflарда узлуксиз ўқиш давомийлиги 8—10 минутни ташкил этади, учинчи синфга келиб 15 дақиқагача узаяди. Мустақил ўқишини дарснинг энг қийин қисми сифатида дарс боши ва ўртасида ўтказиш ҳамда сўзлаб бериш, сұхбатлашиш билан навбатма-навбат олиб бориш лозим.

Ёзув ишларини бажариш дарснинг тез чарчатадиган хусусиятларидир. Шу сабабли, дам олмасдан 3—5 дақиқа

ёзиб бориш энг маъқул йўл ҳисобланади. Бунда болаларнинг қадди-қомати бузилиши ҳам мумкин, шу сабабли бунга катта эътибор бериш керак.

Ўрта ва юқори синфларда дарс соатлари янги фанлар ҳисобига ортиб боради. Бу ҳолда ўқиш жараёнининг нотўғри ташкил этилиши осон бартараф этса бўладиган толикишга эмас, балки қаттиқ толикишга олиб келиши мумкин. Қаттиқ толикиш физиологик ҳолат эмас, у патологик ҳолатга ўтиш бўсағаси бўлиб ҳисобланади. Қаттиқ толикиш ишлаш ҳамда дам олиш ритмининг бузилиши туфайли ҳам юзага келиши мумкин. Уни бартараф этиш учун гигиеник, баъзан эса даволаш чора-тадбирлари қўлланади. Гигиеник тадқиқотлар толикишни камайтиришда кун ва ҳафта мобайнида дарсларни тўғри тартибда тузишнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатди. Гигиенистларнинг кузатишлари кўпчилик ўқувчиларнинг иш қобилияти дастлабки дарслар мобайнида ортиб бориши, учинчى ёки тўртинчи дарсдан бошлаб эса пасайишини (толикиш ҳисобига) кўрсатди. Шу сабабли қийин дарсларни охирги соатларга қўйиш мақсадга мувофиқ эмас (масалан, ўқиш, математика, физика ва ҳ. к.).

Дарс жадвалини тўғри тузишга турли йўллар, даставвал фанларни тўғри тақсимлаш орқали эришилади. Битта фанни кетма-кет икки соат ўтмаслик зарур ҳамда бир-бирига ўхшаш турдаги дарсларни кетма-кет ўтиш ҳам (масалан, физика, математика, меҳнат) мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бир хил дарсни узоқ вакт давомида бажариш қаттиқ толикишга олиб келади.

Меҳнат ва жисмоний тарбия дарслари бор куни ўқувчиларда олий нерв фаолияти кўрсаткичларининг юқори даражада бўлиши аниқланган. Бу хилдаги дарсларнинг атиги 3- ёки 4- соатларда ўтказилиши иш қобилиятининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кейинги вактларда замонавий мактабларда техник ўқув қуроллари (ТЎҚ)дан ўқув жараёнини фаоллаштиришда фойдаланилмоқда. Бу эса ўқувчида қизиқишият, уйғотиб, унинг янги ўқув материалларини пухта ўзлаштиришига ёрдам беради. Бундай мактабларда бу техник ўқув қуроллари (компьютерлар, видео, диафильмлар ва бошқалар) ўқитишининг барча босқичларида қўлланади. Бу қуролларни қанча вакт ишлатиш болаларнинг ёшига боғлиқ (масалан, 1—2- синфлар учун диа-ва телефильмлар 7—15 дақика, кинофильмлар эса 20 дақика мобайнида кўрсатилади).

ТЎҚ ни кетма-кет бир неча дарсларда қўллаш ҳам мумкин эмас. Ҳафта мобайнида ТЎҚ ёрдамида ўтказила-

диган дарслар сони 3—4 та, юқори синфлар учун эса 4—6 тадан ошмаслиги лозим.

Одатда ўқувчи болаларда мактабга келгүнларига қадар бирмунча чарчоқлик пайдо бўлади. Дарслар эса организм физиологик функцияларининг янада пасайишига олиб келади. Шу боисдан биринчи ва битирувчи синфлар фақат биринчи сменада ўқишлари керак. Бошқа синфларда дарслар вакти-вакти билан биринчи ва иккинчи сменада ўтказилиши мумкин. Бу ҳолда бир синф ўқувчиларининг бир неча йил кетма-кет иккинчи сменада ўқишларига асло йўл кўймаслик керак.

Бутун ўқиш куни мобайнида иш қобилиятини юқори даражада бўлишига эришиш учун танаффусларни тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон иқлими шароитида барча ўқувчилар учун танаффуслар очиқ ҳавода ўтказилиши зарур, бунда организм дам олади, қон яхши юради, мия пўстлоғи ҳужайраларининг функциялари тикланади.

Бир фаолиятни бошқа турдагиси билан алмаштириш ҳам яхши дам олиш мезони бўлиб хизмат қиласди. Ақлий меҳнатдан сўнг ўтказилган ҳаракатли ўйин ва енгил машғулотлар боланинг иш қобилиятини тиклайди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитларида ҳам танаффусларни, айникиса, катта танаффусларни очиқ ҳавода ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу биринчидан, ўқувчиларининг очиқ ҳавода бўлиш вақтларини узайтиrsa, иккинчидан, уларнинг хатти-ҳаракатларига бўлган табиий физиологик эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиласди.

Ўқув йили мобайнида тўпланиб келаётган толикишни камайтириш ва иш қобилиятининг юқори бўлишига эришиш учун ўқув йили давомида ўқувчилар вақти-вакти билан таътилларга чиқадилар. Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларини кузги — 5 кун, қишки — 12 кун, баҳорги — 8 кун ҳисобида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг жумҳуриятимизда бальзи фанларни (математика, физика, биология, кимё ва бошқ.) чуқур ўзлаштиришга мослаштирилган синфлар, мактаблар ва лицейлар мавжуддир. Бундай фанларга 1,5—2 баробар кўп вақт ажратилади. Махсус математика ва тилга ихтисослашган мактаб-интернатларидаги кун тартибида тунги уйқу давомийлигини 30 дақиқага узайтириш ва 1,5 соат мобайнида очиқ ҳавода спорт машғулотларини ташкил этиш назарда тутилади.

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим ва махсус мактабларда ўқиш жараёни ва кун тартибини оқилона

ташкыл этиш, уй вазифалари хажмини мөъёрлаштириш, очик ҳавода жисмоний тарбия ва спорт ўйинларини ўтказиш зарурдир. Буларнинг ҳаммаси бола саломатлигига ижобий таъсир этади.

Маълумки, умумтаълим мактаб ўқувчилари орасида саломатлик ҳолатида у ёки бу ўзгаришлари бўлган, сурункали касаллик билан оғриган (III саломатлик гурухи) болалар ҳам кўпчиликни ташкыл этадилар (15 % гача). Айникса, сурункали тонзиллит, кариес, кўз функциясининг бузилиши каби хасталиклар кўп учрайди. Бод (ревматизм), аллергия, ўпканинг носпецифик сурункали касалликлари, жигар, буйрак, овқат ҳазм қилиш системасининг касалликлари билан оғриган нимжом, тез-тез касал бўлиб турувчи ҳамда астеник синдроми мавжуд бўлган болаларга жиддий эътибор бериш лозим. Бундай болалар соғломлаштириш тадбирларидан ташқари, ўкув ишларини енгиллаштиришга, ўқитувчининг эътибори ва ёрдамига муҳтождирлар. Улар барча қўшимча машғулотлардан, баъзи ҳолларда охирги дарслардан озод қилинадилар, уларга қўшимча дам олиш куни белгиланади. Улар имтиҳонларда ҳам иштирок килмайдилар. Жисмоний зўриқиши билан боғлиқ ишлар шифокорнинг тавсияси асосида амалга оширилади. Ўқитувчилар болаларнинг кун тартибига риоя қилишларига, очик ҳавода кўпроқ бўлишларига эътибор беришлари лозим. Ўқишдан орқада қолиб кетмасликлари учун улар билан алоҳида машғулотлар ўтказиш даркор.

Сурункали касалликларга чалинган болајар соғломлаштириш тадбирларини маҳсус соғломлаштириш муассасаларида, санаторийларда, ихтисослаштирилган мактабларда амалга ошириш яхши натижалар бермоқда. Бу муассасаларда таълим-тарбия ишлари ҳар бир бола саломатлиги ва иш қобилиятининг ҳолатига қараб ташкыл қилинади. Ўкув машғулотлари асосан ўрта умумтаълим мактаб дастурига мувофиқ олиб борилади. Бунга синфдаги ўқувчилар сонини (20—25 тагача) камайтириб эришиш мумкин.

Соғломлаштириш муассасаларидағи таълим-тарбия ишларининг унумини ошириш ва болаларнинг қаттиқ толикишларининг олдини олиш учун дарслар 35—40 дақиқагача қисқартирилади. Ҳар бир дарс мобайнида 5 минут вакт жисмоний паузага ажратилади (таксминан дарснинг 20- дақиқасида). Кун давомидаги дарслар сонини ҳам камайтириш, бошланғич синфларга 3 соатдан ортиқ дарс ўтмаслик керак. Дарслар орасида 2 марта танаффус бериш болаларнинг соғлом бўлишига яхши таъсир кўрсатади.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ ВА ЧИНИҚТИРИШНИНГ ГИГИЕНИК АСОСЛАРИ

Жисмоний тарбия ёшларни ҳар томонлама дунё-карашини кенгайтиради. Уларни соғлом қилиб тарбиялашда доимий тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади. Жисмоний маданият — жисмоний тарбия маҳсали бўлиб, инсон умумий маданиятининг бир қисмидир. Ёшларни ҳар томонлама баркамол ва етук қилиб тарбиялашда барча экологик ва ижтимоий тадбирлар туркумига кирадиган жисмоний тарбия ҳамда спортнинг аҳамияти катта.

Болалар ва ўсмирлар учун жисмоний тарбия ва чиникириш машқлари жисмоний тарбиянинг асосий қисмлари бўлиб, уларнинг кейинги меҳнат фаолияти тайёргарлиги ҳисобланади. Жисмоний тарбия — болаларнинг ҳар томонлама баркамол ва соғлом етишиши гаровидир. Жисмоний тарбиянинг асосий соғломлаштирувчи ва тарбиявий вазифаларига қўйидагилар киради: 1) соғлиқни яхшилаш, жисмоний тарбия ишларини янада кенг йўлга қўйиш ва организмнинг атроф-муҳитнинг заарарли омилларига қаршилигини кучайтириш; 2) асосий харакат кўнікмаларини шакллантириш, кучли, тезкор, чакқон, эпчил ва чиниқкан қилиб етиштириш; 3) жисмоний ва чиникириш машқлари билан доимий шуғулланиш кўнікмаларини ҳосил қилиш; 4) фаоллик, ташаббускорлик ва ўртоқлик хиссиётларини тарбиялаш; 5) жисмоний машқлар ва спорт гигиенаси қоидалари билан танишиш; 6) жароҳатланишнинг олдини олиш.

Республикамида жисмоний тарбия илмий асосда олиб борилади, бунда энг аввало бола организмининг морфофункционал имкониятлари, ёши ва жинси ҳисобга олинади.

Бу тарбия мураккаб жараён бўлиб, организмнинг катта микдорда куч сарфлайдиган фаолиятидир. У қайта-қайта такрорланадиган машқлар ва муолажалардан иборат. Улар натижасида организмнинг функционал имкониятларини оширувчи, зўрикишларга қарши кучларни тез сафарбар қилишга ёрдам берувчи ўзгаришлар рўй беради. Ҳаракат фаолияти асосий харакат турларидан (юриш, югуриш, сакраш) ҳосил қилинган кўнікмалар асосида бола ёшига қараб кучайиб боради. Бу жараён одам жинсига қараб кетма-кет, лекин нотекис кечади. Соғлом ва тўғри ривожланётган 7—8 ёшли бола суткасига ўртacha

20 минг қадам босади, 9—10 ёшдаги болалар фаоллигини кунига 20—21 минг қадамни ташкил этади. 11—12 ёшли болалар 18—21 минг, 13—14 ёшдаги болалар 20 минг, қызлар 17 минг қадам босадилар. 15—17 ёшдаги қызлар учун бу күрсаткыч ўзгармайды, ўғил болалар учун эса ўсиб боради. Қишида харакат фаоллиги камаяди, куз ва қишида эса фаолликнинг 30 % га камайиши кузатилган. Қишида кунлик меъёрдаги ҳаракат кўпинча жисмоний тарбия дарси ҳисобига таъминланади.

Гигиеник меъёр чегарасидаги ҳаракат фаолияти ҳамда жисмоний тарбиянинг бошқа тузилмалари болалар ва ўсмирлар организмларини соғломлаштиришга қаратилган бўлиб, организмнинг қаршилик кучларини оширади ва ўзига хос бўлмаган касалликларни камайтиради. Жисмоний тарбия организмни машқ қилдиришга асосланган. Машқ организм аъзолари, аъзолар тузилмаси ва организмнинг функционал системаси имкониятига таъсиридир. Машқ ҳаракат кўнилмалари, ҳаракат координацияси ва организмни чиниктириш асоси ҳисобланади. Гигиеник тартибга риоя қилиш ва доимий шифокор назоратида бўлиш машқнинг асосий шарти ҳисобланади.

Еши ва жиссини ҳисобга олиб, жисмоний тарбиянинг турли воситаларини бир вақтда, ҳар хил машқлар ва чиниктирувчи муолажаларни комплекс тарзда бажарилади.

Жисмоний тарбиянинг маҳсус ва умумий машқларини бирга олиб бориш ҳар хил жисмоний сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Машқлар ёки чиниктирувчи муолажалар турига қараб, кўпроқ ёки узоқ вақт у ёки бу машқлар билан шуғулланилади. Жисмоний тарбияда доимий мунтазамлик зарурдир. Доимий таъсирловчи маълум бир вақт давомида таъсир этса, шартли рефлекс ҳосил бўлади. Агар етарли таъсир этмаса, жисмоний тарбиянинг таъсири камаяди. Машқлар ва чиниктирувчи муолажалар орасида болаларга дам бериш лозим. Ҳар бир бола шифокор кўригидан ўтиши керак. Саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланишини ҳисобга олиб, жисмоний тарбия тури ва воситаси билан шуғулланиш белгиланади. Бунда организмнинг функционал имкониятлари ҳисобга олинади. Функционал имконият деб, организмнинг тинч турган ҳолда бажарадиган иши билан энг катта оғирликдаги бажара оладиган иши оралиғига айтилади. Жуда ҳам катта оғирликдаги ишни бажариш машқ самарасини бермайди, аксинча, чарчатади. Енгил иш эса организмга таъсир килмайди. Машқ таъсирини билиш учун ҳар бир кишига қулай оралиқ тавсия этилади.

Жисмоний тарбия билан шуғулланган ва шуғулланмаган болалар саломатлиги

Т/н	Саломатлик түрү	Жисмоний тарбия билан шуғулланган болалар, фоиз ҳисобида	Жисмоний тарбия билан шуғулланмаган болалар, фоиз ҳисобида
1.	Соглом болалар	36,4	24,6
2.	Соглом, айримларининг саломатлиги ёмонлашган	52,7	59,6
3.	Хасталиги бор, касаллик туфайли заифлашган болалар	12,8	15,8

Ҳаракатларни ҳосил қилишнинг физиологик асослари бор. Уларга ҳар қандай, чунончи, 16—18 ёшли спортчиларнинг ўртача жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари шу ўшдаги жисмоний тарбия билан шуғулланмайдиган ўқувчиларнинг антропометрик кўрсаткичларидан юқори бўлади (бўйи 6 см га баландроқ, вазни — 9 кг га кўпроқ, кўкрак қафаси айланаси — 6 см га ошикроқ, ўпка сифими — 1 л га кўпроқ).

Очиқ ҳавода болалар билан ўтказилган жисмоний тарбия машқлари натижасида болалар саломатлиги анча мустаҳкамланади, масалан, боғча ёшидаги болаларнинг саломатлик ҳолати 11 фоиздан ошиб боради (11- жадвалга қаралсин).

Ҳар қандай мураккаб ҳаракатларни ўрганишда бир қанча босқичларни инобатга олиш зарур. Ҳаракатларни бажаришда ҳам шартли ва шартсиз рефлекслар бир хил бўлади, улар ҳамиша ҳаракатларни кайтариб туриш стереотипларини ҳосил қиласида. Ҳаракатланиш функциясининг ҳосил бўлиши бола туғилганидан ўсмирлик ёшигача давом этади. Жисмоний тарбияни тўғри йўлга кўйишда марказий структуранинг морфологик етуклиги ва етуклик дараҷаси функциясига эътибор бериш керак. Бола 5—6 ойлигига ўзи ҳаракат қила олмайди. Бу эса мускул тонусининг юқорилиги ва кўриш, ҳаракат функцияси яхши ривожланмаганлигига боғлиқ. 6 ойдан 1 ёшгача бола тик туришга ўрганади, лекин координация ҳам бўлмайди.

Бола 2 ёшга бориб ўзи ҳаракат қила бошлайди, 3 ёшдан 7 ёшгача марказий ва периферик нерв системаси функцияси, ҳаракат анализаторлари ривожланади. 5—6 ёшдан мускуллар кучи ошиб боради. Мактабгача ёшда бўлган болаларда (3—4 ёш) бу куч жисмоний ҳаракат қилгандан

қон айланиш мослашуvinинг ошиши ва юракнинг қисқа риши натижасида ошиб боради.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда (5—6 ёш) ўпка вентиляциясининг ошиши ва кислородга тўйинганлиги нафас олиш тезлашиши билан давом этади. Бунда жисмоний иш қобилияти анча ошади. Умумий иш фаолияти 5—7 ёшда 2,5 марта ошади. 4—7 ёшгача ҳаракат анча ривожланади. Бу ёшда болаларнинг мияси катта кишиларнинг миясига тузилиши жиҳатидан ўхаш бўлади. 12 ёшда бола ўсишдан тўхтамайди, скелет мускуллари тарақкӣ этиб, кучи ошади, ҳаракатлар уйғуллашади. 7 дан 16 ёшгача болаларда ҳаракат тезлиги 1,5 баравар ошади.

Ҳар хил мускуллар гурухининг кучи ёш, жинсга қараб ўсади, мускул кучи 11 ёшдан 16 ёшгача яхши ўсади.

Текширишлар шуни кўрсатадики, ҳаракат фаоллиги ҳам ижтимоий, ҳам биологик омилларга боғлик экан. Шаҳарда яшайдиган, спорт билан шуғулланадиган болаларда ҳаракат фаоллиги бошқа қишлоқ болаларига нисбатан 10 фоиз паст бўлади. Касал болаларда ҳам ҳаракат фаоллигининг анча пастлиги қайд этилади. Ҳозирги мактаб дастурларида жисмоний тарбия ишлари болаларнинг ёши ва жинсини фарқ қилиш йўли билан олиб борилади. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия уларнинг ҳаракат координациясини ривожлантиришга, нафас функциясининг ошишига ва тўғри бўлишига қаратилган. Юқори синфларда жисмоний тарбия ҳаракатларни уйғуллаштиришга ва жисмоний машқларни узоқ бажариб туришга қаратилган.

Жисмоний тарбиянинг бола саломатлиги ва жисмоний ривожланишига таъсири. Жисмоний тарбия саломатликка ва жисмоний ривожланишга яхши таъсир кўрсатади. Жисмоний машқ таъсири остида тўқималарнинг кислородга бўлган эҳтиёжи турган ҳолатга нисбатан 8—10 марта ошиб кетади, бу эса нафас ва юрак-томир фаолиятида сезиларли ўзгаришларга олиб келади: нафас тезлиги 2—2,5 баравар, юрак уриши (пульс) 2—3 баравар ортади. Нафасдан чикарилган карбонат ангидрид миқдори, тер ҳамда сийдик билан ажralадиган моддалар алмашинувининг маҳсулотлари кескин кўпаяди.

Кунда ва тўғри бажариладиган жисмоний тарбия болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишига яхши ижобий таъсир этиши кузатишларда аниқланган.

Болаларни чиниқтиришнинг гигиеник асослари. Чиниқиши деганда организмнинг ташқи муҳит таъсирига чидамлилигини ошириш мақсадида табиий омиллардан

тўғри фойдаланиш тушунилади. Чиникиш — бу организмнинг ўзига хос хоссасы бўлиб, аъзонинг турли таъсиrlарга қаршилик кўрсатишини таъминлайди. Чиникиш муолажалари туркумига куйидагилар: умумий ва маҳаллий ҳаво ванналари, (конвекцион кондукцион), умумий ва маҳаллий сув муолажалари, қуёшнинг ультрабинафша нурларидан ёки сунъий нурлардан фойдаланиш киради. Чиникиш моддалар алмашинуви жараёнларини яхшилади, асаб ва ички секреция безлари системаси фаолиятига яхши таъсиr кўрсатади, қолаверса, бутун физиологик жараёнларни бошқариб туради. Марказий асаб системасининг фаолияти ўзгариши натижасида чиникиш жараёнида маълум даражада тўқима ва хужай-раларда ҳам мослашиш кузатилади. Натижада хужайра ферментларининг фаоллиги ва физик-кимёвий таркиби ўзгариади. Совук ёки иссиқнинг кўп марта таъсиr этиши натижасида организмнинг умумий қаршилиги ортади. Чиникиш организмга бевосита ва билвосита таъсиr кўрсатади. Бевосита таъсирга қуйидагилар киради: 1) совитиш муолажаси қилинганда, метеорологик омиллар ёки қуёш нури остида ультрабинафша радиацияси таъсири натижасида организм чидамлилиги ошади; 2) чиникиш таъсирида организмнинг ҳар хил таъсиrlарга, юкумли касалликларни тарқатувчиларга қарши чидамлилиги ошади. Чиникиш омиллари жисмоний иш қобилиятини оширади, касалликларни камайтиради, соғлиқни мустаҳкамлайди. Организмни ташки мухитнинг юкори ва паст ҳароратида ҳам чиниктирса бўлади.

Тўқималар қаршилигининг бузилиши, умумий ва маҳаллий иммунитетнинг пасайиши, ҳимоя реакцияларининг кучсизланиши натижасида юкори нафас йўлларининг шиллик қаватида микрофлоралар ривожланиши учун яхши шарт-шароитлар яратилади. Тана ҳароратини бир хил сақлашда иссиқликни бошқариш механизми хизмат қилади. Атроф-мухитнинг метеорологик шароити ўзгаришига қарамасдан организмнинг ички муҳитдаги асосий физик ва кимёвий кўрсаткичларининг доимий бўлиши таъминланади (осмотик босим).

Кимёвий иссиқликни бошқариш деганда, тўқималарда моддалар алмашинувини бошқариш тушунилади, бунда унча катта бўлмаган иссиқлик мускул, жигар ва бошқа аъзолардаги моддалар алмашинувига узатилади. Иссиқлик болалар ва ўсмирларда юкори даражада ажралади. Масалан, ҳар куни 2 ёшдаги болада 8,1, ўсмирларда (14 ёш) 52, катталарда эса 35 ккал иссиқлик ажralиб чиқади.

Физиологик иссиқликни бошқариш деганда, иссиқлик беришнинг кўпайиши ёки камайиши тушунилади. Унинг маъноси қўйидагидан иборат. Терининг юкори қисми чегара ҳисобланади, яъни у организм тўқималарини ташки муҳитдан ажратиб туради. Бу юзада харорат ички қисмда жойлашган аъзоларникига қарғанда паст бўлади. Кон ички қисмда жойлашган тана қисмидан терининг юза қисмига ўтади. Бунда анча миқдорда иссиқлик ташки муҳитга ажралиб чиқади. Иссиқлик даражасидан паст иссиқлик вақтида ҳаво ва сув орқали чиниктирадиган воситаларни кўллаганда тери томирларининг сикилиши, коннинг ички аъзоларга ва чукур тери қаватига тақсимлашиши кузатилади. Чиникмаган одам териси иссиққа ва совукқа ўта берилувчан бўлади. Тез орада тери оқаради, лаблар кўкаради, баъзан ҳиқичоқ тутади.

Мўътадил иссиқлик вақтида ҳаво ва сув орқали чиниктиришни ўтказиш (ҳаво учун 24—20°C, сув учун кўкрак терисининг иссиқлигига тенг 35—33°C, боланинг ёшига боғлиқ), паст иссиқлик таъсирида чиниккан танада эса адекват иссиқлик ишлаб чиқариш бошланади. Чиниктириш воситаларини бошлашдан олдин албатта бола соғлиғи, шу билан бир қаторда ҳар бир боланинг жисмоний ўсиши ҳам баҳоланади. Соғломлик гуруҳи ва физик иссиқликни бошқариш тури ўртасида тўғри боғлиқлиқ борлиги аниқланган. Шундай килиб, болалар ўртасида I соғломлик гуруҳига кирувчилар 50 фоизни (шулардан кўп болалар кучли физик иссиқлик бошқаришига эга бўлганлар), II ва III соғломлик гурухига 45 ва 50 фоизни ташкил этади. Битта болада узок кўллаш орқали саломатлигининг ҳолати ва физик иссиқликни бошқариш функциясининг пасайиши, юкори нафас йўллари касаллигининг давомийлиги ва сонининг ошишига, иссиқликни бошқариш вазифасининг яхшиланиши болалар соғлиғининг яхшиланишига ва ўткир юкори нафас йўллари касаллигининг давомилилиги ва сонининг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, яширин юкумли ўчокларга эътибор бериш зарур, совук пайтда касаллик пайдо бўлиши мумкин. Қуёш нурларидан тўғри фойдаланилганда одам организми (иссиққа) чиниқади, моддалар алмашинуви ҳам яхшиланади. Терида гистамин, аденоzin, холин ва бошқа фаол моддаларнинг аҳамияти катта бўлади. Бу моддалар конга тушиб, асаб системаси орқали ҳар хил аъзо ва тўқималарга ижобий таъсир қиласи. Ультрабинафша нурлар симпато-адреналин системасига ҳам дуруст таъсир қилиб, унинг иш қобилиятини оширади, натижада рефлектор реакция кучаяди, қонда гемоглобин

ва эритроцитларнинг ошишига турткى бўлади, лейкоцитларнинг фагоцитар, иммунотаначалар фаоллигини, оксил ва карбонсувлар алмашинувини оширади, кон ивишини тезлаштиради. Буларнинг ҳаммаси пластик жараённинг танада яхшиланишига, умумий ва иммун фаолликнинг ошишига олиб келади. Ультрабинафша радиация ўсиб бораётган организмга шифобаҳаш таъсир қиласи, асаб-мускул аппарати тонусини, жисмоний ишлаш қобилиятини оширади. Чиникириш усуллари физиологияга алоқадор бўлиб, шартли рефлексларнинг қандай ҳосил бўлишига катта аҳамият берилиши зарур. Бадантарбия асосий ҳаракат кўникмаларининг ривожланиши ва шаклланишига ва бу шаклланган кўникмаларнинг ҳаётда кўлланишига ёрдам беради. Бадантарбия машғулотлари асосан болалар ва ўсмирлар муассасаларида ўtkазилади. Умумтаълим, эркин машқлар, югуриш, сакраш ва бошқалар шулар қаторига киради. Гигиеник гимнастика, хусусан эрталабки гимнастика бадантарбиянинг энг кенг тарқалган турига мансубdir.

Шундай қилиб, ҳарорат қанчалик юкори бўлса, боланинг ҳаракат фаоллиги шунча пасаяди (М. Н. Исмоилов, Ш. Х. Гуломова).

Мактаб ёшидаги болаларни жисмонан тарбиялаш воситалари ва турлари.

Жисмоний воситалар

Жисмоний машқлар (гимнастика ва х. к.).	Ҳаракатли ўйинлар	Спорт ўйинлари	Эркин ўйинлари	Чиникириш воситалари
---	-------------------	----------------	----------------	----------------------

Жисмоний тарбия турларига қўйидагилар киради:

- а) жисмоний тарбия кўникмалари;
- б) алоҳида маҳсус тиббий гуруҳлар машғулоти;
- в) кун тартибидаги соғломлаштириш тадбирлари, дарслар (эрталабки гигиеник бадантарбия машқлари, мактабдаги гимнастика машғулотлари, дарс ёки танаффус пайтидаги жисмоний машқлар);
- г) синфдан ташқари қилинадиган машқлар (спорт ўйинлари, мусобақалар, сайр);
- д) мактабдан ташқари машғулотлар (спорт мактабларида, спорт жамиятларида, ўкувчилар саройида, спорт секцияларида, яшаш жойида ўtkазиладиган жисмоний машқлар).

Эрталабки гимнастика уйқудан кейин асаб системасыда күзатиладиган нохуш жараёнларни бартараф этади ва организм тонусини оширади, кайфиятни яхшилади. Тұғри танланган машқларни мунтазам бажариш гавда ва мушакларнинг тұғри ривожланишига, нафас аъзолари, қон айланиш тизими, моддалар алмашинувига ижобий таъсир күрсатади. Гимнастикани гурух-гурӯх бўлиб ўтказиш болаларнинг аҳил бўлиб ўсишига ёрдам беради.

Боғчанинг ўрта ва катта гурухидаги болалар учун нафас системаси, гавда ва мушакларнинг тұғри ривожланишига қаратилған машқлардан иборат эрталабки бандтарбия нонуштадан олдин яхши шамоллатилған хоналарда ўтказилади, энг яхшиси уни очик ҳавода ўтказишdir. Гимнастика пайтида бола ҳаво ваннаси учун енгил кийиниши керак, хонада калта иштон, майка ва шиппакда, ёзда ҳовлида, калта иштон, майка ва шиппакда, ер яхши исиган маҳалда эса оёқ яланг ҳам машқларни бажариш мумкин. Қичик болалар учун гимнастика 6—8 дақиқа бўлиб, уни нонуштагача бажариш мумкин. Ўкув машғулотлари бошлагунча ўтказиладиган гимнастика ҳар куни 6—7 дақиқадан мактаб ҳовлисида ўтказилади. Бу машқлар нафас олишни тезлаштиради, умуртқа поғонаси қийшайишининг олдини олади, оёқларда қон айланишини яхшилади, машқлар 4—6 марта қайтарилаади. Машқлар чарчаш аломатлари пайдо бўлгунча бажарилса, ижобий натижа беради.

Даволаш гимнастикаси факат даволаш ва коррекциялаш (умуртқаны тұғрилаш) га бўлинади. Жисмоний тарбиянинг махсус гурухларида түпланувчи барча болалар даволаш гимнастикаси билан шуғулланишлари керак. Бундай болалар учун мактабда машғулотлар дарслардан олдин ёки дарсдан сўнг ҳафтасига 2 марта 45 дақиқадан ёки 3 марта 30 дақиқадан ўтказилиб турилади. Даволаш гимнастикаси шифокор назорати остида жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан ўтказилади.

Асаб, мушак системаси заиғлашгандар учун коррекциялаш гимнастикаси умуртқа қийшайганда уни тұғрилаш учун кўлланади. У умуртқаны чўзувчи, коррекция қилувчи ва тұғриловчи машқлардан иборат бўлиб, унда барча катта мушаклар гурухи иштирок этади. Бундай машқлар түплами гавда қийшайганида ва сколиозларда кўл келади.

Серҳаракат ўйинлар болаларнинг харакатчанлигини оширади. Мактабгача ўшдаги болалар учун серҳаракат ўйинлар мураббия томонидан болалар кайфияти ва имкониятини хисобга олиб белгиланади ва ўтказилади.

Мактабда серҳаракат ўйинлар жисмоний тарбия ва спортнинг бир қисми бўлиб, катта танаффусларда ва сайр пайтида ўтказилади.

Жисмоний тарбияда қизиқиш ва кайфият катта роль ўйнайди. Болалар боғчасида ҳафтасига 2 марта жисмоний машқлар ўтказилади. Болалар тарбиячига қулоқ солиб, машқларни тўғри бажаришлари лозим. Жисмоний тарбия машқлари З қисмдан иборат бўлиб, кириш қисми бола организмини ўтказиладиган ўйинларга тайёрлайди. Асосий қисм серҳаракат ўйинлардан тузилади (чопиш, сакраш, эмаклаш). Охирги қисм эса бола организмини аввалги функционал ҳолатига қайтаради. Машқлар болаларда ҳаракат ритми ва суръати пайдо бўлишига ёрдамлашади, бундан ташқари кайфиятни кўтаради. Ўйин ва машқлар оғир-енгиллиги мактабгача ёшдаги болалар учун меъёrlаштирилади.

Боғчага қатнаётган болалар учун ўйин ва машқлар секин-аста мураккаблаштириб борилиб, шифокор ҳамда тарбиячи томонидан кузатилади. Мактаб ёшидаги болалар учун нафас олишни қийинлаштирадиган ва мушакларнинг статик ҳолатини кучайтирадиган машқлар билан шуғулланиш тавсия этилмайди.

Мактабда жисмоний тарбия дарслари ҳафтада 2 марта ўтказилади. Унинг дастурига гимнастика, енгил атлетика (югуриш, сакраш ва тўўл улоқтириш), серҳаракат ўйинлар ва бошқалар киради. Бошланғич синфлардан юкори синфларга ўтгунча жисмоний тарбия машқлари мураккаблашиб боради. Болалар жинсини ҳисобга олиб, машқлар турлича белгиланади. 1—3-синфларда жисмоний тарбия дарслари серҳаракат ўйин ва гимнастик машқлардан иборат бўлади. Жисмоний тарбия дарси қўйидагиларни назарда тутади: 1) дарсни тўғри ташкил қилиш; 2) болалар ёши ва жинсини ҳисобга олиб машқлар ўтказиш; 3) дарсларни тоза жойда олиб бориши.

Тўғри ташкил қилинган дарс 4 қисмдан иборат бўлади.

1. Кириш қисми 5 дақиқа бўлиб, организмни бўладиган машқларга тайёрлайди, бунга сафга туриш, юриш, югуриш ва ҳоказолар киради.

2. Тайёрлов қисми 10—15 дақиқадан иборат бўлиб, бу барча машқлардан тузилган умумий жисмоний таёргарлик ҳисобланади. Бундай оддий ҳаракатли машқларни тўўп, ёғоч ёки бошқа нарсалар билан бажариш мумкин.

3. Асосий қисми 20—25 дақиқа бўлиб, дарснинг асосини ташкил этади. Бу қисмда серҳаракат ўйинлар ўтказилади.

4. Якунловчи қисмда 5 дақиқа организмни дастлабки

ҳолатга қайтарувчи машқлар билан шуғулланилади (нафас машклари, юриш ва ҳоказо).

Дарснинг асосий қисмida машқлар мураккаблашади, шунинг учун юрак уриши ва нафас олиш 2—3 баравар тезлашади. Дарс тўғри ташкил қилингандагина якунловчи қисмда организм дастлабки функционал ҳолатга қайтади.

Дарс жадвалини тузишда жисмоний тарбия дарснини ўз ўрнига билиб қўйиш керак, негаки ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат алмаштириб олиб борилса, бола ишчанлиги анча узоқ сакланади. Масалан, бошлангич синфларда жисмоний тарбия дарслари 3—4- соатларда ўтилганда яхши натижа бериши кузатилган, шу соатларда бошқа дарслар ўтиш мумкин эмас. Мактабда жисмоний тарбия дарсларига кўп вақт ажратилишига қарамай болалар ва ўсмирларда ҳаракат тақчиллиги кузатилмоқда. Кам ҳаракат қилиш соғлиқ ҳамда чидамлиликка салбий таъсир кўрсатади. Кам ҳаракат — гиподинамияning асосий патологик омилларига қўйидагилар киради:

- 1) регулятор механизmlарининг чиниқмаганлиги;
- 2) таянч-ҳаракат аппарати функционал имкониятларининг камайиши;

3) астеник типда организм қаршилиги ва ишчанлигининг камайиши. Бир йилдан ортиқ чўзилган кам ҳаракатлилик организмнинг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади,. бунда органларнинг ўсиши кескин секинлашади.

Сурункали касалликлар, етишмовчилик, жароҳатлаиш, узоқ вақт ақлий меҳнат билан шуғулланиш, жисмоний тарбия билан етарлича шуғулланмаслик ва обҳавонинг ноқулай бўлиши кам ҳаракатлилик сабабларига киради. Кишда ўқувчиларнинг ҳаракатчанлиги ёздагига нисбатан 10—50 фоиз камаяди. Жисмоний тарбия дарслари ҳар куни очиқ ҳавода ўтказилса, болаларда шамоллашлар сони кескин камаяди, шамоллаганлар ҳам тез кунда тузалади, асаб системасининг функционал ҳолати эса яхшиланади. Боғча ва мактабда жисмоний тарбия спорт заллари ёки спорт майдончаларида ўтказилади. Залда ҳаво ҳарорати 14—15°C бўлиши керак. Бундай ҳарорат болаларнинг қизиб кетишларига йўл қўймайди ва чиниқтирувчи муолажа ҳисобланади. Спорт зали тез-тез шамоллатиб турилиши лозим. Залда ўтказилган машғулотларга нисбатан очиқ ҳавода ўтказилган машғулотлар фойдалирокдир. Иложи борича баҳорда, кузда, юқори синфлар учун қишида ҳам жисмоний тарбия дарслари очиқ ҳавода ўтказилиши керак.

Жисмоний тарбия очиқ ҳавода ўтказилганда бошлангич синф болаларига тавсия қилинадиган ҳаракат фаоллиги

Ҳаво ҳарорати °C	Бола ёши	Ҳаракат фаоллиги, қадамлар сони (минг хисобида)
+22 +26	4—6	1,5—2,5
+15 +22	4—6	2,5—3,5
—3 —8	4—6	3,5—4,5
+23 +32	7—10	2,5—3,5
+8 +22	7—10	3,5—4,5
—2 —12	7—10	4,5—5,5

Аста-секин болалар чиниктириб борилади. Дарснинг кириш ва якунловчи қисми қисқартирилиб, асосий қисми узайтирилади. Иссиклик мувозанатини сақлаш учун ўртача фаолликдаги ҳаракатлар киритилади ва машқлар-аро танаффуслар қисқартирилади. Жисмоний тарбия ўкув дастурининг асосий қисми бўлиб, ўқувчиларни «МХТ» нормалари ва талабларини топширишга тайёрлайди.

Болаларни чиниктиришнинг асосий негизлари қўйида-гича:

1. Шахсий саломатлиги, хусусияти ва ёшини ҳисобга олиш.
2. Аста-секинлик билан чиниктириш воситаларидан фойдаланиш.
3. Кетма-кет чиниктириш воситаларидан фойдаланиш.
4. Чиниктириш воситаларининг комплекси. Чиниктириш ҳар хил воситалар билан олиб борилади.

Ҳаво билан чиниктириш деганда очиқ ҳаводаги уйқу тушунилади. Баҳор, ёз ойларидаги ҳаво ванналари қуёш нури Баҳор, ёз ойларидаги ҳаво ванналари қуёш нури тушмайдиган жойларда қабул қилинади. Ёзда ҳаво ванналарини олиш кун тартиби об-ҳавога караб белгиланади (13- жадвал).

Сув билан чиниктиришда: артиниш ва танага умумий сув қўйиш, оёққа сув қўйиш, чўмилиш ва контраст муолажаларини бажариш зарур. Сув муолажалари ўртача ҳароратда олиб борилади. Бетараф ҳарорат кўкрак қафасининг юрак қисмидан ўлчанади, у ёшга караб тебранади. Масалан, ёш болалар учун ҳарорат $35-36^{\circ}\text{C}$, катталар учун эса 33°C бўлиши керак. Соғлом ғурухга

13-жадвал

Очиқ ҳаво билан чиниқтириш

Чиниқтириш кунлари давоми (дақықа ҳисобида)	3 15	6 20	9 30	15 40	20 50	25 50	25 60	30 70
--	---------	---------	---------	----------	----------	----------	----------	----------

14-жадвал

Сув билан чиниқтириши воситалари

Сув воситалари	Сув ҳарорати		Вақти, дақықа ҳисобида	Сувнинг ҳароратини пасайтириш
	max	min		
Бадани нам сочиқ билан артиш	32	18	1,5	1—2°C
Оёқни сув билан ювиш	30	15	0,5	1—2°C
Бадани ювиш	34	18	0,5	1—2°C
Душ қабул қилиш	34	18	1—3	1—2°C
Очиқ ҳовуз ёки сувда чўмилаш	22	18	5—10	1—2°C

кирувчи болалар учун ҳарорат 15—18°C гача пасайтирилади (14- жадвал).

Бадани нам сочиқ билан артиш сувли муолажанинг энг қулай усули ҳисобланади. Сал намланган сочиқ билан аввал қўл ва оёқ, сўнгра орқа, думба, бўйин, кўкрак ва корин артилади.

Очиқ ҳовузларда сув тоза бўлса ва туби қумли бўлсагина чўмилашга рухсат этилади.

Қуёш ванналари — чиниқтиришнинг асосий воситаларидан биридир. Офтоб нурлари иссиқлик ва турли ультрабинафша нурлар таркиби билан организмга ижобий таъсир этади. Улар қон таркибини яхшилаб, гемоглобин ва эритроцитлар миқдорини кўпайтиради, жинсий фаолият, умумий кайфият ва меҳнат қобилиятини яхшилади. Мактаб ёшигача бўлган болаларда терморегуляция етарли ривожланмаганлиги сабабли, уларнинг ҳаракатсиз қуёш нурларида ётиши тананинг қизиб кетишига олиб келади. Шунинг учун бундай болалар қуёш ванналарини очик ҳавода ўйнаётганда қабул қиласилар.

Қуёш ваннаси секин-аста 5 минутдан 40 минутгacha узайтириб борилади. Бизда қуёш-ҳаволи ванналар учун энг яхши вақт соат 9 билан 11 нинг ораси ҳисобланади.

15-жадвал

Офтоб нури билан чиниқтириш (түшігача)

Чиниқтириш күнлари	2	4	6	8	10	12	14	16
дәвоми (дақықа ұсисбіда)	5	8	12	16	20	25	30	40

Яланг оёқ юриш ҳам чиниқтиришнинг эңг фойдалы турларидандир

16-жадвал

Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбиялап учун умумий тавсиялар

Тиббий гурухлар	Шартты машгулот турлари	Тавсия этилган құшимча машгулот турлари
Саломатлигіда ўзғарыш бўлмаган ёки кам бўлган, аммо жисмоний яхши тайёргарликка эга	А с о с и й Ўқув дастури бўйича тўла жисмоний тарбиялаш	Спорт билан шугулланиш
Саломатлиги ўзгарган ҳамда жисмоний тайёргарликка эга бўлмаган	Т а й ё р л о в Ўқув дастури бўйича астасекин ҳаракатларни ўзлаштириб, зарур бўлган талабларга мослаштириш	Жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш учун құшимча машқ қилиш
Саломатлиги анча, доимий ёки вақтинча ўзгарган	М а х с у с Махсус дастур бўйича машгулот ўтказиб, машқларни алоҳида ажратиб баҳолаш	Мактаб ва уй шароитида керакли жисмоний машқлар билан шугулланиш

Жисмоний тарбия бошланишидан олдин врач боланинг гурухини аниклайди ва жисмоний тарбия машқлари ва чиниқтириш муолажаларининг аник турларини белгилайди.

Жисмоний тарбия назорати. Болалар ва ўсмирлар организмига жисмоний тарбиянинг кўп хиллиги ва унинг соғломлаштириш таъсири умумлашган врач назоратини талаб қиласи. Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия бўйича тиббий назоратга қўйидаги комплекс:

1. Соғлиқни ва унинг ўзғариши динамикасини назорат қилиш.

2. Организмнинг жисмоний машқларга бўлган реакциясини кузатиш.

3. Жисмоний тарбия ўтказиладиган жойлардаги шароитлар устидан санитария назоратини олиб бориш каби тадбирлар киради.

Мактабгача тарбия муассасаларида болаларни соғлиқларига қараб З гурухга бўлиш мумкин. 1- гурухга соғлом болалар кирадилар. Улар билан жисмоний тарбиянинг барча турларини уларнинг ёшига, анатомо-физиологик хусусиятлари ва у ёки бу жисмоний оғирликка бўлган жисмоний тайёргарлиги даражасига қараб ўтказиш мумкин.

2- гуруҳдаги болалар билан жисмоний тарбия чегараланган микдорда, жумладан мушак ишини чегаралаш билан, сув ва ҳаво ҳароратини тушириш билан ўтказилиди. 3- гурухга сурункали касалланган, жисмоний ўсиши бузилган, бетобликдан сўнг камқонликка учраган, бронхиал астма билан касалланган болалар киради. Бундай болаларга маҳсус жисмоний тарбия ва чинктириш муолажалари ўтказилади. Уларни сувли муолажалар билан чинктириш мумкин эмас. Машғулот бошлангунча хонани намлаб тозалаш ва шамоллатиш зарур, ҳаво ҳарорати 16—20°C бўлиши керак. Болалар енгил кийимда бўлиши лозим. Ёзда машғулотлар очиқ ҳавода ўтказилиди.

Мактабда, ўсмирлар муассасаларида ишлайдиган шифокорларнинг вазифасига қуйидагилар киради:

1. Жисмоний вазифа меъёрини аниқлаш ва белгилаш учун бола саломатлигини текшириб, тиббий гурухларга ажратиш ҳамда мунтазам жисмоний машқларнинг организмга таъсирини кузатиш.

2. Жисмоний тарбиянинг дастури ва усулининг болаларнинг функционал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларга мослигини кузатиш.

3. Турли спорт мусобақалари ва жисмоний машқлар ўтказиладиган жойларни ва шу машғулотларни ўтказиш учун яратилган шароитларни санитария-гигиеник жиҳатдан кузатиб бориш ҳамда спорт жароҳатларининг олдини олиш.

4. Жисмоний тарбия ва спорт ҳакида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш.

Шифокор кўриги умумий — юрак-қон томир, нафас олиш, асаб, овқат ҳазм қилиш, шунингдек кўриш, эшитиш ва ҳоказоларни текширишдан иборат. Шундай режадаги чукур тиббий кўриклар вақтида шифокор бола саломатлигига қараб мактаб ва ўсмирлар муассасалари ўкувчиларини З гурухга: асосий, тайёрлов ва маҳсус гурухларга ажратади.

Соғлиғида ўзғарышлар бўлган айrim болалар ва ўсмирларни тиббий гуруҳчарга ажратиш
(соғлиғида ўзғарышлар бўлган болалар ва ўсмирлар жисмоний тарбияси ҳақидаги методик
курсатмадан кўчирма, 1981.)

Касалникнинг номи тури ва босқичи	Тиббий гуруҳлар			Даволовчи машқлар-ни бажариш
	асосий	тайёров	Махсус	
Ўпка касаллиги	Буорилмайди	Буорилмайди	Операциядан кейинги давр яхши ўтча, касалникнинг бир йиллача машқон томир ва нафас этишмовилиги кузатилмаганда	Касалхонадан сўнг килиш мумкин
Сурункали месъда-иҷнанак яллиганишии касалниклари (гаст-рит, колит)	Буорилмайди	Умумий аҳвол яхши бўлганди	Умумий аҳволи қониқарли бутган, б ойтача қайталанмаганда. Алдоҳида тавсия ган этилади	Озиб кетган ёки ўзтариш кузатилмаганда. Озиб кетган ёки ўзтариш кузатилмаганда. Алдоҳида тавсия ган этилади
Таянч-ҳарикат аппа-ратларининг турма ва тури деформациялари бўлган касалниклари		Бирданнай бўлмаган функциялариди	Намоён ҳарикат	Функция бузилишила-ри кузатилган вақтда буорилади

Асосий гурухда соғлом болалар ва ўсмиirlар, шуннингдек юрак-қон томир системасида сезиларли ўзгаришлар бўлмаган ва умумий аҳволи яхши ва лекин ривожланиши сезиларли секинлашган болалар жисмоний тарбия билан шуғулланади.

Тайёрлов гурухига юрак-қон томир системаси ва нафас олиш органларида сезиларли ўзгариш бўлмаган, гастрит, бронхит ва ўткир юқумли касалликларни бошидан кечирган болалар кирадилар. Компенсация даврида бу гурухдаги болаларнинг юрак-қон томир ва асаб системаси тез чарчаб қолади: бу гурухда машқлар меъёрида олиб борилиши лозим, секин-асталик билан бу меъёр кўпайтирилиб борилади. Узок масофага югуриш, тезлик билан югуриш ва сакраш чегараланади. Соғлиги тиклангач бу гурух болалари асосий гурухга ўтказилади.

Махсус гурухни субкомпенсация даврида касалланган болалар, жумладан ревматизмга чалинган, юрак пороги, жисмоний ривожланишда анча орқада қолган, ўткир меъда-ичак касалликларига чалинганлар ташкил этади. Жисмоний тарбия улар учун чегараланган ёки ман этилган бўлади. Уларга даволаниш машқлари белгиланган бўлиб, бу машқлар ҳафтасига 2—3 мартадан шифокор назоратида ўтказилади (17- жадвал).

Агар жисмоний тарбия билан шуғулланиш ижобий натижа бермаса, шифокор шуғулланишни ман этади. Соғлик ҳолатини хисобга олиб, машқларнинг маълум турлари билан шуғулланиш мумкин.

Ўткир касалликлардан сўнг жисмоний тарбия билан шуғулланиш, мусобақаларда, спорт секцияларига қатнашиш вақтинча мумкин эмас (18- жадвал).

Баъзан тикланиш даврида томир уришининг дастлабки ҳолдан секинлашуви кузатилади. Қисқача давом этадиган бундай ҳолат (10—20 секунд) бошқа турдаги реакциялар учун хавотирли эмас. Аммо бундай ҳолатнинг чукур ва узок давом этиши асаб системасининг чидамсизлигидан ва қон айланиши етишмовчилигидан далолат беради.

Гипотоник (астеник) турдаги реакциялар учун қуйидагилар хос: томир уришининг кескин тезлашиши, систолик босимнинг ўзгармаслиги, камайиши ёки кўпайиши, диастолик босимнинг ўзгармаслиги, камайиши ёки кўпайиши, тикланиш даврининг дақиқагача узайиши. Бундай ҳолатлар касалликлардан сўнг кам ҳарақатлик, томир дистонияси бор болаларда кузатилади.

Соғлом болаларда машқлар пайтида юрак мушаклари га қон бориши 2—3 марта ортади! Систолада қон ҳажми 100 мл га этади (меъёри 60 мл). Юракдан 1 дақиқада

Айрим касалліктерден сүнг болаларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишини бошлаш вақти

Касаллік номи	Соғайғандан сүнг жисмоний тарбия билан шуғулланишини бошлаш вақти	Изоҳ
Ангинна (օғыз ва томок яллигланиши)	12 кундан сүнг	Оtolaringolog құшимча зарур текширишлари ва маслахати бүйіча, врач күргігідан ўтгандан сүнг Қишлоқта тавсия этилмайды
Юқори нафас йүллари ва бронхлар ўткир яллигланиши	18 кундан сүнг	Күшимча шифокор маълумоти зарур
Грипп	12 кундан сүнг	Шифокор назоратидан сүнг жисмоний тарбия ўқытувчиси кузатувида бўлиш зарур
Ўпка яллигланиши	30 кундан сүнг	Ўпканинг ҳаётій ҳаво сигими тикланишини кузатиш лозим
Плеврит	30—60 кундан сүнг	Жисмоний тарбия вақтида юрак-қон томир фаолияти қониқарли бўлиши керак Сийдикни мунтазам рашида текшириб бориш
Ўткир юқумли касалліклар (терлама, ичбуруғ, қизилча)	30—45 кундан сүнг	Кучли машқлар ва сакрашман этилади. Асоратлар кузатилганда машқларни бошлаш вақти врач томонидан белгиланади
Нефрит (буйрак яллигланиши)	60 кундан сүнг	Врач ва невропатологнинг доимий кузатуви, ҳамда педагог назоратида бўлади
Аппендицит (кўричак)	30 кундан сүнг	Қон кўрсаткичлари мечёрида бўлганда машқларни бажариш мумкин. Қишки машқлар ман этилади
Мия чайқалиши	60 кундан сүнг	Шифокор назорати ва рухсатидан сүнг тавсия этилади
Ревматизм (бод)	30 кундан сүнг	Даволаш гимнастикаси ўтказилади
Гепатит (юқумли)	6—8 ойдан сүнг	
Оёқ-қўл суяклари синиши	1—3 ойдан сүнг	

4,5 л дан 6,2 л гача қон ўтади. Томир уриши 75—80 дан 55 гача секинлашади. Бу тренировка қилған спортчиларда машқлар бажараётганда юракнинг потенциал энергияси тренировка қилмаган болалардан кўра кўплигини кўрсатади. Нафас системасининг функционал ҳолатини аниқлаш учун нафас олиш билан боғлик бўлган машқлар ўтказилиди.

Болалар ва ўсмиirlар ҳаракатчанлиги ва жисмоний машқлар бажара олиш қобилиятини шифокор мунтазам равишда кузатиб боради. Организмнинг чиникиш даражасини аниқлаш учун шифокор қўйидаги текширишларни ўтказади: болаларнинг иссиқликни сезиши, совуққа томирлар реакцияси, терининг ўртача ҳарорати, организмнинг иммунологик реактивлигини оширишни текшириш.

Қайта шифокор қўриги қўйидаги ҳолларда: бажарилган машқлар самарадорлигини баҳолашда, тиббий гурухлардан бир-бирига ўтказишда, машқларни топширишда, спорт мусобақаларига қатнашиш олдидан, қасалликлардан сўнг узок вақт машқлар бажарилмаганда ўтказилади. Жисмоний тарбия ўқитувчиси шифокор ёки текширилаётган бола хоҳишига қараб қўшимча текширишлар ҳам ўтказади.

Организмнинг машқлар бажара олиш қобилияти ва чиникиш даражасини машқ бажаришдан олдин, тренировка вақтида ва ундан кейин текширилади. Бу организмда бўлаётган ўзгаришларни, функционал имкониятларни таққослашга ёрдам беради.

Жисмоний тарбия машқлари етарлича ўтказилаётганини аниқлаш учун ҳаракат қўрсаткичи зичлиги текширилади. Бу қўрсаткич хронометраж усулда аниқланади. Қўрсаткич қанчалик катта бўлса, физиологик самара щунчалик кўп бўлади. Масалан, 45 минут дарс давомида 27 минут тинмай жисмоний машқ билан шуғулланилса, ҳаракат қўрсаткичи зичлиги 60 фоизга teng бўлади.

$$\frac{27 \cdot 100}{45} = 60 \text{ фоиз}$$

Колган вақт тушунтиришга, кўрсатишга, дам олишга ва ҳоказоларга сарфланади. 60 фоиздан кўп бўлган ҳаракат қўрсаткичи зичлиги етарли ҳисобланади. Агар қўрсаткич бундан кам бўлса дарс сифати камаяди, машқлар тўлалигича ўрганилмай ва бажарилмай, етарлича соғломлаштириш самараси олинмайди.

Меъеридан ортиқ машқ қилишнинг бошланғич даври

сезилмайди. Машқлар натижаси функционал имкониятлар чегарасига етганда билинади. Бундай ҳоллар кун тартиби түғри тузилмаганда, ўз вактида овқатланмаганда, ухламаганда, дам олмаганда ва хоказоларда күзатилади.

Меъёридан ортик машқ қилиш ўсаётган организмга салбий таъсир кўрсатади. Бунда мушаклар ишчанлиги камаяди, бола озади, унда қон айланиши етишмовчилиги күзатилади, касалликларга тез-тез чалинадиган бўлиб қолади. Томир уриши (тахикардия) тезлашади, вактивакти билан секинлашади (брадикардия). Машқлар вактида томир уриши тезлашади, юрак санчиши, бўғилиш күзатилади. Функционал синов натижалари ёмонлашади.

VI БОБ

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ОВҚАТЛАНИШИННИНГ ГИГИЕНИК АСОСЛАРИ

Болаларда моддалар алмашинуви мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзгариши организмда бир вактда бир-бирига қарама-қарши бўлади. Ассимиляция организмдаги синтезга боғлиқ бўлган барча ҳодисаларни бирлаштириб, ўсиш ва ривожланиш, организмни ҳаёт учун зарур бўлган моддалар билан таъминлаш ва уларни сарфлаш билан ифодаланади. Диссимилляция моддаларнинг парчаланиши ва оксидланиши ҳамда уларни организмдан ажратиб чиқарувчи жараёндир. Ассимиляция жараёни организмдаги ўсиш ва ривожланиш конунларини ифодалайди. Масалан, бу даврда оқсилга бўлган талаб катта ёшдаги организмга нисбатан кўпроқ бўлади. Болаларда асосий моддалар алмашинуви микдори катталарга нисбатан 1,5—2 баробар кўпdir. Асосий моддалар алмашинувининг нисбий микдори турли ёшда 1 кг/ккал тана вазнига: 2—3 ёшда 55, 6—7 ёшда 42, 10—13 ёшда 34, катталарда 24 ни ташкил қиласди.

Болалик ва ўсмирик даврида куч сарфланиши қуйидагича ифодаланади: 1—5 ёшдаги болаларда бу 80—100 ккал, 13—16 ёшдаги ўсмирларда 65—50 ккал ва катта ёшдаги кишиларда 45 ккал ни ташкил этади (ҳар бир кг вазнига нисбатан). Куч сарфланиши ва асосий моддалар алмашинувининг ошишига караб болалар ва ўсмирлар овқатланишини ташкил қилиш лозим. Мактаб ва ўсмирик ёшида куч сарфланишининг турли даражада ўзгариб боришини эътиборга олган ҳолда таркибида оқсил — 24 фоиз, ёғ — 21 фоиз, ва карбонсувлар — 55 фоиз бўлган

озик-овқат истеъмол қилиш зарур. Балансланган озиқа моддалари организмнинг пластик жараёнини таъминлайди. А. Покровский назарияси бўйича балансланган озиқа негизи — ҳар бир озиқа омилларини қайси ёшда қанча миқдорда зарур эканлигини аниқлаб беришдир.

Оқсилларнинг аҳамияти. Болалар учун оқсиллар энг катта аҳамиятга эга. Оқсил инсон озиқасидаги асосий қисм бўлиб, организмнинг пластик функцияси ва қувватини оширади. Оқсил ҳужайранинг асосий таркибий қисмини ва ҳужайраларо тузимини ташкил қиласди. Оқсил умумий тана оғирлигининг 16—17 % ини ташкил қилиши, қурувчи қисм сифатида унинг аҳамияти биринчи даражали эканлигини кўрсатади. Асосий ҳаётий жараёнлар оқсил билан боғлик бўлиб, улар организмнинг кўпайиш ва ўсиш қобилияти, сезувчанлик, моддалар алмашинуви, қисқариш ҳаракатининг турли кўриниши ва бир қанча фаолиятига эгадир. Оқсил катализатор-тезлаштирувчи вазифасини бажаради. Оқсил болалар организмида иммунитет хосил бўлишида қатнашади. ДНК ва РНК таркиби оқсил молекулаларидан тузилганлиги ҳозирги замон генетик ахборот берилишини кўз олдимизга келтиради. Оқсил моддалар энергияси сарфланиши жараённада ҳам қатнашади.

Болалар ва ўсмирларда оқсил етишмаслиги жисмоний ривожланишда функционал ўзгаришларга олиб келади. Озиқа маҳсулотларида оқсилни кам миқдорда истеъмол қилиш натижасида алиментар дистрофия, квашиор ва бошка касалликлар ҳам учраши мумкин. Оқсил таркибидаги аминокислоталар (айниқса организм синтез қилиши мумкин бўлмаган аминокислоталар) сонига караб, биологик қиймат кўйилади. Болалар овқатида аминокислоталарни нотўғри мувозанатлаш, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг бирор-бир таъсирининг етишмаслиги организм ривожланишига салбий натижа бериши мумкин. Ҳозирча озиқ-овқатларда 26 хил аминокислоталар учрайди.

Аминокислоталарнинг биологик қийматини белгиловчи мезон — бу уларнинг бир комплексда бўлиши ва уларсиз организмда оқсил синтези бўлиши мумкин эмаслигидадир. Инсон организмни бир қанча аминокислоталарни синтез қила олмаслиги аниқланган, булар категорида: лизин, метионин, лейцин, валин, аргинин, гистидин ва бошқалар ўрин олган. Аминокислоталарнинг етишмаслиги ёки бўлмаслиги, ўсишдан қолиш, жисмоний заифликка олиб келади, шу билан бирга камқонлик, ички безларнинг иши бузилишига сабаб бўлади. Масалан,

Болалар ва ўсмирларнинг кундалик энергия (ккал)га, оқсил, ёғ ва карбонсувларга (г ҳисобида) бўлган эҳтиёжи

Ёши	кг/калория	оқсил	ёғ	карбон-сувлар
1—3 ёш	1540	53	53	212
4—6 ёш	1970	68	66	272
7—10 ёш	2300	79	79	315
11—13 ёшдаги ўғил болалар	2700	93	93	370
қиз болалар	2400	85	85	
14—17 ёшдаги ўсмирлар	2900	100	100	340
қизлар	2600	90	90	400
				360

организмда лизиннинг етишмаслиги — сукнинг кальций билан таъминланишининг, азот мувозанатининг бузилишига, гемоглобин микдорининг камайишига, қон ҳосил бўлишининг бузилишига олиб келади. **Триптофан** ўсиш жараённада тўқима синтезига боғлиқ бўлиб, азот мувозанатини сақлайди. Триптофан-гемоглобин ва қон зардоби оқсиллари қаторига киради.

Гистидин — гемоглобин ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди. Қон томирларини ўтказиш қобилиятига таъсир қилувчи моддаларни гистаминлар ҳосил қиласди. **Валин** етишмаслиги ҳаракат координацияси бузилишига олиб келади ва ҳоказо.

Овқат доимо бир хил микдорда ҳазм бўлмайди. Ҳайвон маҳсулотлари оқсилларининг 92 фоизи ҳазм бўлади. Арабаш озиқали оқсил (гўшт, нон, сабзавот) маҳсулотлари тез ҳазм бўлади. Оқсиллар эҳтиёжи бола ёшига қараб аниқланади (19-жадвал). 1 г оқсил кучи 4,1 ккал га тенгдир. Оқсил микдори ёғ микдори билан бир хил бўлиб, углеводларга нисбатан 3—4 маротаба қам бўлганда яхши ҳазм бўлади.

Ёғларнинг аҳамияти. Ёғ оқсил сингари асосий озиқа моддадир, аммо унинг қуввати оқсилдан 2,5 марта кучлидир. Ёғ организмнинг меҳнат фаолиятини тўғри йўлга кўйилишида катта аҳамиятга эга. 1 г ёғ қуввати 9 ккал га тенг келади, 1 г оқсил ва 1 г карбонсув фақат 4 ккал кучга эга. Ёғлар хужайралар таркибига киради. Хужайра функциясида ёғнинг аҳамияти катта. У моддалар алмашинувида қатнашиб, оқсил, минерал моддалар ва витаминларнинг организмга сингишига ёрдам беради. Ёғ таркибига физиологик аҳамияти юқори бўлган фосфа-

тиллар, кўп тўйинмаган ёғ кислоталари киради. Ёғ билан бирга организм ёғда эрийдиган витаминлар билан таъминланади. Нерв тўқимаси ва бош мия ярим шарларида фосфатидларнинг кўплиги аниқланган.

Фосфатидлар организмда, жигар ва қонда қисман синтезланади. Ўсимлик мойи, тухум, сариёғ каби ёғ моддалар фосфатидлар манбай ҳисобланади.

Кўп тўйинмаган ёғ кислотаси (КТЕК) — линол, линолен, арахидон организмда синтез бўлмайдиган, ҳаёт учун зарур бўлган моддалардан бири. Бириктирувчи тўқима ва ҳужайра қобигининг ҳосил бўлиши линолен моддасига боғлиқ. КТЕК кон томир деворига таъсир қилиб, унинг эластиклигини оширади, ўтказувчанигини камайтиради ва организмнинг ҳимоя кучини оширади. Болалардаги КТЕКга бўлган талаб катталарапнига нисбатан кўп, масалан, катта ёшдагиларда КТЕК кунлик меъёри рациондаги кунлик куч қийматининг 1 фоизини ташкил қиладиган бўлса, болаларда 2 фоиздан кам бўлмаслиги зарур. Ўсимлик ёғи КТЕКнинг асосий манбай ҳисобланади. Овқатланишни тўғри ташкил қилиша рацион таркибига пахта, кунгабоқар, ҳайвон ва ўсимлик ёғларини тўғри тақсимлаш максадга мувофиқдир. Ўсимлик ёғи миқдори 6 ёшгача бўлган болалар овқатида 6—12 г, бошланғич синф болалари овқатида 20 г, ўсмирлар овқатида 25 г бўлиши керак. Кунлик рациондаги ёғ миқдорининг энергетик қиймати ёш болаларда 40—50 фоиз, мактаб ёшидагиларда 30 фоизни ташкил қилиши лозим. Ёғ миқдорининг овқатда кўпайиб кетиши моддалар алмашинувини издан чиқариб, ўсишга салбий таъсир кўрсатади. (М. Н. Исмоилов). Ёғларга бўлган эҳтиёж 19-жадвалда ҳам кўрсатилган.

Карбонсувларнинг аҳамияти. Карбонсувларнинг физиологик аҳамияти уларнинг энергетик ҳусусияти билан аниқланади. Ҳар қандай физиологик ҳолатда карбонсувларга бўлган эҳтиёж кўпроқ. Карбонсувлар ҳужайра ва тўқима таркибida бўлиб, пластик ва куч ролини бажаради. Ҳужайралар ва тўқималараро моддалар мураккаб углеводлардан иборат.

Мия ярим шарларининг тўғри вазифа бажариши, мускул иши, жигар ва бўйракда борувчи мураккаб реакциялар углеводлар ҳисобига амалга ошади. Қисқа вакт ичиди оз миқдорда кон таркибидаги глюкоза миқдорининг ўзгариши нерв системасига боғлиқ бўлган организмдаги бир қанча функцияли бузилиш билан намоён бўлади. Углеводлар организмда турли кўринишда оддий моносахаридлар, дисахарид, полисахарид, эркин ҳолатда,

**Болалар ва ўсмирларнинг витаминларга бўлган
кундалик эҳтиёжи, мг**

Ёши	А-ретинол	B ₁ -тиамин	B ₂ -рибофлавин	РР-ниацин	C-аскорбин-к-таси	D-кальцеферол
1 ёшгача	0,4(400МЕ)	0,5	0,6	7	40	0,4(400МЕ)
1—3 ёш	0,4(400МЕ)	0,8	0,9	10	45	0,4(400МЕ)
4—6 ёш	0,5(500МЕ)	1,0	1,3	12	50	0,1(100МЕ)
7—10 ёш	0,7(700МЕ)	1,4	1,6	15	60	0,1(100МЕ)
11—13 ёш	1,0(1000МЕ)	1,6	1,9	18	70	0,1(100МЕ)
14—17 ёш (қизлар)	1,0(1000МЕ)	1,6	1,8	17	65	0,1(100МЕ)
14—17 ёш (йигитлар)	1,0(1000МЕ)	1,7	2,0	19	76	0,1(100МЕ)

Изоҳ: МЕ — халқаро ўлчов бирлиги.

қолаверса липид, микроэлементлар ва оқсиллар билан мураккаб комплекслар ҳосил қилган ҳолда учрайди.

Карбонсувлар жигар ва мушакларда гликоген турда тўплам ҳосил қиласи. Гликоген полисахаридларга киради.

Бажарилаётган ишга қараб озиқадаги углеводлар меъёрлаштирилади. Иссик иқлимда, асабийлашишда углеводга бўлган талаб ошиши мумкин. Сабзавот ва мева маҳсулотларида углеводлар кўп бўлади. Болалар углеводларга бой бўлган озиқа ёки сут маҳсулотларини истеъмол килишлари зарур.

Витаминларнинг аҳамияти. Витамин хаёт учун энг зарур бўлган моддадир. У моддалар алмашинувидағи моддаларни бошқарувчи ва биологик катализатор бўлиб хизмат қиласи, унинг асосий роли ферментлар ҳосил бўлишида қатнашишидир.

Витаминлар ёғда ва сувда эришига қараб турли гурухларга бўлинади. Ёғда эрувчи витаминларга А, Д, Е киради. А витаминлари ёш организмнинг ўсишига таъсир қилиб, скелет системаси ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бу витамин кўриш функциясига таъсир қиласи, унинг етишмаслиги кўриш функциясини издан чиқаради. Ретинол (А) — организмда, асосан жигарда тўплам ҳосил қиласи. У гўшт, балиқ, сариёғ ва бошқа сут маҳсулотларида бўлади. Провитамин А — каротин ўсимлик маҳсулотларида бўлиб, асосан ингичка ичак деворларида витамин А га айланади. Витамин Д — организмда

кальций ва фосфор тузлари алмашинувини бошқаради. Двитаминнинг етишмаслиги рахит касаллигига олиб келади.

Евитаминнинг физиологик вазифаси хужайраларда липидларнинг оксидланишига қарши таъсиридир. У ўсимлик ёғи ва сабзавотларда, гўшт, балик, сариёф сут ва тухумда бўлади.

Вгурух витаминалари — хужайраларро алмашинув жараёнида қатнашиб, карбонсувлар алмашинувини бошқаради, нерв қўзғолиш медиатори — ацетилхолинга, нейрогуморал бошқарув системасига таъсир қиласди, оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида иштирок этиб, ўсиш жараёнига ўз хиссасини қўшади.

Свитамини (аскорбин кислота) — сувда эрийдиган витаминлар қаторига киради. У организмда оксидланиш-қайтарилиш жараёнида қатнашиб, оқсил, углевод ва холестерин алмашинувини бошқаради. Аскорбин кислота — капилляр қон томирлар деворининг нормал ҳолати ва эластиклигини бир хил ушлаб туради. Свитамини — кўк пиёз, қора смородина, кулупнай, апельсин, лимон, помидор, карам, картошка, сут ва жигарда бўлади.

Витаминларнинг кам ёки етишмаслиги организмда гиповитаминоз ва авитаминоз касаллигини келтириб чиқаради. Гиповитаминоз касаллиги ёпиқ шаклда узок вақт давом этиб, организмнинг ҳимоя — иммунитет механизмини сусайтиради, ўсиш ва улғайиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади (19- жадвал, а).

Минерал тузлар — тўқима ва хужайраларнинг таркибий қисмини ташкил қилиб, организмнинг ўсиш ва улғайиш давридаги пластик вазифасини бажаради. Минерал тузлар — организмнинг мураккаб қомплесига киравчи анион ва катион кўринишидаги моддалар алмашинувининг биокатализаторларидир. Минерал тузлар истеъмол қилинган озиқага ишқорли ва қислотали таъсир кўрсатиб, организмнинг кислотали асосини бир хил сақлаб туради (20- жадвал).

Кальций — ферментлар ва хужайралар ичидаги алмашув жараёнида қатнашади. Кальцийнинг буфер системаси ҳосил бўлишидаги роли катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари, калий ионлари мушаклардаги нерв қўзғолишида иштирок этади. Кальций ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотларида бўлади.

Организмдаги 60 фоиз темир гемоглобиннинг асосий қисмини ташкил қиласди. **Темир** организмда тўпламлар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Озиқа билан истеъмол қилинаётган темир микдорининг камайиши анемияга олиб

Бола организмининг минерал тузларга бўлган эҳтиёжи (мг)

Ёши	кальций	фосфор	магний	темир
1 ойлик чақалоқ	240	120	50	1,5
1—6 ойлик	500	400	60	6
7—12 ойлик	600	500	70	10
1—3 ёш	800	800	150	10
4—10 ёш	1200	1650	300	18
11—13 ёш (ўғил бола)	1200	1800	350	18
11—13 ёш (қиз бола)	1100	1650	300	18
14—17 ёш (йигитлар)	1200	1800	300	18
14—17 ёш (қизлар)	1100	1650	3000	18

келади. Темир оксидловчи ферментлар — пероксидазалар, цитозом таркибида бўлади. Темир хужайралардаги алмашинув жараёнда қатнашади.

Йод микроэлементлари етишмаслигидан эндемик қалқонсликлини келиб чиқади. Йоднинг физиологик аҳамияти қалқонсимон без фаолиятига бўлган ижобий ва салбий таъсири билан характерланади. Организмда йод етишмаслиги қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши ва буқоқ пайдо бўлишига сабаб бўлади. Фаргона водийсидаги мактаб ёшидаги болаларда буқоқ касаллиги кўп учрайди. Бу касалликнинг олдини олишнинг маҳсус ва умумий коидалари бўлиб, маҳсус коидага организмнинг йод билан таъминланишини ташкил этиш киради (йодли тузлардан фойдаланиш шулар жумласидандир). Умумий қоидага эса болалар учун санитария-гигиена тавсиялари киради.

Болалар ва ўсмирларнинг озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжи. Болалар овқатланишининг асосий гигиеник талаблари қондирилиши лозим, чунки шундагина улар яхши ўсади ва турли касалликлардан сақланади. Тўйимли овқат организмни унга зарур бўлган озиқ моддалар билан таъминлаши зарур. Зарур озиқ моддалар таркибига оқсил, ёғ, карбонсув, витаминалар, минерал моддалар ва сув киради. Овқат ўз вақтига қараб кунда режаси билан итеъмол қилиниши керак.

Ейилган овқат организм учун зарур бўлган куч — энергияни тўла қондириши зарур. Овқат рациони тўла балансланган бўлиши ва бола уни осон ҳазм қила олиши лозим.

Улғайиш даврида овқатланиш тартиби бир неча марта ўзгаради (офиз сути, кўкрак билан эмизиш, қўшимча овқат бериш, аста-секин аралаш овқатлантиришга ўтиш).

Айникса бу қоидага боланинг мактабгача ва мактабдаги даврларида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Нозик ва соғлиғида ўзгаришлар бўлган болаларни индивидуал тартибда овқатлантириш зарур. Шунингдек индивидуал тартибда овқатлантириш спорт билан шуғулланётган болалар ва ўсмирлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўтказилган тажрибалар натижаси оқсил, витамин, карбонсувлар, ёғ ва минерал моддалар алмашинуви турли ёшдаги болалар организми сарфлаган энергияни қоплаш учун зарурлигини кўрсатади. Бу эса ўз ўрнида болалар овқатланишини ташкил этишда асос бўлиб хизмат қиласди.

Болаларнинг тўғри овқатланиш тартиби. Бола ҳаётининг биринчи йилида овқатланишни тўғри ташкил этишнинг катта аҳамияти бор. Бу даврда энг табий ва мақсадга мувофиқ келадиган овқат маҳсулоти — сутдир. Кўкрак сути бола учун энг фойдали ҳисобланади. Кўкрак сути таркибидаги асосий, шунингдек, аминокислоталар бола организми учун фойдалидир. Унинг таркибидаги майдা, турли альбуминлар оқсилларнинг ҳазм бўлиш тезлигини оширади. Бундан ташқари, бола организми она сутидан қатор иммуноглобулин (антителолар), антигенлар ва ферментлар ҳам олади. Бу ёшда хали фермент ҳосил қилувчи органлар бўлмиш меъда ва меъда ости бези ўз фаолиятини тикламаган бўлади, шунинг учун оқсиллар тузилишида гидролитик ферментлар катта аҳамиятга эга.

Кўкрак сути таркибидаги оқсилларнинг ҳазм бўлиш вақтини тезлатадиган тўйинмаган ёғлар ҳам бўлади. Болага албатта таркибидаги кўп миқдорда оқсили бўлган озиқаларни бериш зарур. Она сути таркибидаги ёғлар яхши ҳазм бўлади. Булар сигир сутига қараганда она сутида 10 марта кўп учрайдиган зарурий линолен ва арахидон кислоталариридир.

Кўкрак сутидаги карбонсувлардан лактоза ичакларда В гуруҳ витаминларининг ҳосил бўлишини йўлга солиб туради. Сутнинг минерал таркиби бола организми ҳазм қила оладиган даражада бўлади. Она сутидаги витаминлар бола ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кўкрак сутининг яна бир аҳамиятли томони унинг ўта тозалиги ва бактериостатик, бактериолитик, бактериоцид таъсир кўрсата олишидадир.

Ҳар қандай сунъий аралашма химиявий таркиби билан кўкрак сутига қанчалик яқин бўлмасин барibir тўлиқ унинг ўрнини боса олмайди ва айникса, бола ҳаётининг 1—6 ойлигига (21- жадвал).

Бола ҳаётининг биринчи 6 ойлигига кўкрак сути ва витаминларни ўз вақтида бериб бориш, унинг тўлиқ ва

Она сути ва сигир сутининг кимёвий таркиби (100 г)

Таркиби	Она сути	Сигир сути
Оқсил, г	2,5	3,3
Ёглар, г	3,5	3,2
Карбонсув-лактоза, г	7	4,2
Куч-куват, ккал	70	62
минерал тузлар, мг	200	700
кальций	41	120
фосфор	46	210
темир	0,2	0,05
витаминалар, мг		
A	0,04	—
D	0,005	0,003

тўғри ўсиши учун фойдалидир. Ёши улғайган сари эса организмнинг бошқа қўшимча моддаларга талаби ортади, бу хил моддаларга: темир, кобалтъ, рух, кальций, фосфор каби тузлар киради.

Хозирги вактда болаларни табиий ва сунъий маҳсулотлар билан овқатлантириш учун тайёр овқатлар рецепти ишлаб чиқилган. Улар энг сифатли маҳсулотлардан тайёрланади.

Организм ўсиш ва ривожланишининг барча даврларида, айниқса, бола ҳаётининг биринчи йилида сут барча овқат маҳсулотлари ичидаги биринчи ўринда туради. Сут таркибида кирадиган оқсиллар нафақат ҳазм бўлиш хоссасининг юқорилиги, балки аминокислоталарнинг мувозанати билан ҳам ўсимлик маҳсулотларидаги оқсиллардан фарқ қиласди.

Сут ва сут маҳсулотлари минерал моддаларга жуда бой. Бу хил моддалар қаторига кальций, калий, магний, темир, кобалтъ, мис, рух, марганец, йод ва ҳоказолар киради.

Овқатланиш тартиби. Овқат тўлиқ ҳазм бўлишида озиқланиш тартибининг ҳам аҳамияти катта. Бола дастлабки З ёшида кундалик рационни тахминан бўлиб-бўлиб кун бўйи олса, кейинроқ эса 7, 6, 5 ва 4 марталик овқатланишга ўтади (16—18 ёшда).

Мактабгача ёшда эса кундалик овқатланиш тартибини тузатётганда албатта тушликда қабул қиласиган овқат ҳажми кенгайтирилади, бироқ бу хил кенгайтириш секинлик билан амалга оширилади. Чунки мактабгача ёшдагилар учун суткалик рацион тенг ҳажмларда бўлингани маъқул. Чунки бундай йўл тутилганда боланинг

Ўзбекистон иқлими шароитида болаларнинг овқатланиш тартиби ва суткалик калорияни тақсимлаш (фоиз ҳисобида)

Овқатланиш пайтлари	Ясли ёшидаги болалар	Мактабгача тарбия ёшидаги болалар	Мактаб ёши
Нонушта	20	25	25
Иккинчи нонушта	15	10	10
Тушлик	30	35	30
Ярим кунлик	15	10	10
Кечки овқат	20	20	25
Жами калория	1300	1600—2000	2000—2850

иштаҳаси очилади. Шунинг учун суткалик рацион тенг ҳажмларда бўлинади ва организм фаолияти сусаймаслиги учун, албатта бола кундузи ухлаши лозим (22- жадвал).

Эрталабки нонушта — бу суткалик энергиянинг 20—25 фоизини ташкил этади. У полиз маҳсулотларидан тайёрланган шакароп ва иссиқ овқатдан иборат: бўтка ва сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган овқат, тухум, сут, чойдан иборат бўлиши зарур. Иккинчи нонушта 15 фоизни ташкил қиласди. Тушлик 30 фоизни ташкил этиши лозим.

Тушликдан кейинги овқат бу суткалик энергиянинг 15—20 фоизини ташкил этиши керак. Болада кундузги уйқудан кейин чанқоқлик кучаяди. Шунинг учун бу пайтда болага мева, сабзавот ҳамда турли хил шарбатлардан бериш лозим. Кечки овқат 20 фоиз бўлади. Бу камидан 1—2 хил овқат (суюқ ва қуюқ овқат) дан ҳамда компотдан иборат.

Гўшт ва балиқдан тайёрланган, яъни оқсилга бой бўлган овқатлар бола организмида моддалар алмашинувини ошириб, мия пўстлоғининг асаб системасида қўзғолиш жараёнини юзага келтиради. Шунинг учун таомнома тузатётганда бу хил овқатларни куннинг биринчи ярмига қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари болаларга овқат билан боғлиқ бўлган гигиена талаблари ҳам ўргатиб борилади. Яъни овқатланишдан олдин албатта қўлни яхшилаб ювиш, овқатни шошилмай, чайнаб ютиш.

Кучсиз, нимжон болалар оқсилга бой бўлган таомдан тез-тез истеъмол қилишлари зарур.

Ўқувчиларнинг овқатланиш тартиби ўқиш жараёнига ва ёшига қараб тақсимланиб борилади. Мактаб ёшидаги болалар рациони тахминий суткалик овқатлар рўйхатига асосланиб тузилиши лозим.

Болалар ва ўсмирлар бутун йил давомида ҳар хил характердаги ақлий ёки жисмоний ишлар билан машғул бўладилар. Жисмоний иш билан шуғулланганда ўсмир организмининг оксилга ва кучга (калорияга) бўлган талаби 10 фоиз ошади. Шунинг учун бундай ҳолларда, албатта, оксилга бой таомлардан истеъмол қилиш керак.

Маълумки, мактабларда дарслар икки сменада олиб борилади. Шу сабабли овқатланиш тартиби ҳам ҳар кайси смена учун ўзига хос бўлади. Масалан, биринчи сменада шуғулланадиганлар учун биринчи нонушта (25 фоиз) соат 7 да, яъни бола мактабга кетишидан олдин, иккинчи нонушта соат 11—12 да, тушлик (35 фоиз) мактабдан қайтгандан сўнг, яъни соат 16 да, кечки овқат (20 фоиз) эса соат 18—19 да бўлиши максадга мувофиқдир. Иккинчи сменада шуғулланадиганлар учун: биринчи нонушта соат 8 ларда, тушлик мактабга кетишидан олдин, яъни соат 12—13 ларда. Тушликдан кейинги овқат соат 15 да, кечки овқат соат 19—20 ларда бўлиши керак.

Ўкувчилар мактабда бор-йўғи 6 соат бўладилар. Шунинг учун бир пайтда овқатланиш учун вакт ажратиш уларнинг ишлар қобилияти, кайфияти ва овқат ҳазм қилиш системаси фаолиятига ижобий таъсир қиласиди. Шу сабабли мактаб ўкувчиларининг эрталабки нонушталари га катта эътибор бериш зарур. Болалар нонуштада албатта иссиқ овқат ейишлари ва бу овқат энергияга бой бўлмоғи лозим. Кичик ёшдаги мактаб ўкувчилари нонуштаси 400—500 ккал, катта ёшдагиларники эса 600—700 ккал га тенг бўлиши керак. Бу кундалик овқат истеъмол қийматининг 20—25 фоизини ташкил қиласиди.

Куни узайтирилган гурух ўкувчилари мактабда 9—10 соат бўлиб, у ерда 2 марта овқатланадилар.

Бу овқатлар турли-туман витамин, минерал моддаларга бой бўлиши лозим.

Мактабдаги нонушта ва тушликлар ҳар куни ўз вақтида берилиши зарур. Мактабда тўғри ва гигиеник талабларга жавоб берадиган овқатланишни ташкил этиш соғломлаштириш омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўсмирлик даври организм тез ўсиб шаклланадиган, унда турли ўзгаришлар юз берадиган даврdir. Бунда овқатланиш меъёри жинсга қараб таҳсимланади.

Ез мавсумида болалар лагерида ўкувчилар истеъмол қиласидиган овқатлар калорияси 10—15 фоизга оширилади.

Тоза ҳавода узоқ юриш, жисмоний, ҳаракатли ўйинлар билан шуғуллананиш, кишлек хўжалик ишларида қатнашиш, саёҳатлар организмнинг энергия сарфини оширади.

Бизнинг иқлимда, ёз мавсумида моддалар алмашинуви кучаяди, болада ўсиш жараёни тезлашади. Шу сабабдан болалар лагерларида витамин ҳамда оқсилга бой бўлган турли-туман таомлар ва мевалардан иборат таомнома тузилади.

Болалар санаторийларида овқатланиш тартиби уларнинг тиббий кўрсатмалари асосида бўлади. Бундай муассасаларда овқатнинг энергетик баҳоланиши юқори бўлиши ва кўпроқ оқсилга бой ҳайвон маҳсулотларидан тайёрланган бўлиши зарур. Масалан, ўпка ёки сил касаллиги билан оғриган болалар ва ўсмирлар учун ихтисослашган мактаб-интернат ва санаторийларда тайёрланиши зарур бўлган овқат моддаларининг кундалик меъёри юқорироқ белгиланган. Кундалик овқатни физларда ифодалайдиган бўлсак: оқсил 15—20 фоиз, ёғ 25—30 фоиз, углевод 50—55 фоиз бўлади ва 4 марталик овқатланиш режими ташкил қилинади.

Спортчилар овқатланишини ташкил этишда ҳам гигиеник талабларга жавоб бериш зарур. Улар мусобақа вактида кўп куч сарф қиласилар, шу сабабли уларнинг умумий овқат микдорининг кучи 500—600 ккал дан ошиши лозим.

Организми гуркираб ўсиб, жисмоний ва аклий машғулотлар натижасида кескин ўзгариб бораётган ёш спортчиларнинг тўғри овқатланишини ташкил этишга катта эътибор бериш лозим. Буни кўпроқ спорт интернатлари ва мактабларда кўллаш зарур. Организмнинг энергия сарфини тўлдириб борища нафакат спортчининг ёши, балки овқат микдори ва сифатига ҳам аҳамият бериш зарур. Айниқса машғулотлар пайтида овқат сифатига эътиборни ошириш, яъни оқсил-углеводли овқатлардан кўпроқ истеъмол қилиш таклиф қилинади. Чунки, мушак энергиясининг манбай бу карбонсувлардир. Спорт билан шуғулланадиганларнинг организмида кўпгина витамин, фосфор, кальций ва бошқа минерал моддаларга бўлган етишмовчилик доимо сезилади. Албатта овқаланишини ташкил этаётганда шуни ҳам ҳисобга олмоқ лозим.

Шифокорлар болалар муассасаларидағи ошхоналар, овқат тайёрлаш цехлари, овқат тайёрлаш вактида маҳсулотларни ташиш ва сакланиш устидан кузатув ишларини олиб борадилар. Кузатишлар натижасида овқатланиш режими ва рационига баҳо бериб борилади. Шундай қилиб, овқатдан заҳарланиш ва турли касалликлар келиб чиқмаслиги учун олиб борилаётган комплекс санитария тадбирлари устидан текширув олиб борилади. Кундалик санитария текширувига юқорида санаб ўтилганлардан ташқари ходимларнинг тиббий

кўриқдан ўтган-ўтмаганлигини ҳам текшириб бориш киради.

Санитария қонунчилигига асосан киши умумий овқатланиш корхоналарига ишга кираётганда албатта тиббий кўриқдан ўтади. Шундан кейин ўша даволаш муассасаси томонидан ишлаш учун унга рухсатнома берилади. Кейинчалик овқат тайёрлаш цехида ишловчилар хар Зойда тиббий кўриқдан ва йилига бир марта флюорографиядан ўтиб турадилар. Эпидемиология кўрсатмалари асосида қилиниши керак бўлган профилактик эмлашлар ва бактерия ташувчилар устидан текширув ишлари ўз вактида олиб борилади.

Сил, тери йирингли касалликлари, ўткир юкумли ичак касалликлари, ўткир сўзак ва захм каби касалликлар билан оғриётганларга болалар муассасаларида ишлашга рухсат берилмайди. Агар овқат тайёрлаш цехи ишчисининг оиласида ич терлама, паратиф, ичбуруғ, бўғма ва қизилча (скарлатина) билан бирор киши оғриб қолса, тиббий рухсатномасиз у ишчига ишлашга рухсат берилмайди.

Санитария-эпидемиология станцияларининг врачлари томонидан овқатланишни тўғри ташкил этиш устидаги тадбирлар ўтказилади. Шу мақсадда овқатланиш илмгоҳида ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар асосида туман ёки шаҳар болалар муассасаларида болалар овқатланиши ўрганилади. Овқатланишни баҳолаш таомнома маҳсулотларига ва лаборатория анализларига асосланади. Натижада ўша болалар муассасаларида овқатланишни яхшилаш учун тадбирлар белгиланади. Режаланган тадбирлар эса туман халқ депутатларидан тузилган гурӯҳлар томонидан, умумий таълим ташкилотлари ва умумий овқатланиш муассасаси ходимлари иштирокида кўриб чиқилади ва унинг бажарилишини кузатиб бориш санитария-эпидемиология станцияси врачларига юклатилади.

VII БОБ

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИНГ ЕЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИНГ ГИГИЕНИК АСОСЛАРИ

Болалар ва ўсмирлар ичидаги амалга оширилаётган соғломлаштириш ишлари давлат тадбирларидан ҳисобланниб, айниқса ёз мавсумида болалар оммаси ичидаги кўйидаги негизларга асосланган: кўпчилик болалар учун соғломлаштириш тадбирлари белупул ёки унинг кўпроқ кисмини давлат тўлайди, уларга оммавий, режали ва илмий асосланган тиббий хизмат кўрсатилади. Соғлом-

лаштириш тадбирлари касалликнинг олдини олиш ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Болалар соғломлаштириш муассасаларининг турлари ва тармоқлари уларнинг саломатлик ҳолати ва ёшлирига қараб ташкил қилинади. Кўпчилик болалар ва ўсмирлар ҳар йили соғломлаштириш муассасаларида ўз саломатликларини тиклайдилар, шу сабабли йил давомида уларнинг ўқув ва меҳнат кобилиятлари кўрсаткичлари анча баланд бўлади (23- жадвал).

Умумий соғломлаштириш тармоқлари ҳамда болалар ва ўсмирлар ёзги соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тадбирларининг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Турли ва тармоқли соғломлаштириш муассасаларида болалар айниқса ёз фаслида кун бўйи очиқ ҳавода ва қуёш нурининг тўғридан-тўғри ва бевосита фойдали радиация таъсирида бўладилар ҳамда бу ерда соғломлаштириш кун тартиби, уйқу, жисмоний тарбия ва рационал овқатланиш ташкил этилган. Бола организмини чиниқтириш учун зарур муолажаларни олиш имконияти туғилади (очиқ ҳавода узоқ вақт бўлиш, сувда чўмилиш ва жисмоний машклар).

Бу барча омиллар албатта болалар саломатлигини мустаҳкамлайди. Куз ва қиш фаслларида болаларда 23-жадвал

Болалар ва ўсмирлар соғломлаштириш муассасаларининг турлари

1. Мактабгача ёшдаги	I. Болалар боғчаси узайтирилган кун тартиbida ёки санаторий, боғ, шаҳардан ташқарида
2. Мактаб ёшидаги	I. Умумлашган болалар лагери II. Мактаб, болалар уйи, интернатлар олди-даги шаҳар ёки қишлоқ болалар лагерлари III. Мактаб ёки интернатлар олдидаги ишчи шаҳар ташқарисидаги болалар лагерлари IV. Дам олиш ва меҳнат лагери (жамоа қишлоқ хўжалигига)
3. Соғломлаштириш муассасалари	I. Санаторий туридаги ёшлар лагери II. Махсуслаштирилган ёшлар лагери III. Махсуслаштирилган санаторий (ўпка, юрак, сил касалликлари учун)
4. Ўсмирлар учун санаторий ва профилакторий	
5. Спорт билан согломлаштириш лагери	
6. Туристик марказлар	

ультрабинафша нурлари этишмаслиги ва кўп шамоллаш натижасида организмнинг ўзини ҳимоя қилиш хусусиятлари (иммунитет) сусаяди. Буларни бартараф этиш учун ёзда соғломлаштириш ишларини ташкил этиш жуда зарурдир.

Ўқувчи болалар учун (7—14 ёш) йил мобайнидаги оғир ўқиш ва дарслардан сўнг дам олишлари учун ёз фаслида оммавий соғломлаштириш болалар муассасалари, чунончи ёшлар лагерлари, меҳнат ва дам олиш санаторийлари хизмат қиласи. Бу ерларда ҳар йили минглаб ўқувчилар ёзги таътилларини ўтказадилар ва саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

Ўқув йили давомида болалар очик ҳавода кам бўладилар, уларнинг ҳаракатлари чегараланган бўлади ва ақлий меҳнатлари жисмоний фаолиятдан анча устунроқ бўлгани сабабли ўқувчилар ичидаги толикиш аломатлари кўпаяди. Улар каторига ўқиш кобилиятининг пасайиши, субъектив чарчаш аломатлари: тезда толикиш, бош оғриғи, иштаҳанинг камайиши, ёмон уйқу ва бошқалар киради. Бизнинг текшириш ва кузатишларимиз шуни кўрсатадики, IV ўқув чорагида ўқувчилар орасида 25 фоиз ишчанлик пасаяди ва уларнинг саломатликлари ёмонлашади (15—20 фоиз). Шу сабабли болалар ва ўсмирлар ёзги дам олишларини тўғри ташкил этишнинг аҳамияти каттадир (М. Исмоилов).

Болалар соғломлаштириш лагерларида врач режасининг асосий бўлимлари кўйидагича:

1. Соғломлаштириш муассасалари очилишидан олдин ва очилгандан кейинги ташкилий тайёргарлик ишлари.

2. Соғломлаштириш лагерида санитария аҳволини яхшилаш ва шунга риоя этишни назорат қилиш.

3. Соғломлаштириш ва даволаш ишларини ташкил қилиш.

4. Кун тартиби ва жисмоний тарбия ишларининг тиббий назорати.

5. Овқатланиш сифати ва меҳнат тарбияси вактини тиббий назорат этиш.

6. Эпидемияга карши тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

7. Санитария-гигиена тарбия ишлари.

Соғломлаштириш омиллари орасида болалар соғломлаштириш муассасасида, айниқса шахардан ташқарида жойлашган жойларда болаларнинг кун тартибида аввало кўпроқ соф ҳавода бўлиш тавсия этилади. Соф ҳаво таркибида кимёвий томондан тоза кислород, ионлар ва ультрабинафша нурлар кўпроқ бўлади. Буларнинг ҳамма-

си организмни чиниктиради, моддалар алмашнуви ни нормаллаштиради ва қон таркибини ижобий равишда ўзгартириб, умумий саломатликни яхшилади. Ёз фаслида болалар камида 8—10 соат очик ҳавода бўлишлари лозим. Бунга соф ҳавода жисмоний тарбия ва спорт ўйинларини ўтказиш, очик ҳовузларда сузиш, сайрлар ҳамда ёзги ошхона биносида овқатланиш, кутубхонада бўлиш ва бошқалар киради. Соғломлаштириш муассасасида тўғри ташкил этилган кундалик режа болалар саломатлигини мустаҳкамлайди, касалликка қарши кучини оширади ва жамлайди, ишчанлигини тиклайди.

Кундалик гигиеник режанинг асоси куйидагилардир:

1) кўпроқ соф ҳавода бўлиш;

2) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш;

3) етарли ва сифатли овқатланиш;

4) етарли ухлаш;

5) фойдали меҳнатни ташкил этиш ва ўз-ўзига хизмат қилиш.

Кундалик режани тўғри тузишда болалар ёши ва жинси, саломатлиги ва функционал ҳолатини ҳисобга олиш зарур. Кун тартибида болаларнинг кун давомидаги барча турли фаoliятлари тўғри тақсимланиши лозим. Болалар лагерларида ташкил этилган дам олиш ва меҳнат умумий гигиеник талабларга жавоб бериши керак. Саломатлиги ёмонлашган ёки касалликдан сўнг болалар жамоа-меҳнат ишларидан чегараланган бўлади. Дам олувчи болалар учун оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланиш мумкин эмас (14 кг дан ортиқ оғирлиқда юк кўтариш ва ҳоказолар). Эпидемик юқумли касалликка қарши чора-тадбирлар режада белгиланиши шарт.

Болаларни соғломлаштириш режасида жисмоний тарбия ва чиниктириш ишлари алоҳида ўрин тутади. Чунки бу тадбир саломатликни анча мустаҳкамлайди. Жисмоний тарбия режасини шифокор ва мураббия тузади ҳамда кузатиб, назорат қилиб боради. Жисмоний тарбия ишларини болаларни соғломлаштириш муассасаларида ўтказиш куйидагилардан иборат: эрталабки бадантарбия — гимнастика, чиниктириш омилларидан (ҳаво, күёш, сув) фойдаланиш, сувда сузиш, сайрларга чиқиш (24- жадвал). Буларни ўтказишда болалар саломатлик ҳолати (гурухи), жисмоний ривожланиши ва шахсий қобилияти эътиборга олинади. Масалан, соғлом асосий гурух болалари учун соғломлаштириш болалар муассасасида барча жисмоний машқлар ўтказилади. Ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланиш ва бирор спорт секциясида қатнашишга рухсат этилади. Бошка ёрдамчи

**Соғломлаштириш болалар лагерида чиниқтириш тадбирлари
Болалар учун ёз фаслидаги чиниқтириш воситалари**

Воситалар	Бажарыш шартлари	Бола ёши	
		мактабгача	мактаб ёшида
Ҳаво	ҳаво ҳарорати давомий-лиги	17—22° 30 дақиқадан	16—22° 30 дақиқадан
Қүёш-ҳаво	давомийлиги дақиқада, тинч ҳолатида ўйин	4 дан 30 гача	5 дан 40 гача
Нам сочиқ билан артиниш	сув ҳарорати давомийлиги, дақиқада, ҳаво ҳарорати	18—34° 1—1,5 18—20°	16—32° 1—1,5 18—20°
Душ қабул қилиш	сув ҳарорати ҳаво ҳарорати давомийлиги дақиқада	18—35° 18—20° 1—1,5	16—33°C 18—20° 1—1,5
Оёқни ювиш	сув ҳарорати давомийлиги дақиқада	16—32° 1—2	14—28° 2—3
Сувда чўмилиш	сув ҳарорати ҳаво ҳарорати давомийлиги дақиқада	20—22° паст эмас 20—22° 1—3	дан 19—20° 18—20° 3—15

гурух болалари (нимжон болалар) учун эса соғломлаштириш лагерида эрталабки гимнастика рухсат этилиб, баъзи бир оғир машқлар чегараланган бўлади. Чиниқтириш омиллари ҳам шахсий саломатлигига қараб тавсия этилади.

Агар бола тез-тез шамоллаб турса, чўмилиш ман этилади. Махсус тиббий болалар гурухи (сурункали касаллиги бор) умумий жисмоний тарбия билан чегараланган равишда шуғулланади.

Соғломлаштириш омиллари ичida тўғри овқатланишни ташкил этиш йўллари энг асосийларидан ҳисобланади. Бола саломатлигини таъминлаш учун унинг ёши, фаолияти ва эҳтиёжига қараб овқат микдори ва сифатини билиш зарур, чунки соғломлаштириш пайтида, айникса, ёз фаслида болалар соғ ҳавода кўпроқ ҳаракатда бўлиб, кўп куч-энергия сарф қиласидар, натижада уларнинг иштаҳалари очилади. Шунинг учун болалар ва ўсмирларга қўйидаги микдорда калория ва эҳтиёжга кўра меъёрда оқсил, ёғ ва карбонсувлар тавсия этилади (25- жадвал).

Оқсил, ёғлар ва карбонсувларининг бир-бирига бўлган нисбати 1:1:4 бўлиши лозим. Оқсилларнинг 50—60 фоизи хайвон маҳсулотларидаги оқсиллардан ташкил топиши керак (гўшт, сут, балик, тухум).

**Болаларнинг соғломлаштириш лагерларида асосий озиқа
моддаларига бўлган эҳтиёжи**

Ёши	кунда- лик, ккал	оқсил (г ҳисобида кунига)		ёѓлар (г ҳисобида кунига)		карбон сувлар (г ҳисо- бида кунига)
		жами	шу жумла- дан ҳайвон маҳсулот- лари	жами	шу жумла- дан ўсимлик маҳсулот- лари	
7—10	2300	79	47	79	16	315
11—13 (қиз)	2450	85	51	85	17	340
(ўғил)	2700	93	56	93	19	370
14—15 (қиз)	2600	90	54	90	18	360
(ўғил)	2900	100	60	100	20	400

Езги соғломлаштириш муассасаларида болалар 5 маҳал овқатланадилар. Жумладан бир кунлик овқат калорияси нонушта — 25 фоиз, тушлик — 30 фоиз, тушликдан кейинги — 15 фоиз, кечки овқат — 25 фоиз ва ётишдан олдин — 5 фоизни ташкил этиши керак. Шундагина болалар овқатни яхши иштача билан ейдилар. Болалар таомномасини тиббиёт ходими бир хафталик қилиб тушиб беради. Бош санитария врачанинг қарорига асосланиб соғломлаштириш муассасаларида сабзавот ва мевалардан ташқари, зарур витаминлар қаторида С витамини ҳам ёрдамчи микрорда берилади ва у I ва III тайёр овқат (суюқ таомларга)га ёшга караб қўшилади. 7—10 ёшлилар учун — 20 мг ва 11—14 ёшлилар учун — 25 мг берилади (Бош санитария врачининг тавсияномаси бўйича, 1988 й).

Бу ҳамма кўрсатилган соғломлаштириш омиллари соғломлаштириш ташкилотларида тўғри ташкил қилинса, болаларда моддалар алмашинуви яхшиланади, организмда ривожланиш жараёни тезлашади, унинг ташки мухитга қаршилик кўрсатиш қобилияти кучаяди, бола саломатлиги мустаҳкамланади ва касаллик анча камаяди.

Болалар ёзги соғломлаштириш ташкилотларига бир қатор мажмуий гигиеник талаблар кўйилади. СЭСдаги болалар ва ўсмирлар санитария шифокорлари соғломлаштириш ташкилотларини ташкил қилишда қатнашадилар ва у ерда огохлантирувчи ва жорий санитария назоратини олиб борадилар.

Хар бир соғломлаштириш муассасасидаги ишлар режаси — топширикни бажариш ва тегишли санитария ҳолатини таъминлаш учун қаратилган. Улар: а) санитария меъёри — нормага; б) объектнинг санитария паспортига; в) огохлантириш ва жорий санитария назорати далолатномасига; г) педиатр хисоботига асосланиб тузилади. Режа — топширик СЭС билан тасдиқланади.

Огохлантириш санитария назоратига аввало болалар соғломлаштириш муассасасининг ҳар мавсумда очилишидан олдин кабул қилиш билан боғлик ишлар киради. Масалан, бунинг учун комиссия болалар соғломлаштириш лагерини кабул қилиш ҳакида далолатнома тўлдирали. Лагер комиссиясининг таркибига муассаса раҳбари, СЭС врачи, педиатр, давлат ва хўжалик касаба уюшмаси, техназорат ва ёнғинга қарши назорат ходимлари киради. Соғломлаштириш муассасасининг комиссияси болалар саломатлиги тўғрисида хулоса бериши керак.

ЕЗГИ БОҒЛАР, САНАТОРИЙ ТУРИДАГИ ЛАГЕРЛАР, ЎҚУВЧИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, МЕҲНАТ ВА ДАМ ОЛИШ ЛАГЕРЛАРИ

Бундай лагерлар шаҳар чеккасидаги аҳоли яшовчи маҳсус жойларда, курортлар зонасида, ўрмонларда, сув ҳавзалари (дарё, кўл, дениз, ҳовузлар) яқинига, сув ва электр манбай бор ерларга жойлашганди. Хар бир ажратилган ер майдони умумий санитария-гигиена талабларига жавоб бериши керак.

Езги боғлар ҳар хил жойларда бўлиши мумкин. Ҳар бир алоҳида ойнали айвони билан қурилган бир қаватли павильонга одатда битта-иккита гуруҳ жойлаштирилади. Бунда гурухларнинг, бир-биридан ажратилган ҳолда яшаш шароитига аҳамият бериш керак. Павильонлар сони бокқа келадиган болалар сонига боғлик. Одатда, ҳар бир ёзги боғ майдонига 2—4 павильон жойлаштирилади. Ҳар бир гуруҳ болалари учун санитария нормаси бўйича зарур бўлган алоҳида маҳсус хоналар бўлади: ухлаш хонаси, айвон, ювиши хонаси, тувак турадиган жой, хожатхона, ечиниш хонаси, болалар кийим-кечагини қўядиган хона.

Езги боғлар территориясида барча гуруҳ учун лозим бўлган умумий хоналардан ташқари, ошхона, Куёш ваннаси ва душ, маъмурий хўжалик хонаси, хаммол, кир ювиш хонаси, ётоқхона ва хизматчилар учун хоналар бўлади.

Болалар лагерлари икки турга бўлинади: битта дружинали (алоҳида болалар лагери) ва икки ҳамда ундан ортиқ дружинали болалар лагерлари. Биринчи

турдаги болалар лагерлариға 400, иккінчи турдаги лагерларга 1600 бола қабул қилинади. 1600 дан ортик болаларни жойлаштириш мүмкін бўлган болалар лагерларини қуришга факат республика санитария-эпидемиология ташкилотлари розилигига асосан рухсат берилади.

Болалар лагерларида болалар ёшига караб отрядларга бўлинади. Болалар отряди 40 боладан тузилган, бўлиб, ҳар бир 10 кишидан иборат звенодан ташкил топган.

Биринчи турдаги болалар лагерида бир киши (ховли жой) учун 250 m^2 ажратилади. 280 дан 400 гача кишини жойлаш мүмкін бўлган биринчи турдаги ва иккінчи турдаги болалар лагерида бир киши учун ажратилган жойни 200 m^2 гача қисқартириш, биринчи турдаги 160 кишига мўлжалланган болалар лагерида бир киши учун бўлган жой ҳажмини 275 m^2 гача ошириш мүмкін. Агар болалар лагерига яшил зона туташган бўлса, у вактда бир кишига мўлжалланган жойнинг юзасини 100 m^2 гача қисқартириш мүмкін бўлади.

Лагер учун ажратилган барча майдоннинг қурилиш учун ажратилган қисми кўпи билан 15 фоизни ташкил килади. Кўкаламзорлаштирилган қисми майдоннинг камида 50 фоизини эгаллайди. Болалар лагери учун ажратилган майдон қўйидагича чегараланади: аҳоли яшайдиган жой ва машиналар юрадиган катта йўлдан 500 м, темир йўлдан 1000 м, кўшни лагердан 50 м, катталар учун ажратилган дам олиш муассасасидан 100 м узокда бўлади. Лагерлар одатда павильон системаси бўйича қурилади (асосий гурухлар алоҳида бинога жойлаштирилади).

Корпушлар ўртасидаги масофа камида 25 м, ётоқхона билан ошхона ўртасидаги масофа 30 м бўлиши керак. Ҳожатхона ётоқхонадан камида 25 м, кўпи билан 50 м, ошхонадан камида 50 м дан нарида жойлашади.

Лагер майдонининг чегараси кўчатлар билан ажратиб олинади ва тўрт зонага бўлинади (болалар, тиббиёт зонаси, хўжалик ва маъмурӣ зоналар) ва лагерга иккى томондан қириш йўли бўлади: асосий йўл (кашшофлар учун) ва хўжалик йўли.

1. Болалар зонаси бинолар ва битта кашшофлар дружинаси учун иншоотлар қуришга мўлжалланади ва қўйидагиларни:

а) болалар учун ювениш хонаси ва ҳожатхона, отряд линейкаси ўтказиладиган майдонча ва ҳар бир отрядда бўладиган бошқа майдончалар;

б) кичик ёшдаги болалар учун ювениш хонаси ва ҳожатхона, гурухлар учун майдончалар ва у ерда

соябонлар, спорт майдончаси, дам олиш учун майдончалар, аттракционлар ва жонли бурчак;

в) дружиналар(умумлагер) линейкаси ўтказиладиган майдонча;

г) оммавий-маданий ишларга мўлжалланган бинолар ва иншоотлар;

д) физкультура ва спорт иншоотлари;

е) хизмат кўрсатиш хоналари ва иншоотлари бўлган ювиниш хонаси, хожатхона, кашшофларнинг саф тортиб туришлари учун мўлжалланган майдонча, ошхона;

ж) ёш натуралистлар бурчаги;

з) болалар гулхани учун майдончани ўз ичига олади.

2. Тиббиёт зонасида тоби қочиб қолган болалар учун салқин соябон ва майдонлари билан изолятор ҳамда тиббиёт пунктлари жойлашган.

3. Хизмат зонаси маъмурӣ бинолар (лагер бошлигининг хонаси, идора ва бошқалар), ходимлар учун турар жойлардан иборат.

4. Хўжалик зонасига хўжалик ишларига алоқадор: марказий ошхона, марказий иситиш қозони, душ, кирхона, омборхоналар, гараж, устахоналар, ўт ўчириш техника буюмлари, усти ёпик ахлат яшиклари ва бошқалар киради.

Лагердаги бинолар ва иншоотлар иситиладиган (ёзги лагер иншоотлари, павильонлар ва бинолар) ва иситилмайдиган бўлиши мумкин. Лагернинг қандай турда бўлиши болалар ёшига ва ўша районнинг иклим шароитига қараб танланади.

Болалар турадиган бино икки қаватдан баланд бўлмаслиги керак. Ётоқхоналар кўпи билан 10 кишини (битта звенони) сиғдира оладиган бўлиши лозим.

Бир томонлама ёритиладиган ётоқхона кенглиги кўпи билан 6 м бўлади, агар у икки томонлама ёритиладиган бўлса, 14 м дан ошмаслиги, баландлиги эса 2,5 м дан кам бўлмаслиги керак (қабулхона, маъмурӣ хона ва врач кабинети ҳам шундай баландликда қурилиши даркор). Бир киши учун мўлжалланган ётоқхона нормага кўра 3—3,5 м² бўлади. Хоналар каравотлар, тумбочкалар, махсус шкафлар билан жиҳозланади. Каравотлар орасидаги масофа 0,4—0,5 м, каравот қаторларининг оралиғи эса 1 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Ётоқ корпуслари дахлизида уст ва оёқ кийимларни қуриладиган хона бўлади. Кийим илиб қўйиладиган хонада ҳар бир бола учун алоҳида шкафлар бор.

Махсус кириш дарвозаси олдида ота-оналар, меҳ-

монлар учун пешайвон бўлади, бу ерда 10 m^2 хисобидан жой ажратиш назарда тутилади.

Ювениш хоналари умивальниклар билан таъминланган, бунда битта жўмрак 8 болага ва оёқларни ювиш учун бир ванна 12 болага мўлжалланган. Ювениш хонасида ҳар бола учун $0,15\text{ m}^2$ дан жой тўғри келади.

Агар лагердаги бино ва иншоотлар иситилмайдиган бўлса, бундай вактда ювениш жойлари очиқ ҳавода соябон остида бўлади. Ювиндик сувларининг трубалар орқали канализация ва тиндириладиган ҳовузларга кетиши албатта таъминланган бўлиши керак. Овқат тайёрлаш блоки алоҳида павильонда жойлашган.

Овқатланиш блокига қўйидаги бинолар киради: овқатланиш зали, овқат пишириш зали, маҳсулотларни (гўшт, балик ва сабзавотлар) тайёрлаш зали, ошхона, идиштовоқларни ювиш хонаси, совук цех, нон кесиш, тарқатиш хонаси, сабзавотларни тайёрлаш, қуритилган меваларни сақлайдиган хоналар, совутиб берувчи камералар (иккитадан кам бўлмаслиги керак), кийим ечиладиган хона, асбоб-ускуналар турадиган хона, хизматчилар хонаси, санитария узели ва бошқалар. Бу хоналарнинг катта-кичилги болалар лагерларининг турига ва қанча болага мўлжалланганлигига боғлик.

Езги ошхонада (овқатланиш залида) болаларнинг бир сменада овқатланишига норма бўйича бир ўриндик учун жой $0,2\text{ m}^2$ хисобидан белгиланади.

Овқатланиш блоки биноси ичига ёки унга яқин турган территорияга умивальниклар ўрнатилади. Бунда битта отряд учун ажратилган жойнинг ҳажми $2—2,5\text{ m}^2$ га тенг бўлади.

Тибиёт-санитария хизматига тегишли биноларга тиббиёт пункти ҳамда изолятор киради. Медпункт изолятор ёки маъмурий биноларга туташган бўлиши мумкин. Бу биноларга ташқаридан алоҳида эшиклар орқали кирилади. Тибиёт пункти беморни кўрадиган кабинет (10 m^2), кутиш жойи ($9—17\text{ m}^2$), тиш врачи кабинети (12 m^2) дан иборат.

Изоляторда қўйидаги хоналар: бокс типидаги сатҳи $12—14\text{ m}^2$ бўлган палата, юқумли касалликлар билан оғриган беморлар палатаси (камидаги 2 та), хизматчилар учун хона ва овқат иситиш хонаси, муолажалар, учун хона, хожатхона, ваннахона, кундузи дам олиб ўтириш учун айвон типидаги хона бўлади. Изолятордаги ўринларнинг сони болалар лагеридаги умумий жойнинг $1,5—2$ фоизи хисобидан олинади. Палатада битта ўрин учун ажратилган жой камидаги 4 m^2 бўлиши керак.

Лагерларда болаларнинг ювениши ва чўмилиши учун душхоналар мавжуд. Душ ўрнатилган хона ичида шахсий гигиена кабинаси ҳам бўлади (битта кабина 70 кишига мўлжалланади).

Хўжалик биноларига қўйидагилар киради: кирхона, сабзавот омбори, музхона, ёқилғи сақланадиган усти ёпик жой, хўжалик анжомлари ва ҳар хил буюмлар сақланадиган жой — омборхона, гараж (ёки усти ёпик жой), ўт ўчириш анжомлари сақланадиган жой. Лагерлардаги сувнинг сифати ичимлик сувларига қўйилган санитария-гигиена талабларига жавоб бера олиши лозим.

Агар лагердаги сув таъминоти марказий водопроводга уланмаган бўлса, унда маҳаллий артезиан қудукларидан водопровод ўрнида фойдаланилади. Агар бундай имконият ҳам бўлмаса, унда қудуклардан механик йўл билан сув тортиб олинади.

Қудуклар гигиенанинг умумий талабларига жавоб бера оладиган қилиб қурилган бўлиши лозим. Болалар соғломлаштириш муассасаларини қуриш учун аввал танланган жойдаги сув кимёвий ва бактериологик лабораториялар текширувидан ўтказилади. Иситилмайдиган лагерлардаги ҳар бир болага мўлжалланган сув микдори бир суткага 100 литрни ва иситиладиган лагерларда 200—250 литрни ташкил этади.

Лагердаги канализация системаси ўша ернинг маҳаллий шароитига қараб, санитария-эпидемиология хизматчилари билан келишган ҳолда танланади.

Марказий канализацияси бўлмаган жойлардаги болалар лагерида алоҳида ёки бир неча бинолар учун маҳаллий канализация бўлади. Канализация бўлмаган тақдирда лагерь ҳовлисига атрофга сув ўтказмайдиган қилиб ҳожатхона қурилади.

Куннинг энг иссик вактларида ҳорорат 40° дан ошадиган район ва районга яқин жойларга қурилган болалар лагеридаги бинолар иситилмайди. Йил бўйи фойдаланиладиган бинолар ва хоналарни иситиш режаланади.

Душ, кир ювиш хонаси, изолятор, медпункт ва ошхоналар иссик сув билан таъминланган бўлади.

Барча биноларнинг асосий ўтиш жойлари, пиёдалар юрадиган йўлкалар ва очиқ майдонлар электр нури билан ёритилган бўлиши керак. Ошхона, клуб биноси ўқувчилар хонаси, дружина кенгаши хонаси ва бутун йил мобайнинда фойдаланиладиган меҳмонхонани люминесцент лампа билан ёритиш мумкин.

Санаторий типидаги болалар лагери йил бўйи ишлайди.

Бундай лагерларнинг қанча болани қабул кила олиши болалар отряди — синфларга боғлиқдир, буларнинг ҳар бирида болаларнинг сони 25 та дан кўп бўлмайди. Иккита отряд 50 ўринли битта ётоқхона секциясига жойлаштирилади. Иккита ётоқхона секцияси бир бўлимни ташкил қилади. 300 ўринга мўлжалланган лагерлар (12 отряд) оптималь лагерлар ҳисобланади.

Бир нечта санаторий типидаги лагерларни бирлаштириб, уни санаторий-курорт комплексига айлантириш мумкин.

Санаторий типидаги ўқувчилик лагерида қабулхона, кийим ечадиган хона дахлизи билан, маъмурий хона, даволаш-диагностика, ўқув ва физкультура, спорт хонаси, маданий дам олинадиган хона, ётоқхона, изолятор, ошхона ва хўжалик бинолари мавжуд.

Лагерда ҳар бир болага одатдаги ўқув-тарбия муассасаларида гига қараганда кўпроқ жой ажратилади. Синф хонаси бир ўринга $1,5 \text{ m}^2$ ҳисобидан, ётоқхона бир кишига $4,5 \text{ m}^2$ ҳисобидан курилади, бундай хоналар 4—6 кишига мўлжалланади.

Лагердаги ўқув биноларини лойиҳалаш, ободонлаштириш ва жиҳозлашда умумтаълим мактабларига қўйилган амалдаги санитария коидаларига риоя қилиш талаб этилади. Барча санаторий типидаги ўқувчилик лагерлари даволаш-диагностика ва электрокардиография кабинетлари, мутахассислар, консультантлар, стоматолог кабинетлари, муолажалар кабинети, физиотерапия кабинети, ингаляция хонаси, жисмоний даволаш зали, фотарий, сув билан даволаш (ванналар, душ зали ва бошқалар) бўлинмаси, даволаш бассейнларидан иборат.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЛАГЕРЛАРИДАГИ БОЛАЛАР КУН ТАРТИБИ ВА УНИНГ ОМИЛЛАРИ

Ёзги соғломлаштириш муассасаларида болалар ва ўсмирларнинг кўп вактлари очик ҳавода ўтади. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг кун тартибида ёзги вактларда узок муддат мобайнида очик ҳавода бўлиш, соғломлаштириш тадбирларини олиб бориш ўрин олган (куёш ваннаси, сув муолажалари, серҳаракат ўйинлар, ўрмон ва далаларга саирга чикиш) (26- жадвал). Болалар дам олиш лагерларида болалар ва ўсмирларнинг ёшини инобатга олиб, мунтазам тартибда овқатланиш, оммавий меҳнат фаолияти ва табиий омиллардан фойдаланишни тўғри ташкил қилиш назарда тутилади. Шу билан бирга болалар ва ўсмирлар учун кун тартибини тузишда

26-жадвал

Соғломлаштириш лагеридаги болалар күн тартиби

Күн тартиби	Вақти
Үйқудан туриш	7.00—7.10
Үрін-күрпани йигиштириш, бадантарбия, сув мұолажалары қабул қилиш	7.15—7.25
Эрталабки йигилниш, байроқни күтариш	7.30—7.50
Нонушта	8.00—8.20
Гурухлар тұғаралкандар иши	9.00—11.00
Гигиеник соғломлаштириш воситалари:	
Құёш ваннаси, чүмилиш, артиниши	11.00—12.30
Бұш вақт	12.30—13.00
Түшлик	13.00—14.00
Овқатдан кейинги дам олиш (ухлаш)	14.00—16.00
Богда, томорқада ва далада фойдалы мәҳнат билан шүгүлланиш, спорт секцияларидаги түрли машгулолтар	16.30—18.00
Бұш вақт	18.00—19.00
Кечки овқат	19.00—19.30
Оммавий ишлар, бадий тұғаралкандардаги машгулолтар, қаваскорлар кечаси, кино, телевизор томоша қилиш, гулхан әқиши	19.30—21.30
Линейка, байроқни тушириш	21.30—21.45
Түнгі уйқуга тайёрланиш	21.45—22.00
Уйқуга ётиш	22.00

27-жадвал

Дам олиш ва мәҳнат лагеридаги ўсмирлар күн тартиби

Күн тартиби	Вақти
Үйқудан туриш, үрін-күрпани йигиштириш, эрталабки туалет	7.00—7.15
Эрталабки бадантарбия	7.20—7.40
Линейка, байроқни күтариш	7.40—7.50
Нонушта	8.00—8.35
Жамоат ва фойдалы мәҳнат ишлари	8.45—11.00
Соғломлаштирувчи мұолажалар (құёш ва ҳава ванналари, чүмилиш)	11.00—13.00 13.00—14.00
Түшлик	14.00—15.30
Дам олиш	15.30—16.00
Түшликдан кейинги овқат	16.00—19.15
Физкультура ва спорт ҳамда тұғаралкандар ишлари	19.15—20.00
Кечки овқат	20.00—22.00
Оммавий-маданий дам олиш ишлари	22.00—22.15
Линейка, байроқни тушириш	22.15—22.30
Кечки туалет	22.30
Түнгі уйқу	

уларнинг саломатлиги ҳам назарда тутилади (27- жадвал). Болалар ва ўсмирларнинг меҳнат фаолияти тузиб чиқилган педагогика режаси асосида олиб борилади. Бунда болалар ва ўсмирларнинг фойдали меҳнат фаолиятларига алоҳида аҳамият берилади, булар учун кундалик режимдан 2—3 соат вакт ажратилади (соат 9 дан 11 гача).

Меҳнатнинг муддати ва турини ҳар бир бола учун врач кўрсатиб беради. Болаларнинг меҳнати устидан лагердаги врач ва мураббиялар тиббий назорат олиб борадилар. Болалар ва ўсмирлар ёзги соғломлаштириш муассасаларида кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва ўз-ўзига хизмат қилиш ишлари билан машғул бўладилар. Ўз-ўзига хизмат қилиш, яъни ўрин-кўрпаларни ўфишишириб кўйиш ва навбатчилик қилган куни ётоқхонани яхшилаб тозалашдан иборат. Ҳафтада бир марта барча болалар бутун лагерни, унинг атрофини тозалашда катнашадилар. 8—10 ёшли болалар мебеллар чангини артадилар ва бошқа майда ишларни бажарадилар.

12—13 ёшли ва булардан ҳам каттароқ болалар полларни нам латта билан артиш, жихозларни ремонт қилиш, лагер территориясини ободонлаштиришга жалб этилишлари мумкин.

Кун тартибида яна жисмоний машғулотлар, серҳаракат ўйинлар, тўгаракларга қатнашиш, қуёш ваннасини қабул қилиш ва чўмилиш назарда тутилади.

Болалар ва ўсмирларга кунига 2 соат бўш вакт берилади, бунда улар ўзлари қизиқадиган ишлар билан шуғулланадилар (ўқиш, мактуб ёзиш, кундаликларни тўлдириш, йиртилган устки ва оёқ кийимларини тикиб олиш, тўкиш, расм солиш ва бошқалар).

Кун бўйи болалар ва ўсмирлар мураббия, вожатийлар ва тиббий ходимлар назоратида бўладилар. Лагерда болаларнинг ижодий савиясини бойитиш мақсадида турли хил: кема моделчилари, радиотехниклар, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва бошқа тўгараклар ташкил этилади. Кичик ўшдаги болалар учун эса «Моҳир қўллар» тўгараги мавжуд.

Лагерда дам олаётган болаларга оғирлик қилмаслиги учун ҳар қайси болага бир вақтда факат иккита тўгаракка қатнашишга рухсат берилади: биттаси техника тўгараги бўлса, иккинчиси спорт секцияси ёки техника тўгараги билан адабий тўгарак. Ҳар бир тўгарак машғулотлари ҳафтада 2 марта ўтказилади ва спорт секциясида ҳафтада 3 марта машғулот олиб борилади. Дам олиш ва меҳнат лагерларида бир ёки икки марта туристик саёҳатлар ўютирилади, лагерда гулхан ёқилади. Гулханни жуда ҳам баланд қилиб ёндиришга рухсат этилмайди.

Гулхан атрофида шикастланиш ва куйиш ҳолларига ўйл қўймаслик учун болаларнинг хатти-харакатини кузатиб туриш лозим. Гулхан шамол бўлмаган пайтда ёкилади.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЛАГЕРЛАРИДАГИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ВАЗИФАЛАРИНИНГ АСОСИЙ НЕГИЗЛАРИ

Тиббиёт ходимларининг вазифаларига кўйидагилар киради:

1. Лагерда ташкилий ва тайёрлов ишларини олиб бориш.
2. Лагерь ҳовлиси, хоналари, чўмилиш жойларини назорат қилиш.

3. Лагерни қабул қилишда катнашиш (СЭС, касаба союз ходимлари ва лагерь бошлиғи билан биргаликда).

4. Тиббиёт хонаси, изоляторни жихозлаш, доридармонларни ва боғлов материалларини, тиббий ҳужжатларни тайёрлаш.

5. Лагерь ходимларининг тиббий ҳужжатларини текшириш.

6. Лагерга олиб боришдан олдин ҳамма болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш. «Ўқувчининг тиббий гувоҳномаси» тўлдирилганлигини текшириш.

7. Болаларни лагерга олиб бориш ва олиб келишда катнашиш.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ

1. Болаларнинг соғлиқ ҳолатини мунтазам кузатиб бориш.

2. Болаларни тиббий гурухларга бўлиш, жисмоний тарбия билан шуғулланишини текшириб бориш.

3. Лагерь бошлиғига, вожатий, инструкторларга болалар соғлиғи тўғрисида ахборот бериш ва кун тартибини кўриб чиқиш.

4. Ҳар куни болаларни қабул қилиш, қўз вактида касалларни аниқлаш, изоляция қилиш, ёрдам кўрсатиб, керак бўлганда касалхонага жойлаштириш.

5. Юқумли касалликлар аниқланганда ўз вактида соғлиқни сақлаш бўлимлари ва СЭСга ахборот бериш.

6. Болалар овқатланишини ташкиллаштиришни текшириш: келтирилаётган озиқ-овқатлар сифатини текшириш, уларни саклаш шароити, ўз вактида тайёрлашни, овқат тайёрлаш технологиясининг тўғрилигини, тайёр овқат сифатини, ошхона санитария ҳолатини, йирингли касалликлар борлигини текшириш.

7. Барча хоналар ва ҳовлиниң санитар ҳолатини доимо кузатиб бориш, сув манбаини, болалар ва ходимларнинг шахсий гигиенага риоя қилишини текшириш.

8. Санитар-эпидемия ишларни ташкиллаштириш ва олиб бориш.

9. Болалар ва ходимлар билан сұхбатлар ўтказиш. Ўйинлар, саломатлик кунлари, савол-жавоб кечаларини ташкил этиш.

10. Жисмоний тарбияни ташкиллаштириш ва олиб бориш (жинси, ёши, соғлиқ ҳолатини ҳисобга олган ҳолда) устидан тиббиёт назоратини ўтказиш.

11. Соғломлаштириш ва чиниқтириш ҳаво ва қуёш ванналари, чүмилиш ва ҳ.к.) муолажаларини мунтазам кузатиш.

12. Туристик саёҳат ва сайрларни ташкиллаштириш ва ўтказиш.

13. Тиббиёт ҳужжатларини түғри олиб бориш, болалар соғлигидаги ўзгаришлар ҳақида ҳисабот бериш.

Болалар соғлиги ўзгариши ҳақидағи натижалар тиббий маълумотномага киритилиб, мактаб ёки поликлиника шифокорига етказилади. Агар касаллик топилган бўлса, албатта бу ҳақда маълумотномада ёзилиши зарур.

Лагердаги тиббий ҳужжатлар рўйхати:

1. Лагерга борадиган ўқувчи учун тиббий маълумотнома.

2. Амбулатория шароитида даволанаётган bemорларни рўйхатга олиш ҳужжати (074/у).

3. Юқумли касалликларни ҳисоблаш журнали (060/у).

4. Изолятор ва изоляцион хона журнали (125/у).

5. Муассаса санитар ҳолатининг ахбороти ёзиладиган китоб (308/у).

6. Соғлом яшаш тарзини татбиқ этиш ҳақидағи ахборот журнали.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЛАГЕРИДА БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ САМАРАСИНИ БАҲОЛАШ

Бу ҳар бир смена боши ва охирида ўтказилган тиббий кўрик натижаларини таққослаш йўли билан ўтказилади.

Бунда қуйидаги кўрсаткичлар: а) боланиң жисмоний ривожланиши; б) организмнинг функционал ҳолати; в) жисмоний тайёргарлик даражаси ва касалланиш ҳоллари кўриб чиқилади.

Бу кўрсаткичлар ёрдамида ҳар бир боланиң соғлиги қанчалик тикланганлиги баҳоланади.

Жисмоний ривожланишни баҳолашда тана оғирлигигининг бўй баландлигига мослиги эътиборга олинади (Кетле индекси).

$$\text{Кетле индекси} = \frac{\text{тана оғирлиги(кг)}}{\text{бўй баландлиги(м}^2\text{)}}$$

Кетле индексининг гармоник жисмоний ривожланишдаги меъёрлари ($\text{кг}/\text{м}^2$)

6—8 ёшдаги икки жинс болалар учун — 16

9—10 ёшдаги икки жинс болалар учун — 17

11 ёшдаги икки жинс болалар учун — 18

12 ёшдаги икки жинс болалар учун — 19

13—14 ёшдаги икки жинс болалар учун — 20

Мисол: 9 ёшли ўғил бола (8 ёш 6 ойдан — 9 ёш 5 ой 29 кунгача) бўйи 135 см, оғирлиги 31 кг.

$$\text{Бўйи} = 135 \text{ см} = 1,35 \text{ м}^2 = 1,8 \text{ м}^2.$$

$$\text{Кетле индекси} = \frac{31 \text{ кг}}{1,8 \text{ м}^2} = 17.$$

Шундай қилиб, бола ҳар томонлама ривожланганда тана оғирлиги бўйига мос келади.

Индексининг 2 марта ортиши семириб кетишни, 2 марта камайиши эса озиб кетишни кўрсатади.

Соғломлаштириш самарасининг асосий кўрсаткичларидан бири организм функционал имкониятининг ортишидир.

Шу мақсадда юрак-қон томир ва нафас олиш системаларининг функционал ҳолатини баҳоловчи синовлар ўтказилади ва боланинг жисмоний ишчанлиги аникланади. Ортостатик синов ёрдамида юрак-қон томир системасининг функционал ҳолати баҳоланади. Синовни ўтказиш тартиби куйидагича: З дақика осмонга қараб ётгандан сўнг, юрак уриши ва қон босими аникланади. Шундан сўнг, синалаётган одам тез ўрнидан туради ва юқоридаги кўрсаткичлар яна аникланади. Бунда юрак уришининг ҳар дақиқада 4 бирликдан ошмаслиги ва кўпи билан қон босимининг 10 мм симоб устунида ортиши меъёрдаги реакция ҳисбланади ва бу индекс 100 га тенг деб олинади.

Энг яхши кўрсаткич — 100—85 ҳисбланади.

Нафас олиш системасининг функционал ҳолати Генча синови ёрдамида баҳоланади (нафас чиқаришда ҳавони тўхтатиб туриш).

Организмнинг чиниқиши — ҳужайраларда бўлиб ўтаган биокимёвий жараёнларни тезлаштиради ва гипоксияга кўпроқ чидашга олиб келади.

Жисмоний ишчанлик мушаклар кучи ва мушакларнинг чидамлилигини аниқлаш билан баҳоланади.

Мушак кучи динамометр ёрдамида аниқланади. Мушак кучининг 10 фоизга ортиши лагерда жисмоний тарбиянинг тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради. 10 фоизга камайиши салбий силжиш ҳисобланади.

Жисмоний тайёргарлик тўғри йўлга қўйилган бўлса, боланинг функционал имкониятлари ортади.

Лагердаги болаларнинг соғломлаштириш самараси З даражада орқали баҳоланади:

1) кўринарли соғломлаштириш самараси (синовлар натижасида 50 фоиз кўпроқ ижобий силжишлар) кузатилади;

2) катта бўлмаган соғломлаштириш самараси (баъзи синовларда ижобий силжиш) кузатилади;

3) соғломлаштириш самараси умуман кузатилмайди.

Соғломлаштириш самараси кузатилмаганда шифокор лагер маъмуряти билан биргаликда камчиликларни аниқлаб, кун тартибини қайта кўриб чиқиши керак.

VIII БОБ

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР МУАССАСАЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, ҚУРИШ ВА ЖИҲОЗЛАШ ГИГИЕНАСИ

Болалар ва ўсмирлар муассасаларини лойиҳалаштиришнинг гигиеник талаблари бошқа омиллар қатори уларнинг соғлиғига ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун болалар муассасасининг курилишини лойиҳалаштириш гигиеник талабларга жавоб берishi лозим. Муассаса лойиҳасини тузишда: хоналарнинг кулайлиги ва шинамлигини, бола организмининг юкори функционал имкониятларини, иқлим шароитини, биноларни замонавий техник қўлланмалар билан таъминлашни ҳисобга олиш лозим.

Болалар ва ўсмирлар бинолари — меъёр ва коидалар асосида тасдиқланган лойиҳалар ёрдамида курилади ҳамда санитария назорати остида бўлади.

Болалар муассасаларини санитария меъёри ва коидаларига асосланиб лойиҳалашга киришилади. Улар болалар организмининг функционал даражасига, курилиш негизларининг ўзгаришига караб, курилиш ва санитария-техник материаллари, ўқиш-ўқитиш услубларининг ва воситаларининг ўзгариши бўйича курилади. Болалар муассасаларини лойиҳалаштириш давлатимиз томонидан назорат қилинади.

1966—1986 йиллардан бошлаб республикамизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитишни янада яхши ўлга кўйиш ишлари амалга оширилди. Мактаб таълимини ҳаёт билан боғлиқ ҳолда олиб бориш ва халқ таълимини ривожлантириш қонунларига асосан янги типдаги умумий ва маҳсус маълумот берадиган мактаблар ташкил этилди. Янги лойиҳа асосида курилган бу таълим мактабларида ўкув устахоналари, лабораториялар, рўзгоршунослик кабинети мавжуд. Булар янги техникавий ўкув куроллари билан таъминланган.

Хозирги вақтда ўкув муассасаларини кўп ўринли қилиб қуриш кўзда тутилмоқда. Гигиенистлар бир хил типдаги болалар муассасаларига ўқитиш ва тарбиялаш воситаларини ҳамда ёшини, соғлигини кўзда тутган ҳолда болаларни қанча миқдорда қабул қилиш кераклигини аниқлаши лозим.

Мактабгача бўлган кўп ўринли болалар муассасаларининг жисмоний, эстетик ва меҳнат тарбияси учун маҳсус қурилиш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Умумтаълим мактабларини қуриш лойиҳалари 18—22—33 та синфдан иборат мактаблар қуришни кўзда тутган ҳолда тузилади.

Болалар муассасаларининг жойлашиши. Замонавий шаҳар ва қишлоқларда болалар муассасалари аҳоли яшайдиган жойларга қурилади. Булар мактабгача бўлган муассасалар ва умумий таълим мактаблари, мактаб интернатлари, ўкув ишлаб чиқариш марказлари (ЎИЧМ), ЎҚТҮЮ (СПТУ) ва мактабдан ташқари ишларни олиб борадиган муассасалар: ёш техниклар уйи, спорт мактаблари, болалар музика ҳамда рассомчилик мактаблари ва бошқалар. Хозирги йирик шаҳарларнинг микрорайонларида аҳолининг сони 20—25 мингга, кичик шаҳар ва посёлкаларда 6—10 мингга етди. Бу микрорайонларда шартли равишда мактабгача ва мактаб муассасалари қурилади. Мана шу муассасаларни аҳоли жойлашишига караб қанча ўринли қилиб қуриш белгиланади. Янги қурилган шаҳарлар биринчи ўринда яслилар билан таъминланиши зарур.

Болалар муассасалари аҳоли яшайдиган жойга яқин, завод ва фабрикалардан, темир йўлдан, бозорлардан, ёнғиндан сақловчи корхоналардан узокроқ жойга қурилиши лозим.

Шаҳарларда эндиликда ясли ва мактаблар кўп қаватли уйларнинг орасида қурилмоқда. Бу эса янги қурилаётган туман ва микрорайонларни барпо этиш лойиҳаларида эътиборга олинмоқда.

Хозирги кунда экспериментал лойиҳа асосида болалар

муассасаларини куриш кўзда тутилади. Бу муассасалар умумий таълим бериш хоналарига, бассейнларга ёга. Болалар ўйнайдиган майдонча қуёш нурининг ортиқча иссиқлик таъсиридан узокрок ерда жойлашган бўлиши зарур.

Болалар муассасаларини ташки шовқин 45 дб дан ошмайдиган жойга куриш лозим. Болалар муассасалари билан ишлаб чиқариш корхоналарининг оралиғидаги масофа 50—1000 м ни ташкил этиши зарур.

Ер участкасига бўлган гигиеник талаблар. Мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари қуйидагиларни: болалар боғча ва яслилари, соғломлаштиришга ихтинослаштирилган санаторий ҳамда болалар уйларини ўз ичига олади.

Болалар боғчаси ва яслилар энг оммавий болалар муассасасига киради. Уларнинг лойиҳаси мактаб ёшигача бўлган болалар муассасининг норма ва қоидалари асосида тузилади.

Мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларини лойиҳалаштириш асосига қуйидаги гигиеник талаблар киради.

1. Ер участкаси ва биноларни бошқа гурухлардан ажратиб қўйишнинг асосий қонун-қоидалари. Мактаб ёшигача бўлган болалар организми юқумли касалликларга берилувчан бўлганлиги ва организмнинг касалликка қарши курашувчанлигининг пастлиги сабабли қуйидаги талаблар зарурдир. Бунда ҳар бир гурух болалари алоҳида эшикдан киради. Бирор бир юқумли касаллик таркалиб қолса, ўша гурух болалари бошқа гурух болаларидан ажратиб қўйилади. Ҳар бир гурух болалари ўйнайдиган майдончалар алоҳида бўлиши лозим.

2. Болалар ҳаракатининг фаоллигини оширадиган шароитлар яратиб бериш. Болалар мана шу ёшда сарҳаракат бўладилар. Болалар учун мўлжалланган хоналар ва ажратилган майдон етарли бўлиши зарур.

3. Табиий ёруғлик билан етарлича таъминлаш. Соғликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари табиий ёруғлик билан етарлича таъминланиши керак. Қуёш нури, айникса ультрабинафша нурлари бола организми ўсиши ва ривожланишида жуда катта биологик аҳамиятга эга.

4. Ижобий таъсир кўрсатадиган иссиқлик — ҳаво режасини ташкил этиш. Болаларнинг организмидаги моддалар алмашинуви бирмунча юкори бўлиб, организмда етарлича ҳаво ҳажми ва газ алмашинади. Мактаб ёшигача бўлган болаларнинг ўйин майдончаларида қулай иссиқ

шароит яратиб бериш, бола организмининг иссиқлик алмашинуvida жуда катта аҳамиятга эга.

5. Овқатланишни тўғри ташкил этиш учун шароитлар яратиб бериш. Мактаб ёшигача бўлган мактаб муассасаларида овқатланиш хоналари гигиеник талабларга жавоб бериши лозим.

Болалар муассасаларида болалар кўпроқ очик ҳавода бўладилар. Бу эса бола организмида моддалар алмашинувини яхшилайди, соғлиқни мустаҳкамлашга ва чиникитиришга ёрдам беради. Болалар муассасаларида ҳар бир болага 5 кв.м, боғча ёшидаги болалар учун 7,2 кв.м жой ажратилади.

Мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларида гурух майдончалари, умумий физкультура майдончаси, экин экиладиган ер ва ўтадиган йўл бўлади. Болалар майдончаси участканинг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Майдончалар сони болалар муассасасидаги болалар гурухи сонига тўғри келиши керак. Болалар майдончасининг ўлчамлари болалар ёшига ва харакатининг фаоллигига қараб белгиланади.

Кичик ва ўрта ясли гурухлари учун 100 m^2 , катта ясли гурухларида 150 m^2 , мактаб ёшигача бўлган болалар учун 180 m^2 жой ажратилади.

Гурух майдончаларига айвонлар қуриш мўлжалланади, уларнинг ўлчамлари 40 m^2 бўлиши керак. Ҳар бир болалар майдончаси бир-биридан ажратиб кўйилади. Участкада ҳар бир гурух ячейкаларидан умумий физкультура майдонига чиқадиган йўл бўлиши керак. Гурухлардан бир-бирига ўтадиган йўл бўлмаслиги лозим. Ясли ёшидаги болалар гурухи майдончалари бинонинг кириш жойига яқин бўлиши зарур.

Ҳар бир гурух майдонларидаги айвонлар болаларни куёш нури таъсиридан саклайди. Айвонлар мебеллар билан жихозланган. Айвонлар гурух майдончасидан ташкарида қурилади ва атрофи яшил ўсимликлар билан тўсилган бўлади. Яшил ўсимликлар шамолдан, ёзнинг иссиқ пайтларида қуёш нуридан саклайди.

Катта, ясли ва кичик мактаб ёшигача болалар гурухи майдончалари болаларни ҳар хил машқларга қизиктирувчи янги ускуналар билан жихозланади. Мактаб ёшигача бўлган болалар учун эрталабки гимнастика машқлари, спорт ўйинлари ва байрамларни ўtkазиш учун жисмоний майдончалар мўлжалланган.

Спорт майдончасининг ҳажми болалар муассасасидаги болалар сонига боғлиқ.

Мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари 280 дан

ортиқ болага мұлжалланған бўлса, у холда спорт майдончаларини комплекс лойиҳалаштириш мумкин.

Бизнинг иқлим шароитида болалар сони 200 дан ортиқ бўлган мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларида ҳовуз қуриш мумкин. Бу ҳовузлар болаларни чиникириб қолмай, балки уларни сузишга ҳам ўргатади. Ҳовузларнинг чукурлиги 0,4 дан 0,8 м гача, ўлчами 3×7 м бўлиб, улар тўғри бурчакли шаклда лойиҳалаштирилади. Ҳовузлар бетондан ёки гиштдан қурилиб, уларнинг туби ва ёнига керамик плиталар кўйилади. Ҳовузлардаги сув 27—28°C бўлиши керак.

Хўжалик майдончаси — машиналардан юқ туширишга, чойшабларни куритиш; ахлатларни машиналарга ортишга мұлжалланған бўлиб, спорт майдонидан ажратилган бўлиши керак.

Бу майдон яшил тўсиқлар билан ўралган бўлиши лозим, яшил тўсиқларнинг бўйи 2,5 м бўлиб, йўлакларни асфальт килишга ҳалақит бермаслиги зарур. Хўжалик майдонининг юзаси 70 m^2 бўлади.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР МУАССАСАЛАРИГА БЎЛГАН ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

Мактаб ёшидаги болалар муассасасининг (умумтаълим мактаблари, мактаб интернатлари, хунар-техник таълим бериш масканлари, мактабдан ташқари ва соғломлаштириш муассасалари) ер жойи етарли даражада бўлиб, ўқув ва тарбиявий ишларни тўлиқ ташкил этишда катта аҳамиятга эга.

Ер майдонларини гигиеник томондан тўғри тақсимлаш рационал кичик иқлим ташкил этишга, болалар ва ўсмирлар соғлигини мустаҳкамлашга имконият туғдиради.

Мактаб ёшидаги болалар муассасаларининг ер майдони бинонинг сифимиға боғлик. Баъзи бир замонавий қурилиш меъёрлари ва қоидалари фоиз ҳисобида нормада эмас. Мактаб биноси ва мактаб интернатлари кўчадан камида 25 м узокликда жойлашиши керак. ЎХТЮ ва ўрта маҳсус билим юртларини эса кўчадан камида 15 м узокликда қуриш рухсат этилади.

Мактаб ва мактаб интернатларида дам олиш зоналари ҳам ажратилиб, улар кўкаламзорлаштирилади.

Мактаб ва мактаб интернатлари ўқув тажриба участкасига эга бўлиб, бу участка сабзвот ва полиз экинлари, серҳосил боғлар ва гулзорлардан иборат.

Мактаб ва мактаб интернатларида болаларнинг ҳаралдаги ўйинлари учун алоҳида 1—8- синфлар учун дам олиш майдонлари бўлади. Дам олиш майдонларида ҳар бир синф учун 100 м² дан жой ажратилиди.

Муассасалардаги спорт майдонлари спорт зоналарига яқин жойлашиши зарур. Ҳар бир спорт майдони майсалар билан қопланган бўлиши лозим.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар муассасаси биносининг гигиенаси. Ҳозирги пайтда асосан мактабгача ва бошланғич синф болалари учун болалар гуруҳлари бирлашмалари биноси режалаштирилмоқда.

Мактабгача ёшдаги болалар гуруҳлари асосан 4 га бўлинади: кичик (3—4 ёш), ўрта (4—5 ёш), катта (5—6 ёш) ва тайёрлов (6—7 ёш) гуруҳлари. Ҳар бир гуруҳда 25 тадан, махсус гуруҳларда эса 15 та бола бўлади.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида 7 ёшгача бўлган болалар тарбияланади, шу ерда уларга тиббий ёрдам ҳам кўрсатилади. Бундай муассасалар гигиеник талабларга жавоб беради, чунки бу ерда болалар муайян кун тартибига риоя қилиб тарбияланади.

Болалар ясли боғчаларининг 2, 4, 6, 8, 10, 12 ва 14 гурухга ёки шунга мос 45, 95, 140, 190, 280 ва 360 ўринга мўлжалланган лойиҳаси тузилмоқда.

Шаҳар ва катта аҳоли яшайдиган жойларда болалар ясли боғчаларининг 140 ва ундан ортиқ ўринли лойиҳасини тузиш кўзда тутилмоқда.

Ҳозир катта шаҳарларда кўп қаватли ўй-жойлар қуриялти. Кўпинча 280—360 ўринли болалар боғчаларини куриш кўзда тутилади, бунда бу боғчалар гигиена талабларига жавоб бериши лозим. Лекин гигиенистлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мактабгача болалар муассасаларини кўп ўринли қилиб қуриш ва битта катта бинога жойлаштириш кўкаламзорлаштириш ишларининг қийинлашувига, бинолар ориентациясининг бузилишига олиб келади ва ҳаво-томчи юқумли касалликлар кенг тарқалишига сабаб бўлади. Масалан, болалар боғчалари 360 ўриндан ошиб кетса, юқумли касалликлар кўпаяди. Мактабгача бўлган муассасалардаги гуруҳларни ажратилган блокларга жойлаштириш тўла гигиеник талабларга жавоб беради.

Бино асосан 1—2 қаватли бўлиши зарур. Болалар биноси 3 турга бўлинади: 1) Марказий тури. Бу турдаги бинолар орасидаги масофа яқин бўлади. 2) Павильон тури. Бу турдаги бино тўлиқ изоляция қилин-

ган гурухларга мўлжалланган. 3) Марказий ва павильон тури.

Кам аҳоли яшайдиган қишлоқ жойларида (500 аҳоли) 2 та мактабгача болалар муассасаси мавжуд. Бу ерларда ясли-боғча ва бошланғич мактаб бинолари битта қилиб қурилади. Бунда болалар ясли-боғчалари ва мактаблари ҳамда унинг участкаларида алоҳида чиқиш жойлари бўлиши керак. Икки қаватли биноларнинг биринчи қаватида мактабгача болалар гурухлари, 2-қаватида эса мактабгача тайёрлов гурух ва мусика, гимнастик мағфулотлари заллари жойлашади. Ҳозирги вактда аҳоли сонининг ошиб бориши, шаҳар микрорайонларида кўп қаватли уйларнинг кўплиги, болалар мактабгача муассасаларининг 3 қаватли қилиб қурилишига сабаб бўлмокда.

Муассасалардаги ётоказоналар йигиладиган каравотлар билан жиҳозланади ва хоналар тўла рационал аэрация билан таъминланади.

Яслидаги гуруҳ ячейкаларининг қабул қилиш хоналари асосан ечиниш жойи хисобланади. Бунда ҳар бир болага алоҳида шкафлар бўлиб, хона сатҳи $1,8 \text{ m}^2$ ни ташкил этади. Юваниш хонасида қўшимча жўмрак бўлади.

Мактабгача болалар муассасаларида 95 ва ундан кўп ўринли алоҳида мусика заллари ҳамда гимнастик мағфулотлар учун 75 ёки 100 m^2 дан иборат заллар мавжуд.

Заллар аэрация ва табиий ёруғлик билан таъминланиши зарур.

Мактабгача муассасаларда тиббий хона ва овқатлантириш блоки бўлади. Овқатлантириш блоки 1-қаватда бўлиши керак. Ошхонадаги, тайёрлаш ва тарқатиш цехидаги тоза ва ювилмаган идишлар алоҳида туриши лозим.

Изоляторлар ҳам 1-қаватда жойлашган бўлиб, булар бемор болалар учун мўлжалланган бўлади. Изоляторда палата ва муолажа хоналари бор. Изолятордан ташқарига чиқиш ва кириш эшиги алоҳида бўлиши керак.

Тиббий хонаси 2 та: врач қабул қиласидаган ва муолажа ўтказиладиган хонадан иборат.

Комплекс болалар боғчасида тиббиёт блоки майший хизмат биносида жойлашган бўлади. Тиббиёт хонаси майдони 8 m^2 бўлиши керак. Мактабгача болалар муассасаси биносида алоҳида хизмат қилиш жойи бўлиши зарур. Боғча мудирасининг хонаси 1-қаватда кириш

жойига яқин бўлади. Хизматчилар хонаси 50 ўриндан кам бўлмаслиги лозим.

Умумтаълим мактаб биносига бўлган гигиеник талаблар. Замонавий мактаб ҳар томонлама боланинг гармоник ривожланишини таъминлаши, унга билим, эстетик тарбия бериши, уни меҳнатга ва техникага ўргатиши керак.

Мактаб ҳамма ўкув-тарбия ишлари билан бир қаторда ўкувчиларни соғломлаштириш ва чиниктиришда катта роль ўйнайди.

Умумий таълим мактаблари лойиҳалаш ва қурилиш коидаларига риоя қилган ҳолда қурилиши зарур.

1. Мактабда яхши шароит яратилиши (дарс хоналар, кабинетлар, устахоналар) ва улар тўла гигиеник талабларга жавоб бериши, жиҳозланган бўлиши шарт.

2. Мактабда жисмоний тарбия ишлари учун шароит яратилган бўлиши лозим.

3. Куни узайтирилган мактабларда, мактаб биносида алоҳида хоналар бўлиши керак (ўйин хонаси, уйқу хонаси, жиҳозлар).

4. Мактаб биносида ўкувчилар учун овқатланадиган буфет ва ошхоналар бўлиши зарур.

Энг муҳим талаблардан яна бири — болалар учун танаффусда яхши дам олиш шароитини яратиш.

5. Синф хоналарини тўла ёруғлик билан таъминлаш лозим. Бу эса ўз навбатида кўз касалликларининг олдини олишда ёрдам беради.

6. Оптимал ҳаво иссиқлик режимини йўлга қўйиш керак. Кўпгина ўкувчиларнинг бир ерга йиғилиши ҳавонинг тозалигини бузади. Мана шунака ерларга вентиляция, аэрациялар ўрнатиш зарур.

Умумтаълим мактабларининг лойиҳаси типовой бўлиши лозим. Ўкув хоналари мактаб турига (бошланғич, ўрта, тўлиқ бўлмаган ва тўлиқ ўрта мактаб) ва ўкувчилар сонига боғлиқ бўлади.

Тўлиқсиз ўрта мактаб 8 синфга, ўрта мактаб 13, 18, 22, 33 ва 44 синфга, тўлиқ ўрта мактаб 60 синфга мўлжалланади. Аҳоли кам яшайдиган қишлоқ жойларида 3 турда кичик комплектли мактаб куриш тасдиқланган. Бунда тўлиқ ўрта мактаб 24 синф, тўлиқсиз ўрта мактаб 12 синфдан иборат.

Гигиеник кўрсатмаларга асосланиб тўлиқ ўрта мактабларда: бино таркибини ўзгартириш, гуруҳларни қулай жойга жойлаштириш, куни узайтирилган гуруҳлар учун шароитни яхшилаш, ухлаш хоналарини ташкил қилиш, 1- синф ва тайёрлов синфлари учун жисмоний тарбия ўкув

хоналарини кўпайтириш, кенгайтириш лозим. Мактабда озик-овқат блокини 2 типда лойиҳалаш, маҳсус хоналарни кенгайтириш, тўгарак, кутубхона ва бошқаларни кўпайтириш кўзда тутилади.

Ана шу ишлаб чиқилган янги гигиеник талаблар шаҳар мактабларини қуришда муҳим ўрин тутади.

Хозир бинолар блоклар ёки секциялартипида, ўкув хоналари ҳар хил ёшдаги болалар гурухлари учун ҳам алоҳида қилиб қуриладиган бўлган. Бинолар (мактаблар ва ҳ. к.) ана шундай қурилгандагина гигиена талабларига тўла-тўқис мувофиқ бўлади.

Республикамизнинг жанубий туманларидаги мактабларда алоҳида корпуслар мавжуд. Шу сабабли ўқиш жараёнига қулайликлар яратилиб, бу алоҳида ўкув секциялари 3—4-синф болалари учун, бошланғич мактабларда эса ўкувчиларга 4—6 кабинетдан иборат хоналар ажратилади.

1—2-синф ўкувчиларига алоҳида ўкув блоки зарур. Умумий фойдаланадиган гимнастика зали, ошхона, мажлислар зали алоҳида блок бўлиб ажратилиши ҳамда кичик ва катта синф блоклари билан алоқада бўлиш керак. Мана шундай режа ўкувчиларнинг маънавий, моддий, майший дам олиши учун қулай шароитларни яратиб беради.

Хозирги вактда шаҳарларда 3 қаватли мактаб биносини қуриш тавсия этилади. Алоҳида зич жойлашган шаҳарларда 4 қаватли, қишлоқларда эса 1—2 қаватли мактаблар қурилишига рухсат берилади. Мактаб биносининг 3—4 та кириш ва чиқиш эшиги бўлиши керак. Бу эса ўт кетишига қарши, карантин пайтида ўкувчининг кириб-чикишига қулайлик яратади.

Мактаб биноси таркибига куйидагилар киради:

1. Асосий хона — ўкув машғулотлари олиб бориши: синф хоналари, ўкув кабинетлари, лаборатория, устахона, меҳнат хонаси ва спорт зали.

2. Ёрдамчи хоналар — дам олиш заллари, даҳлиз, вестибюл гардероби билан, ошхона, буфет, мажлислар зали, болалар хонаси, кутубхона, инструментлар, ечиниш хонаси, душ, юваниш хонаси ўкув куроллари хонаси, туалет ва бошқалар.

3. Хизматчилар хоналари, директор кабинети, ўкув бўлими бошлиғи хонаси, ўқитувчилар, шифокор хонаси. Бу хоналар гигиена талабларига тўла жавоб берадиган бўлиши шарт.

Синф хоналарининг сатҳи 50 m^2 , ўкув кабинетларини эса $50—66\text{ m}^2$ бўлади. Минимал сатҳ ҳар бир ўкувчига хонада $1,25\text{ m}^2$ бўлиши зарур. Синф хоналари тўла ёруғлик билан таъминланиши керак.

Синф хоналарининг кенглиги 3:4 бўлиши керак. Бунда унинг кенглиги камидаги 6 м, узунлиги 9 м бўлади.

Ўқув биноларининг баландлиги меъёр бўйича 3 м бўлиши керак. Бунда ҳар бир ўқувчига $3,75 \text{ m}^3$ ҳаво ҳажми тўғри келади. Агар ўқувчиларга 1 соатда $12-20 \text{ m}^3$ ҳаво зарур бўлса, синфда 4—5 марта ҳаво алмасиши керак.

Ўрта мактабларда ўқув хоналаридан: она тили, адабиёт, чет тили, тарих ва жамиятшунослик, жуғрофия, математика, чизмачилик ва тасвирий санъат, ҳарбий ва мусика хоналари бўлади. Ўқув хоналарининг майдони $50-66 \text{ m}^2$ дан иборат. Қимё, физика, астрономия, биология машғулотлари турли тажрибалар асосида олиб борилади. Бу эса лаборатория хоналарини маҳсус жиҳозлашни талаб қиласи, лаборатория хонасининг умумий майдони $66-70 \text{ m}^2$ ни ташкил этади. Бунда ҳар бир ўқувчига $1,65-1,75 \text{ m}^2$ дан жой тўғри келади.

Мактабда 20 та синф учун 3 та лаборатория, 30 та синф учун 4 та, 40 синф учун 5 та, 50 синф учун 7 та ўқув лаборатория хонаси бўлиши лозим. Янги типдаги мактабларда меҳнат хоналари, устахоналар (ёғоч ва темирга ишлов бериш бўйича), бичиш-тикиш, кулинария ва ЭВМ хоналари мавжуд. Меҳнат ўқув хоналари 1-қаватда жойлашиши керак. 8-синфдан бошлиб ўқувчилар мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш (МЎИЧ) кабинетларида, ўқув цехларида ва участкаларида таълим оладилар. Ўқув ишлаб чиқариш кабинетлари типовой проектида дарс хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари ва ошхона бўлиши зарур.

Спорт зали жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш учун хизмат қиласи. Жисмоний тарбия дарсида одам организмининг кислородга бўлган талаби ошиб боради. Спорт залида ҳаво алмасиши яхши йўлга қўйилиши керак, бир соат ичида ҳар бир ўқувчи $40-60 \text{ m}^3$ ҳаво қабул қилиши лозим. Ҳар бир ўқувчига 4 m^2 дан жой тўғри келади. Мактабларда 18—20 та синфга мўлжалланган ҳажми 162 m^2 дан иборат спорт зали бўлади, 20—30 та синф учун эса спорт зали 288 m^2 бўлиши лозим.

Спорт зали тўла ёритилиши керак. Деразаларнинг қарама-қарши томондан иккى томонлама ўрнатилиши тўла ёруғликни таъминлайди. Спорт залида 2 та ечиниш хонаси бўлиши лозим (ҳар бир кишига $0,8 \text{ m}^2$ майдон). Ҳар бир ечиниш хонасида душ ва ҳожатхона бўлади. Бу хоналарнинг ҳажми 42 m^2 дан кам бўлмайди. Жисмоний машғулотлардан сўнг юваниш учун душхоналар мавжуд. Спорт заллари 1-қаватда жойлашади.

Ошхона иссиқ нонушта тайёрлашга мослашган, 320 та

ўқувчи ўқийдиган мактабда ошхона, 195 ўқувчи ўқийдиган мактабда эса буфет бўлиши лозим. Овқатланиш залининг майдони ҳар бир кишига $0,65 - 0,75 \text{ м}^2$ дан тўғри келади. Ошхоналар ҳам 1-қаватда жойлашиши керак. Мажлислар зали ва кинозаллари бир вақтда 20—25 фоиз ўқувчига мўлжалланган бўлиб, унинг майдони 150 м^2 , баландлиги 5 м бўлади.

Хар бир мактабда кутубхона ва медпункт бўлади. Ўқитувчилар хонаси синф хоналарига яқин жойлашади ҳамда унинг майдони ҳар бир ўқитувчига $1,5 - 2,5 \text{ м}^2$ дан тўғри келади.

Хозирги пайтда барча қурилаётган мактабларда узайтирилган кун гуруҳлари учун хоналар мавжуд. Келажакда узайтирилган кун гуруҳлари учун қўшимча ўқув ҳамда дам олиш хоналарини лойиҳалаш кўзда тутилмоқда.

Узайтирилган кун гуруҳлари мактабларини лойиҳалашда хоналарнинг болалар ёшига қараб блокларга бўлинishi катта аҳамиятга эга. Болалар ўқищдан кейин қолиб ўйнашади, дам олишади, уй вазифасини бажаришади ва тўгаракларда шуғулланишади.

Ўқув куни узайтирилган мактабларда болалар бир кунда икки марта иссиқ овқат билан таъминланадилар. 1—2-синф ўқувчилари ҳамда нимжон болалар кундузи ухлайдилар. Ёши катта ўқувчиларга қараганда уларга бошқача шароит яратиб берилади. Бошланғич мактабларда ўқув фаолияти ва дам олиш учун (умумий фикрларга кўра) 2 та хона ажратилади.

Болалар муассасаларини санитария-техник жиҳозлашга қўйиладиган гигиеник талаблар. Болалар муассасаларидаги ҳаво болаларнинг соғлиғига ва иш кобилиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Епик бинолардаги ҳавонинг кимёвий таркиби ва физикавий хусусиятлари ўзгаради: карбонат ангидрид гази, сув буғлари, оғир ионларнинг миқдори ортади, кислород, енгил ионларнинг миқдори камаяди, ҳаво ҳарорати ўзгаради, ҳавонинг чангланиши ва бактериал ифлосланиши сезиларли даражада кўпаяди, органик аралашмалар пайдо бўлади.

Организмнинг ҳаёт фаолияти натижасида ташки мухитга катта миқдорда иссиқлик ва сув буғлари ажралиб чиқади. Маҷалан, синф ҳавосининг ҳарорати биринчи дарс охирига келиб 2°C га ошади, хона ёмон шамоллатилса, ҳарорат $4 - 6^\circ$ гача ортади.

Хоналардаги ҳавонинг сифати ундаги карбонат ангидрид гази миқдорига қараб баҳоланади, бинобарин, бу

газнинг микдори нафас билан чиқарилаётган ҳаво ҳисобига ҳавода рўй бераётган кимёвий ва физикавий ўзгаришларга параллел равишда ўзгаради. CO_2 нинг микдори ҳаво ифлосланишининг билвосита кўрсаткичи бўлиб хизмат килади ва ҳамма вакт ҳам унинг тозалик даражасини тўғри баҳолай олмайди. Болалар муассасаларида CO_2 нинг микдори ҳавонинг сезиларли даражадаги бактериал ифлосланиш ва чангланиш ҳолларида, шунингдек замонавий қурилиш ва жиҳозлаш вактида қўлланилган ҳом ашёлардан ажralиб чиқиши мумкин бўлган кимёвий аралашмаларнинг ҳавога ажralиб чиқиши натижасида ҳам пастлигича қолиши мумкин.

Ҳозирги вактда CO_2 нинг ҳаводаги микдори ҳаво ҳарорати ва намлигини эътиборга олган ҳолда ёпик бинолардаги ҳаво мухитининг тозалик кўрсаткичи сифатида кенг қўлланилади. Болалар учун мўлжалланган хоналардаги CO_2 нинг руҳсат этилган концентрацияси килиб 0,1 фоиз қабул қилинган.

Жисмоний меҳнат ва ҳаракатли ўйинлар вактида ажратиб чиқарилаётган CO_2 микдори 2—3 мартағача ва бунга боғлиқ равишда зарурый ҳаво ҳажми ҳам сезиларли микдорда ортади (масалан, мактабгача ёшда $6,6 \text{ m}^3$ ва катта ёшда — 20 m^3 гача).

Олиб борилаётган текширишлар бир соат давомида бир ўқувчи учун белгиланган зарурый ҳажмидаги ҳавонинг 16 m^3 га тенг микдори мақбул микроиқлим ва ҳаво таркибининг зарурый сифатини таъминлай олмаслигини кўрсатди. Берилаётган ҳаво ҳажмининг узок вакт мобайнида икки баробар кўпайтирилиши болаларда шамоллашга оид касалликларнинг деярли икки баробар камайишига олиб келди. Тажриба усули билан бир соат давомида бир болага зарур бўлган ҳавонинг энг мақбул микдори 80 m^3 га, энг кам зарурый микдори — 40 m^3 га (кичик мактаб ёшидаги болалар учун) ва 60 m^3 га (кatta мактаб ёшидагилар учун) тенглиги аниқланди. Бу тавсияларни амалга оширишда катта қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Бинолардаги ҳаво алмашинуви табиий йўл билан ва сунъий — вентиляция йўли билан амалга оширилади. Ҳавонинг табиий йўл билан алмашинуви дераза ва эшик орқали амалга оширилади.

Йилнинг иссик ва ўтиш мавсумларида кенг аэрация орқали хоналарнинг ҳавосини алмаштириш бетиним равишда амалга оширилиши лозим. Ҳаво фрамуга ва дераза дарчалари орқали киради. Фрамугалар тўғри ўрнатилганда ташки ҳаво шипга қараб йўналади.

Мактабларда олиб борилган кузатишлар хоналарни фақат иссиқ ва ўтиш мавсумларидағина кенг аэрация қилиш мүмкінлегини күреатди. Синф хоналарини ўқувчилар борида ташки ҳаво ҳарорати $+5^{\circ}\text{C}$ гача бўлан вактда шамоллатиш мумкин.

Табиий сўриб олувчи вентиляция системаси самарали эканлиги исботланган. Юқори бўлган шамол бўсимидаги ҳам бу система синф хоналарида 4—5 марта ниң ўрнига 1,5—2 марталик ҳаво алмашинувини таъминлади. CO_2 миқдори тез ортиб боради, 15 минутдан сўнг унинг миқдори рухсат этилган чегарарагача етади.

Хозирги вактда ўқув хоналарининг ҳавоси сунъий вентиляция орқали алмаштирилади.

Ўқув хоналарининг вентиляцияси ҳар бир ўқувчини 16 m^3 ҳаво билан таъминлаши зарур.

Мактабдаги темир ва ёғочга ишлов бериш устахоналарида, мажлислар залида ҳар бир киши ҳисобига келаётган ҳаво $20 \text{ m}^3/\text{соатига}$, спорт залида эса $80 \text{ m}^3/\text{соатига}$ кам бўлмаган миқдорда бўлиши лозим. Бу билан бир қаторда бевосита ўқув хоналарида бир соат мобайнида 1 марталик ҳаво алмашинувини таъминловчи табиий сўрувчи вентиляция ўрнатиш мўлжалланган.

Мактабгача тарбия ва мактаб ёшидаги болалар муассасаларида ҳаво ҳароратининг меъёрини белгилаш учун жуда кўп гигиеник кузатишлар олиб борилмоқда.

Бизнинг иқлим шароитларида болаларда иссиқлик алмашинув жараённининг ўзига хос томонлари бўлади, шу боисдан улардаги иссиқлик ҳолатининг комфорт зоналари бир оз бўлса-да бир-бирида фарқ қиласди. Ҳавонинг комфорт ҳолатида болалар ўзларини яхши хис этадилар, кам терлайдилар, камрок касал бўладилар ва чиникадилар.

Организмнинг иссиқлик ишлаб чиқариш ва иссиқлик йўқотиш хусусиятлари турли кўринишдаги фаолият давомида турлида даражада бўлади. Ўқиш, ёзиш, ўйинлар кам миқдордаги энергия сарфи билан кечади. Мактаб устахоналари ва ўқув-тажриба участкасидаги меҳнат жараёнлари, спорт ва жисмоний тарбия дарслари, шунингдек ҳаракатли ўйинлар вактида иссиқлик ишлаб чиқариш ва уни йўқотиш анча ортади. Шундан келиб чиққан ҳолда хоналар учун белгиланган иқлим шароитларига боғлиқ бўлган хона ҳароратининг оптималь миқдорлари бу хонанинг қайси мақсадларга хизмат қилишини эътиборга олган ҳолда белгиланган.

Бу келтирилган турли хоналардаги ҳавонинг оптималь ҳарорати доимий эмас (28- жадвал). Ҳарорат болаларни

Мактабгача тарбия муассасалари ва мактаб хоналаридаги ҳаво ҳарорати

Хоналар	IV иқлим минтақасидағи ҳарорат, °С
Кичик ясли гурухининг ўйин ва болаларни қабул қилиш хонаси	22
Ўрта ва катта ясли гурухларининг ўйин хонаси, қабул хоналари	21
Мактабгача тарбия гурухларининг ечиниш ва гурух хоналари:	
Кичик гурух,	20
ўрта ва катта тайёрлов гурухлари	19
Синф хоналари, кабинетлар, лабораториялар	17
Ўқув устахоналари	16
Спорт зали	15

чиниқтириш йўллари орқали пасайтирилиши мумкин. Болалар муассасаларидаги асосий хоналардаги нисбий намлиқ 40—55 фоиз, ҳаво ҳаракатининг тезлиги 0,2 м/сек бўлиши керак.

Куз ва киш фаслида оптимал иссиқлик шартшароитларини яратишда турли хил иситиш тармоқларидан фойдаланилади (печка, радиатор ва бошк.). Радиаторлар ёрдамида иситилганда иссиқлик асосан конвекция, панелли иситишда эса нур тарқатиш йўли билан тарқалади.

Конвекцион иситишда (радиаторлар, печка ёрдамида) чегараловчи юзалар ҳарорати паст бўлади. Бу манфий радиация — организмнинг нур тарқатиш йўли билан иссиқлик йўқотишига сабаб бўлади. Нурли иситиш тармоғидан фойдаланилган ҳолларда чегараловчи юзалар ҳарорати тана ҳароратига яқин бўлиб, организмнинг нур тарқатиш йўли билан иссиқлик йўқотишини сезиларли даражада камайтиради.

Иссиқликнинг комфорт ҳолати иситиш қурилмалари (панеллари) шипга, полга ва деворларга ўрнатилган ҳолларда юзага келади. Бундай шароитда турли юзаларни иситиш ҳарорати турлича бўлиши керак. Деворлар олдиғаги ҳарорат 30—35°C даражагача етказилса, пол ва шипда 20—25°C дан ортмаслиги зарур. Бу вактда физиологик кўрсаткичлар (тери ҳарорати, тер ажратиб чиқариш) терморегуляция зўрикишининг йўқлигидан далолат беради. Тана орқали бирмунча иссиқликнинг йўқотилиши хоналарда ҳаво алмашинувини кенг қўллашга имкон беради. Бунда ҳаво ҳарорати пасайтирилиши мумкин, аммо болалар ўзларини яхши ҳис қиласерадилар.

Кичик ёшдаги болалар муассасаларида болалар узок вакт полда ўйнашлари сабабли, хоналарнинг пастки қисмининг иситилишини таъминловчи полга ўрнатилган панелли иситиш қурилмалари бўлади. Биринчи қаватда жойлашган гурухлар учун мўлжалланган хона ва ўйин хоналарининг полларида иситувчи қурилмалар мавжуд. Бунда пол юзасининг ҳарорати 22°C бўлиши керак. Панелли иситиш қурилмалари горизонтал ва вертикал йўналишда ҳаво ҳароратининг бир маромда бўлишини таъминлайди.

Боғча ва мактаблар асосан марказий иситиш тармоклари орқали иситилади.

Кам ўринли болалар муассасаларида катта иситиш сифимига эга бўлган печкалардан фойдаланилади. Бу ҳолда печканинг ўтин ёки кўмир қалайдиган туйнуги дахлизда ёки болалар ўйнайдиган хоналарда бўлиб, зич ёпиладиган эшикчали бўлиши зарур. Печкалар эрталаб ёқилади. 25—50 ўринга мўлжалланган ясли, болалар боғчаларида маҳаллий иситиш тармоғидан фойдаланилади.

Хоналарни ёритиш тартиблари. Қуёш нурининг инсон организмига бўлган биологик аҳамияти жуда катта. Унинг тетиқлаштирувчи, организмнинг турли касалликларга бўлган қаршилигини орттирувчи таъсири ҳаммага маълум.

Қуёш нури алмашинув жараёнларини яхшилаб, тўғри ўсиш ва ривожланишга замин яратади. Ультрабинафша нурлари бола терисидаги провитамин D ни фаолиятсиз ҳолатидан фаол ҳолатга ўтказиб, суюкларнинг ўсиши ва шаклланишига яхши таъсир кўрсатади. Ёруғлик психолого-гик аҳамиятга эга: ёруғликнинг етарли микдорда бўлиши кўтаринки, хурсандчилик кайфиятини юзага келтиради. Қуёш спектридаги ультрабинафша нурларининг бактериопцид таъсири маълум. Бу эса ташки мухитни соғломлаштиришда муҳим гигиеник омил бўлиб хизмат қиласди.

Болалар муассасаларининг ориентацияси (кун томонларига нисбатан бўлган жойлашуви) қуёш радиациясидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Барча иқлим минтақаларида максадга мувофиқ энг яхши ориентация бўлиб жанубий, жануби-шарқий ориентация ҳисобланади. Farb томонга караган хоналар қуёш нурлари таъсиридан куннинг иккинчи ярмида қизиб кетади.

Тўғри тушган ёруғликнинг кўзни олувчи таъсирини бартараф этиш мақсадида бизнинг IV иқлим минтақаларида ўқув ва ишлаб чиқариш устахоналарининг деразалари қуёшдан ҳимоя қилувчи мосламалар билан тўсилади.

Дераза ойналари қуёш спектрининг биологик жиҳатдан

Мактаб ва мактаб интернатлари хоналаридаги деразалар ориентацияси

Хоналар	IV Иқлим минтақаларда деразалар ориентацияси	
	Оптимал	Рұксат этилган
Мактабда: синг хоналари	Жануб, жануби-шарқий Шимол, шимоли-шарқий, шимоли-гарбий Жануб	Хаммаси, гарб, жануби-гарбийдан ташқари Жануб, шарқи-жанубийдан ташқари хаммаси Шарқ, жануби-шарқий, жануби-гарбий, гарб
Чизмачилик ва расм кабинетлари		
Биология лабораториялари		
Боғчада: Гурух хоналари Ётоқхоналар, мусиқа зали, Изолятор	Жануби-шарқий Жануб	

Энг фаол бўлган қисмининг катта миқдорини ўтказмаслигига қарамай, хонага етарли даражада тетиклаштирувчи ва бактериоцид хусусиятларига эга бўлган қуёш нурлари киради (29- жадвал). Хоналардаги ультрабинафша нурларининг миқдори кенг аэрация вақтида ортади, шу боисдан болалар муассасаларидаги барча хоналарда, ошхона ва буфетларда вентиляция системасининг қайси туридан фойдаланишдан қатъи назар деразаларда фрамуга ва дарчалар бўлиши керак.

Хоналарнинг ориентацияси уларнинг ёруғлик даражаларига катта таъсир кўрсатади. Қуннинг биринчи ярмида барча кенгликлардаги энг юкори ёруғлик шарқий ва жанубий ориентацияда кузатилади.

Ёруғликнинг кўриш анализаторининг тўла конли фаолиятига бўлган таъсири ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гигиенистлар томонидан олиб борилаётган кузатишлар ўқувчиларнинг бир қисмida (20—30 фоиз) асосан узокни кўра олмаслик билан боғлик бўлган кўриш фаолиятининг пасайиши кузатилади. Узокни кўра олмаслик — миопия хасталиги болаларнинг ёшига боғлик равишда миқдор жиҳатдан ортиб боради.

Узокни кўра олмаслик — миопиянинг юзага келиши ва ривожланишида бошқа сабаблар қаторида ёруғликнинг етишмаслиги ҳам катта аҳамиятга эга. Барча кўриш функциялари ёруғлик етишмаслиги туфайли юзага келиши

ва унинг янада пасайиши билан бу ўзгаришларнинг кучайиб бориши исботланган. Мазкур маълумотлар болалар муассасаларида кўзнинг фаолияти учун максимал яхши шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлайди. Кўзнинг нормал фаолиятини таъминловчи асосий шартлардан бири етарли миқдордаги ёруғлик ҳисобланади. Ёруғликнинг етарли даражада бўлиши кўз зўрикиши билан боғлик бўлган ишларни бажаришни ёнгиллаштиради.

Табиий ёруғлик етарли, бир маромда бўлиши ва оптика ёруғ бўлмаслиги керак.

Хоналардаги табиий ёруғликни тўла-тўқис баҳолай оладиган кўрсаткич табиий ёруғлик коэффициентидир (ТЕК). Лойихалаштириш нормаларига биноан ТЕК мактабгача тарбия муассасаларининг гурухлар учун мўлжалланган хоналарида, ўйин хоналарида, тиббий ёрдам хонасида, изолятор палатасида, мусиқа ва гимнастикма машғулотлари залида 1,5—2 фоиздан кам бўлмаслиги керак, болаларни қабул қилиш хоналарида (ясли гурухлари учун), ечиниб-книйниш хоналарида 1 фоизга тенг қилиб қабул қилинган.

Мактаб ва мактаб интернатлари, ҳунар-техника билим юртларининг ўқув хоналарида деразадан анча наридаги ТЕК 1,5—2 фоиз дан кам бўлмаслиги керак.

Юқорида келтирилган табиий ёруғлик коэффициентининг нормалари IV ёруғлик иклим минтакаларида қурилган бинолар учун ТЕК ни аниқлашда ёруғлик иклимининг коэффициенти ва қуёш коэффициентини эътиборга олган ҳолда меъёrlаштирилади.

Бироқ, қабул қилинган ТЕК ўлчамлари ҳам зарурий табиий ёруғликни таъминлай олмайди. Турли даражадаги ёруғлик шароитларида кўриш функциясини ўрганиш энг яхши ёруғлик 800—1200 лк га тенглигини кўрсатади. Кўриш фаолияти учун яхши шароитни таъминловчи энг паст ёруғлик миқдори 600 лк ни ташкил қиласди.

Хонанинг ёруғлиги бир катор сабабларга, биринчи навбатда деразалар сони, уларнинг катта-кичичлиги ва конфигурацияларига боғлик. Деразаларнинг юзаси қанчалик катта бўлса, хонага шунчалик кўп ёруғлик тушади. Лекин деразалар ўлчамининг жуда катта бўлиши бинонинг иссиқликка чидамлилигининг камайишига олиб келади ва шу сабабли бу ўлчамлар чегарасиз бўлиши мумкин эмас. Болалар узок вакт бўладиган ёки кўзнинг зўрикиши билан боғлик ишларни бажариш учун мўлжалланган болалар муассасаларининг асосий хоналари учун ЕК 1:4 дан кам бўлмаслиги керак. (ЕК — ойнали ромнинг

сатҳи пол сатҳига нисбатан). Болалар кам вақт бўладиган хоналарда (қабулхона, ечиниб-кийиниши хоналари, дам олиш хоналари) ЕК 1:5—1:6 гача камайтирилиши мумкин. Деразалар иложи борича кўпроқ ёруғлик тушадиган қилиб ўрнатилиши лозим. Деразаларнинг юкори қисмидан кўпроқ ёруғлик тушади. Шу туфайли тўғри бурчакли деразалар мақсадга мувофиқдир, овалсимон ёки готиксимон — учли шаклли деразалар тавсия этилмайди.

Деразалар оралиғидаги деворлар ёруғликнинг хонага бир текис тушишини камайтиради, шунинг учун уларнинг кенглиги 0,5 м дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Хонага тушиб турувчи қуёш нурларининг миқдори дераза ойнаси юкори қисмининг баландлигига боғлик. Дераза ойнасининг юкори қисми қанчалик баланд бўлса, ёруғлик шунчалик кўпроқ тушади. Кўз зўриқиши билан боғлик ишларни бажариш хоналарида дераза ойналари баланд бўлиши, хона кенглиги (деразалар ўрнатилган девордан қарама-карши томондаги деворгача бўлган масофа) эса деразанинг юкори қисмининг полдан бўлган баландлигининг икки марта оширилган ўлчамидан ортиқ бўлмаслиги керак. Агар хона энига 6,5 м дан кўп бўлса, қарама-карши томонда иккинчи катор деразачалар ўрнатиш лозим. Бу кўпроқ табиий ёруғлик тушишига, имкон яратади ва хоналарни икки томонлама елвизак қилиб шамоллатиш имконини беради. Дераза ромлари қанча катта бўлса, хонага шунча кўп қуёш нурлари тушади. Бинога яқин экилган баланд дараҳтлар ёруғликни тўсиб қолади. Бинонинг олд томонига асосий хоналар жойлашганлиги сабабли баланд дараҳтларни бу ерга экиш тавсия этилмайди. Шунингдек, болалар муассасасига қарама-карши жойлашган бино баландлиги оралиғидаги масофа нисбати (тўсиш коэффициенти) 1:2—1:3 дан кам бўлмаслиги керак. Тўсиб қолиш коэффициентининг оптималь катталиги 1:5 бўлса, бу ҳолда қарама-карши жойлашган бинонинг сояси болалар муассасасига мутлако тушмайди.

Дераза токчаларида турган тувакдаги гуллар, дераза пардалари хонанинг ёруғлигини камайтиради. Ифлос ойналар ҳам қуёш нурининг анчагина қисмини тўсиб қолади.

Дераза токчаларининг баландлиги болаларга мос бўлиши лозим, бу кўзнинг аккомодацион аппаратига дам беради. Болалар ясли ва боғчаларида дераза токчаларининг баландлиги 50—60 см, мактабларда 70—80 см қилиб кабул килинган.

Хоналарнинг рангларига боғлик бўлган турли ёруғлик-

ни қайтарувчи юзалар (шип, девор, пол) ва жиҳозлар ранги ёруғликни қайтариш хусусиятларига ҳам таъсир кўрсатади. Ёрқин, оч тусли ранглар ёруғликни кўпайтиради. Қайтариш коэффициенти шип, деворлар ва дераза ромлари учун 0,7, деворларнинг юқори қисмларида 0,6, девор панеллари (пастки қисми) — 0,5, мебел ва жиҳозлар учун 0,35, пол учун 0,25 дан кам бўлмаслиги зарур. Ўкув хоналари, кутубхоналарда деворлар ранги майин, кўзни олмайдиган, толиктирмайдиган бўлиши керак. Вестибюл, декорацион хоналар ва мажлислар залларида ёрқин рангларни қўллаш тавсия этилади. Шимол томонга караган хоналарни сарик, пушти рангларга бўяш максадга мувофиқдир. Жанубий ориентацияга эга хоналарга кўк, яшил ранглар мос. Хоналарни пардозлашда, мебель ва жиҳозларга ранг беришда оқ ранг — 90 фоизгача, сарик — 80 фоиз, кўк — 70 фоиз, яшил — 60 фоиз, тўк яшил ранг — 22 фоизгача куёш нурларини қайтаришини эсда тутиш лозим. Қора рангга бўялган юза деярли барча нурларни ютади.

Гигиена талабларига жавоб берадиган ёруғликни таъминлашда ёруғлик даражаси ҳамда кўриш майдонида ёруғликнинг текис ва тўғри таксимланишига ҳам талаблар қўйилади. Нотекис ёруғлик шароитида нигоҳни бир нарсадан бошқа нарсага кўчириш кўзнинг янги ёруғлик шароитига мослашиши билан кечади, тез-тез турли ёруғликлар шароитига мослашиш эса кўриш анализаторининг тез толикишига олиб келади. Ёруғликнинг текис таксимланишига юзалар ва мебелларнинг очик ранглари ва куёш нурларининг тўғри тушиши ёрдамида эришилади.

Парталарни оч тусли, жилосиз рангларга бўяш лозим. Синф доскаси ўрнатилган деворни ўртacha қайтариш коэффициентини беरувчи ранга бўяш керак. Шипни ва ўкувчилар нигоҳидан четда бўлмиш орка деворни ёруғликни қайтариш хусусияти энг юқори бўлган рангга бўяш лозим. Бу синфнинг ёруғлигини янада кўпайтиради.

Кўзни толиктирмаслик учун синф хоналарида парта ва столлар ёруғлик чап томондан тушадиган қилиб жойлаштирилади.

Мамлакатимизнинг шимолий минтақалари ўзига хос ёруғликка эга бўлиб, тушаётган куёш нурлари таркибида ультрабинафша радиация нурлари етишмаслиги туфайли баъзи бир касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу холат организмдаги алмашинув жараёнларининг бузилиши, иммунобиологик реактивликнинг, кўз функцияларининг пасайиши, тез толиқувчанлик каби белгилар билан характерланади. Бундай иқлим шароитларида яшовчи

ўсмирларда бошқа миңтакаларда яшовчи тенгдошларига нисбатан рефракцион аномалия (рефракциянинг изданчиши) холати кўпроқ учрайди, лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги пасаяди, капиллярларнинг мўртлиги ортади, ишкорий фосфатаза ферментининг фаоллиги пасаяди. Шу сабабли бу ерларда яшовчи болалар ва ўсмирларни профилактика мақсадида қишида ультрабинафша нурлари билан сунъий равишда нурлаш зарурлиги исботланган.

Бутун ўқув йили мобайнида деярли ҳамма ерда кун давомида табиий ёруғлик етишмайди. Бу етишмовчилик сунъий ёруғлик хисобига тўлдирилади. Сунъий ёритиш тармоғига қўйидаги гигиеник талаблар кўйилади: у куч жиҳатдан етарли, бир маромда бўлиши, кўриш майдонида турли ёруғликларнинг тўғри муносабатини таъминлаши, тўғри тушган ва қайтаришган, кўзни толиктирувчи нурни юзага келтирмаслиги лозим (30- жадвал).

Ҳозирги вактда электр ёрдамида ёритиш кўз учун энг мақбул ва энг кенг тарқалган сунъий ёритиш турларидан хисобланади. Люминесцент чироқлар ёрдамида ёритиш энг тўғри йўлдир, чунки у тарқатган ёруғлик кескин соялар бермайди. Бунинг устига у бир хил даражадаги ёритиш имкониятига эга бўлиб, чўғланма чироқларига нисбатан иккиси ярим марта арzonга тушади.

30-жадвал

Болалар ва ўсмирлар муассасасида сунъий ёруғлик меъёrlари

Хоналар	Сунъий ёруғлик, лк	
	Люминесцент чироқлар	Чўғланма чироқлар
Мактабгача тарбий муассасаларининг		
гурух хоналари: ўйин, мусиқа хоналари ва гимнастика машғулотлари зали, қабулхона ва ечиниш хоналари	200	150
Изолятор	150	100
Ётоқхоналар (ухлаш хоналари)	75	50
Мактаб, мактаб интернатлари, ҳунар-техника билим юртларининг		
синиф хоналари, аудиториялар, ўқув кабинетлари, лабораториялар, устахоналар	300	200
Чизмачилик ва расм хоналари	500	300
Бичиши-тикиш хонаси	400	300
Спорт зали, мажлислар зали	200	150
Дам олиш жойлари	150	100

Ёруғликнинг текис тақсимланиши ёритгич жиҳозлари ни ўрнатиш ва унинг тарқалиши ҳисобига таъминланади. Бу ҳолда ёритгич жиҳозлари ёруғликнинг жуда кам миқдорини ютиши ва ёруғликни бир маромда тарқатиш хусусиятига эга бўлиши лозим. Ёритгичларнинг нури 1 м² ҳисобига 2000 бирликдан ошмаслиги керак.

Профилактик мақсадда ультрабинафша нурлар билан нурлантириш алоҳида эътиборга сазовор. Ҳозирги вактда шимолда жойлашган минтақаларда мактабгача тарбия муассасаларининг гурухлари учун мўлжалланган хоналарда, ўйин хоналарида, ётоқхоналарда, изолятор палатаси ва маҳсус фотарийларда умумий ёритиш системаси билан бирга ультрабинафша радиацияси қурилмаларини ўрнатиш зарурдир.

ІХ БОБ

БОЛАЛАР ЖИҲОЗЛАРИГА БЎЛГАН ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

Болалар саломатлигини сақлаш ва уларнинг тўғри ривожланиши учун зарур бўлган гигиена талаблари га жавоб берувчи мебеллардан фойдаланиш керак. Улар учун тайёрланган жиҳозлар болаларнинг анатомик-физиологик хусусиятларига тўла-тўкис мос келиши, ўлчовлари болалар бўйига, вазнига мослашган бўлиши зарур. Жиҳозлар тузилиши жиҳатидан чидамли, пишиқ ишланиши лозим. Ёзув столида ва стулда ўтириш, дастгоҳ олдида туриш ва кўл меҳнати билан шуғулланаётганда елка бўғимларига, бўйин, қорин ва юкори, пастки умуртқа нукталарига ҳамда чаноққа оғирлик келади. Бунда тўғри ҳолатни танлашда мушаклар, нерв ва бўғимлар асосий рол ўйнайди. Ўқувчилар дарс давомида анча толикадилар, шунинг учун ҳам бир хил ҳолатни танлаш ҳамда иккинчи ҳолатга ўтишни физиологик кўрсаткичлар билан ажратиш лозим. Тўғри ҳолатни сақлаш вазифасига бадан оғирлигини марказдан узоклаштириш ва тўғри ҳолатда туриш киради. Турғун мувозанатда юрак томирлари, нафас олиш, кўз ва эшитиш органлари нормал ишласа, бундай ҳолат тўғри деб ҳисобланади.

Дарс давомида ҳар хил ҳолатларни танлаш, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатларга ўтишда физиологик мезонларни ажратиш лозим. Микротебранишлар ва уларнинг чидамлилигини бошқариш ҳам физиологик мезонларга киради.

Тўғри ҳолатни сақлаш учун гавданинг маркази таянч марказига нисбатан тик бўлиши керак.

Гавданинг оғирлик маркази IX ва X умуртқа қафаслари устида тұғри тик таянч нүктасига түшса, ёзиш вактида организм чарчоқлық сезмайды. Бундай ҳолатда марказий оғирлик орқа чаноқ бүғими билан кесишиді. Бундай үтиришда бош олдинга хиёл әнгашган, күзлар тұғри қарайды, бармоқлар парта устида туради. Стол четидан тана 3—5 см узоклика бўлади. Тизза кўзи қон томирлари сиқилиб қолмаслиги учун сон суюгининг 2/3 кисми курсида бўлиши керак. Ўқувчи товонлари билан полга таянади. Ўқувчилар тұғри үтирганда таянч майдони етарли бўлса, мускуллар камрок қарчайды. Ўқиш даврида, чизмачилик дарсларида ва ёзув машгулотларида озгина бўлса ҳам олдинга әнгашган ҳолда үтириш лозим.

Фотониограмманинг кўрсатишича, боланинг ва тана юкори қисмининг озгина олдинга әнгашгани тұғри исботланган. Тос суюги вертикал, бел суюги вертикалдан 10° , кўкрак 18° олдинга әнгашади, болдирилар вертикал жойлашиди. Кўзнинг столдан узоклиги 31 см, тұғри иш ҳолатида бош ва тананинг озгина олдинга әнгашган ҳолати, оғирликнинг тенг бўлиши, кўкрак ва қорин бўшлиғи сиқилмаслиги ва кўз қарчамаслиги керак. Арралаётган вактда оёклар ораси маълум даражада очилган, тиззалар тұғри, тана олдинга озгина әнгашган бўлиши зарур, рандалаётган пайтда ўқувчи дастгоҳга ярим әнгашган ҳолатда туриши керак. Чап оёқ озгина олдинда бўлиши керак. Темирни арралаётган пайтда ўқувчи қисқич ўқига 45° ярим айлана ҳолатида туриши керак. Тұғри турған ҳолатда ўнг елка, чап елка билан тұғри бурчак ҳосил қиласы, бу ҳолатда тирсак суюги арранинг ўқига мос тушади. Темирни кесишида ўқувчи қисқичга ярим доира шаклида туриши керак. Чап оёқ ярим қадам олдинга кўйилади, ўнг оёқ озгина орқада бўлади. Товонлар 60 — 70° бурчак ҳосил қиласы. Суяқ мушакларининг чидамсизлигига болалар агар тұғри ҳолатда турмасалар тезда қарчаб қолишилари мумкин. Ўқиш даврида ўқувчининг организми статистик оғирликни ҳис қиласы. Агар ўқув жиҳозлари нотұғри тузилган бўлса, ўлчами ўқувчи бўйига мос келмаса ва бошқа параметрларга тұғри келмаса, статистик оғирлик кучайиб кетади.

Парта ёки стол танлашда болаларнинг тик ҳолдаги умумий бўйи ўлчанади. Синф парталари сонини белгилаш учун рангли ўлчов линейкаси бўлиши керак. Жиҳозлар гурухини аниқлаш учун турли ранглар бўлиши лозим (31- жадвал).

1—4- синф ўқувчиларини ўтқазишда қийналмаслик учун ўқув йилининг бошида уларнинг исми шарифи, бўйи,

Ўқувчи курсиси ва тахтасининг ўлчовлари, уларнинг ўқувчининг бўйига мослиги

N	Ўқувчи-нинг ўртача бўйи, мм	Бўйига оид гуруҳлар, мм	Жиҳозларнинг белгиланган ранги	Тахта баландлиги, мм	Курси баландлиги, мм
1.	1050	1000—1150	қовоқ ранг	460	260
2.	1200	1150—1300	бинафша	520	300
3.	1350	1300—1450	сариқ	580	340
4.	1500	1440—1600	қизил	640	380
5.	1650	1600—1750	яшил	700	420
6.	1800	1750 дан юқори	ҳаво ранг	760	460

кўриш, эшлиши қобилияти ёзилган схема тўлдирилиши лозим ва бу маълумотлар синф журналида бўлиши шарт. Дурадгорлик дастгохининг баландлиги шу йўл билан аниқланади. Бунда ўқувчи дастгохнинг бурчагига ён томони билан туради ва унга кафтини кўяди. Агарда дастгохнинг баландлиги ўқувчининг бўйига мос келса, бу холда унинг тирсаги букилмайди, олд елка ва елка тўғри чизикни ташкил қиласди.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар муассасалари-ни жиҳозлашга бўлган гигиеник талаблар. Боғча ва яслилар учун танланадиган жиҳозлар таълим-тарбия ишларига мос тушиши керак. Ҳар бир гурух учун бола ёши ва бўйига қараб мосланган жиҳозлар танланади.


Кичик гуруҳ хоналари тўғри бурчак ёки айлана шаклидаги манеж, тепаликча, ўрта ва катта гуруҳ хоналари стол, стул, диванлар билан жиҳозланади. Бундан ташқари, гуруҳ хоналарида ўйинчоклар ва кийимлар учун шкафлар мавжуд.

Мактаб ёшигача бўлган гуруҳ хоналари ҳам стол, стул, ўйинчоқ ва нарсалар сакладиган шкафлар билан жиҳозланади.

Кичик ва катта гуруҳ болаларини ўқитиш учун ёзиш ва чизишда фойдаланиладиган маҳсус доска ($0,75 \times 1,5$) бўлиши лозим. Досканинг полдан баландлиги 0,7—0,8 м бўлади.

Мактаб ва боғча ёшидаги болалар учун тайёрланган мебеллар енгил тахталардан тайёрланиб, ранги бўёқка бўялади. Ўйинчоклар сакланадиган шкафлар, кийим шкафлари болалар бўйига мос бўлиши керак.

Синф хоналарининг жиҳозлари. Мактаб жиҳозларидан




4- расм. Ўқувчининг партада тўғри ўтириши ҳолати.

гиgienик талабларга риоя қилган ҳолда фойдаланиш тўғри жисмоний ривожланишга ва кўриш фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Партанинг столи ва курсиси бирлашган бўлиб, столнинг қиялиги 12° дан кам бўлмаслиги керак. Партанинг столи тагига курси бир оз кириб туриши зарур. Бунда бола тўғри ўтиради (4- расм).

Ўқувчиларнинг парта, стол ва стуллари бир кишилик ёки 2 кишилик бўлади. Уларнинг ҳаммаси тахтадан ясалади. Стулнинг баландлиги бола оёғининг болдири қисмига тенг бўлиши керак. Агар курси баланд бўлса, боланинг оёғи осилиб, сонга кўп оғирлик тушади. Агар курси паст бўлса, оёқлар курси устида кўтарилиб, сон ва тизза оралиғида учбуручак хосил килади, оёқ кон томирларида қон айланиши қийинлашади. Агар курсининг кенглиги $2/3$ ёки $3/4$ қисми сон узунлигига тўғри келса, ўқувчи камрок чарчайди.

Ҳар бир курсининг махсус суюнчиғи бўлиши керак, булар қўшимча таянч бўлиб ҳисобланади.

Жихоз дифференцияси деб, стол чети билан курси орасидаги масофага айтилади. Дифференциянинг ± 2 см ўзгариши ўқувчининг ҳолатига таъсир этмайди. Дифференциянинг кўплиги ёзиш даврида ўқувчига ўнг елкасини кўтаришга мажбур килади ва умуртқа поғонасининг қийшайишига олиб келади. Дифференциянинг камли-



5- расм. А — гавданинг олдинга эгилган ҳолатидаги гавда оғирлик маркази билан таянч нуктасининг ўзаро нисбати. Чапда — тўғри, ўнгда — нотўғри. Б — партада суюнчиғининг оралик масофаси нотўғри ва А — тўғри О. М. — оғирлик маркази. Т. Н.— таянч нуктаси.

ги эса боланинг букчайишига, кўз фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади.

Столдан курсигача бўлган горизонтал масофа курсининг дистанцияси деб аталади. Агар курси столга якин кириб турса, бу курсининг манфий дистанцияси деб аталиб, ўтиришга кулай хисобланади. Курси суюнчиғининг масофаси ошиб кетса, ўқувчи яхши кулай ўтира олмайди (5- расм).

Кўп мактабларда синф хоналари икки кишилик парталар билан, кабинетлар эса стол ва стуллар билан жиҳозланади. Кўриш функцияси бузилган болалар ўқийдиган мактабларда I кишилик партада столлар бўлади. Парталинг қопқоғи ва курси суюнчиғи маҳсус материаллардан тайёрланади. Стол ва парталарнинг ранги иш жойининг ёруғлигига таъсир қиласи. Кора рангли парталарга нисбатан оч рангли парталар 20 фоиз табиий ёруғликни оширади. Оч, яшил рангдаги партада ўқувчининг кўриш кобилияти 57 фоиз, тўқ яшил партада эса 55 фоиз, корада 27 фоизни ташкил этади. Парталинг лак билан бўямаслик керак. Синф доскаси кўриш фаолиятида катта роль ўйнайди. Баландлиги 100—120 ва эни 150—200 см бўлиши мумкин. 1—4- синфларда доска

полдан 75—80 см, 5—11 синфларда эса 80—90 см баландликда ўрнатилади. Досканинг ранги жигарранг ёки кора бўлиши мумкин.

Мактаб устахоналарининг жиҳозлари. Ҳар бир мактаб устахонаси 20 кишилик иш жойига мўлжалланган бўлиб, станок ва дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлади. Ҳозирги вактда баландлиги 75,5, 78, 80,5 см бўлган дастгоҳлар ишлатилади. Кўл меҳнати учун баландлиги 95—87 см бўлган дастгоҳлардан фойдаланилади.

Ҳар бир иш жойида ўтирадиган жой бўлиши керак. Ўтиришга жой бўлмаса ўқувчи ҳамма ишни туриб килишга мажбур бўлади, бу эса ўқувчини тез чарчатади. Агар ўқувчининг бўйига дастгоҳнинг баландлиги тўғри келмаса, унда ўқувчининг ёғи остига маҳсус таглик қўйилади. Оддий ёғочдан тайёрланган тагликнинг размери 55×75 см; баландлиги 5,10, 15 см бўлиши мумкин.

Иш жойи гигиеник талабларга жавоб бериши керак. Дурадгорлик устахонасида дастгоҳлар ойнага 45° бурчак бўйича ёки ёруғлик тушадиган томонга 3 қатор перпендикуляр килиб жойлаштириллади. Дастроҳлар оралиги 80—100 см масофада бўлиши керак.

Темир-терсак устахонасида дастроҳни ишлов бериладиган металлга ёруғлик олдидан ёки ўнг томондан жойлаштириш керак. Кўп кишилик дастгоҳларни 4 қатор килиб хона кенглиги бўйича жойлаштириш мумкин. Қаторлар оралиги 1 м бўлади. Устахона 1 кишилик дастгоҳлар билан жиҳозланса, иш жойининг юзаси 60×100 см, кискичлар оралиги 100 см бўлади.

Гимнастика залининг жиҳозланиши. Жисмоний тарбия залининг жиҳозланишига унинг тузилишига қараб гигиеник талаблар қўйилади. Жиҳозлар ўқувчиларнинг ёшига мос келиши керак. Спорт залидаги жиҳозлар болаларга мос келмаса, машқларни бажариш қийинлашади, боланинг каддикомати бузилади.

Мактаб дарслекларига бўлган талаблар. Кўз ривожлаши ва кўриш фаолиятининг ёшга боғликлиги, ўқиш кўнижмасининг аста-секинлик билан ҳосил бўлиши — гигиеник тавсияларни болалар ёшига қараб белгилашни таъминлайди. Шунинг учун мактаб дарслеклари ва китобларни безашда бу тавсиялар эътиборга олинади.

Шрифтларнинг катта-кичиллиги ва босма сифатига бўлган талабларни Кон деган олим ишлаб чиқкан. Кейинги йилларда бу йўналишдаги ишлар давом эттирилган. Шрифтнинг турли ўлчамлари қуйидаги талаблар асосида ишлаб чиқилган. Соғлом болалар кўз диаметри (кўндаланг кесим ўлчами) 0,25—0,3 мм га teng бўлган, бир-

биридан шу диаметр катталигига тенг масофада жойлашган икки нұктаны 1 м масофадан уларни алохидалохиди иккита нұқталигини күра олиш қобилиятига зәга. Ўқиши вактида 25—30 см масофада күз 0,8 мм га тенг шрифтни күра олади. Тез ўқиши күнікмасига зәга болалар учун ҳисоб йўли билан ҳарфнинг энг мақбул баландлиги қилиб 1,75 мм қабул килинган. Дарслікларни безаш учун гигиеник талабларни ишлаб чиқиш мақсадида олиб борилган кейинги тадқиқотлар турли синф ўқувчилари учун энг мақбул ҳарф ўлчами ҳар хил эканлигини, шунингдек ўқиши күнікмаси ва ўқиши тезлигига боғлик ҳолда ҳам ўзгарувчан эканлигини күрсатди. Демак, турли синфларга мўлжалланган дарслікларнинг ҳарф ўлчами ҳар хил бўлиши лозим, 1-синфда эса ўқув күнікмасини ҳосил қилиш даврида ва биринчи ўқув йили давомида ҳарф ўлчами ўзгартириб турилиши лозим.

Ўқувчиларнинг кўриш қобилияти ёшга боғлик ҳолда, ўқиши күнікмаси ва ўқиши шароитларида ўрганилди.

Ўқиши күнікмасини эгаллашга бўлган педагогик талаблар ниҳоятда катта эканлигини айтиб ўтиш керак. Педагогика фанлари академияси (ПФА) илмий-тадқиқот институтининг маълумотига қараганда мактабда биринчи ўқув йили охирида ўқиши тезлиги бир дақиқада 40—50 сўзга етиши, иккинчи ўқув йилида 60—70 тага ва учинчи ўқув йилига келиб эса 80—90 сўзгача ортиб бориши лозим. Учинчи синфда ўқишининг асосий усули тез ўқиши, яъни 3—4 оддий сўздан тузилган жумлаларни ўқишидир.

Дарслікларни гигиеник жиҳатдан баҳолаш ҳарфни, терилган ҳарфлар тўпламини, босма сифатини, қоғоз сифатини ва расмлар билан безашни, шунингдек китоб ҳажми, оғирлиги ва муковалашни баҳолашдан иборат.

Ўқиши ўрганаётган болалар учун алифбонинг биринчи бетидаги ҳарфлар ўлчами 6—8 мм га тенг бўлади. Бола ҳарфни худди янги образ, расмдек қабул қиласи. Ҳарфларнинг етарли катталикда терилиши уларни томоша қилиш ва уларга хос бўлган белгиларни қабул қилиш имконини яратади. Алифбодаги ҳарф аста-секин биринчи синф ўқувчилари учун энг кичик ўлчам 2,8 мм гача камайтирилиб борилади. 2,3 ва 4-синфлар учун мўлжалланган дарсліклар 2,5 дан 2 мм гача бўлган ҳарфлар билан терилади. 5-синфдан бошлаб кичик ҳарфлар ўлчами — 1,75 мм ли ҳарф қўллаш рухсат этилади. Ҳарф ўлчами полиграфия амалиётида «кеғель» атамаси билан номланган.

Тез ўқишида ҳарфлар вертикал ёки асосий чизиклар

(штрих) орқали қабул қилинади. Асосий чизик баландлиги одатда кичик «и» ҳарфи баландлигини ўлчаш билан белгиланади. Шрифтни баҳолашда вертикал чизиқлар кенглиги, кия ва горизонтал биректирувчи чизиқлар (штрих) эътиборга олинади. Асосий чизиқлар кенглиги 0,25—0,63 мм. Ҳарфлараро масофа шу ўлчамдан икки ва ундан ортиқ катта бўлиши лозим. Горизонтал ва кия чизиқлар асосий чизиқка нисбатан 1:2 бўлиши мумкин. Уларнинг энг кичик ўлчами 0,15 мм бўлади.

Ўқиш суръатига ва узок ўқиш давомида кўзнинг толиқишига гарнитура — ҳарф расми катта таъсир кўрсатади. Дарсликларни нашр этишда ҳарфлар оддий, аник чизилган ва ҳарфлар ўртасидаги бўшликлари аник бўлган шрифт қўллаш тавсия этилади. Психологик-гиgienик кузатишларнинг кўрсатишича, бундай шрифт кўп жиҳатдан кўриш қобилиятига ва кўз орқали қабул қилиш имконияти талабларига жавоб беради.

1- синф ўқувчиларининг кўриш қобилиятини кузатиш матнларни узок ўқиш вақтида ўқиш тезлиги шрифт расмiga боғлиқлигини кўрсатади. Масалан, адабий услубий шрифт билан терилган матнларни узок ўқиш вақтида 5—7 минут ўқилгандан сўнг ўқиш тезлиги пасаяди. Алоҳида бир қатор ёзувни ўқиш вақти 25 фойзга кўпаяди. Расм услуби билан терилган алифбодаги матнни ўқишида ўқишининг ўртача тезлиги анча вақт сакланиб қолади. Бунда 1- синф дарсликлари ва китоблари учун алифбо ҳарфи ва тўғри чизиқли ўйилган журнал кўринишидаги расмли ҳарфлар таклиф этилади. 2- синф ўқувчилари учун ўйма журнал ва расмли ҳарфлар тавсия этилади.

Ўрта ва юкори синф ўқувчилари учун мўлжалланган дарсликларни нашр этишда мактаб шрифти услуби қаторида адабий расм услугбини ҳам қўллаш мумкин. 32- жадвалда турли хил шрифт расм услуглари (гарнитуралари) кўрсатилган.

Матнда ажратилган сўз ва жумлаларни тўғри яrim қуюқ ёки қуюқ қора шрифт билан териш тавсия этилади. Сўзларни ёки айrim жумлаларни ажратиб кўрсатиш учун ҳарфлар орасини очиб терилади.

8—11- синф ўқувчилари учун мўлжалланган дарсликларда майда шрифт (петит) билан саволлар, вазифалар, сарлавҳа остидаги ёзувлар терилиши мумкин. Петитдан юкори синф дарсликларидағи қўшимча матнларни теришда фойдаланиш мақсадга мувофик эмас ва зарур ҳоллардагина бундай матн 12 қатордан ошмаслиги зарур.

Дарсликларни безашда ҳарф ва белгилар тўпламига бўлган талаблар маълум полиграфик белгиларнинг ўзаро

**Дарсликларни нашр этишда құлланадиган шрифт расми
(гарнитурасы) кегллари, ҳарфлари ўлчами ва штрихи**

Дарсликлар	Шрифт расми	Матн учун шрифт, кеглли асосий қолип-литер	Кичик «н» ҳарфи ўлчами, мм	Асосий чизиқ — штрих көнглигі, мм
Алифбо: тайёрлов алифбо (ҳарф) қисмі, алифбодан кейнинг қисм 1-синф дарсликлари 2-синф дарсликлари 3—4-синф дарсликлари 5—7-синф дарсликлари 8—11-синф дарсликлари	Алифбога оид Б1 7—71 Үйма журналли Жр 2—71 Алифбога оид ва үйма журнал Мактабга оид Ш1 23—71 үйма журнал Мактабга оид, адабий Л1 33— 72, үйма жур- нал Жр1 2—71 мактабга оид Ш1 23—71, адабий Л1 33— 72 үйма журнал Мактабга оид, адабий үйма журнал	48 дан 36 пунктгача 28 дан 20 пункт гача 16 пункт 18 пункт 14 пункт Н/шпон 16 пункт шпон 14,12 пункт шпонларда 10 пункт шпонда	8—6 4,5—3,5 2,8 2,3 2	1,5 0,5 0,5 0,3 0,3 0,25 0,25

Изоҳ: Н/Ш1 — шпон бирлиги, қаторлараро масофани (интерлинъяж) катталаштириш учун ишлатиладиган темир пластинка

Боғлиқлик шартини белгилайди: қатор узунлиғи, қаторлараро масофа, ҳошиялар, босма зичлиги ва ҳоказолар.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар 20,16 ва 14 кеглли шрифтларни күра оладилар ва бунда қатор узунлиғи 126—130 мм дан ошмаслиги керак. Юқори синфлар дарсликлари учун кегл 12—10, қатор узунлиғи эса 98—113 мм бўлган шрифтлар тавсия этилади.

Дарсликларда матнни икки устунли қилиб териш максадга мувофик эмас, чунки бу кўзнинг қатордан-қаторга ўтиш харакатларини кўпайтириб, янги қаторни топишда қийинчиликлар яратади. Луфатлар, маълумотномалар ва ўқиши учун мўлжалланган китоблард икки устунда терилади.

Ҳарфлар тўплами зичлиги 1 см² юзадаги белгилар сони бўлиб, ҳарф ва белгилар тўплами сифатини белгилайди.

«Ойнача» орқали кўринаётган қатордан 2 тадан, 14 ва ундан катта кеглда белгилар сони 10 дан, кегли 9—12 бўлгани босмада эса тўплам зичлиги 15 белгидан ошмаслиги лозим.

Бир турдаги белгилар тўплами — сарлавҳа, формула, жадвал, расмли илова белгилари битта дарслик учун бир хил бўлиши керак.

Дарсликлардаги барча иловалар аниқ бўлиши, матн ва иловалар орасида эса очиқ жой бўлиши зарур. Чизиқли ва турли тусда берилган иловалар учун энг кичик жой 4,5 мм (12 пункт), рангли иловалар учун 6,5 мм (12—18 пункт) дан кам бўлмаслиги лозим.

Дарсликлар аниқ, қуюқ тиник кора рангда ва текис босилиши лозим. Сарлавҳалар, дарсликларнинг асосий қисмларини белгилаш, хулоса, қоида, формула, баъзи бир атамаларни ажратиб кўрсатиш учун рангли босмадан фойдаланиш мумкин, рангли босма оқ асосда, шунингдек кора босма рангли асосда (оч зангори, оч яшил, сариқ, тўқ сариқ ранглар) берилиши мумкин, кизил асосда оқ босмани ҳам қўллаш мумкин. Аммо дарсликларни жиҳозлашда турли ранглардан фойдаланиш кўриш қобилиятининг психологияси ва физиологиясига таъсир кўрсатади. Босма сифати кўп жиҳатдан қофоз сифатига ҳам боғлиқ.

Дарсликларни босиш учун мўлжалланган қофоз матн босмасини аниқ ва равшан кўрининишини таъминлаши лозим, бу босма белгилари ўртасидаги фарқ ҳисобига бўлади. Бундай талабларга тиник оқ ёки оч сарғиш тусли, қайтариш коэффициенти 70 фоизга яқин бўлган қофозлар жавоб беради. Қофознинг бир тарафига босилган ҳарфлар унинг орка томонига ўтмаслиги керак, чунки акс ҳолда бу асоснинг хирадашувига олиб келиб, кўзнинг тез толикишига сабаб бўлади. Қофоз текис ишланган, силлик, кам жилоли бўлиши керак. Мактаб дарсликлари учун маҳсус қофоз турларини ишлаб чиқариш мақсаддага мувоғиқ. Хозирги вактда 8-синф дарсликларини босиша 1-сон оғсет ва 1-сон босма қофозлар ишлатилади. 2—10-синф дарсликларини нашр этишда 2-сон босма ва 2-сон оғсет қофозлардан фойдаланиш мумкин.

Сифатли қофозга босилган китобни узоқ вакт озода саклаш мумкин. Юмшоқ, юзаси ғадир-будур бўлган қофоз органик заррачалар билан осон ифлосланиб, микроорганизмларни, жумладан, касаллик чақирувчи микробларнинг узоқ вакт давомида яшашига шароит яратади. Масалан, сил чакирувчи микробактериялар ифлосланган китоб саҳифаларида 3—5 ой, гемолитик стрептококк эса

1 ой давомида яшайди (Д. И. Кантор). Дарсликларни муковалашда кам ифлосланадиган мустаҳкам материаллардан фойдаланиш муҳим. Муковалар учун қоғоз ва газлама, сунъий ва полимер қоплама материаллар тавсия этилади. Бундай материаллар болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқариш учун рухсат этилган материаллар рўйхатига киритилган бўлиши лозим.

Ҳарф ва белгилар тўпламининг форматини белгилашда «квадрат» тушунчаси қўлланилади. 1—4-синфлар учун тўплам формати $7-7\frac{1}{4}$ квадрат, 5—11 синфлар учун $5\frac{1}{4}-6\frac{1}{4}$ квадрат олинади. Турли босмахоналарда нашр қилинадиган дарсликларнинг вазни турлича бўлиши мумкин. Дарсликлар ва ўкув куроллари билан тўлган ўқувчилар жилди боланинг ёшига мос бўлиши керак. Агар мос бўлмаса, кичик мактаб ёшидаги болаларда қаддикоматнинг бузилишига, мактабгача бўлган масофа узок бўлган ҳолларда эса болаларнинг жисмоний толиқишига олиб келиши мумкин. Бошланғич синф дарсликларининг ҳар бирининг вазни 300 г дан ошмаслиги зарур.

Китобларни жиҳозлаш бўйича берилган гигиеник тавсиялар педагогик ва бадиий безаш талаблари билан ҳамжиҳат бўлиши лозим. Бундай китоб ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашга ёрдам беради.

Ўқувчиларни гигиеник жиҳатдан китобдан тўғри фойдаланишга одатлантириш зарур. Бу эса кўз фаолиятини саклайди. Уйда ва кутубхоналарда ўқиш учун китобни 45° бурчак остида ушлаб турувчи мосламалар тавсия қилинади. Юқори синф ўқувчилари китобни 35 см узоқдан ўқишилари мумкин. 8—9 ёшдаги болалар учун матнгача бўлган масофа 25 см бўлиши мақсадга мувофиқдир, 11—12 ёшли болалар учун бу масофа 30 см гача кўпайтирилади.

Ўқиш катта дикқат талаб этувчи оғир ақлий фаолиятга киради. Бунда фаолият давомида етарли миқдорда кичик-кичик танаффуслар уюштириш мақсадга мувофиқдир. 4—5-синф ўқувчилари учун ҳар 20—25 минут давом этган ўқишидан сўнг 6—10 минутли танаффус килиш тавсия этилади. Танаффусдан сўнг пасайған кўриш кобилияти тикланади, тана ҳолатининг ўзгартирилиши эса турғун ҳолатдаги зўриқиши йўқотиб, иш қобилиятининг тикланишига олиб келади.

БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИГА БҮЛГАН ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

Болалар саломатлигини саклаш тадбирлари қаторида уларнинг уст ва оёқ кийимларига бўлган гигиеник талаблар муҳим роль ўйнайди. Йил фаслининг ўзгаришига қараб болалар ва ўсмирлар кийимларининг хили ҳам ўзгаради. Кийимларнинг иссиқликни саклаш хусусиятига, бичилиши ва қалин-юпқалигига, қандай газмолдан тикилганлигига гигиеник томондан эътибор бериш лозим. Кийимлар етарли даражада ҳавони ўтказа оладиган, бадандан ажralиб чиқкан сув буғлари ва карбонат кислотага (CO_2) тўйинган ҳавони алмаштириб турадиган бўлиши лозим.

Кийим-бош инсонлар учун танани ташки муҳитнинг турли ноxуш таъсирларидан: паст ҳароратдан, ортиқча микдордаги қуёш нурларидан, ёғин-сочиндан, кимёвий жароҳатланишдан, чангдан, турли майда жароҳатлардан ҳимоя қилиш вазифасини ўтайди. Кийим-бош шунингдек болалар ва ўсмирларда эстетик тушунча ҳосил қилиб, маълум даражада тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Лекин унинг асосий вазифаси организмнинг иссиқлик йўқотишини камайтириш ва тананинг иссиқлигини энг яхши ҳолатда саклашдир. Инсон мўттадил микроклим шароитларини яратиш учун кийим-кечак, уй ва ҳоказолардан фойдаланади. Бунда жамият тажрибаси, урфодати, шунингдек иқтисодий шароитлар ҳам маълум ўрин тутади.

33- жадвалда йил давомида турли мавсумларда кийиладиган асосий кийим-бош турларининг кийиш давомийлигининг турли хиллиги кўrsatilgan. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, бизда деярли бутун ахолига қиsh пайтларида ўрта ёки юқори иссиқлик саклаш хоссалига эга бўлган кийим-бош керак.

33-жадвал

**Йил давомида (ҳафта ҳисобида) турли мавсумларда кийиладиган асосий кийим-кечак турларининг кийиш давомийлиги
(IV иқлим минтақасида)**

Минтақаларда	Мавсум		Кийим-кечак турлари			
	қиши	ёзги	ёзги	енгил костюм	енгил пальто	иссиқ пальто
IV А Б	14 12	15 22	4 12	6 10	20 12	8 —

Кийим-кечакнинг гигиеник хусусиятлари асосан уни тайёрлаш учун қўлланилган матолар сифатига боғлик. Болалар кийимларини тайёрлаш учун мўлжалланган газламаларни гигиеник баҳолашда тола хусусиятлари ва газлама тури, газлама вазни, унинг қалинлиги, ҳаво ва буғ ўтказувчанлиги, нам тортиш хусусияти (гигроскопик-лик), юкори ва куйи намлик сифими, иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятларини аниқлаш лозим. Бу ва баъзи бир бошқа кўрсаткичларни аниқлаш маҳсус лаборатория шароитида ўтказилади.

Газлама қалинлиги кийимнинг иссиқлик ўтказиш хусусиятига бевосита таъсир кўрсатади. Газлама қанчалик қалин бўлса, унинг иссиқлик саклаш хусусияти шунчалик юкори бўлади. Мато қалинлиги $20\text{ г}/\text{см}^2$ га тенг доимий босим остида миллиметр бирлигига ўлчанади. Кийим-бош тайёрлаш максадида кўлланадиган газламалар, жумладан батист қалинлиги $0,1\text{ мм}$ бўлса, драп ва устки трикотаж газламалар қалинлиги 5 мм гача боради. Мўйна қалинлиги янайм катта бўлиб, $30\text{--}50\text{ мм}$ га етади.

Газлама оғирлиги граммларда ўлчанади ва маълум юза хисобида 1 м^2 ёки 1 см^2 да олинади. 1 м^2 газлама оғирлиги турли хил газламалар учун ҳар хил: крепдешин учун 25 г , драп учун 77 г бўлади.

Газламаларнинг ҳаво ўтказувчанлигини аниқлашда маҳсус услублардан фойдаланилади. Энг паст ҳаво ўтказувчанлик драп, брезент, қалин сурп газламаларига хосдир.

Ҳаво ўтказувчанлик билан бир каторда газламаларнинг буғ ўтказувчанлиги — газламаларнинг сув буғларини ўтказиш хоссаси ҳам эътиборга лойикдир. Қиши кийимлар ҳам маълум буғ ўтказувчанлигига эга бўлиши лозим, аксинча улар тез намланиб колиб, иссиқлик саклаш хусусиятларининг пасайишига олиб келиши мумкин. Буғ ўтказувчанлик ва ҳаво ўтказувчанлик — бу газламанинг турли хоссаларидир. Ҳаво газламадан фильтрация орқали ўтса, буғ диффузия (сингиш) йўли билан ўтади. Сурп газлама энг юкори буғ ўтказувчанлигига эга, жун газламалар ундан камроқ, мўйна газламалар жуда кичик буғ ўтказувчанлигига эга. Энг паст буғ ўтказувчанлик сунъий газламаларга хос.

Буғ ўтказувчанлик лаборатория шароитида газламаларнинг маълум ўлчамини тарозида ўлчаш йўли билан аниқланади, бирлиги қилиб граммнинг майдон ва вакт бирлиги нисбатида олинади.

Нам тортиш (гигроскопик) деб, газламаларнинг ҳаводаги сув буғларини сингдириб, уларни маълум

вазиятда саклаб туриш хусусиятига айтилади. Бу хусусият етарли микдорда ички кийимлар учун ижобий бўлса, устки кийимлар учун салбий хисобланади. Устки кийимнинг намланиши иссиқлик саклаш хусусиятини камайтиради.

Кийим-кечакларнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг иссиқлик саклаш хусусиятидир. Иссиқлик саклаш хусусиятини баҳолаш учун «газламанинг иссиқлик каршилиги» тушунчаси қўлланилади. Иссиқлик қаршилиги — иссиқлик ўтказувчанилигига тескари бўлган хусусият. У 1°C даражада иссиқликда 1 m^3 газламадан 1 ккал иссиқлик ўтиш вақти билан белгиланади. Бундай текширишлар лаборатория шароитида ўтказилади. Одатдаги ва маҳсус бериладиган вазиятда, микроклимни бошқариш имкони бўлган шароитда инсон кийимининг иссиқлик каршилигини бевосита аниқлаш учун биотепломер асбоби ёрдамида тери ҳарорати ва иссиқлик оқими ўлчанади. «Иссиқлик оқими» ва «иссиқлик оқимининг зичлиги» тушунчалари организмнинг иссиқлик йўқотиш микдорини аниқлайди. Радиация (нурланиш) ва конвекция (ҳаво катламларининг алмашинуви) йўли билан вақт бирлигига йўқотилган иссиқлик микдори — иссиқлик оқими дейилади. Иссиқлик оқимининг тана юзаси бирлигига аниқланадиган микдори — иссиқлик оқимининг зичлиги бўлиб, у 1 ккал/ m^2 соатда белгиланади.

Тана юзаси ҳароратлари ва иссиқлик оқимининг ўртача солиштирма ўлчамлари тананинг 9—11 нукталарининг: бош, бўйин, тананинг олд ва орқа юзалари, қўл камари (елка, билак, кафт) ва оёқ камари (сон, болдир, оёқ кафти) кўрсаткичларини ўлчаш асосида аниқланади. Ҳисоблаш пайтида ҳар бир ўлчангандан тана қисмининг бутун юзасига нисбатан фойизда берилган кўрсаткич ўлчовларини эътиборга олиш зарур.

Инсоннинг ўсиш даврида бу ўлчамлар ўзгарувчандир. Шу сабабли катталар учун қабул қилинган тана қисмларининг бутун тана юзасига бўлган нисбат ўлчамларини болалар ва ўсмирларда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Лунден-Броудунинг турли ёшдаги болалар учун тавсия этган тана қисмларининг бутун тана юзасига фойизда берилган нисбийлик жадвалидан фойдаланиб, аниқ ҳисобкитоб маълумотларини олишимиз мумкин.

Тепломер ёрдамида ишлаш факат тананинг иссиқлик йўқотиши, асосан радиация (нурланиш) ва конвекция (ҳаво катламининг алмашинуви) йўли билан тарқаладиган шароитдагина мумкин. Тери ҳарорати бўйича иссиқлик ҳолатини субъектив баҳолаш: $28\text{--}29^{\circ}\text{C}$ совуқ, $30\text{--}32,1$ салқин, $32,2\text{--}33,2^{\circ}\text{C}$ кулай (мўътадил), $33,3\text{--}34,4^{\circ}\text{C}$ илик, $34,4\text{--}35,5^{\circ}\text{C}$ иссиқ, $35,6\text{--}36,5^{\circ}\text{C}$ жуда иссиқ.

Гигиеник нұқтаи назардан кийим-бош тұлқы комплекти деганда, уст-бош кийимларининг: ички кийим, устки кийим, бош кийим, оёқ кийими, құлқоплар йиғиндиши тушунилади.

Терига бевосита ёпишиб турувчи ички кийимлар терининг тахминан 80 фоизини қоллаб туради. Ички кийимларнинг асосий вазифаси терини суюқ (күп миңдорда ҳосил бұлгувчи тер томчилари), қаттық (тери ёғи, эпидермис ҳужайраларидан) ва газсимон (карбонат ангидрид) ажратмалардан тозалаб туришdir. Газламаларнинг терини тозалаш хусусияти кирланиш жарайёни давомида камайиб бориб, 5—7 кундан кейин батамом тұхтайди. Ички кийимлар тез-тез, осон ювиб туриш мүмкін бўлган матолардан тикилиши лозим. Сийрак, серғовак тўқилган газламаларни ювиш анча енгилдир. Доимий равишда ажралиб турувчи терни ўзига сингдириш учун ички кийимлар гигроскопик ва нам тортиш хусусиятига эга бўлиши керак. Танага бевосита ёпишиб турадиган ички кийимлар ҳаво алмашинувини таъминлаши учун, буғланётган тер ва газсимон моддаларни ажратиб чиқариш учун қурук ва нам ҳолатда ҳам юқори ҳаво ва буғ ўтказувчанлик хусусиятларига эга бўлиши зарур. Болалар ички кийимларини, жумладан тунги кўйлак ва пижамаларни сурп, ипли трикотаж газламалардан тикиш энг қулай ҳисбланади. Шунингдек, табиий ипакли, баъзи ҳолларда жун газламаларини ҳам болалар ички кийимларини тикиш учун тавсия қилиш мүмкін. Сунъий газламалардан ички кийим тикишда вискозали трикотаж қўлланади. Нейлон, капрон ва шу каби газламалардан тайёрланган ички кийимлар болалар учун тавсия қилинмайди.

Янги туғилган чақалок кийимлари юпқа ва юмшоқ сурплардан тикиладиган кўйлакча, паҳмоқ кўйлакча ва чақалоқни боши ва қўлларини беркитиб ўраш учун йўргаклардан иборат. Тахминан 2-ҳафтадан бошлаб гўдакка кўйлакча ва иссиқ паҳмоқ кофтача кийгизилади.

Эрта болалик давридаги кийимлар юмшоқ, кам иссиқлик ўтказувчи сурп ва паҳмоқ газламалардан тикилади.

Бола 9 ойлик бўлгач, юришга ўргана бошлайди, бу даврда пол унинг асосий ўйин жойи бўлиб қолади. Совук қотишнинг олдини олиш учун болага паҳмоқ кофтача, боғичли узун иштончалар, пайпоқ ва оёқ кийими кийгизилади. Ёзги кийим тикиш учун қўлланадиган газламалар юқори ҳаво ва буғ ўтказувчанлигига эга бўлиши лозим. Улар ультрабинафша нурларини ўтказиши, имкони борича иссиқлик нурларини қайтариши ва ювилганда ҳам бу

хусусиятларни саклаб қолиши керак. Бундай хусусиятларга батист, чит ва табиий ипак газламалари эга. Табиий ипак газламаларининг буғ ўтказувчанилиги ва намтортиш кўрсаткичлари чит, сурп газламаларига нисбатан камроқ ва бунинг устига қимматроқ ҳам.

Боғча ёшидаги болалар қишки уй кийимини тайёрлашда чит, сурп, кийимнинг иссиқлик саклаш хусусиятларини оширувчи паҳмок, чийдухоба, жун газламалар керак бўлади. Киз болалар кўйлакларини тикишда таркибида нитротола 30 фоизгача ва вискоза — лавсан толалари 40 фоиз бўлган жун газламалар қўлланади. Булар газламанинг гигиеник хусусиятларини озгина ўзгартиради ва шу билан бир қаторда уларнинг чидамлигини оширади.

Кузги, баҳорги мавсумга мўлжалланган устки кийимлар жумласига жунли трикотаж кастюмча, калта камзул (куртка) ёки комбинезон киради.

Қиши пайтида кийиладиган устки кийим-бошлар иссиқликни саклаш хусусиятларига эга бўлиши лозим. Юқори даражада иссиқликни саклаш хусусиятларига юнгли кийимлар эга, аммо бу турдаги қўй юнгидан тайёрланган кийим оғир ва қўпол бўлиб, боланинг сайдар пайтидаги харакатларини чеклаб қўяди. Паҳтали, драпдан тайёрланган кийим оғир ва қўпол бўлиб, бола учун нокулай. Паҳтали, драпдан тайёрланган қишки пальтоларда ҳам шу камчиликларни кузатиш мумкин. Сўнгги вактларда болалар қишки кийимлари тўплами таркибига: шамолдан ҳимоя қилувчи устки сунъий плашбоп мато, иссиқни саклаш учун паҳта, ватин ёки қалинлиги 4 мм га teng пенополиуретан ва сатин тавсия этилган. Бундай кийим икки соат давомида ҳаво ҳарорати — 3 дан — 14°C гача ва шамол тезлиги 3 м/с гача бўлган иқлим шароитида сайдар килиш вактида боланинг иссиқлик ҳолатини яхши саклаш имконини беради. Шамол кучайган вактларда кийимлар учун юқорида санаб ўтилган газламалар тўплами қулай иссиқлик ҳолатини узок вакт саклайди. Бундан ташқари, бундай кийим енгил бўлиб, турли ранглар билан безаш имкониятларини яратади.

Алоҳида кийим тури бўлиб — ухлаш қоплари (халталари) ҳисобланади.

Болалар муассасаларида кундузги уйқу очик ҳавода ташкил этилиши керак. Бу мақсадда йилнинг совук даврларида ухлаш қопларидан фойдаланилади.

Уйқу вактида организмнинг энергия йўқотиш жараёни анча камаяди, моддалар алмашинуви секинлашади, тана ҳарорати бир мунча пасаяди, шу сабабли ухлаш қоплари

иссиқлик сақлаш хусусиятларига эга бўлиши лозим. Уйқу қоплари ички ва ташқи олиб қўйиладиган сурп — филоф билан қопланган, қавилган пахта ёки жундан тайёрланади.

Мактаб ёшидаги болалар кийимлари ҳам боғча ёшидаги болалар кийимлари учун кўйилган гигиеник талабларга жавоб бериши лозим. Бу газлама ва кийим бичиғига тегишли. Бироқ мактаб ўқувчисининг ҳаёт тарзи ва фаолияти ўзгачадир. Кийимга бўлган талаблар мактаб формаси ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун мўлжалланган кийимлар учун кўрсатилган талаблар билан тўлдирилиши лозим. Мактаб формаси иклимга мос бўлиши керак.

Кимёвий газламаларнинг (вискозали газламалардан ташқари) кичик сингдирувчанлиги кийимларда электр зарядларининг тўпланишига замин яратади. Ҳозирги вактда статистик заряднинг $0,15 \text{ кв}/\text{см}^2$ тенг катталиги — чегара олди, $0,3 \text{ кв}/\text{см}^2$ — чегара катталиги деб қабул килинган.

Болалар кийим-кечакларини тайёрлашда сунъий толалар турли хил кийимлар учун тавсия этилган микдордагина, табиий толалар билан аралашма ҳолида қўлланади. Синтетик толалар (сунъий) аралашмаларини сурпга эмас, балки трикотаж матоларига аралаштириш мақсадга мувофиқдир, чунки уларнинг тўқилиши қисман гигиеник нуқтаи назаридан асосий моддаларнинг физикавий-гигиеник хусусиятларини яхшилаш имконини яратади.

Пойабзалларга бўлган гигиеник талаблар. Пойабзал кийим-кечакнинг бир қисмини ташкил қиласди. У организми совук олишдан ва ортиқча қизиб кетишдан, товонни механик жароҳатланишдан ҳимоя қиласди ва товон гумбазини тўғри ҳолатда ушлаб туришда мушак ва пайларга ёрдам бериб, рессорлик ва амортизаторлик вазифаларини бажаради.

Болалар ва ўсмирлар пойбзали учун ишлаб чиқилган гигиеник талаблар организмнинг ривожланиши давридаги товон ва оёқнинг ўзига хос тузилишини эътиборга олган ҳолда унинг шакли ва тузилишига ҳамда пойабзал тайёрланадиган хом ашёга бўлган талаблардан иборат. Бу талабларга жавоб бермайдиган оёқ кийимларини кийиш фақатгина юриш вактида ноқулайликларга сабаб бўлмай, балки болаларнинг ҳаракат фаоллигини ҳам камайтиради ва оёқнинг кўплаб касалликлари ва нотўғри ривожланишига олиб келади.

Болаларнинг оёқ кафти радиал шакли (радиус бўйлаб шуъласимон тарқалгани) билан ажралиб туради, бунда

энг катта кенглик бармокларнинг сўнгги фалангалирида бўлиши билан характерланиб, елпифисимон шаклга эга. Катта ёшдаги кишиларда энг катта кенглик 1—5 оёқ бўғимлари бўлади. Болалар оёқ кафти катталарнидан ўзгача бўлиб, товон ва оёқнинг олд қисмларининг бирбирига нисбати орқа қисмининг узуунроқ бўлиши билан фарқ қиласди. Буни пойабзалнинг колип шаклини ишлаб чиқарилаётганда эътиборга олиш зарур. Болалик даврида оёқ кафти скелети ўсиши ҳисобига ривожланади. Уларнинг суякка айланиши фақатгина ўсиш тўхташи билан тугалланади, шунинг учун боланинг оёқ кафтлари механик таъсирлар остида шаклини осон ўзгартиради. Шу сабабли эгилувчанлигини, қалинлигини, пойабзал вазнини, шунингдек унинг иссиқлик сақлай олиш қобилиятини ҳам гигиеник нормаллаштириш лозим. Пойабзал тагчарми қулай бўлиши керак.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, етарли эгилувчан бўлмаган пойабзал каби ҳаддан зиёд юмшоқ пойабзал ҳам доимий кийилган вактда болаларда яssi товонлик ривожланиши мумкин. Пойабзал юкори ҳаво алмасниш, юкори иссиқлик ва намлиқдан химоя қилиш хусусиятларига эга ва эгилувчан бўлиши лозим. Бу хусусиятлар патакка ҳам боғлиқ. Эгилувчанлик кўрсаткичи тагчарм қалинлигига боғлиқ, шунинг учун тагчарм қалинлиги ёшга ва хом ашё турига қараб белгиланади.

Пойабзал тагчарми учун энг яхши хом ашё — теридир. Сўнгги вактларда табиий терига нисбатан иссиқлик сақлаш хусусияти юкори бўлган янги сунъий материаллар ишлаб чиқилди ва улардан болалар пойабзали ишлаб чиқарила бошлади. Бу материаллардан тайёрланган тагчармлар пойабзалнинг сирпанишини камайтириб, жароҳатланишларнинг олдини олади. Болалар пойабзалларини конструкциялашда пошнани ҳам назарда тутиш керак. Пошна баландлиги боғча ёшидаги болалар пойабзаллари учун 5—10 мм, 8—10 ёшли мактаб ўқувчилари пойабзаллари учун 10—20 мм, 13—17 ёшли юкори синф ўқувчилари пойабзали учун 20—30 мм бўлиши зарур. 13—17 ёшли қизларнинг байрамларда киядиган пойабзали учун баландлиги 40 мм бўлган пошна рухсат этилган.

Ўсмир қизлар учун доимий равишда баланд (4 см дан юкори) пошнали пойабзал кийиш заарли бўлиб, оғирлик марказининг олдинга силжиши ҳисобига юришни кийинлаштиради. Баланд пошнали пойабзалда юриш вактида турғун мувозанат сақланмайди, товон олдинга сирпаниб, бармоклар тикилиб қолади, оёқ кафтининг олди қисмига тушаётган оғирлик ортиб, бармоклар тўғри шаклланиши-

нинг бузилишига олиб келади. Пойабзал оёқни қисмаслиги, кон ва лимфа айланишини қийинлаштираслиги, оёқнинг табиий ўсишига ҳалақит бермаслиги керак. Бизнинг мамлакатимизда болалар пойабзаллари уларнинг ёши ва жинсини назарда тутиб ишлаб чикарилади.

Ҳар бир турдаги пойабзал бир неча ўлчамли бўлади (ҳар бир ўлчам орасидаги фарқ — 5 мм). Пойабзал ўлчами оёқ кафтининг узунлиги ва бармоқларга 10 мм қўшиш билан аникланади. Факат шу ҳолатларда пойабзал бармоқларнинг турли шакл ўзгаришларининг олдини олади ва юриш пайтида қулайлик яратади.

Қишида жундан тайёрланган пийма кийилади. Унинг афзалликлари: юқори иссиклик саклаш хусусиятлари ва енгиллиги бўлса, камчилиги эса оёқ кафтининг ҳаракатини чегаралashiдир. Бундай пойабзални хонада ечиш зарур. Шимол ҳалқларининг пойабзали юқори иссиклик саклаш хусусиятларига эга бўлган мўйнали этикдир (ичи ва усти юнгли), у енгил бўлиб юришга қулай ҳисобланади.

Оёқни намиқишдан саклаш мақсадида кузда ва баҳорда резина этиклар кийилади. Болалар бундай пойабзалларни иложи борича камрок кийишлари керак. Бундай этиклар бутқул ҳаво ўтказмаслиги туфайли оёқ терлашига сабаб бўлади. Тер этикнинг ичидаги намлики ошириб, натижада пойабзал намиқади. Бу нохуш таъсир жунпайпок, яхши намлик тортиш хусусиятига эга бўлган қалин пайпок кийилганда ва патак солингданда камаяди. Патаклардан фойдаланилганда тананинг иссиклик ҳолати яхшиланади, тагчарм совук ва нам тупроқ орқали иссиклик йўқотишга қаршилик кўрсатади. Шу турдаги нохуш ҳолатларни кеда ва яримкедалар ҳам юзага келтиради, шу сабабли уларни узок вакт ёки доимо кийиб юриш мумкин эмас.

Пайпоқлар табиий ипдан бўлгани маъқул. Ревматизм (бод), буйрак касалликлари, тери ва аллергик касалликлар билан оғриган болаларга сунъий толадан тўқилган пайпоқлар кийиш қатъян ман қилинади. Болалар муассасаларида пойабзални куритиш, саклаш ва унга қараш шароитларини яратиш лозим. Ҳар кимнинг ўз шахсий пойабзалидан фойдаланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарур.

Болалар кийим-кечакларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган газлама ва бошқа хом ашёлар гигиеник текширувдан ўтказилади. Кийим сифатини баҳолашда тўғри кўрсаткичлар билан бир қаторда, сўров йўли билан ота-оналар ва болалар муассасалари ходимларининг фикри ҳам эътиборга олинади.

Санитария врачлари болалар кийим-кечаклари устидан назорат қилувчи бадиий кўриқда иштирок этиб, кийим-кечакларни ишлаб чиқариш бўйича газламаларни қўллаш ва уларни болалар ёши ва фаолиятига мос қилиб бичиштишиш бўйича тавсиялар беришади.

Болалар ўйинчоқларига бўлган гигиеник талаблар. Боғча ёшидаги бола ўзини ўраб турган оламни ўйин ва ўйинчоқлар орқали англаб, ўрганиб боради. Бир ёшгача бўлган болалар билан олиб бориладиган тарбия ишлари улар ривожланишининг ўзига хос томонларини эътиборга олган ҳолда ташкил этилади. Бу ёшдаги болалар билан ўтказиладиган тарбиявий ишлар харакат жараёнларини такомиллаштирувчи ўйинчоқлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Ўйинчоқлар етарли даражадаги катталиқда, ёрқин рангли, товуш чиқарувчи ва ушлаш учун қулай бўлиши лозим. Турли хил шиқилдоклар, ҳалқалар, резина ўйинчоқлар кенг тарқалган, 4—5 ойлик бола ўйинчоқларни олиб кўлида ушлаб тура олади, бир ёшга етганда эса мустақил анча вакт ўйнайди. 2—3 ёшли болалар ўйинлари борликни тасвиrlаш ва акс эттиришга мойиллиги билан ажралиб туради.

Ўйинчоқларни гигиеник баҳолашда улар тайёрланадиган хом ашё таркибида инсон соғлиғи учун заҳарли, зарарли бўлган аралашмалар бўлмаслигини эътиборда тутиш керак. З ёшдан катта болалар учун мўлжалланган ўйинчоқларни тайёрлайдиган хом ашё таркибида рух миқдори — 5 мг/л дан, маргимуш — 0,05 мг/л дан, кўргошин — 0,03 мг/л дан, симоб 0,0005 мг/л дан кўп бўлмаслиги лозим.

Еғоч, металл, картон, газлама каби материаллар фактат янгилигидаги ишлатилади. Чиқиндини қўллашга рухсат этилмайди.

Хозирги вактда катта миқдорда кимёвий ва полимер материалларидан ўйинчоқлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай ўйинчоқлар рангли, эластик бўлиб, осон ювилади. Аммо бундай ўйинчоқлар ишлаб чиқариш устидан қаттиқ санитария назорати бўлиши зарур, чунки улар ташки муҳитга баъзан юқори миқдорда зарарли моддалар ажратиб чиқариши мумкин. Шунинг учун улар болалар санитар врачи рухсат берган ва маълум миқдорда назоратдан ўтган материаллардан тайёрланади.

Барча ўйинчоқлар ёнғинга чидамли, хавфсиз бўлиши лозим. Материалларнинг ёнғинга чидамлилигининг миқдор кўрсаткичкни аниқлаш услуги таклиф қилинган. Бунинг учун материалнинг 500×100 мм катталиқдаги намунаси штативга вертикал ҳолда илинтириб қўйилади.

Намунанинг пастига 45° бурчак остида материалга етадиган қилиб олов ёқилади. Олов баландлиги — 200 мм бўлади. Оловнинг намуна ёниши бошлангунча бўлган таъсир давомийлиги 15 секундни ташкил этади. Шундан сўнг намунанинг юкори қисмигача ёниш вакти аниқланади. Олов тарқаш тезлиги қилиб олов чегараси бўйлаб, унинг текис чизикли тезлиги қабул қилинган ва у минутига 500 мм дан ошмаслиги зарур (В. Стан).

Шакл ва тузилишига нисбатан ўйинчоқ қулай ва хавфсиз бўлиши, текис юзали ва қирғоқлари яхши ишланган (айниқса, темир ўйинчоқларда), ўткир бурчакларсиз, майда ва осон ажralадиган қисмларсиз бўлиши керак. Бунда шиқилдок ва бошқа ўйинчоқлар оғирлиги З ёшгача бўлган болалар учун 100 г дан ошмаслиги лозим.

Йирик ўлчамли, сувда ўйнаш учун мўлжалланган пулфама ўйинчоқлар 300 н дан кам бўлмаган босимга чидамли бўлиши керак.

Боғча ва мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган тузилиши мураккаброқ бўлган ўйинчоқларни баҳолашда текшириш ишлари кенгаяди. Масалан, оптик ўйинчоқларни (дурбин фильмоскоп) баҳолашда унинг кўзни зўриқтираслигига, кўрилаётган жисмлар тасвирида тебранма ҳаракатлар бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиш керак. Улар кўрилаётган ҳарф тасвирининг баландлиги (асосий штрих) 2,75 мм дан кам бўлмайдиган катталаштириш кучига эга бўлиши шарт. Фильмоскоп окуляри тасвирини 6 мартадан ортиқ катталаштирувчи бўлиши керак. Оптик ўйинчоқлардан ва тузилмалардан қаралаётган пайтда жисмларнинг кўзга яқинлашуви 250 мм дан кам масофада бўлмаслиги лозим. Товуш чиқарувчи ўйинчоқларда эса шовқин кучи 50 см масофада 65 дб дан ошмаслиги зарур.

Болалар тўппончаси, тўпи ва шу каби турдаги ўйинчоқларда отилувчи ўқ сифатида ўткир қиррали жисмлар ва портловчи моддалар ишлатиш мумкин эмас. Отилувчи ўқлар резина ёки бошқа хил юмшок материаллардан тайёрланган ҳимоя қилувчи мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ўйинчоқларга ранг танлашда қуйидаги талаблар қўйилиши лозим: қўлланаётган лак ва бўёқлар мустахкам ва ёпишқоқ бўлмаган парда ҳосил қилиши, ҳидсиз бўлиши, иссик (60°C) совунли сувда ёки хона ҳароратидаги 2 фоизли хлор эритмаси билан З дақиқа давомида ювилганда рангизланмаслиги лозим. Буёқ пардаси сўлак ва тери таъсирига ҳам чидамли бўлиши керак. Бу хусусиятлар сўлак ва тер таркибига яқин бўлган синовчи

эритмалар ёрдамида текширилади (HCL, NaON). Кимёвий аралашмаси бўлган бўёқ, лак ва бошқа материалларни кўллашдан олдин, улардан болалар ўйинчоқларини ясашда фойдаланиш учун рухсат берилганлигини аниқлаш зарур.

Х БОБ

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИНГ МЕҲНАТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ГИГИЕНАСИ, КАСБ АНИҚЛАШ ВА ТАНЛАШДА ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

Болаларни мактабда ўқишининг биринчи йилидан бошлаб меҳнатга ўргатиш тарбиявий ахамиятга эга бўлибгина колмасдан, балки уни тўғри ташкил қилиш саломатликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мактабдаги меҳнат машғулотлари ҳам ўқув дарслари ҳисобланади. Меҳнат дарслари дастури болалар ёшига, жинсига ва кучига мос равишда тузилади ва уларга жамият учун фойдали ишларни бажаришга ўргатади. Меҳнат дарсларида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат биргаликда ўтилади.

Меҳнат дарси асосан мактабдаги мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларига қараб олиб борилади. Кейинги пайтларда мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш марказларида (ЎИЧМ) ўқувчилар учун касб бўйича меҳнат ва политехника дарслари олиб борилмоқда. Бундай меҳнат дарслари дастури гигиеник талабларга мувофик тузилиши ва врач назоратида бўлиши лозим.

Хозирги кунда жумхуриятимизда амалга оширилётган умумтаълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилиш ягона меҳнат, политехника мактаб коидаларини ижодий жиҳатдан ривожлантиришга асосланган ҳамда ёшлар билими ва тарбиясини янада юкори дараҷага кўтаришга, уларни мустақил меҳнатга ўргатишга ҳамда аста-секин ўмумий ҳунар таълимига ўтишга қаратилган.

Бизнинг мактабларда умумполитехник таълим бериш асосий фанларни, аввалам бор физикани, кимёни, биологияни замонавий кўринишда ўрганишни, бу фанлар ютуқларидан ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигига кенг фойдаланишни кўзда тутади. Умумполитехник таълим ўқувчиларга меҳнат тарбиясини бериш билан биргаликда амалга оширилади. Мактабларда меҳнат таълими ва тарбиясини беришнинг асосий мақсади ўқувчиларда меҳнатга, меҳнат аҳлига нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат уйғотиш, уларни замонавий аппарат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш

асослари, курилиш, транспорт, хизмат кўрсатиш соҳалари билан таниширишдан иборатdir. Янги ислохотга кўра, 1—4- синф ўқувчилари қўл меҳнатининг оддий усуулларини бажара олишлари, қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш, ўқув қуролларини тузатиш, мактаб ва боғчалар учун фойдали буюмларни ясаш каби ишларнинг содда йўлларини билишлари зарур. Ўрта мактабнинг 8- синифдан бошлаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарида, ўқув цехларида ва ташкилотларида таълим олишади. 9—10- синф ўқувчилари тўла, асосли умуммеҳнат тайёргарлигига эга бўладилар, металлга, ёғочга ишлов бериш йўлларини эгаллайдилар. Электротехника, металл юритиш асослари билан танишадилар ва халқ хўжалигининг асосий тармоқлари ҳақида тушунчага эга бўладилар. 10—11- синфларда эса ЎИЧМларида эҳтиёжга қараб турли касбларга ўқитилади. Ўқиши жараёнини муваффакиятли эгаллаб, амалда ўша билимларни кўллай оладиган укувли ўқувчиларга жорий этилган қоидалар бўйича касб гувоҳномалари берилади.

Ўқувчиларга доир «Ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси, таълими, касб танлаши ва фойдали жамоат ҳамда ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил этишини яхшилаш ҳақида»ги карори умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг меҳнат таълимини такомиллаштириш ва касб танлашни тўғри ташкил этишга қаратилган. Ўқув режаларида меҳнат таълимига, фойдали жамоат ва ишлаб чиқариш меҳнатига куйидагича: 2—4- синфларга 1 ҳафтада 3 соат, 5—7- синфларда 4 соат, 8—9- синфларда 6 соат, 10—11-синфларда 8 соат вакт ажратилади. Ўқувчиларнинг касб танлашини яхшилаш мақсадида уларнинг фойдали меҳнат билан шуғуланишлари учун ишлаб чиқаришда, ўқув цехларида, корхоналарда, мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш корхоналарида, мактаб ўрмончилиги хўжаликларида ва бошқа жойларда иштирок этишлари ҳамда уларни ёзги таътил давомида халқ хўжалигининг турли ишларига кўнгилли равишда жалб этиш қабул килинган.

Бизнинг текширувлар шуни ҳам кўрсатдики, бошлангич синф болаларининг меҳнат дарслари кўпроқ очик ҳавода ўтказилса, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланади (М. Н. Исмоилов, В. М. Лосев, 1991). Тўлиқсиз ўрта мактабда 5—7- синф ўқувчилари анча кенгрок умумий таълим тайёргарлигини оладилар, металлга, ёғочга ишлов бериш бўйича билим ва амалий маҳоратни эгаллайдилар, график электроника билимларини оладилар, табиатни кўриқлаш ҳақида ғамхўрлик қиласидилар.

Мактабда техника ва ишлаб чиқариш таълими беришнинг физиологик-гигиеник асослари. Мактаб ягона педагогик фаолиятнинг ажралмас қисмигина бўлиб қолмасдан, бошқа ўкув машғулотлари қаторида ўкувчиларнинг ёшига ва қобилиятига мос келиши лозим. Болалар ва ўсмирлар кўпроқ жисмоний меҳнат билан шуғуллансалар улар соғлом ўсадилар, жисмоний меҳнат юрак-томир ва нафас фаолиятини яхшилади, моддалар алмашинувни кучайтиради, сук-мушак системасини мустахкамлайди, чидамлиликни, иш қобилиятини оширади, аниқ ҳаракат қилишни ривожлантиради. Янги шартли рефлексларни юзага келтиради. Кўпчилик ўкувчиларда тезлик ортиши билан бир вактда иш сифати ҳам ортади. Меҳнат дарсларининг ижобий таъсири деярли ҳаракатсиз ва аклий меҳнат тарзида ўтадиган фаолиятни бошқа тарзда ўтадиган фаолият билан алмаштириш, яъни жисмоний иш билан алмаштириш орқали амалга оширилади. Бу эса толикишни камайтиришга шароит туғдиради. Ўкув устахоналарида машғулот олиб бориш асаб-мушак аъзоларига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳаракатлар аниқ ва тўғри бўлиб боради, ҳаракат қобилияти ривожланади. Меҳнат дарсларидан кейин мушак чидамлилиги 13—22 фойзга ортади. Бундай ажойиб таъсирлар билан биргаликда жисмоний меҳнатнинг соғломлаштирувчи таъсири меҳнатнинг турига, оғир-енгиллигига, болалар ёшига, жинсига боғлиқдир. Соғломлаштирувчи таъсир бундан ташқари меҳнат таълими тартибига риоя қилиш ва гигиеник талабларни бажариш билан рўёбга чиқади.

Меҳнат дарсларининг вакти ва бажариладиган ишнинг тури меъёр билан белгиланади. Услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилган меҳнат дарси ўкувчиларнинг иш қобилиятини шу дарсдан кейин янада юкори даражага кўтарилишини таъминлаши зарур.

Узок вакт бир хил иш билан шуғулланиш (бу ҳолат кўпинча мактаб устахоналарида кузатилади), асосан арралаш, рандалаш, кесиш, пармалаш каби ишлар ҳамма мушакларнинг навбат билан ишлашини таъминлай олмайди. Бу эса тана фаолиятига салбий таъсир кўрсатади (физиологик функциялар бошқаруви бузилади, коннинг O_2 билан тўйиниш даражаси, ўкувчиларнинг иш қобилияти пасаяди) ва тез толикишга олиб келади. Бир хил ишни бошқа хилдаги иш билан тез-тез алмаштириб туриш лозим. Ҳаракат билан ва фақат куч билан қилинадиган ишлар тўғри тақсимланиши керак.

Тананинг физиологик сарфлар даражаси ишнинг турига ҳамда оғирлигига боғлиқдир. Масалан, меҳнат

дарси 2 марта ўтказилади, амалий ишнинг умумий давомийлиги 3- синфлар учун 30—35 дақиқадан ошмаслиги керак.

Ўқувчига дарс бошида батафсил тушунтириб ўтиш мақсадга мувофиқ эмас, унга мустақил иш бажариши давомида вазифанинг маълум бир қисмини бажаргандан сўнг ишнинг қолган қисмини тушунтириш керак.

Кетма-кет 2 та меҳнат дарсини ўтиш тавсия этилмайди. Агарда 2- дарс ҳам меҳнат дарси бўлса, унда дарснинг охири 15—20 минутида болаларнинг дикқатини ўтириб бажариш мумкин бўлган енгил ишларга жалб қилиш керак. Шундай қилганда ўқув машғулотлари давомида физиологик кўрсаткичлар анча юкори бўлади. Гигиенистларнинг текширувига кўра устахоналарда икки соат давомида дарс ўтиш ўқувчини толиктиради, шунинг учун кичик синф ўқувчилари учун бундай дарслар тўғри келмайди.

Амалий меҳнат ўқувчиларнинг меҳнат дарсларида асосий ўрин эгаллайди, лекин у дарснинг 60—65 фоизидан ошмаслиги лозим. Ўрта ёшдаги мактаб ўқувчиларининг узок вақт бирдай иш бажара олмаслиги хисобига мустақил ишлаш давомида 3 дақиқалик танаффуслар ташкил этиш керак. Дурадгорлик, слесарлик, тикувчилик ишлари 10—13 ёшли ўқувчиларда юрак-томир, мушак ва марказий асаб системаларининг зўриқишига олиб келади. Шунинг учун асосий меҳнат операцияларини узлуксиз бажариш вақти 5- синф учун 10 дақиқа, 6- синф учун 13 дақиқа, 7- синф учун 16 дақиқа, тикув машиналарида эса 5- синф ўқувчилари учун 12 дақиқа, 6—7- синфлар учун 15 дақиқадан ошмаслиги даркор. Асосий ва ёрдамчи ишларнинг кулай таксимоти техник меҳнат дарсларида 80 фоиздан, тикувчилик дарсларида 50—70 фоиздан кўп бўлмайди. Ҳар бир ўқувчининг иши давомида 3—4 та асосий ишларни алмаштириб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларнинг фойдали жамоат ишлаб чиқариш меҳнати билан шуғулланишлари учун меҳнат дарси ўтилмайдиган куни ўқув хафтасидан вақт ажратилиди. Бундай фойдали меҳнат дарс тугагандан сўнг, албатта ҳеч бўлмаганда 1 соат ўтгач бошланади, яъни, бу вақт ўқувчиларни тамадди килиб олишлари ва бир оз дам олишлари учун зарурдир. Бундай машғулотлар 2—4- синфлар учун хафтада 1 соат, 5—11- синфлар учун эса 2 соат ўтказилади.

Меҳнат таълимини гигиеник ташкил этишда кундалик ва ҳафталик дарс тартибида меҳнат дарсининг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Мехнат дарслари агар ўқувчилар роса толиққунига қадар ҳамда 1-сменанинг 3—4- дарсларида ўтилса, кейинги дарсларда ўқувчиларнинг иш қобилияти ошади. Агар меҳнат дарси куннинг охирги соатларида ўтилса, ижобий таъсир кам бўлади.

Меҳнат жараёнида қизлар ва болаларнинг функционал ҳолати ва иш қобилияти турличадир.

Бунда жинсий фарқ фақатгина баъзи аъзоларнинг фаолиятидагина эмас, балки организмда намоён бўлади. Бир ҳил ёшдаги ўғил болаларнинг қизларга нисбатан иш қобилияти анча юқори бўлади. Бу қизлар ва ўғил болалар организмининг морфофункционал фарқларидан ташқари организмнинг жисмоний тайёргарлиги ва шуғулланганлиги билан тушунирилади. Қизларда иш даражаси юқори бўлиб, аммо уларда техник билимлар камроқ, чунки тананинг функционал имкониятлари оздир. Бир ҳил иш операцияларини қизлар болаларга нисбатан кам тежамкорлик ва кам куч сарфлаш билан бажаришади. Бу арралаш, кесиш, тунука қирқиши, рандалаш каби ишларни бажаришда янада якқолроқ намоён бўлади.

Бир хилдаги қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда ҳам қизлар кўпроқ куч сарфлашади: болалар 1 минутда 3,5 ккал, қизлар эса 4,3 ккал куч сарфлайдилар.

Шундай қилиб, меҳнат дарсларини ташкил этишда ҳам, ўқувчиларни фойдали меҳнатга жалб этишда ҳам жинсий фарқларни албатта ҳисобга олиш керак. Соғлом ва носоғлом ўқувчиларнинг ҳам функционал имкониятлари турличадир. Сурункали касалликлари бор болаларда асаб тез издан чиқади, шунинг учун улар соғ болаларга нисбатан тез чарчайдилар.

Ўқувчилар меҳнатини гигиеник ташкил этишда иш қуролларининг аҳамияти каттадир, чунки меҳнатдан чарчашга иш қуролларининг тўғри танланмаслиги ҳам сабаб бўлади. Баъзи маълумотларга кўра, катталар учун мўлжалланган иш қуролларидан ўсмирлар 15 ёшга тўлганда фойдаланишлари мумкин. Катталар иш қуролларидан фойдаланганда ўқувчиларнинг чидамлилиги 2—3 марта, аниқ ҳаракат қилиш 9—10 фоизга камаяди, иш қобилияти пасайиб, тўғри иш ҳолати бузилади. Тадқиқотлар асосида дурадгорлик ва слесарлик устахоналарида ишлаш учун ўқувчиларга мослаб иш қуролларининг ўлчамлари белгиланган. Шунингдек, қайта ишланаётган нарсанинг катталиги, оғирлиги, қаршилиги ва бошқа сифатлари ҳам ўқувчилар ёшига мос келиши керак. Масалан, металлни қирқиши пайтида ясси пўлатнинг қалинлиги 2 мм дан ошмаслиги зарур. Устахоналарда

ишлиш вактида ўқувчилар бемалол ҳаракат қила оладиган, қайта ишланаётган деталдан кўзгача бўлган масофа-нинг қулайлигини таъминлай оладиган, умуртқа пофонаси-ни тўғри тутишни бузмайдиган ҳамда мушакларнинг камрок зўриқишини таъминлайдиган куладай бир иш ҳолати (поза) ни танлаб олишлари лозим.

Умумтаълим мактабларининг юкори синфларида меҳнат таълими мактаб ва мактаблараро устахоналарида ҳамда ўқув ишлаб чиқариш корхоналарида олиб борида. Мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий вазифаларига куйидагилар киради: ўқувчиларни корхона ва ташкилот ишчиларининг меҳнат фаолияти ва мазмуни билан танишириш, ўқувчиларга тўғри касб танлашга ва дастлабки меҳнат билимiga эга бўлишга ёрдам бериш. Политехник таълим бериш ўқув марказларида битта районнинг бир нечта мактабларидан ўқувчилар келиб таълим олишади. Бу марказларда электр монтаж қилиш, радио созлаш, слесарлик, тикувчилик ва бошқа цехлар мавжуд. Буларда қуладай ташқи мухит шароити ва меҳнат тартиби яратилади.

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими бериш жараёни улар учун иш меъерини белгилаш лозимлигини тақозо этади. Меъёр учун турли кўрсаткичлар таклиф этилган. Ўқувчиларнинг I та детал тайёрлашга кетадиган вақтини аниқлаш учун уларнинг ёши ва тажрибаси ортиши билан ўзгариб борувчи тузатиш коэффициенти деган катталик зарур. Гигиеник меъёрлашда иш вақтининг зичлиги ҳам ҳисобга олинади. Машинасозлик заводи ва тўқимачилик корхоналарида ўқувчиларнинг 6 соатлик иши мобайнида иш вақтининг қуладай ва самарали зичлиги 60—70 фойзга teng.

Меҳнат таълими системасида ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ва мактаб ташқарисида меҳнат тажрибасини ўтишлари катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар кўпинча ишлаб чиқариш бригадаларида меҳнат қиладилар. Қишлоқ хўжалигида ишлаш ўқувчилар учун жуда фойдалидир, лекин бу фойда факатгина ўша ишнинг оғир-енгиллиги ва бошқа томонлари ўқувчиларнинг ёшига, имкониятига мос келгандагина амалга ошади, 5—7-синф ўқувчиларининг мактаб ташқарисида ишлаш пайтидаги функционал ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатадики, 1,5 соатлик очик ҳавода актив дам олишни қишлоқ хўжалик ишларини бажариш билан алмаштириш физиологик жиҳатдан окланмади.

Ер чопиш, юк ташиш каби ишларни бажариш тана аъзоларининг зўриқишига кўпроқ сабаб бўлади. Бу эса

оғирлик даражасига кўра ишни З гурухга бўлишни тақозо этади: 1) оғир ишлар (ер чопиш, юк ташиш); 2) ўртача оғирликдаги ишлар (экинларга қўл билан сув қўйиш, тагини чопиш, экин кўчириш); 3) енгил ишлар (ўтларни ўриш, баргларни қирқиш, ерга енгил ишлов бериш). Енгил ишларни бажаришнинг 13 фоизида, ўртача оғирликдаги ишларни бажаришнинг 26 фоизида, оғир ишларни бажаришнинг эса 42 фоизида салбий физиологик ҳолатлар кузатилади.

Бир хилдаги ишларни бажаришда гарчи ишнинг оғир-енгиллиги ҳам, давомийлиги ҳам тенг бўлсада, болалар ва қизларда физиологик кечинмалар турлича бўлади.

13—14 ёшли болаларда 1- гурухдаги ишларни бажаришда иш қобилиятининг пасайиши, юрак-томир системаси фаолиятининг ўзгариши каби ҳолатлар ўша ёшдаги қизларга караганда турличадир.

11—14 ёшли ўқувчилар ўртача оғирликдаги ишларни бажаришлари мумкин. Факат бунда ҳар 45 дақиқалик ишдан сўнг 10 дақика танаффус ташкил қилиш лозим. Ноқулай ҳолатда бажариладиган ишлар (кўчат экиш, ер чопиш, ер текислаш) мушаклар фаолигини сусайтиради ва ўқувчиларни толиктирувчи ишлардан ҳисобланади.

Иш вактининг умумий зичлиги 50—70 фоизни ташкил этиши керак. Қишлоқ хўжалигида ишлаётган ўқувчилар учун иш меъёрини белгилаш катта аҳамиятга эга. Коида ва ҳолатларга кўра ўқувчилар бригадаларининг иш вактини меъёрлаш натижалари катталар иш соати меъёрининг фоизларида амалга оширилади (яъни 9—10-синфлар учун катталар иш соатининг 75 фоизи, 7—8-синфлар учун 60 фоизи, 5—6-синфлар учун 40 фоизи). Иш вактининг зичлиги, меҳнат самарадорлиги ва ўқувчиларнинг функционал ҳолати ўртасида боғлиқлик бор. Иш вактининг зичлиги 75—80 фоизга тенг бўлган енгил ва ўрта оғирликдаги қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда тана функционал ҳолатининг энг яхши кўрсаткичлари 9—10-синф ўқувчиларида қайд этилган. Мехнатнинг турига қараб иш вактининг зичлиги 40 дан 99 фоизгача ўзгариши аникланган.

Қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда юкори ҳарорат ўқувчиларга салбий таъсир этади. Шунингдек ҳарорат +25°C дан юкори бўлган шароитда 3—4 соат ишлагандан сўнг 75 фоиз ҳолларда номакбул функционал ўзгаришлар қайд этилган.

Ўқувчилар меҳнатини меъёрлашда иқлим шароитлари-ни ҳисобга олиш лозим. Турли икlimларда қишлоқ

хўжалик ишларини бажаришга санитария ходимлари билан келишилган ҳолда киришилади.

Иш жойларида қўёшдан сақланиш учун (дам олиш пайтида) шийпонлар ёки соябонлар ташкил этилади. Узок пиёда юриш, узок вакт бир хил иш қилиш, ноқулай ҳолатда оғир юкларни кўтариш, хавфли ишлар (захарли моддалар билан, кесувчи нарсалар билан ишлаш, касал хайвонларга қараш каби) билан шуғулланишга рухсат этилмайди. Мехнат машғулотларини саёҳатлар, спорт ўйинлари, сув муолажалари, қўёш-ҳаво ванналари билан тез-тез алмаштириб бориш зарур.

Қишлоқ хўжалик ишларини гигиеник меъёрлашда фақатгина ишни эмас, балки иш вақтининг давомийлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Текширишларнинг кўрсатишича, 1 кунлик иш вақтининг давомийлиги 5- синфлар учун 2 соатдан, 6- синфлар учун 2—3 соатдан, 7—8- синфлар учун 4 соатдан ошмаслиги шарт. 8—11- синфлар учун эса полиз экинларида иш вақти 4 соатдан, узум шоҳларини боғлаш ишлари қилинганда эса 5 соатдан ошмаслиги керак. Ҳар 45—50 дақиқалик ишдан сўнг 15—20 дақиқалик танаффус килиш зарур.

Қишлоқ хўжалик ишларини бажараётганда ўсмирлар баъзида юк ҳам кўтарадилар, бундай ҳолларда болалар ва ўсмирлар гигиенасида илмий-текшириш институти ишлаб чиқкан меъёрларга амал қилинади. (34- жадвал). Оғир юкларни ташиб ва силжитиш кўрсатилган меъёр бўйича, ўша ўсмир бажараётган иш билан бевосита боғлиқ бўлса ҳамда иш вақтининг 1/3 қисмини банд қилмасагина рухсат этилади. Ёзги мавсумда умумий кун тартибида соғломлаштириш тадбирлари ҳам ўрин олиши керак. Шу максадда ўқувчилар бригадалари ва ўқув тажриба хўжаликлари кун тартибида чўмилиш, уйқу, 2 маҳал овқат ва дам олиш учун вакт ажратилади.

Ёзги вактида қишлоқ хўжалигига меҳнат қилиш фаолияти ўқиш фаолиятидан кескин фарқ қиласди.

34-жадвал

Ўсмирларнинг юк кўтариш меъёрлари (кг)
(У. А. Каримов)

ёши	Йигитлар	қизлар
14	6 дан кўп эмас	6 дан кўп эмас
15	8,2	6,8
16	12,0	8,0
17	16,4	9,0

Таътил давомида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида меҳнат килган ўқувчилар функционал ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатадики, меҳнат килишнинг 1- ойи ижобий таъсир кўрсатган. Иккинчи ойига ўтганда бу таъсир факат 25,6 фоиз ўқувчиларда қайд этилган. З- ойда эса 64,8 фоиз ўқувчиларнинг функционал ҳолати ёмонлашган.

Ўқувчиларнинг касб танлаши. Касб танлаш бу ҳар томонлама илмий асосланган таъсир системаси бўлиб, унинг асосий максади ўқувчининг хохиши, соғлиги ва жамият талабини ҳисобга олиб ўқувчига касб танлашда ёрдамлашишdir. У ўз ичига кўпгина ижтимоий муаммоларни олади, шулардан куйидагилар асосий ҳисобланади:

1) жамиятнинг турли касб әгалари ва уларнинг малакасига бўлган талабини ўрганиш;

2) касбнинг ўзига хос томонларини ўрганиш, уларни киши имкониятларига солиштириб, шу касбни танлашдаги муваффақиятларни кўрсатиш;

3) одамдаги психофизиологик сифатларни ўрганиб, шуларга лойик касб танлашда маслаҳат бериш;

4) ўқувчи ва ёшларнинг соғлиқ ҳолатини ўрганган ҳолда, уларга касб танлашда ёрдамлашиш ва келажакда уларнинг соғлигини мустаҳкамлашни таъминлаш.

Тиббий-физиологик касб танлаш маслаҳатчиларининг илмий, амалий ишлари юқорида кўрсатилган охирги З та масалани ҳал қилишдан иборатdir.

Ёшларнинг касб танлашини енгиллаштириш ҳозирги замон мактабларининг асосий масаласидir. Шунинг учун бу саволларни илмий ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш мухимdir.

Илмий асосда амалиётда тиббий-физиологик касб танлаш учун маслаҳат бериш гигиена фанининг асосий вазифаларидандир. Бусиз меҳнат резервларидан тўғри фойдалана олиш мумкин эмас.

Касбга лойиклик — бу организмнинг кўпроқ ривожланган функционал имкониятларининг касб талабига жавоб бера олиши ҳамда кам ривожланган функционал имкониятларини сақлашdir.

Барча ўсмирлар ишга ёки ўқишига киришдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Факат шундан сўнг касбга лойиклик тўғрисида хулоса берилади.

Шифокор ўқувчининг қизиқишига асосланиб, соғлиқ ҳолатини ҳисобга олиб, қайси касбга лойиклигини аниқлаш лозим.

Клиницист ва гигиенистларнинг касбга лойиклик муаммоларини ечишда ишлаб чиқариш омилларини

хисобга олиш керак, чунки у организмнинг физиологик системалариға салбий таъсир кўрсатиб, мослашиш механизmlарида узилишга олиб келиши мумкин.

Сурункали касалликларга дучор бўлган ёки организмида функционал ўзгаришлар кузатилган ўқувчиларга мос касблар сони кам, шунинг учун касб танлашда шифо-корнинг маслаҳати зарур.

Болалар, ўсмирлар ва ёшлар гигиенаси касалликларнинг олдини олиш марказининг ахборотига кўра 40 % 8—10-синф ўқувчилари учун касбни эркин танлаш имтиёзи чегараланган. Шу муносабат билан ҳозирги вактда ўқувчиларнинг фойдали меҳнатга ва касб ўрганишга қизиқишларини ошириш мақсадида мактабларда касб танлаш ишларини ташкиллаштиришни аниқ ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

Турли касбларнинг санитар-гигиеник шароитини чукур ўрганиш натижасида сурункали касалликларнинг ўсмирлик даврида кечиш хусусиятларини илмий текшириш, олдин ташхис қўйиш усулларини кўллаш, сурункали касалликларнинг ривожланишига қурайлик туғдирувчи омилларни ўрганиб тузиш мумкин бўлган тиббий кўрсатмалар асосий ҳужжат ҳисобланади.

Хунар-техника билим юртларида, ўрта мактабларда олиб борилаётган ва ўқиш жараёнida қўлланилаётган кўрсатмалар 2000 га яқин касбни ўз ичига олади.

Ҳар йили мамлакатимиз хунар-техника билим юртларига 15 фоиз касбга лаёкатсиз ўсмирлар қабул қилинади ва 20 фоизигина танланган касб бўйича ишлайди.

Ҳозирги замон нуқтаи назаридан касбга лаёкатлилик туғма ҳисобланмайди, касбни эгаллаш ўкув жараёнida шаклланади.

Меҳнат физиологиясида кишининг меҳнат фаолиятининг системали концепцияси ривожланади.

Шу концепция асосида қуйидаги гипотеза илгари сурилади. Яъни шунга асосан организмнинг ишлаб чиқариш шароитига мослаштирадиган функционал системаси меҳнат фаолиятида қатнашган физиологик функциялар қўшилиши натижасида касбга лаёкатлилик шаклланини ўз ичига олади.

Функционал системанинг ўқиш жараёнida пайдо бўладиган характер ва хусусияти, яъни шаклланадиган касбга лаёкатлилик сифати кўпгина омилларга, шу билан бирга системали ташкил этувчи (касбга алоқадор керакли функциялар) баъзи функцияларнинг дастлабки иши даражасига боғлиқ бўлади.

Ҳар бир ўсмирда касбга алоқадор психофизиологик

функциялар ва уларнинг сифат даражаси ривожланишини баҳолаш имконияти психофизиологик касб маслаҳатини ўтказишда илмий йўналиш ҳисобланади.

Аниқ бир касбни танлаш усулларини ишлаб чиқишида бу касблардан бирининг профессиограммаси бўлиши лозим. Бирок, касб танлаш ишларини ўтказишда кўпгина касбларнинг профессиограмма банки ҳам бўлиши керак.

Лекин бизнинг фикримизча, касб малакаларини эгаллаш касбга ўрганишнинг биринчи боскичидир. Вегетатив мустаҳкамлик, ижтимоий мослашиш қобилияти, шахс организми хусусияти касб фаолиятига кўникиш режасида катта аҳамиятга эга.

Малакали мутахассислар тайёрлаш ва улардан ҳалқ хўжалигида самарали фойдаланишда ўз вактида ўтказилган касб танлаш тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Замонавий умумтаълим ва ҳунар мактаблари ўқувчиларига касб эгаллашга бўлган тайёргарликни бериш лозим ҳисобланади, яъни бу келажакда танланган мутахассислик бўйича ўқувчилар тўғри касб танлашини таъминлайди. Бу ўринда ўқув ишлаб чиқариш корхоналари (ЎИЧК) нинг аҳамияти каттадир.

Касб танлаш тадбирининг возифалари га: ёшларда меҳнатга нисбатан тўғри муносабат уйғотиш, уларни меҳнат фаолиятини танлашга тайёрлаш, ишлаб чиқаришда кенг иштирок этиш кабилар киради. Булар ҳалқ хўжалиги эҳтиёжларига қараб мутахассисларни тўғри режалаштириш имконини беради.

Касб танлаш жамиятнинг турли касб ва мутахассисликларга бўлган эҳтиёжини, эҳтиёжга қараб касбнинг айрим, яъни ўша касбни муваффакиятли эгаллашнинг гарови деб ҳисобланадиган томонларини ўрганишни ҳам такозо этади. Касб танлашда турли мутахассислар: социологлар, психологлар, муаллимлар, иқтисодчилар, шифокорлар ва физиологлар иштирок этадилар. Касб танлаш бир неча аспектларга эга.

Касб танлашнинг психофизиологик ва педагогик аспектлари ўқувчилар шахсини ўрганишни ва уларда ўз қобилият ва имкониятларига кўра касбга бўлган йўналишнинг тўғри ҳосил бўлишини ўрганишни такозо этади.

Иқтисодий аспект ҳалқ хўжалигининг турли мартабадаги касб эгаларига — мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганишни вазифа қилиб қўяди.

Физиологик аспект эса соғлом ўсмирларни касбга қараб саралашни ва соғлом ўсмирларнинг касб учун яроқлилигини аниқлади.

Касб танлаш умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия ишларининг асосини ташкил килади. Уни ўтказишда хунар-техника таълими (ХТТ) системаси ходимлари, ишлаб чиқариш корхоналари ишчилари ва жамоатчилик, шифокорлар қатнашадилар.

Касб танлашда кўпчилик ўсмиirlар ўзларидаги қобилият ва имкониятлари танлаган касбларни эгаллашга тўла жавоб беришини тўғри баҳолай олмайдилар, соғликлари бу касбга тўғри келишини умуман билмайдилар. Ўз имкониятларини бўрттириб кўрсатиш, камчилик ёки касаллик белгиларини яшириш ўсмиirlарга хос фазилатдир. Ҳозир ўқувчиларнинг касб танлашида шифокорнинг фаол иштироки зарурлиги аён бўлмокда.

8—11- синф ўқувчиларига тиббий хизмат кўрсатиш ишлари поликлиническадаги шифокорлар томонидан олиб борилади. Мактаб шифокори 6—7- синфлардан бошлиш керак бўлган касб танлаш тадбирларини ўтказиши керак.

Физиолог ва гигиенистларнинг аниқлашича, ҳамма соғлом ўсмиirlар ҳам ишни, касбни бирдай ўргана олмас эканлар. Касб танлашнинг муҳим қисмини, касбни эгаллай олиш қобилиягини аниқлаш ўқувчилар орасида психофизиологик танловни ўтказишдан иборат, яъни бунда ўсмиirlарнинг танлаган касбни эгаллашга интилишигина эмас, балки унинг организмининг ўзига хос томонлари ва фазилатлари ҳисобга олинади.

Илмий-техника тараққиётининг халқ хўжалигининг барча тармоқларига кенг кириб бориши ва бунинг натижасида ишларнинг мослаштирилиши, автоматлаштирилиши ишлаб чиқаришда ҳар бир одамдан катта диккат-эътиборни, аниқ ва тез ҳаракат қилишни, кўпроқ фикр юритишини талаб килади.

Касб тўғри танланса, яъни ўша касб меҳнатининг талаби одамнинг психофизиологик хусусиятларига мос келса, бундай шароитда киши бу касбни тезда эгаллай олади ва тезда бу ишга кўникиб кетади. Касбларнинг тўғри танланиши иш самарадорлигининг ошишини, мутаҳассисларнинг тўғри тақсимланишини таъминлайди.

Психофизиологик кўрсаткичларга қараб, касб танлашнинг асоси бўлиб, олий асаб фаолиятининг типологик шахсий хусусиятлари ҳақидаги назария ва сезув аъзолари фаолиятининг ўша касб томонидан қўйилган айrim талаблари, асосан одам сезув соҳаси билан боғлиқ бўлган физиологик белгилари хизмат килади.

Психофизиологик услубда касб танлаш айrim мутаҳассисларга тўла мос келадиган, психофизиологик хусусиятлари маълум даражада ривожланган ўсмиirlарни аниқлашга ёрдам беради.

Текширувлар шуни кўрсатадики, касбни инсоннинг психофизиологик хусусиятлари ишлаб чиқариш жараёни талабларига мос келгандагина мукаммал эгаллаш мумкин. Маълум бир касбни эгаллаш учун зарур бўлган физиологик функцияларни аниқлаш асосида касбни яхши эгаллаған ва эгаллай олмаган ўсминаларда бу функциялар ривожланганлигини ўрганиш асосида қатор хунарлар учун касбга яроклилик шартлари ишлаб чиқилган.

Тракторчи бўлиш учун ўсмир жисмонан ривожланган, унинг мушак чидамлилиги юқори, кўрув ва руҳий фаолиятлари яхши ривожланган бўлиши керак.

Токарь бўлиш учун ҳаракат мобайнида қулай ва ўзига хос иш ҳаракатларини кила билиш, ҳаракат аппаратининг силжиш фаолияти етарли даражада бўлиши каби фазилатларга эга бўлиш лозим.

Телетайчилик касбини эгаллашни истаган ўсмир ишга тез киришиб кетадиган, бир фаолиятдан бошқасига тезда ўта оладиган, дикқатини тезда бир жойга йиға оладиган ҳамда тормозланиш фаолиятининг ҳаракатчанлиги ва дикқат фаолиятининг кўрсаткичлари юқори бўлиши керак. Кенг кўламли аппаратчи касбини эгаллаш учун эса ўсмир асбоблар кўрсаткичларини тез ўқий оладиган, хотираси яхши, ақлий ва дикқат фаолиятининг кўрсаткичлари юқори бўлиши керак.

Шифокор ўсмирнинг функционал имкониятлари ва кўнизиш қобилиятини баҳолаш билан бирга унга касб танлаш бўйича маслаҳат бериши зарур.

Касб танлашда шифокорлик кўрсатмасини бериш мобайнида шифокор ўсмирга ўзининг соглиги ва имкониятига мос келадиган касбни танлашига ёрдам беришдан ташкари, ўсмирнинг функционал имкониятларига, жисмоний ва руҳий ҳолатига кўпроқ мос келадиган касбни таклиф қиласди.

Касб танлашда тўла равишда шифокорлик кўрсатмасини бериш учун шифокор қўйидагиларни: 1) ўсмирлар ёшининг хусусияти ва ўзига хослиги тўғрисида тўла маълумотга эга бўлиши; 2) касб танлаш кўрсатмасининг талабларини ҳисобга олиб, шифокорлик тасдиқномасини бериши; 3) ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитининг ўсиб келаётган организмга ва айрим касалликларга таъсирини; 4) турли системадаги ўқув юртларида таълим олиш учун амалдаги тиббий кўрсатмалар рўйхатини яхши билиши; 5) айни касб учун бошланғич ёки замин деб ҳисобланувчи ҳар бир ишчининг психофизиологик фаолияти кай даражада ривожланганлигини баҳолаш шартларини билиши ва фойдалана олиши; 6) ўсмирлар қасбини танлаш бўйича

кўрсатмаларни яхши билиши; 7) қўл остидаги районнинг ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат шароити ва зарарли таъсиrlар қай даражадалигини кузатиб бориши ҳамда оммавий касбларнинг фазилатларини яхши билиши зарурдир.

Бу шартларни бажариш шифокорга ўқувчиларнинг касб танлашида фаол иштирок этишига имконият яратади.

Носоғлом ўсмиirlарга шифокорлик кўrсатмасини беришнинг асосий қоидаси уларнинг соғлиғига мос касбни тавсия этишгина эмас, балки уни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган касбни эгаллаш учун маслаҳат бериш ҳамдир.

Ўсмирнинг касбга яроқлилигини аниклашда, факат хунар гаълими мобайнидаги меҳнатнинг тури ва қийинчилигидан келиб чиқибгина қолмай, балки танланган касб ишлаб чиқариш мобайнида организмга қандай талаб ва шартлар кўйишини ҳам албатта ҳисобга олиш зарур.

Сурункали касаллиги бор ўсмиirlарнинг касбга яроқлилигини аниклашда эса ишлаб чиқариш жараёнида бу касалликлар қай тарзда кечишини ва уларнинг ўзига хос томонларини билиш керак. Ўсмиirlар ёшида вақтинчалик, функционал ўзгаришлар албатта бўлади, лекин бу ўзгаришлар меҳнат муҳитининг салбий таъсири остида касалликка айланиб, турғун ҳолга ўтиши мумкин. Шу билан бирга носоғлом ва сурункали касаллиги бор ўсмиirlар касб танлашини ҳал этиш пайтида улар организмининг кўниши ва мувозанатлаш қобилиятини аниклаш лозим. Ўсмиirlарда кўниши қобилияти унча ривожланмаган, лекин катталарга нисбатан мувозанатлаш имкониятлари катта бўлади. Лекин шунга қарамай сурункали касаллиги бор ўсмиirlарнинг касбга яроқлилигини аниклашда тиббий кўrсатмалар рўйхатига қатъий амал қилиш керак.

XI БОБ

БОЛАЛАР ВА ЎСМИRLАР ТИББИЙ ТАЪМИНОТИНИНГ АСОСЛАРИ

Республикамизда ўсиб келаётган авлоднинг соғлиғини саклаш масъулияти давлатга юклатилган. Бола организми ташки муҳитнинг ҳар қандай омилларига таъсиричан, ҳаддан зиёд пластик ва ўзгарувчандир.

Санитария-профилактик ва согломлаштириш тадбирларини ташкил этиш ва амалга оширишда санитария-эпидемиология станцияларининг болалар ва ўсмиirlар гигиенаси бўлими врачлари, педиатрлар, мактаб врачлари,

ўсмирлар кабинетлари, ёзги соғломлаштириш муассасалари, болалар санаторийлари ва жисмоний тарбия диспансерларининг врачлари иштирок этадилар. Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1075-сонли буйруғига асосланиб (18.10.90 й), болалар ва ўсмирлар гигиенаси врачи 10 минг жамоа болаларига хизмат қиласи ва 45 та болалар муассасасида иш олиб боради.

Болалар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, болаларнинг меҳнатга бўлган яроқлилигини ошириш ва фаол ҳаётини узайтириш мезонларини ҳосил қилиш эрта болаликдан бошланади. Болалар ва ўсмирлар саломатлигини сақлаш, уларни ташки мухитнинг нокулай таъсиротларидан ҳимоя қилиш ва ўсиб келаётган организмга фойдали ва самарали таъсир этадиган омиллардан фойдаланиш устидан изчил тиббий кузатишлар ва улар тарбияланаётган шароитларни, саломатлик ҳолатини назорат қилиш ишлари олиб борилади. Бу вазифаларни соғлиқни сақлаш хизматининг даволаш-профилактик ва санитария-эпидемиология идоралари бажаради.

Баъзи бир болалар касалликлари, жумладан узокни яхши кўра олмаслик, қадди-қоматнинг бузилиши, асабрухий ҳолатнинг ўзгариши, умуртка поғонасининг нотўғри ривожланиши ва бошқалар болаликдан бошланиб, кейинчалик эса булар иш қобилиятининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Бизда барча болалар ва ўсмирлар муассасалари бирлашган болалар профилактик тиббий кузатишлар остига олинган.

Болалар поликлиникалари ўзи хизмат кўрсатадиган туман ҳудудида истиқомат қилувчи болаларга туғилган вактидан бошлаб то 14 ёшга тўлгунча тиббий ёрдам кўрсатади.

Халқ соғлиғини сақлашни янада яхшилаш чоратадбирлари қарорига мувофиқ ҳар бир педиатрга 800 бола биринтирилган бўлиб, у тўлиқ даволаш ва профилактика ишларини амалга оширади. Мактаб врачи мактаб ёшидаги 2 минг болаларнинг тиббий хизматида бўлади.

15 ёшга тўлган мактаб, хунар-техника билим юртлари ўкувчиларига ва ишлайдиган ўсмирлар учун ўсмирлар шифокори бўлиб 1 врач ҳисобига 1500 та ўсмир тўғри келади.

Қишлоқ жойларида болаларга болалар консультациялари (маслаҳатхоналари), қишлоқ тиббий участкаси ва фельдшер-акушерлик бўлинмаларининг ходимлари хизмат кўрсатади.

Бемор ва саломатлигига бирор ўзгаришлари бўлган болалар учун соғломлаштириш муассасалари мавжуд бўлиб, болалар санаторийлари, санаторий-ўрмон мактаблари шулар жумласидандир.

Бизда мавжуд bemorларни боскичма-боскич даволаш усули ўзини тўла оклаган. Бу услугуб билан bemorлар аввал поликлиникаларда ва касалхоналарда, кейинчалик маҳсус санаторий ва санаторий-мактабларида даволанадилар. Бу муассасаларда олиб бориладиган даволаш-соғломлаштириш ишлари таркибига: табиий даволаш омилларини соғломлаштириш билан биргаликда кенг қўллаш, физиотерапия, сифатли ва парҳез таомлар, витаминотерапия ва шу қаторда болалар ёшига ва соғлифига қараб ўкув тарбия ишларини олиб бориш киради.

Болалар шифокори ўзи хизмат кўрсатаётган туман участкасида истиқомат килувчи болаларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиши устидан доимий амалий кузатишлиар олиб боради. Bemor болаларга тиббий ёрдам кўрсатиб, юкумли касалликларнинг олдини олиш тадбирларини амалга оширади.

Бола хаётининг биринчи ойида участка педиатри унинг уйига камида 2 марта келиб кўради. Бола бир ёшга етгунга қадар онаси билан бирга ойига бир марта педиатр қабулида бўлиши зарур. Иккинчи йили эса болани ҳар 3 ойда бир марта, З ёшдан 7 ёшга тўлгунча йилига 2 марта участка педиатри кўрикдан ўтказиши лозим. Мактабга боришдан олдин 6—7 ёшли болалар мутахассис врачлар иштирокидаги тиббий кўрик (диспансеризация)дан ўтадилар.

Мактабгача тарбия муассасаларида (ясли, боғча) тарбияланувчи болалар доимий тиббий назорат остиладирлар. Бу ерда ишловчи тиббиёт ходимлари болаларни овқатлантириш, уларни парвариш қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш йўлларини чуқур билишлари ва тарбия ишларини, кун тартибини тўғри йўлга кўя олишлари, режали тартибда болалар саломатлигини, жисмоний ва руҳий ривожланишини кузатиб боришлари лозим.

Муассасага янги ёки бирор касаллик билан оғриб, тузалиб келган болани қайта қабул қилишдан 1—2 кун олдин участка педиатри болалар орасида инфекция тарқалмаслиги максадида уни ҳар томонлама текшириб, соғлиғи ҳакида ҳужжат беради.

Ота-оналарни болаларни парвариш қилиш учун ишдан колдирмаслик максадида ясли ва боғчаларда карантин гурухлар ташкил этилади (кўййутал, сувчечак, кулок олди безларининг яллиғланиши). Сурункали юкумли касаллик

билин оғриган болалар (сил, ичбуруғ ва бошқа) учун мұлжалланған карантин гурухлар факат бошқа соғлом болалар гурухларидан бутунлай ажратып имкони бўлган холдагина ташкил этилиши мумкин.

Юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олини мақсадида мактабгача тарбия муассасаларида ҳар бир бола ва ҳар бир гурух учун алоҳида ажратилган хоналар бўлади.

Мактаб врачи тиббиёт ҳамшираси билан биргаликда болалар поликлиникасига бириктирилган. Улар мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда даволаш, профилактик, эпидемияга қарши ва санитар-гигиеник ишларни амалга оширишади.

Бу ишлар кўламига қуйидаги: ўкув йилига мұлжалланған иш режасини тушиб, уни болалар поликлиникасининг бош врачи томонидан тасдиқлатиш, мактаб ўқитувчилар кенгаши эътиборига ҳавола этиш каби вазифалар киради. Мактаб врачи чукурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этади ва бевосита унда ўзи иштирок этади, кўрик натижаларини ўрганиб чиқади, жисмоний тарбия ва ўкув машғулотларининг ташкил этилишини назорат килади. У эпидемияга қарши тадбирларни: қизамиқ, корин тифи, кўййутал, коқшол, грипп ва бошқа касалликларга қарши профилактик эмлаш ишларини амалга оширади, ўкувчиларни касбга йўллаш ишларида иштирок этади, бемор болаларга амбулатория ёрдамини кўрсатади, болаларни гигиеник тарбиялаш тадбирларини ташкил этади. Мактаб врачи мактаб ўқитувчилар жамоасининг аъзоси сифатида соғломлаштириш ишларини олиб боради ва болалар саломатлиги кўрсаткичлари билан уларни таништиради.

Тиббиёт ҳамшираси ёки фельдшер боғча ва мактабларда профилактик кўрикларни ўтказишида врачларга кўмаклашади, болаларнинг шахсий гигиена талабларини бажаришлари, муассасаларда кун тартибига риоя қилиш устидан назорат килади, озиқ-овқат махсулотларини олиб келиш ва сақлашни ташкил этиши юзасидан кузатишлар олиб боради.

Мактабгача тарбия муассасаларида йилда икки марта, мактабларда бир марта тиббий кўриклар ўтказилади. Ҳар бир боланинг тиббий ривожланиш тарихи (№ 112/у шакли) ва тиббий харитаси (№ 026/у шакли) тўлдириб борилади (3—14 ёшгача). Сил асоратлари, бод касалликлари, билан оғриган узок ва кўп касал бўлиб турувчи, қайта касалланган болалар, асаб-рухий касалликлар, иш қобилияти пасайган, таянч-харакат аппаратининг фаолияти издан чиқсан кўзида, кулоғида,

нутқида нүқсонлари бор болалар диспансер хисобига олинади ва доимий равишда текшириб борилади. Бундай болалар йил давомида кузатилиб борилади ва соғлиғига қараб улар орасидан имтиҳонлардан озод қилиниши лозим бўлганлари аниқланади, тиббий кўрик натижалари асосида болаларни чиниктириш, улар билан жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш учун гурухларга ажратилади.

Барча болаларда ҳар йили оғиз бўшлиғини даволаш муолажалари ўтказилади. Бу мақсадда мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабларда стоматология хоналари ташкил этилади. Физиотерапевтик ёки даволаш муолажаларига муҳтож болалар бундай ёрдамни врач кўрсатмасига биноан болалар поликлиникасининг физиотерапевтик ва даволаш хоналарида ёки бевосита болалар муассасаларининг ўзида оладилар.

Тиббий кўрикнинг бир қанча кийинчиликлари борлиги сабабли болалар ва ўсмирларнинг «хавфли» гурухини, яъни асаб, юрак-кон томир, овқат ҳазм қилиш, сийдик ажратиш, қулоқ-томоқ-бурун, кўриш (миопия олди ҳолати), эндокрин системаларининг (семизлик), жисмоний ривожланиш, таянч-харакат аппарати, шунингдек аллергик касалликлари эҳтимоли бор болалар ва ўсмирларни аниқлаш имконини берувчи, болалар ва ўсмирлар илмий текшириш институти ишлаб чиқкан скрининг — тест дастурларни кўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бу дастур сўров-анкета, асбоб ва лаборатория тестларини ўз ичига олади. Сўров анкета тести организмдаги у ёки бу системалардаги ўзгаришларга хос бўлган шикоятлар ва анамнезни аниқлашга қаратилган. Бу тест оддий саволлардан иборат бўлиб, ўқувчилар орасида кенг тарқалган асаб, юрак-кон томир, қулоқ-бурун-томоқ, овқат ҳазм қилиш ва буйрак касалликлари ва аллергик касалликларга хос бўлган белгиларни аниқлаш имконини, беради.

1—4- синф ўқувчиларини текширишда уларнинг отоналари, 5—11- синфларда эса ўқувчиларнинг ўзлари анкетани тўлдирадилар. Ялпи кўрик вактида таянч-харакат аппарати Е. Рутковский томонидан хозирги пайтда таклиф этилган кўрув услубини, ясси товонликнинг турли шаклларини аниқлаш учун плантография усуллари ни кўллаш ишни анча енгиллаштиради. Узокни кўра олмаслик (миопия) нинг бошлангич ҳолатларини аниқлаш учун Аветисов тести кўлланади. Бу тестларни мактабнинг ўрта маълумотли тибиёт ходимлари бажаришлари керак. Поликлиника мутахассислари билан ўтказиладиган тиб-

бий күрик ҳақидаги масалаларни ҳал қилиш учун тест натижаларини врач бағолайды.

15—18 ёшли ўсмирлар катталар поликлиникалари, тиббий-санитар қисмларда ва туман касалхоналарида ташкил этилган ўсмирлар кабинетларининг тиббий ходимлари кузатуви остида бўладилар.

Ўсмирлар врачи шу поликлиника хизмат кўрсатадиган территорияда яшайдиган мактаб, билим юртларида ўқийдиган, корхоналарда ишлайдиган ўсмирларга тиббий ёрдам кўрсатади. Врач ўсмирлар физиологияси, касалликлари, гигиенаси, касб касалликлари, касбга йўналтириш ва маслаҳатлар бериш каби масалалар юзасидан маҳсус тайёргарликка эга бўлиши лозим. Ўсмирлар врачининг вазифаларига қўйидагилар: уларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, бемор ўсмирларни касалхоналарга йўллаш, 15 ёшдан 18 ёшгacha бўлган ишлайдиган ва билим юртларида таълим олаётган ўқувчиларнинг ҳисобини олиб бориш, тиббий-профилактик кўрик ва диспансер кузатиш хужжатларини ўз вақтида ва тўғри тўлдириб бориш, узоқ ва кўп касал бўлиб турувчи ўсмирларни аниклаш ва бошқалар киради. У ҳарбий хизматга чакирилувчи ўсмирлар орасида кўрик тадбирларини ўз вақтида ўтказишни доимий назорат қилиб боради, ҳарбий хизматга чакирилувчиларга берилувчи тиббиёт хужжатларини амалдаги методик кўлланмалар асосида тўлдириш ишларини ҳам бажаради. Ундан ташқари, ўсмирлар врачи уларга тиббий-касбий маслаҳатлар беради.

Мамлакатимизда амалдаги қонунларга асосан, ҳар бир ўсмир билим юртига ўқишига киришдан, мактаб ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасидан, ишга кираётган ўсмир эса ишга киришдан олдин у ёки бу касбнинг организмга кўрсатадиган талабларини эътиборга олган ҳолда маҳсус тиббий кўрикдан ўтиши ва врачдан ўз соғлиғи ва жисмоний ривожланганини эътиборга олган ҳолда қайси турдаги меҳнат билан шуғулланиши мумкинлиги ҳақида маслаҳат олиши лозим. Врач билим юртлари ўқувчилари, техникум талабалари ва ишловчи ўсмирлар орасида гижжаларга қарши кураш ва профилактик эмлаш, шунингдек санитария-тарғибот ишларини олиб боради.

Болалар ва ўсмирлар соғлиғини шифокор санитария-эпидемиология хизмати қонунчилигига таянган ҳолда кузатиб боради. Бу қонунлар асосида санитария назоратининг ҳалқ хўжалигидаги ўрни ва вазифалари, санитария хизматининг структураси, санитария врачининг хукук ва вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон республикаси «Давлат санитария назорати конунида (1992 й.) давлат санитария назоратининг асосий вазифалари сифатида ташқи муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган санитария-гигиена ва эпидемияга карши тадбирлар, аҳолининг ўқиши, яшаш, меҳнат қилиш шароитларини соғломлаштириш, касалликларнинг олдини олиш ва камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш белгилаб берилган.

Бу қонунчилик санитария-эпидемиология хизматига янги давлат бош санитария врачи лавозимини киритиб, бу билан санитария-эпидемиология хизматининг давлат аҳамиятига молик иш эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Санитария врачининг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги янги кимёвий маҳсулотлар, восита ва усуllibарини кўллашда, қурилиш ва турмушда полимер маҳсулотларидан фойдаланишни, болалар ўйинчоқлари, кийим-кечак ва пойабзалларини ишлаб чиқаришни назорат қилиш вазифаси бу конун асосида кучайтирилди. Бу қонунга болалар муассасаларида тарбияланаётган, мактаб ва билим юртларида ўкиётган болалар ва ўсмиirlарнинг машғулот ва дарслар тартибини, ўкув-меҳнат ишларини йўлга қандай қўйилганлигини гигиеник назорат қилиш ҳам киритилади.

Санитария-эпидемиология станциясининг бўлимлари ва врачлик лавозимлари амалдаги типовой штат ва штат нормативлари асосида белгиланади.

Санитария-эпидемиология хизматининг хозирги тараккёйт боскичида давлат санитария назоратини янада ихтисослаштиришнинг аҳамияти ортиб боряпти.

Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси бўйича мутахассис врач болалар ва ўсмиirlар муассасаларида санитария-эпидемиология станцияси (СЭС) назоратини олиб боради.

Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси врачининг вазифалари қўйидагилардан:

— болалар ва ўсмиirlар саломатлиги ҳолатини ўрганиш ҳамда кузатиш, соғломлаштириш чора-тадбирларини, жумладан ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

— болалар ва ўсмиirlар муассасаларини лойиҳалаштириш ва қуриш, улар учун мўлжалланган буюм ва маҳсулотлар устидан огохлантирувчи санитария назоратини олиб бориш;

— болалар ва ўсмиirlар муассасаларида жорий санитария назоратини ташкил қилиш;

— ташкилий-методик ишларни, хусусан болалар ва

ўсмирлар ўртасида гигиеник тарбиялаш ишларини олиб боришдан иборат.

Бу вазифаларни ҳал этишда врач болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасида ишловчи мутахассисларнинг ўзига хос бўлган турли-туман иш шакл ва услубларидан қўйидагиларни:

- хизмат кўрсатилаётган аҳолининг ёши кенг диапозонли ва санитария демографик ҳолатининг ўзига хослиги;
- назорати остидаги обьектларнинг ва уларнинг санитария-техник ҳолатининг турли-туманлиги;
- хизмат кўрсатилаётган туман территориясининг ўзига хослиги ва белгиланган муҳит омилларининг турлилиги;
- ўюштирилган болалар коллективларидаги эпидемиологик ҳолатнинг ўзгарувчанлиги;
- ташкилий ишларнинг катта ҳажмдалигини эътиборга олади.

Болалар ва ўсмирлар муассасаларини лойиҳалаштириш ва қуриш устидан огоҳлантириш санитария назорати болалар ва ўсмирлар гигиенаси врачларининг иш фаолиятида катта ўрин эгаллайди. Бу мұассасаларда олиб бориладиган ўкув-тарбия ишларини амалга ошириш шароитлари кўп жиҳатдан огоҳлантириш санитария назорати сифатига боғлиқ.

Болалар ва ўсмирлар муассасаларини лойиҳалаштириш ва қуриш устидан олиб бориладиган огоҳлантириш санитария назорати қўйидагиларни:

1) муассасани қуриш учун ажратилган ер участкасини текшириш ва ундан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида хулоса тайёрлаш (301/у шакл);

2) болалар ва ўсмирлар муассасаларини бориб қўриш ва қайта қуриш лойиҳаларини кўриб, хулоса тайёрлаш (303/у шакл);

3) бу муассасаларда қурилиш ва тиклаш ишларининг боришини назорат қилиш (305/у шакл);

4) Давлат комиссияси таркибида янги қурилган муассасани фойдаланишга топшириш вақтида иштирок этишини ўз ичига олади.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси врачи шаҳар ёки аҳоли пунктининг узок муддатга мўлжалланган болалар ва ўсмирлар муассасаларини қуриш иш режаларини ишлаб чиқишида, шаҳар, аҳоли пунктлари, туман, микрорайон ва мавзеларни қуриш режаларида, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, мактаб-интернатлари, билим юртлари ва бошқа турдаги ўсиб келаётган авлод учун мўлжалланган муассасаларни лойиҳалаштириш ишларини муҳокама қилишда иштирок этади.

Болалар буюмларини ишлаб чиқариш устидан олиб бориладиган огоҳлантириш санитария назоратини амалга оширишда санитария врачи санитария назорати идоралари билан келишилган амалдаги санитария қоидалари, стандартлар, норматив ва техник шартларга таянади.

Болалар учун мўлжаллаған буюмларни ишлаб чиқаришда санитария норма ва қоидаларининг бажарилишини текшириш максадида барча янги буюм намуналари (ўйинчоклар, мебель, кийим-кечак, китоб ва бошқалар) гигиеник кузатувдан ўтказилиб, ҳар бир намуна бўйича хулоса тайёрланади. Бундан ташкари, ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бериши, ишлаб чиқариш ва сотиш жойлари режали равища текширилиб турилади.

Бундай буюмларни гигиеник жиҳатдан кузатиш уни тайёрлашнинг техник шароитларини ўрганиш, намуна кўриш ва ёзма баён қилиш ҳамда турли лаборатория текширувларидан иборат.

Жорий санитария назорати — болалар ва ўсмирлар гигиенаси врачининг иш фаолиятидаги энг асосий ўналишлардан бири. Бу бўлим бўйича олиб бориладиган ишлар бошқа иш йўналишлари, яъни ташкилий-методик ишлар, огоҳлантириш санитария назорати, эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш билан чамбарчас боғлик.

Жорий санитария назорати қўйидагиларни:

— болалар ва ўсмирлар муассасаларида барча санитария-гигиеник меъёрлар, коида ва талабларнинг бажарилишини назорат қилиш;

— болалар ва ўсмирлар муассасасидаги ўқув-тарбия шароитларини текшириш, тиббий кўрик натижалари асосида аниқланган касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, муассаса санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

— болалар ва ўсмирлар муассасаларидаги тибиёт ходимларининг санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларини ташкил этиш устидан назорат қилишни ўз ичига олади.

Жорий санитария назоратини амалга оширишда жумҳурият соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан тасдиқланган амалдаги санитария норма ва қоидаларига, қўлланмаларга, буйруқларга, методик кўрсатма ва бошқа юкори идораларнинг хужжатларига асосланилади. Болалар ва ўсмирлар муассасаларини назорат қилиш тузилган маълум режа асосида (режали текшириш) ёки кўрсатмалар бўйича (режадан ташкари) ўтказилади.

Жорий санитария назорати амалиётида кенг күлланылган лаборатория ва асбоблар билан текшириш усуллари болалар ва ўсмиirlар муассасаларида олиб борилаётган ўкув тарбия ишлар шароитларини түғри баҳолаш имконини яратади, уларни муассасанинг санитария ҳолатини чуқур ўрганишда қўллаш зарурдир.

Болалар ва ўсмиirlар муассасаларини текширишда қўйидагилар: а) муассаса ҳовлиси ва хоналаридаги ҳаво ҳамда микроклим шароитларини; б) ичимлиқ сувининг сифатини ва ер участкаларининг тупроғини; в) овкатланиш сифатини; г) муассасаларда санитария-эпидемиология талабларининг бажарилишини; д) хоналарда ёруғлик ва шовқин даражаси спектрини; ж) мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган жиҳозларни баҳолаш амалга оширилади.

Лаборатория ва асбобий текширишлар муассасанинг тўлиқ таъриф этиш билан бирга олиб борилади, бунда асосий эътибор бу ўлчамлар натижасида таъсир қилувчи санитария қоидаларига қаратилган. Бундай маълумотлардан болаларнинг ўкув тарбия шароитларини яхшилаш имконини берувчи санитария-гигиена талабларига асосланган тавсиялар беришда фойдаланади.

Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси бўйича мутахассис врач ўқув-тарбия ишларини ўз ичига олган соғломлаштириш чора-тадбирларининг режасини тузади. У факат болалар ва ўсмиirlар муассасаларида санитария норма ва қоидаларининг бажарилишини назоратга олибгина қолмай, балки иш ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларни ташкил этишни ҳам билиши лозим.

Санитария хизматининг янада такомиллашиб, лаборатория асбобий текшириш услублари кенгайиб бораётган вақтда жорий санитария назорати келгусида илмий-амалий тадқиқотлар характеристига эга бўлиб, огоҳлантириш санитария назоратининг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Жорий санитария назоратида ташки мухит ҳолатини баҳоловчи лаборатория текширувлари кенг ўрин олади, бу унинг ҳолатини асосли равишда түғри баҳолаш ва тезлик билан огоҳлантириш тадбирларини амалга ошириш имконини беради. Келгусида жорий санитария назорати гигиеник нормативларни аниқлаш, баъзи ҳолларда эса уларни ўзгартиришга асос бўлади.

Огоҳлантириш санитария назорати санитария қонунчилиги билан биргаликда такомиллашиб боради.

Полимер материаллар ва бошқа кимёвий моддаларининг болалар муассасаларини қуришда ва улар учун мўлжал-

ланган буюмлар тайёрлашдаги бундан кейинги истиқболи — огохлантириш санитария назоратини кучайтириш ва бунга мувофиқ равишда гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиши талаб этади.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича ишловчи санитария врачи ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил этиш ва бажариш билан боғлиқ бўлган санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар мажмусини амалга оширади. Болаларнинг дала-ҳовли ва соғломлаштириш лагерларига оммавий равишда чиқиши тайёргарлик ишларини аник ташкил этишини талаб қилади.

Болаларни ёзда шахардан ташқарига олиб чиқиши бўйича тайёргарлик тадбирларини амалга оширишда соғлиқни саклаш идоралари ўз олдига қўйидаги: а) болаларга тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш; б) санитария-эпидемиология нуктаи назаридан нокулай бўлган жойларга болалар муассасаларини жойлаштиришга йўл қўймаслик; в) болалар муассасаларини шифокор ва ўрта тиббий маълумотли-мутахассислар билан, уларни эса барча зарур дори-дармонлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш каби вазифаларни қўяди.

Ҳар йили баҳордан бошлаб санитария-эпидемиология хизматининг ходимлари, эпидемиологлар, овқатланиш гигиенаси ва болалар ҳамда ўсмирлар гигиенаси бўлимининг врачлари огохлантириш санитария назоратини ўтказадилар, болалар учун мўлжалланган жой ва хоналарни, ошхонани текширадилар, хоналар ремонтини ўтказиш, муассасани сифатли ичимлик суви билан таъминлаш талабларини қўядилар, шунингдек нечта болага мўлжалланганлигини ҳам аникладилар. Кейинги текширишда санитария-эпидемиология хизматининг врачлари ва лагерь комиссиясининг аъзолари бу муассасанинг болаларни қабул қилишга тайёрлиги ҳақида акт (далолатнома) тузадилар.

Ясли, болалар боғчалари ва комбинатлари, мактаблар, шунингдек болалар поликлиникаларининг тиббиёт ходимлари дала-ҳовли, туристик ва меҳнат лагерларига олиб чиқиладиган болалар ва ўсмирларни олиб чиқишидан бир ой олдин тиббий кўрикдан ўтказадилар. Барча болаларга зарур профилактик эмлашлар қилинган-қилинмаганини аникладилар ва эмланмаган болаларни белгиланган муддатда эмладилар.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг тиббий кўрик маълумотлари бола ривожланишининг индивидуал карта-сига (112/у шакл) киритилади. Болалар лагерлари, туристик ва бошқа лагерларга чиқаётган мактаб ўқувчи-

ларига алмашиниш харитаси тўлдирилади. Мактаб ўкувчилари ва мактабгача тарбия муассасаларининг тарбияланувчилари ёзги соғломлаштириш муассасаларига чиқишдан З кун олдин, юқумли бўлмаган ва юқумли касалликларнинг олдини олиш максадида профилактик кўрикдан ўтказилади.

Ёзги соғломлаштириш муассасаларига чиқишга рухсатнома олиш учун муассаса раҳбарлари туман соғлиқни сақлаш идораларига СЭС томонидан берилган муассасанинг тайёрлиги ҳақидаги акт, овқатланиш ва ичиш учун фойдаланиладиган сувни текшириш натижалари, болалар чиқадиган туманнинг эпидемиологик ҳолатининг баёни, ошхона ходимларининг бацилла ташувчиликка ва муассасанинг барча ходимларининг сил ва таносил касалликларига текшириш натижалари, ҳар бир болага тўлдирилган тиббиёт харитаси (026/у), кабул қилинган форма билан тўлдирилган болалар рўйхатини кўрсатишлари лозим.

Ёзги соғломлаштириш муассасаларида тиббий хизмат кўрсатиш ишлари поликлиника ажратган тиббиёт ходимлари кучи билан амалга оширилади.

СЭС нинг болалар ва ўсмирлар гигиенаси врачи соғломлаштириш муассасаларидаги территория ва хоналарнинг ҳолати, ичимлик сув манбаи, болаларнинг чўмилиши учун ажратилган жой, озиқ-овқат маҳсулотлари омборлари, ошхона ва тез бузилувчи маҳсулотлар сакланадиган жой кун тартибининг бажарилиши ва ҳоказолар устидан жорий санитария-эпидемиология назоратини олиб боради.

Ёзги даврда тиббий хизмат кўрсатишни бундай ташкил этиш болалар ва ўсмирларнинг соғломлаштириш муассасаларида бўлиш унумини оширади, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва жисмоний ривожланишини яхшилаш, турли касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш имконини яратади.

Санитария-эпидемиология станцияси ишида ташкилий-методик ишлар ҳам катта ўрин тутади:

1) болалар ва ўсмирлар муассасаларида ўкув-тарбия шароитларини яхшилаш ҳақида таклифлар тайёрлаб, уларни хўжалик ва жамоат идораларининг олдига кўйиш;

2) болалар ва ўсмирлар муассасасининг раҳбарлари, ходимлари билан санитария-гигиена ишлари бўйича кенгашлар ташкил этиш;

3) турли идораларда болалар ва ўсмирлар муассасаларининг ишлаши ҳақидаги масалаларни ҳал этишда иштирок этиш;

4) болалар ва ўсмирлар муассасаларидаги тиббиёт

ходимларига санитария-гигиена масалалари бўйича методик раҳбарлик қилиш;

5) аҳоли ўртасида болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича билимларни тарқатиш тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш, болалар ва ўсмирлар муассасаларида хизмат қилувчи ходимларнинг гигиеник билим даражасини ошириш.

Санитария-эпидемиология станциясининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси врачининг фаолияти бир нечта кўрсаткичлар мажмуси: давлат санитария назоратини амалга оширишдаги бажарилган ишлар ҳажмини белгиловчи — оператив фаоллик, назорат остидаги муассасаларнинг санитария шароитларининг ўзгаришини баҳоловчи натижа кўрсаткичи, болалар ва ўсмирларнинг жамоаларида саломатлик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар асосидан иборат.

Болалар ва ўсмирлар муассасаларида ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижаларини, шунингдек, поликлиника ва касалхоналардан келган шутуманда истикомат қилувчи болалар ва ўсмирларнинг соғлиғи ҳақидаги маълумотларни болалар ва ўсмирлар гигиенаси врачи умумлаштиради. Ахборот асосида рўйхатга олиш юқумли касалликлар билан касалланган болаларни аниқлаш имконини беради. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси врачи умумий касалланиш ва юқумли касалликлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиб, унинг сабабларини ўрганиб чиқади. У туман эпидемиологи билан доимий мулокотда бўлади. Ишнинг шундай олиб борилиши эпидемияга карши даволаш-профилактик ва санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларининг самаралироқ бўлишини таъминлайди. Болалар ва ўсмирларга эпидемиологик хизмат кўрсатиш доираси юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олишга йўналтирилгандир.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича ишловчи санитария врачи деонтологиянинг асосий қоидаларига таяниши лозим. Санитария-эпидемиология хизматини бошқариш масалаларидаги санитария-коида ҳужжати сифатида «Ўзбекистон Республикаси давлат санитария назорати ҳақидаги конун» (1992 й) хизмат қилади.

Санитария врачи ҳукumat вакили бўлиб, ўсиб келаётган авлоднинг соғлиғини сақлашга қаратилган гигиеник ва соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишда юкори даражада принципиал, тиришқоқ ва саботли бўлиши зарур. У хизмат кўрсатаётган туманда барча санитария-эпидемиологик тадбирларни ўтказишда раҳбарлик вази-

фасини бажариші лозим. Ўз иш жараёни давомида болалар ва ўсмирлар гигиенаси врачи, даволаш профилактик муассасаларининг ходимлари, маъмурий-хўжалик идоралари, касаба уюшмаларининг вакиллари билан алоқада бўлади. Иш унуми кўп жихатдан унинг обрў-эътибори, билимдонлиги, принципиал ва адолатли, талабчанлигига боғлиқ.

Санитария хизмати ишларида гигиеник ва соғломлаштириш тадбирларини уйғун бирлиги асосида (комплекс равишда) амалга ошириш келгусида асосий ўринлардан бирини эгаллади. Ташки мухитни ифлослантирувчи кимёвий, физикавий ва табиий омилларнинг миқдори ва шиддатининг ортиб бориши сабабли бу омиллар мажмусининг аҳоли соғлиғига таъсир этишини ўрганиш биринчи даражали масалага айланмоқда. Булар аҳоли саломатлигига таъсир қилиши ва узок муддат ўтгандан кейин аеоратлар чақиришини эътиборга олган ҳолда ташки мухитни баҳолайдиган интеграл кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, экологияни билиш, болалар ва ўсмирларнинг «хавф» ли гурухини аниқлаш имконини берадиган мезонларни илмий асослаш заруриятини туғдиради. Гигиеник тадқиқотларнинг комплекслилиги, атроф-муҳитнинг ранг-баранг омиллари таъсирини баҳолашни назарий жихатдан умумлаштириш ва соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш турли ихтисосликдаги гигиенистларнинг, даволовчи врачларнинг, шунингдек техник ва бошқа мутахассис ходимларнинг иштирокини талаб этади.

Баъзи бир давлатларда болалар ва ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатишнинг асосий негизлари бизнинг давлатимиз каби профилактик йўналишга эга, аммо шу билан бирга бир қанча фарклар ҳам бор.

Масалан, Туркия ва шарқ мамлакатларида, кўпчилик Евropa мамлакатларидаги болалар муассасаларидаги профилактик, санитария-гигиена ва даволаш ишларини бажарувчий мактаб врачлари бор. Ҳар йили соғлиғида ўзгаришлар бор болалар диспансер кузатуви остига олиниб, уларга зарур даво белгиланади.

Ривожланган мамлакатлarda, Олмония, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатлarda болалар ва ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатиш муниципалитетлар кошида ташкил этилган мактаб тибиёти хизматининг ходимларига юклатилган. Мактаб тибиёт марказларида тиббий бригадалар тузилади (педиатр, тибиёт ҳамшираси, психолог, социолог ва мутахассис врачлар). Кўпгина чет мамлакатлarda мактаб бригадалари тиббий кўриклар ўтказишади, бемор болаларни аниқлашади, болаларни

мактабга келишдан олдин кўрикдан ўтказиб, боланинг ўқишига бўлган жисмоний ва психологик-тиббий тайёргарлиги кузатилади. Бу бригадалар полиомиелит бўфма, қизилча ва бошқа касалликларга қарши профилактик эмлаш ишларини ҳам амалга оширади. Аммо бу бригадалар фаолиятида соғломлаштириш, даволаш ва гигиеник тадбирлар ҳам ўрин олган. Баъзи капиталистик давлатлардаги ўкув юртларида гигиеник тадбирларни тибиёт ҳамшираси амалга оширади. Санитария-эпидемиология давлат хизматининг тармоғи амалда кам. Ҳозирги даврда бизнинг республикага Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти орқали болалар соғлигини саклашга каратилган ёрдам кўрсатилмоқда ва тавсиялар берилмоқда.

XII БОБ

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН ГИГИЕНИК ТАРБИЯЛАШ

Ўсиб келаётган авлоднинг саломатлигини саклашда соғлом ҳаёт тарзи учун гигиеник тарбия катта аҳамиятга эга.

Дастлаб, санитария маданиятини ошириш ишлари ҳар бир табобат ходими томонидан алоҳида бир-бираига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўтказилар ва шу сабабли кам фойдали эди. Бизнинг шароитда бу тадбирлар ҳеч бўлмаса кўргазмали воситалар, адабиёт ва риссолаларни нашр этиш ёрдамида амалга оширилади.

Бу ўткир сезилиб турган талаб ва ўсиб бораётган ҳаракат санитария маърифат ишлари билан шуғулланатиған зиёлилар фаолиятида ўз аксини топди. Халқ орасида гигиеник билимларни тарқатиш ташкилоти тузилишига олиб келди. Бу ташкилот таркибida бошқа тоифадаги гурухлар категорида мактаб гигиенаси бўлими (ОЗДП) — болалар ва ўсмирлар саломатлигини сакловчи бўлим ҳам бўлиб, унинг раиси Ўзбекистонда В. П. Широкова-Диваева эди. Гигиеник билимларнинг кенг оммалашиб кетишида - «Халқ соғлигини саклаш жамоаси», тузилиб, аҳоли ичидаги гигиена бўйича ахборот таркатувчи жамият ташкил этилди.

XX аср бошларида санитария маорифи соҳасида турли филантропик жамиятлар (хайр-эҳсон қилувчи), «Болалар ўлими билан кураш жамияти» ва бошқа бир катор жамият ташкилотлари матбуотда чиқишлиар кила бошлашди. «Фунча», «Наврӯз», «Соғлом кунлар» ташкил қилишар, турли йигинлар, оммавий маъruzалар уюштиришар,

рисолалар, варакалар нашр этишар, матбуотда мақолалар босиб чиқаришар эди. Ҳозир эса «Сиҳат-саломатлик» ойномаси орқали соғлом ҳаёт учун болаларга ҳам гигиеник тарбия берилади, радио, телевидения ҳам ёшларга гигиеник тарбия беради.

Бизнинг давлатимизда профилактик ва даволаш тиббиётининг бирлигига асосланиб, барча меҳнаткашларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатувчи янги тарздаги соғлиқни сақлаш тармоғи вужудга келди. Болалар ва ўсмирларни гигиеник тарбиялаш тадбирлари:

— мактабгача ёшдаги болаларга гигиена ҳақида тушунча, таълим бериш ва уни мисоллар билан кўрсатиш.

— Уйда, болалар ва ўсмирлар муассасаларида болаларни гигиеник тарбиялашнинг шакли ва усули.

— Мактабдан ташқари ўқувчилар ўртасида санитария-гигиена тушунтириш иши, шакли ва услуби.

— Ўқувчиларни жинсий гигиеник тарбиялаш шакли ва услуби.

— Ўқитувчи ва мураббияларни гигиеник таълим бўйича тайёрлаш.

— Ота-оналар орасида санитария тушунтириш ишларини олиб бориши.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича санитария-эпидемиология станциясининг мутахассислари болалар ва ўсмирлар муассасаларида ишловчи ходимлар, тарбиячи ва ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг гигиеник билимлар савиясини ошириш бўйича аҳоли ўртасида болалар ва ўсмирлар гигиенасига оид билимларни тарқатиш тадбирларини амалга оширади. Ҳозирги аҳолимиз ўрта маълумотли саводхон даражасига кўтарилган вактда тиббиёт ходимлари янада чуқурроқ гигиеник тарбия ишларини амалга оширмокдалар. Шундай қилиб, кенг омма ўртасида соғлиқни сақлаш ва атроф-мухитни муҳофаза қилишга қаратилган билим ва кўникмаларни ҳосил қилишда соғлиқни сақлаш муассасалари ва қисман бошқа давлат идоралари билан амалга ошириладиган гигиеник тарбиялаш хизмат қиласи.

Гигиеник тарбиянинг асосий негизларидан бири унинг давлат аҳамиятига эгалигидир. Соғлиқни сақлаш системасида бунга мувофиқ гигиеник тарбия бўйича маҳсус идоралар тармоғи бўлиб, унда давлат ҳисобидан гигиеник тарбия соҳасида ишловчи тиббиёт ходимлари тайёрланади, барча аҳоли тоифалари учун мўлжалланган турли санитария-маърифат тадбирлари ўтказилади. Табобат халқ соғлигини сақлаш ишига кенг аҳоли оммасини жалб

қилишни назарда тутади. Гигиеник тарбия ишларида ёшга, маданият даражасига ва бошқа мезонларга қараб турли услублар қўлланилади. Гигиеник ва маърифат тарғибот ишларида мамлакатимиз ҳамда жаҳон фани ютуқларидан кенг фойдаланилади.

Гигиеник тарбия ишларини олиб бориш ҳар бир тиббиёт идораларининг бажарилиши шарт бўлган фаолиятидир. Бу ишларда иштирок этиш ҳар бир табобат ходимининг шарафли хизмат бурчидир.

Гигиеник тарбиялаш ишлари изчиликни ва ташкилий-методик раҳбарликни талаб этади. Мамлакатимиз миёсида олиб бориладиган бу йўналишлардаги ишларни соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади (Бош санитария-эпидемиология бошқармаси таркибидаги санитария маърифат бўлими — ҳозирда «Саломатлик маркази» орқали).

Санитария маърифат бўлими ўз ташкилий-методик ишларида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий-тадқиқот саломатлик марказига таянади. Бу даргоҳ гигиеник тарбия ишлари бўйича илмий ва методик марказдир.

Аҳоли ўртасида гигиеник таълим-тарбия билимларини тарғибот қилиш вазирликлар, бошқармалар, телевидение, радио эшиттириш ва кинематография давлат қўмиталари, давлат матбуот қўмитаси, рўзнома ва жаридалар таҳририятлари, Қизил Яримой жамияти, «Билим» жамияти, физкультура ва спорт қўмитаси ва бошқа идоралар иштироқида ишлаб чиқилган мамлакатимизнинг режалари асосида ҳаётга татбиқ этилади.

Болаларни гигиеник тарбиялаш гўдаклик (эрта болалик) давридан бошланиб, мактабгача тарбия муассасаларида давом эттирилади ва умумтаълим мактабларида, айниқса катта ҳамият касб этади.

Болаларда санитария маданиятини шакллантириш ва уларни тарбиялаш санитария таълими умумтармоғида асосий ўринлардан бирини эгаллайди, чунки мамлакатимиз ахолисининг 40 дан ортиқ фоизини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Болаларни гигиеник тарбиялаш шартли физиологик боғланишлар ҳосил бўлиши асосида, яъни одамда таълим-тарбия қўникмаларини ҳосил қилиш ва уларни мустахкамлаш болалик пайтидан бошлаб олиб борилади. Болага гигиеник маданиятни болалар муассасаларида ҳамда оиласида сингдириш лозим.

Болалар муассасаларидаги гигиеник тарбия ишлари тарбиячи ва ўқитувчилар томонидан шифокорнинг бевосита раҳбарлиги остида, оиласдан ажратилмаган ҳолда олиб

борилади. Шифокор гигиеник тарбия ишларини муассасада ишлаётган хизматчи ва раҳбарият, болалар ва ўсмирлар, ниҳоят ота-оналар билан бирга олиб боради.

1986 йилдан бошлаб болалар муассасалари, мактаб ва оила бирлиги асосида олиб бориладиган ота-оналар ва аҳолини умумий-мажбурий таълим дастури амалга киради. Бу дастур мавзулари оиласида ғоявий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, аклий ва жисмоний, маънавий тарбия ишларини олиб бориш, уларни ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсири ҳолида амалга ошириш масалалари бўйича тузилади. Бунда болаларнинг ёшига оид психофизиологик ривожланишини эътиборга олиш керак.

Гигиеник тарбия, соғлиқни сақлаш кўникмаларини ҳосил қилиш ва соғлиқни сақлаш идораларининг ютуқларини аҳолига етказиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари ҳар хил услублар орқали амалга оширилади. Гигиеник тарбиянинг барча воситаларини икки катта гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурухга сезги органлари орқали қабул қилишга мўлжалланган кўргазмали усул кирса, иккинчи гурухга бош миядаги иккинчи ахборот системасига боғлиқ бўлган оғзаки ҳамда ёзма ва босма ташвиқот-тарғибот усули киради.

Болалар муассасаларида гигиеник тарбия муаммолари санитария маданиятининг ривожланиши эрта болаликдан бошланиб мактабгача тарбия ёшида, мактаб ва ўсмирлик даврларида давом этгани учун катта аҳамият касб этади.

Ёшга оид даврийликнинг физиологик асослари шунга боғлиқ бўлган таълим-тарбиянинг турли методик усуллари ясли, боғча, мактаб ва бошқа турдаги болалар ва ўсмирлар муассасаларида гигиеник тарбиянинг ҳар хил шакл ва кўринишларда олиб боришни таъминлайди.

Мактабгача тарбия ёшида бўлган бола ўзининг тақлид қилиш ҳиссиётлари, кузатувчанлиги, қизиқувчанлиги ва мустақил хатти-харакатлар қилиш эҳтиёжи билан тарбия таъсиротига осон берилади. Болалар боғчаларида гигиеник тарбия ишлари «Болалар боғчасидаги тарбия ишлари режалари» асосида амалга оширилади.

Кундалик иш услуби турли-тумандир. Гигиеник талаблар ва қоидаларни тўғри бажариш тартибини кўргазмали усулда тушунтириш кенг тарқалган. Бу вақтда ҳосил бўлаётган бош миядаги шартли боғланишлар кун тартибининг маълум таркибий қисмлари (ухлаш олдидан тиш тозалаш, овқатлангандан сўнг оғизни чайиш ва бошқалар) билан бўлган вақт оралиқлари тўғри келган ҳолларда тезроқ мустаҳкамланиб боради.

Болалар гигиеник тарбиялаш мавзуларидаги ҳикоя, шеърларни дикқат билан тинглаб, расм, телевидение, плакатларни, кўғирчок театр ва фильмларни катта кизикиш билан қўришади. Турли ўйинлар, айниқса, кўғирчоқлар иштироқида ташкил этилган ўйинлар гигиеник кўнкимларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни гигиеник тарбиялашда биринчи ўринга боланинг ўзи чиқади.

Боланинг гигиеник тарбияланишига шу гўрух тарбиячиси жавобгар. У оиласинг яшаш шароитини билиши ва болани соғлом тарбиялашга ҳалақит бераётган сабабларни ота-оналар ёрдамида бартараф этиши лозим. Тарбиячилар олдида турган кенг кўламдаги вазифалар каторига бола ривожланишидаги ёшга доир ўзгача ҳолатлатларни кузатиш, кун тартибини тузишга қўйилган талабларни ўрганиш ва бу йўналишдаги ўз билимларини муттасил чуқурлаштириб бориш вазифаси киради. Болага таъсир этаётган тарбия воситаларининг унуми тиббиёт ходимлари, тарбиячи ва ота-оналар олиб бораётган ишларнинг ҳамжиҳатлигига боғлик.

Мактабда олиб бориладиган гигиеник таълим-тарбия қуйидаги йўналишларда олиб борилади: 1) дарсларда изчил ва систематик равища мактаб дастурига киритилган гигиена асосларини бериб бориш; 2) ўкувчиларни синфдан ва мактабдан ташқари гигиеник тарбиялаш.

Гигиеник таълим-тарбия ишлари жисмоний, аҳлоқий, эстетик ва меҳнатга муҳаббат руҳидаги тарбия ишлари билан қўшилган ҳолда олиб борилади. Систематик тарзда бериб бориладиган мактаб дастурига киритилган гигиеник тарбия ўқитувчилар орқали амалга оширилади.

Гигиеник тарбия дастури мактаб ўкувчиларининг жисмоний тарбия ва чиникиш, ақлий меҳнат, овқатланиш гигиенаси, жамоат ва шахсий гигиена, юқумли қасалликлар, жароҳатланишларнинг олдини олиш, жинсий тарбия мавзуларидаги билимларини аста-секинлик билан кенгайтириб боришни назарда тутади.

Бошланғич синflарда аввало мактабгача тарбия муассасаларида эгалланган билим ва кўнкимларни мустаҳкамлаш зарур. Бундан ташқари, эрталабки бадантарбия ва чиниқтиришнинг соғлиқни мустаҳкамлаш ва иш қобилиятига бўлган ижобий таъсири билан болаларни таништириб бориш лозим. Дастурга кадди-коматни тўғри шакллантиришга доир саволлар ҳам киритилган. Кичик синф ўкувчилари ўзларида қандай қилиб партада тўғри ўтириш, юриш-туриш кўнкимларини ҳосил қилишни, қан-

дай жисмоний машқлар қадди-қоматни яхшилашини, күп ҳаракат қилиш, фаол дам олиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш ва кун тартибига риоя этишнинг аҳамиятини билиб борадилар. Шахсий, уй ва мактаб гигиена талабларини бажариш учун зарур бўлган турли буюмларни намойиш қилиш ва улардан тўғри фойдаланишни ўргатадиган маҳсус саломатлик машғулотлари ташкил этилади. Айниқса, болаларга кўча ҳаракати қоидалари, кўча ва уйда жароҳатланишларнинг олдини олиш учун ҳаракатли ўйинлар ўйнаш қоидалари тушунтириб борилади.

3—4- синф ўқувчилари табиатшунослик дарсларида одам танасининг тузилиши, уни тўғри парваришлар қоидалари билан танишадилар, сув ва ҳавонинг таркиби ва хоссалари, уларнинг инсон саломатлиги учун аҳамиятини ўрганадилар.

Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси фани ўқувчиларни инсон организмининг тузилиши ва ҳаёти ҳакида бирламчи тушунчалар билан таништиради. Ўқувчилар таянч-ҳаракат системаси ва унинг тўғри ривожланишини таъминловчи гигиеник шароитлар, қон айланиш системасининг фаолияти, овқат ҳазм қилиш системасининг вазифалари, терининг химоя қилиш вазифалари, кийим ва пойабзal гигиенаси, жисмоний ва ақлий меҳнат гигиенаси, кўз ва қулок гигиенаси билан чуқур танишадилар.

8- синфда ўтиладиган анатомия, физиология ва гигиена курсига қўшимча қилиб «Гигиена ва саломатлик» мавзуси бўйича дарслар қўшилди.

Бу курснинг кириш қисмида гигиена — соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги, соғлиқни мустаҳкамловчи ва сусайтирувчи омилларни ўрганувчи фан эканлиги тўғрисида тушунча берилган.

Таянч-ҳаракат системаси дарсига қўшимча қилиб «Жисмоний тарбиянинг соғлиқни сақлашдаги аҳамияти» ҳам киритилган.

Қон ва иммунитет мавзусидаги дарслар каторида «Юқумли касалликлар», «Юқумли касалликларнинг олдини олиш», «Касаллик вақтидаги гигиеник тарбия» мавзуларида дарслар ўтилади. Овқат ҳазм қилиш дарсига: «Овқатланиш ва саломатлик», тери мавзусидаги дарсга — «Чиниктиришнинг соғлиқни мустаҳкамлашдаги роли» каби дарслар қўшилган. Олий нерв фаолияти мавзусига қўшимча қилиб: «Ўқиши гигиенаси», «Спиртли ичимликлар ва чекишнинг зарарли таъсири» ҳакида маълумотлар

киритилган. Инсон организмининг ривожланиши мавзуси бўйича: «Жинсий ривожланиш», «Эмизикли боланинг ривожланиши», «Чақалоқни парвариш қилиш», «Ўқувчиларнинг шахсий гигиенаси»га бағишлиланган дарслар ўтилади.

Жисмоний тарбия дарслари орқали жисмоний машқларнинг ўсиш ва ривожланишга, куч ва чидамлиликни, чақконликни оширишга, ҳаракатларнинг аниқ ва тезкор бўлишига ижобий таъсири-хамда табиат омиллари, қўёш, ҳаво, сувдан тўғри фойдаланиш ҳакида тушунтириш ишлари олиб борилади (Д. Ж. Шарипова).

Жинсий тарбия гигиенаси. Жинсий тарбиянинг ижтимоий-гигиеник асослари жинс гигиенаси билан боғлик бўлган ахлоқий-этикавий, маънавий ва гигиеник тушунчаларни ўз ичига олади. Бу тушунчалар мақсади — ёш организмнинг гармонал ривожланишига ёрдам бериб, эрта болалик давридан бошлаб болада жинсига боғлик гигиеник кўнималарни ҳосил қилиш. Бу йўналишдаги табобат ҳодимлари ва ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлилиги: ўсиб келаётган авлодга зарур маълумотларни бериш ва уни одоб-ахлоқ, маънавийлик руҳида тарбиялаш каби вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Жинсий тарбия аввало ёшга ва жинсга қараб турлича ёндашишни талаб қиласди. Бу йўналишдаги асосий ишларци ўқув тарбия тадбирларининг умумий комплекси билан яхши ахлоқий мухитда, ўзаро боғлик ҳолда олиб бориш лозим.

Ясли ва боғча тарбиячилари эрта болалик ва мактабгача тарбия ёшида бўлган болаларнинг ўзига хос анатомо-физиологик хусусиятларини, кизлар ва ўғил болаларнинг кундалик ювиниш-кийиниши ва болалар муассасаларида уларнинг парваришини ташкил этиш тартибларини, бола организмини чиникитириш ва соғлиқни мустаҳкамлаш, яллиғланиш касалликларининг олдини олиш ва болалар жамоаларидағи онанизм билан курашиш йўлларини билишлари зарур.

Ўқувчилар орасида жинсий тарбия ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда қуйидаги негизларни:

- а) жинсий тарбия умумтарбия тармоғининг таркибий кисми эканини;
- б) мактаб, оила ва жамоатнинг болалар ва ўсмирларни жинсий тарбиялашдаги ҳамжиҳатлилигини; в) дарслар ва дарслардан ташқари вактларда барча тарбия воситаларидан тўлиқ фойдаланишни; ўқувчиларни маънавий тарбия

ва умумий ўкув-тарбия ишлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда жинсий тарбиялашни; г) ҳар бир бола, ўсмир йигит ва қизнинг ўзига хослик хусусиятларини эътиборга олиш лозим.

Барча фан ўқитувчилари ва мактаб тарбиячилари ўсмирик даврида кузатиладиган қиз ва ўғил болаларнинг анатомо-физиологик ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлари, жинсий етилиш вактидаги организмнинг фаолияти (ҳайз кўришнинг шаклланиши, поллюция хусусиятлари), ўсмирлар хулқидаги психологик ўзгаришлар ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишлари керак. Балоғатга етиш давридаги ўкув дарслар тартиби ва дам олишни тўғри ташкил этиш, шахсий гигиена, организмни чинқтириш ва саломатликни мустаҳкамлаш хусусиятларини билишлари шарт.

Мактаб интернат, мактаб, КТМ, ЎХБЮ ва болалар лагерларининг раҳбарлари бу муассасаларда қизларнинг шахсий гигиена талабларини бажариш имконини берувчи санитария-гигиена шароитларини яратиб беришлари керак.

Мактаб ўқитувчилари ўкувчиларга дарс бериш жараёнида ҳам жинсий тарбиядан сабоқ беришлари мумкин. Масалан, улар одам анатомияси ва физиологияси фанларининг баъзи мавзуларини ўтаётганларида ўқувчилар билан сухбатлар ўтказиш имконига эгалар. Адабиёт ўқитувчилари эса ҳар кандай меҳр-муҳаббат, чин дўстлик ҳақидаги асар ва шеърлар, кўплаб ўзбек классик адабиёт намоёндаларининг асарлари билан ўқувчиларни таништираётганда, уларнинг этикавий томонига болаларнинг дикқатини жалб этишлари мумкин. Жисмоний тарбия ўқитувчиси эса қиз ва ўғил болаларда физиологик куч ва чидамлилик чегаралари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши лозим.

Ўқитувчилар жинсий ва таносил касалликларга, ичкликтобозликка, кашандаликка қарши курашнинг ҳозирги ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак.

9—11- синфларда «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологяси» бўйича дарс ўтилади. Бу дарсда: шахс, никоҳ ва оила, оила ва фарзанд, ўсмирлар ўртасидаги муносабат каби мавзулар кенг ёритилади.

Илгари олинган билимлар ирсий касалликлар, ҳомиладорлик ва туғиши физиологияси бўйича, бўйида бўлиб қолишиликнинг олдини олиш усуллари ва бошқа тушунчалар билан кенгайтирилади. Шу билан бирга баъзи жинсий конуний хукукларнинг бузилиши, жинсий ҳаётни эрта бошлашнинг олдини олиш тўғрисидаги масалалар ҳам эътиборга лойикдир.

Мактаб тиббиёт ходими ва ўқитувчилар жинсий тарбия ҳақида алоҳида ва гурух сұхбатларини ўтказадилар.

Сұхбат мавзуларини танлашда бола ривожланишидаги 2 даврни: жинсий етилиш бошлангунча бўлган ва жинсий етилиш даврлари назарда тутилади. Биринчи даврда болаларда катта қизиқиш кузатилади, аммо ҳали ички жинсий майл уйғонмаган бўлади. Бундай болалар билан ўтказиладиган сұхбатлар давомида ота-оналар, тарбиячи ва ўқитувчилар учун қийин бўлган, болаларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бериш лозим, бироқ тафсилотларга берилмаслик керак. Иккинчи давр ўғил болаларда биринчи поллюция, қизларда эса ҳайз кўриш билан бошланади. Бу даврда барча тушунтиришлар бор ҳақиқатга тўғри келиши лозим.

Боланинг ўз тенгдошларидан оладиган маълумотлари кўпинча хато бўлади. Жинсий тарбия ҳақида сұхбатлар ўтказилиб турладиган мактаб ўкувчилари орасида онанизм ҳоллари анча кам учрайди.

Жинсий балоғат ёшига етишга қадар жинсий ҳиссиётнинг нормал жисмоний ва ақлий ривожланишга бўлган таъсирини, жинсий тартибсизлик ва онанизм жинсий майлни нотабиий йўл билан қондириш эканлигини ўсиб келаётган авлод онгига сингдириш лозим.

Вактли бошланган жинсий ҳаёт нафақат инсон саломатлигига, балки унинг кейинги ривожланишига таъсири этиб, ақлий ривожланиш ва организмнинг бошқа вазифаларининг бажарилишини издан чиқариши ёки секинлаштириши мумкин. Жинсий ҳаётни эрта бошлаш жисмоний зарар ҳам етказиб, марказий нерв системасига ҳам салбий таъсири кўрсатади.

Қизлар учун вактли бошланган жинсий ҳаёт 12—14 ёнда ҳомиладор бўлиб қолиш ва туғиши билан янада хатарлидир. Жисмоний ва физиологик етукликка эришмаган организм учун вактдан илгариги бу оғир вазифа ўсмири қизнинг жисмоний ва психологик ҳолатига зарарли таъсири кўрсатади ва унинг вактдан илгари қаришига олиб келади. Ўсмирлар ўртасидаги эрта бошланган жинсий алоқалар, айниқса, ҳали болалик ёшидан чиқмаган аёл организмидаги оғир асоратлар чакиради. Тасодифий учрашувлар, бекорчилик, зерикиш, назоратсиз бекор вакт ўтказиш, спиртли ичимликларни эрта истеъмол килиш бетартиб вактли жинсий ҳаётнинг бошланишига сабаб бўлади.

Бизнинг мамлакатда жинсий кучни инсон фаолиятининг бошқа йўналишларига сарф қилиш учун катта имкониятлар бор. Жинсий аҳлоқсизликнинг олдини олишнинг энг яхши усули — жисмоний меҳнатdir. Турмуш

кургунга қадар иш, ўқиши, илм-фан, жамоат ишлари билан машғул бўлиш бу муаммони ҳал этишни енгиллаштиради. Ўсиб келаётган авлодни жинсий тарбиялаш асосида жинсий ҳаёт ва севги, ҳаёт ва оила ҳақида тушунчага эга бўлиш ётади. Гигиеник масалаларни ҳал этишдан ташқари тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, ота-оналар қизларни мағрур ва ор-номусли килиб тарбиялашлари, уларга бўлажак онанинг дунёга энди келувчи фарзандлар соғлиғи ва ҳаёти учун жавобгарлиги тўғрисида, эртанги жинсий ҳаётнинг зарари ва таносил касалликлари билан касалланиш ҳавфи бўлишини, шунингдек ўсмири болалар ва қизлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри, беғубор бўлиши лозимлигини тушунтиришлари керак.

Бошланғич синфларда ўқувчилардан санитария фоллари сайланади. Уларнинг вазифасига ўқувчилар томонидан шахсий гигиена талабларининг бажарилиши, кийим-бош ва пойабзал, қўл, кулок, бурун, бўйин озодалигини ва ўз вақтида синф ҳавосини алмаштириб туришни текшириш кабилар киради.

5-синфдан бошлаб, Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятининг бошланғич ташкилотлари томонидан керакли санитария-табобат аслаҳаларига эга бўлган синф ва умуммактаб постлари ташкил этилади.

Мактаб санитар постларини тайёрлаш ишлари тиббий-санитар тўғаракларида тиббиёт ходимлари ёрдамида ҳар бир ёш гурӯҳ ўқувчилари (5—6-синф, 7—8-синф ва 9—11-синф ўқувчиларидан иборат) билан алоҳида-алоҳида олиб борилади. Тўғаракларни мактаб тиббиёт ходимлари бошқарадилар. Тўғаракларда: Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятининг ташкил этилиш тарихи ва таракқиёт йўли, жароҳатлар ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва биринчи ёрдам кўрсатиш, шахсий ва жамоат гигиенаси, озиқ-овқат маҳсулотларидан захарланишнинг олдини олиш, беморларни парвариш килиш ҳақида маълумотлар берилади.

Мактаб санитария постларининг ишлари амалда ўқувчиларнинг ёшига, организмининг имкониятларига, улар эгаллаган билим савиясига тўғри келиши зарур.

Синф ва мактаб санитар постлари майдага жароҳатлар ва бошқа зарур вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишлари шарт. Тиббий ходимлар бошчилигига улар синф хоналарининг санитар ҳолатини ва ўқувчиларнинг шахсий ва жамоат гигиенаси талабларини бажаришларини назорат қилишлари лозим. Барча аниқланган санитария-эпидемиология доирасидаги тартибсизликлар тўғрисида санитар пости мактаб маъмуриятига, Қизил Крест ва

Қизил Яримой жамиятининг бошланғич ташкилотига, мактаб тиббиёт ходимларига хабар қилишлари зарур. Санитар пости ўқувчилар орасида профилактик ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказишида, жароҳатларнинг олдини олиш бўйича ташкил этилган ишларни бажаришда маъмурият ва тиббиёт ходимларига ёрдам бериши керак. Тиббий ва санитар-гигиеник билимларни тарғибот қилишда, санитарнинг кўргазмасини жихозлашда, саломатлик бурчагини ташкил этишида, санитария деворий рўзномаларини чиқаришида фаол иштирок этиши лозим. Санитар пости вазифасига ёлғиз қарияларга, бемор ва мажрухларга, уруш ва меҳнат ветеранларига, беморларга ёрдам кўрсатиш, бошланғич синф ўқувчиларини оталиққа олиб, уларга ўзлари эгаллаган тиббиёт ва санитар-гигиеник билимларини бериш киради. Улар санитар постларини ташкил этиш бўйича ўтказиладиган назарий ва амалий машғулотларда, ўзаро ва тиббий санитар тайёргарлик бўйича ҳарбий ҳамда спорт мусобакаларида фаол иштирок этишлар лозим. Санитар постлари бундан ташқари, доривор гиёҳларни йиғишида катнашиб, бу ишга ўз ўртоқларини ҳам жалб қилишлари керак.

Езги даврда ўқувчиларни оммавий-ижтимоий ва фойдали меҳнатга жалб этишда, меҳнат бригадалари тузилиши сабабли мактаб санитар постлари меҳнат чорагида бу коллективларнинг тиббий-санитария таъминотида иштирок этади.

Ўқувчилар меҳнат бригадалари таркибига киритилган санитар пости аъзолари билан иш жойига боришдан олдин қуйидаги мавзуларда қўшимча машғулотлар ўтказилади: меҳнат бригадаларида санитар постларининг вазифалари ва олиб бориладиган иш режалари, санитар-тарғибот ишларида иштирок этиш, жароҳатланишларнинг, заҳарланиш ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, баҳтсиз ҳодисалар, жароҳатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказолар.

Меҳнат бирлашмаларининг санитар пости яшаш хоналари ва лагер территориясининг санитар ҳолатини, бригада аъзоларининг кун тартиби, шахсий ва жамоат гигиенаси талабларини бажаришларини назорат қиласди, улар ўртасида гигиеник билимларни тарғибот қилишда (маъруза, сұхбатларга жалб қилиш, санитар-тарғибот ва кўргазмали-ташвиқот материалларини тарқатиш, саломатлик бурчагини ташкил қилиш, санитар деворий рўзномалари, бюллетен, «Чақмок» ахборотларини чиқариш, саломатлик байрамларини ўтказиш ва бошқа тадбирларда) катнашади, майда жароҳат ва бошқа зарур

ҳолларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатади. Санитар пости аъзолари тиббиёт ходимларининг топшириғига биноан туристик сафарларда ҳам иштирок этадилар.

Болаларни гигиеник тарбиялаш ишларини болалар муассасалари ва оиласда ўзаро боғлиқлик ва изчиллик асосида олиб бориш лозим. Акс ҳолда муассаса ходимларининг катта меҳнати эвазига юзага келган, ҳали мустаҳкамланмаган кўнікмалари бузилиши мумкин. Бу кўнікмаларни мустаҳкамлашда ота-оналар катта рол ўйнайдилар. Отa-оналар билан сұхбатлар ўтказилади, оналар мактаби ташкил этилади, кўргазмалар уюштирилади, бюллетенлар мазмуни, санитар-тарғибот иш режалари ва аниқ талаблар белгиланади (юқумли касалликларнинг олдини олиш, болаларни тўғри парваришилаш, соғлом ўстириш омиллари, болаларни нотўғри овқатлантиришнинг асоратлари).

Мактабгача ёшдаги болалар муассасасида гигиеник тарбия ишларини тиббиёт ходимлари бир неча йўналишда олиб борадилар. Даставвал болалар яшаётган мухит шароитларини тўғри ташкил этиш учун ходимлар санитария-гигиена билимларини доимий равишда ошириб боришилари лозим. Бунинг учун биринчи навбатда муассаса маъмурияти гигиеник тарбиялаш ишларини олиб боришилари зарур. Болалар соғлигини саклаш билимларига эга бўлмаган муассаса ходимлари орасида гигиеник талабларнинг бузилиши кўпроқ кузатилади. Бу муассасаларда кун тартибига риоя қилишда гигиеник талабларнинг бажарилиши, болаларни парваришилаш ва уларга маданий-гигиеник кўнікмаларини сингдириш тарбиячилар вазифаси бўлганлиги учун, улар билан доимий тарзда иш олиб борилиши шарт.

Хизмат қилувчи ходимлар санитар-гигиеник коидаларнинг онгли равишда бажарилишига эътибор беришила-ри лозим.

Шифокорнинг ота-оналар билан ишлаши алоҳида ўтказиладиган сұхбатлар, тушунтиришлар, уйларни бориб кўриш ва камчиликларни йўқотиш бўйича тавсиялар бериш каби кўринишларда олиб борилади. Саломатлик бурчаклари ва кўргазмалар ташкил этилади.

Мактабларда амалга ошириладиган гигиеник тарбия ишлари кўп қирралидир. Ўқувчиларга кўрсатилган методик ёрдам мактаб ўқувчиларини гигиеник тарбиялаш ва уларнинг соғлигини саклаш масалалари билан мактаб ўқувчилари кенгашида иштирок этишdir. Ўқитувчиларга чукурлаштирилган тиббий кўрикнинг натижалари амалий тавсиялар, меҳнат, политехник ўқитиши ва жисмоний

тарбиянинг гигиеник ташкил этилганлиги ҳақида маълумотлар билан берилади. Шифокорлар бошланғич синф, биология, жисмоний тарбия, меҳнат ўқитувчиларига шу дарслар режа ва дастурига киритилган гигиена асосларини ўқувчиларга қандай етказиш ҳақида маслаҳатлар беришади. Мактаб тиббиёт ходимлари ўқувчининг кун тартибини тузиш, кўз ва таянч-харакат системалари касалликларининг олдини олиш ва бошқа масалалар юзасидан ўқитувчиларга маъruzalар ўқишади. Тиббиёт ходимларининг ёрдами ва бошқаруви остида гигиеник таълим ва тарбия ишлари бўйича методик кўргазмали кўлланмалар яратилади.

Тиббиёт ходимининг вазифалари гигиеник масалалар бўйича танлаб дарсларга кириш ва уларни таҳлил қилиш киради. У соғлиқни саклаш бўйича очик дарслар ташкил қилишда фаол иштирок этади.

Мактаб тиббиёт ходимларининг дарсдан ташқари ишлари ўқувчилар билан сұхбатлар ва маъruzalар, мавзуй кечалар ва ёшлар йигинларини ўтказиш, саломатлик кунларини ташкил қилиш, маҳсус кинофильмларни намойиш этиш, «Ёш ҳакам», «Ёш микробиолог» каби тўгаракларда машғулотлар олиб бориш, гигиеник тарбия ва санитария ҳолатига қараб *намунали синф* ва *мактаб кўрикларини* ташкил этиш каби кўринишларда олиб борилади.

Ўқувчиларнинг санитар ташаббускорлиги тиббиёт ходимлари, Қизил Крест ва Қизил Яримой жамияти ва болалар раҳбари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Ота-оналарни санитария-гигиенага доир тарғибот ишларига жалб қилишга, улар билан маъruzalар, сұхбатлар, синф ва умум мактаб мажлисларида ўқувчиларнинг оиласда ва мактабдаги гигиена қоидларига оид савол ва жавоб кечаларини ўтказиш киради. Тиббиёт ходими мактабда ота-оналар университетини ташкил қилади, санитария-тарғибот ишларига доир кинофильмларни намойиш этади. Болаларни соғломлаштиришга оид саволлар бўйича ота-оналар билан машғулотлар олиб боради. Бундан ташқари, улар «Ўқувчининг саломатлиги тўғрисида ота-оналар» бурчагини тузиб, ўқувчилар гигиенасига таалукли бўлган ёдномалар, варакалар, рисолаларни тарғибот қилади.

Муассасалардаги ходимлар орасида ўкув хоналарига бўлган гигиеник талаблар, хоналар ёруғлиги ва ҳавосини алмаштириб туришнинг аҳамияти, мактаб жиҳозлари, ўқувчиларни ўз-ўзига хизмат қилишини ташкил этиш, улардаги гигиеник кўникмаларни тарбиялаш, юқумли

касалликларнинг олдини олишнинг муҳим чора-тадбирлари, ходимларнинг шахсий гигиенаси каби мавзуларда сұхбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилади.

Мактаб шифокори ва ҳамшираси гигиеник тарбия ва санитария тарғибот ишлари юзасидан ўтказилган тадбирларни қайд қилиб бормоғи лозим. Ўқув йили давомида қилингандар ишлар натижасининг ҳисоботи ўқитувчилар кенгашларыда, санитария тарғибот уйида ва болалар поликлиникаларыда ўтказиладиган мажлисларда берилади.

Саломатлик энг катта бойлиқдир. Ҳар бир инсон келажакда ҳар томонлама етуқ соғлом ва баркамол бўлиши учун ёшлигидан ўз саломатлигига эътибор бериши лозим.

Республикамида соғлиқни сақлаш ишларига катта аҳамият берилади. Бу борада бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Лекин шунга қарамай, ҳозирги вақтда боғча болалари ва мактаб ўқувчилари орасида турли қасалликларнинг кўпайиб бориши катта ташвиш уйғотмоқда.

Бошланғич синф ўқувчилари орасида қадди-коматнинг бузилиши 60 фоиздан кўпроқ аниқланмоқда.

Мактабни тугатиш даврига келиб ўқувчиларнинг ярмида кўриш қобилиятининг пасайғанлиги кузатилмоқда. 30—40 фоиз болаларни юрак-томир системасидаги ўзгаришлар безовта қилади. Талайгина болалар эса асабрухий бузилишларга дучор бўладилар. Кўпгина ўқувчиларда 10-синфга келиб, сурункали қасалликлар юзага келади. Ҳолбуки, ҳар 3 ўқувчидан бирининг соғлиғида бирданига турли ўзгаришлар кузатилади. Баъзи ўқувчилар спиртли ичимликлар ичишга, тамаки чекиш ва ҳатто наркотик моддаларга ҳам берилиб кетадилар.

Республикамида «Саломатлик» ва «Соғлом авлод» учун каби дастурлар қабул қилингандар бўлиб, уларда болаларни гигиеник тарбиялаш бўйича долзарб чора-тадбирлар режалаштирилган.

Ўқувчиларни тибиёт ва гигиена бўйича илмий асосланган билимлар билан қуроллантириш, тегишли одат ва кўниқмаларга ўргатиш зарур. Шу сабабли ҳалк таълими тармоклари олдида ўсиб келаётган авлодни гигиеник тарбиялаш борасида маҳсус дастур ишлаб чиқиш, шу мазмундаги адабиётларни нашрдан чиқариш, жамиятимида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиб бериш вазифаси турибди. Турли қасалликларнинг олдини олиш, ичкиликбозлик, чекиш, нашавандлик ва соғлиқка зарар

келтирувчи бошқа хавфли одатларни узил-кесил йўқотиш ҳозирги пайтда жамиятимиздаги асосий долзарб масалалардан ҳисобланади. Уларни ҳал этиш учун муррабабийлар, тиббиёт ходимлари ва халқ таълими идоралари ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим.

Одам саломатлиги З даражали ҳимоя механизмлари билан таъминланади: **экологик муносабатлар** — одамни ўзгарувчан ташки муҳитга мослаштиради; организмнинг **биологик мослашув системалари**: давлат ва жамият олийгоҳлари амалга оширадиган одам саломатлигини ҳимояловчи **иқтисодий чоралар-тадбирлар**. Бу даражада, бир-бирини келтириб чиқаради ва бир-бири билан узвий боғланган бўлади. Шунинг учун мактабдаги соғликни сақлаш ишлари ва ўқувчиларнинг гигиеник тарбияси юкоридаги омилларни саломатлик ҳолатига таъсир Конунлари ва хусусиятлари борасидаги билимларга асосланган бўлиши лозим.

Гигиеник тарбия ўсиб келаётган авлод саломатлигининг ажралмас қисми ҳисобланади. У катта иқтисодий аҳамиятга эгадир. Чунки унинг асосида самарали меҳнат ва ижтимоий фаолият олиб бориш учун етарли даражада таёрг турган фаол кишилар онгини шакллантириш ётади.

Ўқитиш жараёнига гигиеник ўкув материалларини киритиш, шунингдек, уни синфдан ва мактабдан ташқари ишларда кўллаш ўқувчиларнинг гигиеник таълим-тарбиясини кучайтиради.

Ўқувчиларни гигиеник тарбиялаш кишини гормоник ривожлантиришнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ўқувчилар гигиеник тарбияси педагогик асосларининг дастлабки концепцияси сифатида муҳитнинг биологик, экологик ва ижтимоий омиллари ҳисобланаб, у ўсиб келаётган авлод саломатлигига таъсир кўрсатади ва болалар ва ўсмирларнинг соғлом турмуш яратиб беришда фақатгина тиббиёт ходимлари, педагогик коллективларнига эмас, балки кенг жамоатчиликни жалб этишни кўзда тутади.

Ўқувчиларни гигиеник тарбиялашнинг узлуксиз жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: билим ва кўникмалар даражасини ўрганиш; гигиеник тарбия ва унинг босқичларининг мақсад ҳамда вазифаларини аниқлаш; илфор санитария-гигиеник тажрибани мужассамлаштириш ва ундан фойдаланиш; комплекс дастурлар тузиш; гигиеник тарбия ва ўқитишнинг самарадорлигини (гигиеник тарбия даражаси, гигиеник хулк-автор, гигиеник маданият, фаолияти тури ва ҳоказо, аниклаб бориш. Гигиеник тарбия — бутун бир система. Гигиеник тарбия

жараёни қарама-қарши таснифга эга ва кишининг ижтимоий — тарбия системасидаги хулқининг ўзаро боғланган объектив ва субъектив омилларининг мураккаб таъсирини акс эттиради. Гигиеник тарбия ўрта таълимнинг мажбурий компонентларидан бўлиб, саломатликка ижобий ёки салбий таъсир этувчи омиллар, уни мустаҳкам шароитлари ва усуслари, шунингдек, касалликларнинг профилактикаси ҳакидаги билимлар системасини ўзида тутиши керак.

Гигиеник тарбия системаси ҳакида бир неча тушунчалар мавжуд. Баъзиларнинг фикрича, бу ўқувчилар билан иш олиб боришининг таркиби, шакли, усуслари мажмуасидир. Баъзилар бу системани ўқитиш ва тарбиялаш шароитларининг комплекси сифатида кўрсатадилар. Учинчи тур кишилар бу ўзаро узвий бир-бири билан боғланган ва бир-бирини тўлдирувчи педагогик таъсирлар мажмуаси деб хисоблайдилар. Бу дунёқарашлар вакт ўтиши билан қўйидаги компонентлар хисобига сезиларли даражада кенгайди: дарсда, синфдан ва мактабдан ташкари гигиена бўйича асосий билимларни систематик равишда олиб бориш; ўқувчиларни синфдан ва мактабдан ташкари гигиеник чора-тарбирларни ўтказишга жалб қилиш; ўқитувчиларнинг гигиеник тарбияни тарғибот қилишга тайёрлаш.

Гигиеник тарбия системасини амалга ошириш — гигиеник тарбиявий, юкори даражадаги санитария-гигиена маданиятига эга бўлган соғлом кишини шакллантиришга имкон яратади.

Системали ёндошишнинг моҳияти алоҳида кичик системалар мажмуасини бутун ҳолда кўриш, бу кичик системаларнинг ҳар бирининг хусусиятлари ва алоқаларини аниқлашдан иборат. Алоқаларни таҳлил қилиш системаларнинг ишлаш кетма-кетлигини, ҳар бир кичик системанинг бир-бирига тобелик ҳарактерини аниқлашга имкон беради.

Гигиеник тарбияланган кишини шакллантиришни қўйидаги ташкилий-таркибий схема таъминлайди (Д. Шарипова):

— биринчи кичик система — болаларни тарбиялаш, ўқитувчи, тарбиячи, ота-оналар орасида маърифат ишлари олиб боришининг назарияси ва амалиёти;

— иккинчи кичик система — гигиеник тарбияни амалга ошириш звенолари: оила, мактабгача бўлган муассасалар, мактаб, болалар спорт мактаби, мактабдан ташкари муассасалар, мактаблараро ўкув касб маркази, болалар ва спорт соғломлаштириш муассасалари;

— учинчи кичик система — мутахассислашган кадр-

лар тайёрлаш: тиббиёт ва педагогика олийгоҳлари, билим юртлари;

— тўртинчи кичик система — гигиеник тарбия системаси-ни бошқариш.

Гигиеник тарбия ўқувчиларнинг ўз саломатлигини, саклаш, ташқи муҳитни муҳофазалаш бўйича зарур белгиларга эга бўлишини назарда тутади. Гигиеник маорифни амалга оширишда инновацион ўқитишдан фойдаланиш тавсия этилади. Бу усул бўйича ўқувчиларнинг ўзлари таянч нуқталарини топадилар, саломатликни саклаш йўллари борасида ижодий изланишлар олиб борадилар, чунки ўқитувчилар, ота-оналар, мақолалар, брошюралардан тайёр ҳолда олинган билим ва кўникмалар гигиеник тарбиянинг етарлича самарадорлигини таъминлайди.

Бошлангич синфларда ўқувчилар тиббиёт ва гигиена бўйича билимларни атроф-муҳит билан танишиш, ҳукуқшунослик, ўқиш (1—4- синф) дарсларида эгаллайдилар. 5—11-синфларда гигиеник билимлар ўқувчилар томонидан табиий-илмий цикл, жисмоний тарбия, техник меҳнат ўқув предметлари машғулотларида, 5—8- синфларда «Соғлиқни ёшлиқдан сакла», «Саломатлик ҳақида сухбатлар», 9—11- синфларда эса «Тиббий билим асослари» кўлланмаларини ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади. Бу предметлар ўқувчиларнинг соғлигини саклаш ҳақида эгаллаган маълумотларини кенгайтиришга ва тўлдиришга каратилган.

Синфдан ва мактабдан ташқари иш жараёнида амалга ошириладиган гигиеник тарбия амалиёти — оиласда гигиеник тарбияни, кун тартиби талабларини бажаришни, меҳнат ва шахсий гигиенага риоя қилишни, экология ва саломатлик орасидаги боғлиқликни сезишни, жароҳатланиш профилактикасини, хавфсизлик техникасига амал қилишни, халқ педагогикасининг илмий-миддлий урфодатларини ҳисобга олиб ўз-ўзини тарбиялашни назарда тутади.

Гигиеник тарбияни амалга оширишнинг асосий шароитлари бўлиб, объектив ва субъектив омиллар ҳисобланади. Гигиеник тарбия самарадорлиги факатгина соғлиқни саклаш ютукларига эмас, балки табиий ва ижтимоий-иктисодий шароитлар — хозирги замон талабларига жавоб берувчи техник материал базанинг мавжудлигига ҳам боғлиқ. Ўқувчи атроф биоижтимоий муҳит параметрлари кескин ўзгаришида юзага келувчи турли стресс таъсиrlарга бой бўлган реал ва мураккаб дунёда яшайди. Саломатликни қандай саклаш мумкин ва зарур

эканлиги ҳақида маълумот олиш билан бирга, у ташки мухитни ифлослантириш қандай хавфли оқибатларга олиб келишини тушуниб етади. Мисол сифатида кўйидаги рақамларни келтириш мумкин: Ўзбекистонда 471 та ишлаб чиқариш корхоналарида атмосферани ифлослантирувчи зарарли манбалар мавжуд, лекин шулардан факат 5 фоизи зарарли газ ва chanгларнинг ташки мухитга чикишидан химоя килувчи воситалар билан таъминланган.

Ўқувчилар ўқув-жараёни давомида юқумли касаллик²

Ўқувчилан ўқув жараёни давомида юқумли касалликлар профилактикаси ҳақида кенг маълумотларга эга бўладилар, шунингдек хозирги вактда юқумли касалликлар умумий патологиясининг факатгина 10 фоизини ташкил килиши, юқумли бўлмаган соматик касалликлар, руҳиятининг функционал бузилишлари, сурункали алкоголизм ва нашавандликнинг (35 фоизгача) ўсиб бораётгани ҳақида воқиф бўладилар.

Яна бир мухим ҳолатни эътиборга олиш зарурдир: одам ишлаб чиқарышнинг субъекти сифатида, НТР нинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланиб, ўз ҳаракатлари билан тури экологик оқибатлар келтириб чиқаради ва шу билан бир вактда табиатнинг бўллаги бўлган ҳолда шу оқибатларнинг асосий объекти бўлиб колади. Шунинг учун гигиеник тарбиянинг мухим бир шароити — ўқувчиларда табиат ва инсоннинг бузилмас диалектикаси, ижтимоий, биологик бирлиги ҳақидаги тушунчани шакллантириш зарурияти ҳисобланади.

Гигиеник тарбия самарадорлигининг мажбурий шароитлари бўлиб қўйидагилар: соғлом турмуш тарзи, ҳар хил турдаги фаолият ва дам олишни меъёрлаш, санитария-гигиеник тарбия, жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланиш, тиббий-педагогик билимларни кенг кўламда тарқатиш ҳисобланади. Шунингдек, ушбу савол бўйича маҳсус адабиётлар, ўқитишининг техник воситалари, кўргазмали қуроллар, кийим, оёқ кийимига бўлган гигиеник талабларга риоя килиш ҳам мухимdir.

Соғлом гигиеник тарбияни мактабгача ёшдан бошлаш керак. Эрта болалик даври ёшидаги болалар учун мўлжалланган муассаларда (болалар яслилари, болалар уйлари) олиб бориладиган гигиеник тарбия шу муассаса ходимларнинг болаларнинг гигиеник парваришини тўғри ташкил килишидан иборатdir.

Болалар муассасалари учун тарбиячиларни тайёрлаш давомида энг асосий вазифа — бола ҳаётини жамоа ичидаги мақсадга мувофиқ равишда маҳорат билан давом этиришни ўргатишdir. Болаларни овқатлантириш, чўмилтириш, уларни чиниктириш ва бошқа вазифаларни

бажариш учун барча зарур тадбирларни тўғри ва моҳирлик билан ташкил этиш лозим.

Болалар муассасаларида бу билим ва кўникмаларни амалга ошириш, фақатгина боланинг шу ердаги ҳаёти учунгина эмас, бу ердан кетгандан кейинги ҳаёти учун хам ахамиятлидир. Шу сабабли болалар ясли ва уйларининг ходимлари соғлиқни сақлаш идораси вакиллари раҳбарлиги остида ота-оналар ўртасида уй ва болалар муассасаларидаги шароитлар ва тартибларнинг фарқи катта бўлмаслиги кераклиги ҳакида тушунтириш ишларини олиб борадилар.

Болалар муассасалари ва уйларида кун тартибининг ҳар бир ташкилий қисмининг (очик ҳавода бўлиш, уйку, сайдлар, эрталабки бадан-тарбия ва чиникитириш) ҳар бир ёшдаги болалар гурухлари учун аниқ бажарилишини таъминлаш зарур. Ўз вактида миқдори жиҳатдан етарли сифат жиҳатдан турли-туман бўлган, ёшга боғлик равишда тўғри танланган овқатланиш нормалари болаларда овқат вактида бўлган рефлексни шакллантиради, мустакил овқатланиш, идиш-товоқлардан, сочиқлардан фойдаланиш, овқатдан олдин ва кейин юз кўлларни ювиш, кўникмаларини ҳосил қилишда ёрдам беради. Шундай қилиб, эрта болалик даврида болани болалар колективида тарбиялашда биринчи ўринга боланинг ўзи эмас, балки катталарнинг ҳаёти ва фаолиятининг тащкил этиш заминини яратиш чиқади.

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Юқумли касалликларни микроблар ёки вируслар пайдо қиласи ва беморлардан соғ одамларга ўтади. Инфекция манбаи одам ёки ҳайвон хисобланади. Бемор организмига микроблар атроф-мухитдан турли йўллар билан ўтади. Кизамиқ, дифтерия, кўкйўтал, грипп кўзғатувчилари bemor йўталганда, аксирганда, гапирганда, тупиги билан атрофга тушади, Юқумли гепатит, ич терлама, дизентерия микроблари эса bemor ахлати билан тупроқка тушиб ифлос қиласи. Қўллар ифлос бўлганда, ҳўл мева, сабзавотларни яхши чаймай еганда, идиш-товоқлар тоза ювилмай ишлатилганда, очик сув ҳавзалидан кайнамаган сувни ичганда микроблар оғиз орқали меъдага ўтади, кейин ичакларга ўтиб, касаллик кўзғатади.

Пашша микробларни оёқларида ташиб, таркатиб юради, шу туфайли, уларни иложи борича кириш керак. Болалар организмига тушган микроблар етарли миқдорда кўпая олгандагини касаллик келиб чиқади. Бунинг учун

маълум вакт керак бўлади, бу касаллик юққандай то бошланғунча ўтган давр -- яширин давр дейилади. Яширин давр турли юқумли касалликларда турличабир неча соатдан, бир неча ой ва ҳафталарга чўзилади.

Яшириш даврдан кейин касаллик аломатлари аникланиди: беморнинг харорати кўтарилади, ўзини беҳол сезади, иштаҳаси йўқолади ва ҳоказо. Бу давр узокка чўзилмайди ва касаллик ўткир кечади.

Агар микроблар организмга тушиб, ўзига шароит топа олсагина касаллик ривожланади. Организмдаги бундай шароит касалликка мойиллик деб аталади. Бола организми юқумли касалликларга чидамли бўлиши учун уни тўғри ва сифатли овқатлантириш, яхши парвариш қилиб тарбиялаш ва чиниктириш зарур. Баъзи юқумли касаллик билан оғриб ўтгандан кейин одамда узок вактгача шу касалликка нисбатан иммунитет хосил бўлади. Бу табиий иммунитет хисобланади. Организмда сунъий йўл билан иммунитет хосил қилинади, бунда организмга махсус препарат (вакцина) юборилади.

Юқумли касалликларнинг олдини олишда қўйидагиларга риоя қилиш:

1) болаларни овқатланишдан олдин, ҳожатхондан чиққандан кейин қўлларини яхшилаб ювишга одатлантириш;

2) болалар тирноғини калта қилиб олиш;

3) болаларни тез-тез чўмилтириб, вактида ич-кийим ва куйлакларини алмаштириб туриш;

4) боларга ҳом сабзавот, меваларни яхшилаб ювиш ва қайнаган сувда чайиб бериш;

5) ариқ, қудук, дарё, қўл сувларини факат қайнатиб кейин ичиш;

6) барча махсулотларни пашшадан эҳтиёт қилиш, пашшаларни барча воситалар билан қириш;

7) агар бола ўзини ёмон хис қилса, тезда врач чакириш зарур.

Болаларда кўпинча гижжа касалликлари — гельминтозлар учрайди, улар организмнинг турли органларида яшайди. Гижжалар кўпинча ичакларга жойлашиб олади. Баъзи гижжалар одам еган овқати билан озиқланади, бошқалари эса одам танасидан қонни ёки ширани сўради. Улар ичак деворига ёпишиб, олиб унинг шиллик каватини зарарлайди, бу ўз ўрнида касаллик қўзғатувчи микробларнинг осонлик билан ўтишига ва меъда-ичак касалликларининг келиб чиқишига имкон яратади.

Гижжалар ҳаёт фаолияти жараённида ўзидан заҳарли модда — токсин ажратади, у организмга зарарли таъсир

кўрсатади, Гижжа юккан боланинг иштаҳаси пасаяди, кўнгли айнийди, қайт қилади, Қорни тутиб-тутиб оғрийди, ичи кетади ёки қабзият бўлади. Тез-тез боши оғриб туради, мадори қурийди, бўшашибади, ҳатто талвасага тутади. Бола сержаҳл инжик бўлиб қолади, яхши ухламайди. Бирок гижжа билан заарарланган баъзи болалар ўзларини яхши хис қиладилар ва ҳеч нарсадан шикоят қилмайдилар. Бу организмнинг умумий ҳолатига боғлик бўлади: организм бақувват бўлса, у узоқ вактгача гижжага қарши кураша олади.

Одам ичагида яшайдиган гижжалар у ерга жуда кўп тухум кўяди, бу тухумлар ахлат билан ташқарига тушади. Гижжа тухумлари тупрокка, очик сув ҳавзаларига тушади, улар шамол, пашиб ёрдамида одамлар яшайдиган хоналарга, турли буюмларга, озиқ-овқат маҳсулотларига тушиб, уларни ифлос қилади.

Бола ифлос тупроқда, кумда ўйнаганда, қайнамаган сувни ичганда, сабзавот, меваларни ювмасдан еганда гижжаларни осонгина юқтириб олади.

Гўштни яхши қайнатмай ёки чала ковуриб еганда ҳам одамга гижжа юқади.

Гижжаларнинг бир неча хили бўлади. Болаларда кўпинча аскаридалар ва остицалар учрайди.

Аскаридалар йирик чувалчангсимон бўлиб, узунлиги 20—30 см га етади. Урғочи аскарида ҳар куни жуда кўп тухум кўяди, бу тухумлар ахлат билан ташқарига чиқиб, тупроқни ифлослайди. Аскарида тухумлари чанг билан хоналарга, стол устига, озиқ-овқат маҳсулотларига ва бошқа буюмларга ўтади. Болалар ҳовлида, боғда ёки томоркада ўйнаб, кўлларини тупроқ ёки қум билан ифлос қиладилар, улар кўлни юмасдан овқат есалар, гижжа юқиб қолади.

Острицалар майдага, ок чувалчанглар, узунлиги 1 см га етади. Урғочи остица орка чиқарув тешиги бурмаларига тухум кўяди. У ичакдан ўрмалаб чиқиб, каттиқ қичиштиради, Острицалар кўпинча кечкурун, бола уйқуга ётганда ўрмалаб чиқади. Бола қичишаётган жойини қашиб, бармоқларини ифлос қилади, натижада тирноқлари остига остица тухумлари кириб қолади. Бола бармоғини оғзига солганда, гижжа тухумини яна ичига ютади, яъни ўзига-ўзи гижжаларни юқтираверади. Бунда остицаларнинг жуда кўп тухумлари кириб қолади. Острица тухумлари бола танасига, ўрин-кўрпаларига, тушади. Агар эрталаб она боланинг кўрпасини, чойшабини шу хонанинг ўзида силкитиб қоқса, гижжа тухумлари полга

ва атрофдаги буюмларга тушиши, кейин у ердан осонлик билан күлгә, сүнг оғизга ўтиши мумкин.

Гүштни яхши қайнатмасдан ёки чала қовуриб ейиш натижасыда одам солитёр билан заарланиши мумкин. Солитёрнинг боши ва узун танаси алоҳида бўғимлардан иборат. Орка бўғимларда кўп тухум бўлади. Тухумлар етилганда бўғимлар танадан ажралиб, ахлат билан ёки мустакил равиша одам организмидан ташқариға чиқади.

Болаларни гижжа юқишидан асраш учун уларнинг озода бўлиб юришлари, шахсий гигиенага эътибор беришларини қатъий кузатиб бориш зарур. Болаларни овқатланишдан илгари ва хожатхонадан чиккандан кейин, албатта қўлларини ювишга одатлантириш керак. Сабзавот, меваларни совук сувда ювиб, кейин қайнаган сувда чайиб, ейиш керак.

Уй-жойларни ва ҳовлиларни тоза тутиш лозим. Хоналарни ҳар куни намлаб супуриб-сидириб тозалаб туриш керак. Айникса, пашшани кириш зарур. Гүштдан гижжа юқиб қолмаслиги учун уни яхшилаб қайнатиб ёки қовуриб ейиш лозим. Ҳом қиймани татиб кўриш ёки болаларга бериш мумкин эмас.

Агар болада гижжа борлигига шубҳа туғилса, уни ота-она дарҳол врачга олиб бориши, ўзича даволашга киришмаслиги керак.

Агар болада острциалар пайдо бўлса, болани врач кўрсатмаси билан даволашдан ташқари, ҳар куни унинг остини илиқ сувда совунлаб ювиш, ич-кийимларини алмаштириш шарт.

Болаларни юкумли касалликлардан ва гижжалардан эҳтиёт қилиш мухим вазифадир, буни ҳал қилишда фақат тиббиёт ходимлари эмас, балки ота-оналар ҳам қатнашишлари керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР

- Ананьева Н. А.* ва бошқалар. О единой скрининг-программе для массовых обследований в системе мед. обеспечения школьников. М., 1980.
- Бекетова Л. М.* ва бошқалар. Особенности полового созревания учащихся Узбекистана. Мед. журнал Узбекистана, 1992,, 9-сони.
- Ведрашко В. Ф.* Организация питания в детских учреждениях. М., 1969.
- Гигиеническая оценка обучения учащихся в современной школе. М., Медицина, 1975.
- Гигиена детей и подростков. под ред. В. Н., Кардашенко, М., Медицина, 1988.
- Исмоилов М. Н.* Мактабгача тарбия ёшидаги болалар гигиенаси. Тошкент., Медицина, 1984.
- Исмоилов М. Н.* Ўкувчи гигиенаси. Тошкент. Медицина, 1977.
- Исмоилов М. Н.* Ўсмиirlар гигиенаси. Тошкент 1979.
- Исмаилов М. Н., Гулямова Ш. Х., Лосев В. М.* Некоторые итоги НИР по проблеме гигиены физического и трудового обучения детей в условиях Узбекистана. Ташкент, 1993.
- Сердюковская Г. Н.* Социальные условия и состояние здоровья школьников. М., Медицина, 1979.
- Солихўжайев С. С.* ва бошқалар. Умумтаълим ва хунар мактаби ислоҳоти шароитида ўкувчилар гигиенаси. Тошкент, Медицина, 1987.
- Солихўжайев С. С.* Гигиена. Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт, 1992.
- Эгамбердиева Г. О.* ва бошқалар. Ўзбекистон шароитида болалар ва ўсмиirlар овқатланишининг хозирги жиҳатлари — Мед. журнал Узбекистана. 1992. № 3.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I б о б. Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг илмий-амалий фани, мақсад, муаммо ва вазифалари	4
II б о б. Болалар ва ўсмирларнинг ўсиши, саломатлиги ва жисмоний ривожланиши	10
Бола организм минг умумий ўсиши ва ривожланиш конунгиятлари	10
Болалар ва ўсмирлар саломатлигини саклаш ҳамда уларда касаллик нинг олдини олиш тадбирлари	18
Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши ва унга ижтимоий гигиеник омилларнинг таъсири	24
III б о б. Болалар ва ўсмирлар фаолияти жараёнининг гигиеник асослари	37
Турли ёшдаги болалар кун тартибининг гигиеник асослари	43
Турли ёшдаги болаларнинг кун тартиби	45
Кичик ёшдаги (3 ёшгача бўлган) болаларнинг кун тартиби	45
Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг кун тартиби ва унинг гигиеник ахамияти (3—7 ёш)	47
Мактаб ёшидаги болаларнинг кун тартиби	50
IV б о б. Болаларни таълим-тарбия ва ўқитиш жараёни гигиенаси	57
Мактабгача бўлган муассасаларда болаларни тарбиялаш ва мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш гигиенаси	57
Мактабда болаларни ўқитиш гигиенаси	61
V б о б. Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбиялаш ва чинникиришининг гигиеник асослари	69
VI б о б. Болалар ва ўсмирлар овқатланишининг гигиеник асослари	87
VII б о б. Болалар ва ўсмирларнинг ёзги соғломлаштириш ишларининг гигиеник асослари	99
Езги боғлар, санаторий туридаги лагерлар, ўкувчилар ишлаб чиқариш меҳнат ва дам олиш лагерлари	105
Соғломлаштириш лагерларидаги болалар кун тартиби ва унинг омиллари	110
Соғломлаштириш лагерларидаги тиббиёт ходимлари вазифаларининг асосий негизлари	113
Тиббиёт ходимларининг даволаш-профилактика ишлари	113
Соғломлаштириш лагерида болаларни соғломлаштириш самарасини баҳолаш	114
VIII б о б. Болалар ва ўсмирлар муассасаларини лойиҳалаштириш, куриш ва жиҳозлаш гигиенаси	116
Болалар ва ўсмирлар муассасаларига бўлган гигиеник талаблар	120
IX б о б. Болалар жиҳозларига бўлган гигиеник талаблар	136
Болалар кийимларига бўлган гигиеник талаблар	147
X б о б. Болалар ва ўсмирларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш гигиенаси, касб аниқлаш ва танлашда шифокор маслаҳати	157
XI б о б. Болалар ва ўсмирлар тиббий таъминотининг асослари	170
XII б о б. Болалар ва ўсмирларни соғлом ҳаёт учун гигиеник тарбиялаш	183
Фойдаланган адабиётлар	206

Ўқув нашри

ИСМОИЛОВ МАЪРИФ НОСИРОВИЧ
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ГИГИЕНАСИ

ошкент 700129, Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, Навоий кӯчаси, 30.

Учебное издание

ИСМАИЛОВ МАРИФ НАСЫРОВИЧ
доктор медицинских наук, профессор

ГИГИЕНА ДЕТЕЙ И ПОДРОСТКОВ

Мухарририят мудири *Б. Мансуров*

Мухаррир *Д. Абдуллаева*

Бадний мухаррир *Э. Валиев*

Тех. мухаррир *В. Мешчерякова*

Мусаххих *С. Абдунашибева*

ИБ № 2033

Босмахонага 23, 12, 93. да берилди. Босишга 08, 08, 94 да рухсат этилди. Бичими
84×108¹/32. **Газета** корози. Офсет босма. Адабий гарнитураси. Шартли босма табок
10,92. Шартли бўёк-оттиски 11, 13. Нашр босма табок 11,84. 67—92 раками шартнома. Жами
15000 нусха. 7919 ракамли буюртма. Нархи шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент матбаа комбинатининг ижара
корхонаси, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.